

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ

М. Ражабова

ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ

(Касб-ҳунар коллежлари учун усулий қўлланма)

“ДУРДОНА” НАШРИЁТИ,
2012

Ушбу усулий қўлланма касб-хунар коллежлари ўқитувчилари ва талабалари учун мўлжалланган. Унда она тили ва адабиёти фанидан ажратилган соатларнинг мавзу ва режалари, маъруза мантлари, таянч тушунчалар, мавзуни мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар, тест саволлари, ўтказиладиган жорий, оралиқ ва якуний назоратлар учун топшириқлар, мустақил иш учун тавсия қилинадиган мавзулар ўрин олган.

Тузувчи: М. Ражабова

**Тақризчилар: филология фанлари номзоди, доцентлар Ш. Хайитов,
Б. Жўраева**

Мазкур усулий қўлланма Бухоро Давлат университети Ўқув-методик кенгашининг қарори билан нашрга тавсия этилган (3-йиғилиш, 6.12.2011).

СЎЗБОШИ

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да ҳар тамонлама камол топган интеллектуал салоҳияти юқори бўлган ёшларни тарбиялаш асосий вазифа қилиб белгиланган. Айниқса, ўрта бўғин ҳисобланган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг маънавий дунёқарабини ўстиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Боиси, мамлакат тарраққиёти бугунги авлоднинг комиллилик даражаси билан белгиланади. Бу ўринда Президент И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзларини эслаймиз: ”Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало онги, хулқ-атвори ўзгалар ибрат оладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз”¹.

Ёшларга таълим беришдан асосий мақсад баркамол авлод онгига фан асосларини пухта сингдириш орқали уларни диёнатли, эътиқодли қилиб ўстириш, ижтимоий ҳаётдаги ҳар бир ҳодисага онгли ёндашиш руҳида тарбиялаш, эгаллаган билим ва кўникмаларини ҳаётга тадбиқ этиш қобилиятини ривожлантиришдан иборат. Бу жиҳатдан, айниқса, она тили ва адабиёт дарслари ёш авлодни жамиятимиз олға сураётган юксак ғоялар руҳида тарбиялаш воситаси ҳисобланади.

“Мактаб ўқитувчиси, айниқса, ўзбек тили ва адабиёти муаллими ўзининг келажак авлодни тарбиялашда масъул эканини ёдидан чиқармаслиги керак. Ўқиш ва ўқитишнинг энг илғор шакллари ва мазмуни, бизнингча, энг аввало, адабиёт дарсларида амалга ошмоғи лозим. Бунинг учун эса биринчи навбатда, ўқитувчининг ўзи дарсда ҳар бир мавзунинг янгича ҳис этиш қувватига эга бўлмоғи, ўқувчисига замонавий талаблар даражасида тушунча бермоғи лозим. Адабиёт дарсларида муаллим машғулотдан машғулотга миллий мафкура асосида таълим ва тарбия беришни такомиллаштириб бормоғи лозим”².

Шу мақсадда тузилган ушбу усулий қўлланма касб-ҳунар коллежи ўқитувчи ва талабаларига она тили ва адабиёти фанини ўқитиш ва ўзлаштириш ҳамда уни мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Мазкур қўлланма она тили ва адабиёти фанларидан Давлат таълим стандарти ҳамда касб - ҳунар коллежларининг ўқув дастури талабларига мувофиқ тузилиб, унда мавзулар, маъруза матнлари, таянч тушунчалар, мавзунинг мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар ўрин олган. Бундан ташқари, қўлланмада жорий, оралиқ ва якуний назорат саволлари, мустақил ўқиш иш учун тавсия қилинадиган мавзулар ҳам мавжуд. Мазкур қўлланмадан ўрин олган тест саволлари касб-ҳунар коллежи ўқувчиларнинг билимини оширишга ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

¹ Каримов И.А. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” “Мулоқот” журнали 1998-йил, 5-сон.

² Мадаев О. Адабиёт дарслари ва миллий мафкура. Тил ва адабиёт таълими. 1998, 2-сон, 13-бет.

ФАННИ ЎҚИТИШНИНГ ТАҚВИМИЙ РЕЖАСИ

Т/Р	Мавзу номи	Ажратилган соат	Режалаштирилган сана	Бажарилган сана
1.	Тил ва тафаккур, уларнинг ўзаро муносабатлари. Тил ва нутқ. Нутқий фаолият кўринишлари.	2		
2.	Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари.	2		
3.	Давлат тили тўғрисидаги қонун ва ундан келиб чиқадиган вазифалар.	2		
4.	Тўғри ёзиш - саводхонлик асоси. Ўзбек имлосининг назарий асос ва тамойиллари.	2		
5.	Сўз ўзагига қўшимча қўшганда юз берадиган товуш ўзгаришлари асосида тўғри ёзиш.	2		
6.	Қўшма ва жуфт сўзлар имлоси.	2		
7.	Қисқартма сўз ва бош ҳарфлар имлоси.	2		
8.	Тиниш белгилари имлоси.	2		
9.	Нутқда сўзни тўғри танлаш мезонлари.	2		
10.	Адабиёт – маънавиятни юксалтириш воситаси. Бадиий адабиёт инсон камолотида асосий восита эканлиги.	2		
11.	Халқ оғзаки ижоди – бебаҳо бойлик. Рустамхон достони.	2		
12.	Такрорлаш. Достон ва унинг турлари, достончилик тарихи ҳақида маълумот .			
13.	Қадимий адабий ёдгорликлар – маънавият дурдоналари. “Авесто” – қомусий моҳиятга эга муқаддас китоб.	2		
14.	Ўрхун –Энасой обидаларининг адабий-бадиий қиммати.	2		
15.	Илдизни билиш ўзликни англашдир. Имом Исмоил ал-Бухорий.	2		
16.	Иншо: Ҳадис илмий сабоқлари.	2		
17.	Фирдавсининг “Шоҳнома” асари.	2		
18.	Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар.	2		
19.	Нажмиддин Кубро. Рубойлар.	2		
20.	Жалолиддин Румий. Рубойлар.	2		
21.	Сўз маъносининг кўчиши ва нутқда бундан ўринли фойдаланиш.	2		

22.	Сўзларнинг маънодошлиги, шаклдошлиги ва зид маънолиги ва буларнинг сўз қўллаш имкониятларига муносабатлари.	2		
23.	Сўзнинг ҳиссий-таъсирий жиҳатдан нутқдаги ўрни. Касбга оид сўзлар ва илмий атамалардан нутқда ўринли фойдаланиш.	2		
24.	Ифода аниқлиги – фикр равшанлиги. Гап матн сифатида.	2		
25.	Киритма гаплар. Феъл кесим ва от кесим.	2		
26.	Диалогик матнда лисоний воситалар ва гап қурилиши.	2		
27.	Гапнинг шаклий-мазмуний тузилиши ва унинг турларида синонимия қўлами.	2		
28.	Матнни кенгайтириш.	2		
29.	Матнни қисқартириш имкониятлари.	2		
30.	Алишер Навоий “Хамса”си “Ҳайрат ул-аброр”достони.	2		
31.	“Лайли ва Мажнун” достони.	2		
32.	“Сабъаи сайёр” достони.	2		
33.	“Саъдий Искандарий” достони.	2		
34.	Иншо: “Ҳайрат ул-аброр” ҳикматлари.	2		
35.	Нодира лирикаси.	2		
36.	Муқимий ғазаллари.	2		
37.	XX аср адабиёти. Ҳамид Олимжон ва Зулфия.	2		
38.	С. Зуннунова. “Рух билан суҳбат” асари.	2		
39.	Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижоди.	2		
40.	“Рухлар исёни”. “Жаҳолат тўғрисида ривоят”.	2		
41.	Боғланган қўшма гаплар.	2		
42.	Эргашган қўшма гаплар, уларнинг таркиби.	2		
43.	Эргаш гапни бош гапга боғловчи воситалар.	2		
44.	Эргаш гапли қўшма гап турлари.	2		
45.	Боғловчисиз қўшма гап.	2		
46.	Кўчирма гапли қўшма гаплар .	2		
47.	Мураккаб қўшма гаплар.	2		
48.	Нутқ услублари.Сўзлашув, публицистик	2		

	ва илмий услублар.			
49.	Бадиий ва расмий услуб.	2		
50.	Ўткир Ҳошимовнинг “Баҳор қайтмайди” қиссаси.	2		
51.	Абдулла Орипов: Мавзу ҳимояси: “Шоир лирик қаҳрамонининг қалб кечинмалари (Биринчи муҳаббатим)”.	2		
52.	Тоҳир Малик. “Алвидо, болалик” қиссаси.	2		
53.	Иншо : «Алвидо, болалик” қиссасидан олган таассуротларим.	2		
54.	Муҳаммад Юсуф. Шеърлар.	2		
55.	Жаҳон адабиёти ҳазинасидан. Фузулий ғазаллари.	2		
56.	Генрих Гейне шеърлари.	2		
57.	Жек Лондон. “Ҳаётга муҳаббат” ҳикояси.	2		
58.	“Ҳаётга муҳаббат”да яшаш учун кураш ғояси.	2		
59.	Э.Ҳеменгуэйнинг “Чол ва денгиз” асари.	2		
60.	Чингиз Айтматовнинг “Жамила” қиссаси.	2		

1-мавзу: Тил ва тафаккур, уларнинг ўзаро муносабатлари. Тил ва нутқ. Нутқий фаолият кўринишлари (2 соат)

Режа:

- 1.Тил ва тафаккурнинг ўзаро алоқадорлиги.
2. Тил ва нутқ муносабати
3. Нутқий фаолият кўринишлари ҳақида маълумот

Таянч тушунчалар: Тил, тафаккур, нутқ, нутқий фаолият, тил материали, тил унсурлари, умумийлик, хусусийлик, оғзаки нутқ, ёзма нутқ.

Тил ва тафаккурнинг ўзаро муносабати тилшунослигимиздаги энг асосий муаммолардан биридир. Маълумки, тил бўлмаса, жамият аъзолари орасида ижтимоий алоқа ва муносабат ҳам, шу одамлар яшайдиган жамиятнинг ўзи ҳам бўлмас эди. Биз тил воситасидагина бир-биримизнинг фикримизни англаймиз, кундалик ишларимизни олиб борамиз, нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини чуқурроқ билиб оламиз. Бу жараён фақат тафаккур ёрдамидагина амалга оширилади. Инсон ҳаёти тафаккурсиз кечиши мумкин эмас. Инсон бирор фаолиятни амалга ошириш учун, аввало, бу ҳақда фикр юритади. Буюм ва ҳодисаларнинг муҳим хусусиятлари, улар ўртасидаги сабабий боғланиш ҳамда қонуний алоқаларни билиб олади. Демак, тил тафаккур билан чамбарчарс боғлиқ бўлиб, фикрни моддийлаштирадиган, реаллаштирадиган, кишиларнинг

фикр алмашилишларини таъминлаб берадиган қуролдир. Тил ва тафаккур айнан бир ҳодиса эмас. Тафаккур зоҳирӣ оламнинг инсон миёсида умумлашган, тил билан ифодаланган инъикоси. Тил эса фикрни ифодалаш усули, уни қайд этиб бошқа кишиларга, авлодларга етказиш воситаси. Бошқача айтганда, тил **тафаккурнинг** борлиқ шакли.

Тил ва нутқни бир-биридан фарқлаш лозим. Тил сўзлаш воситаси, яъни нутқ сифатида намоён бўлгандагина маълум вазифани бажаради. Нутқ тил материали, унсурларидан тузилади ва нутқий фаолият натижасида юзага чиқади. Демак, тил материаллари фаолият учун хизмат қилади. Тил билан нутқни қиёслаш орқали уларнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ажратиш мумкин:

1. Тил алоқа материали бўлса, нутқ алоқа шаклидир.
2. Тилни халқ, миллат яратади, нутқни эса ҳар бир шахс яратади.
3. Тилнинг ҳаёти халқ, миллатнинг ҳаётига боғлиқ ҳолда узок бўлади, нутқнинг ҳаёти эса қисқа, хусусан, оғзаки нутқ сўзланган пайтдагина мавжуддир. Аммо ёзма нутқ нисбатан узок давр сақланиши мумкин.
4. Тил нисбатан турғун, барқарор бўлса, нутқ доимо ҳаракатда бўлиб, ўзгарувчан ҳодиса саналади.

5. Тилнинг ҳажми ноаниқ, нутқнинг ҳажми эса аниқ. У диалог, монолог, матн шаклида бўлиши мумкин.

Демак, тил билан нутқ умумийлик ва хусусийлик хусусиятларига эга бўлиб, тил нутқда яшайди, нутқ тилнинг намоён бўлишидир.

Тилнинг ижтимоий вазифаси нутқий фаолиятда, яъни нутқ сифатида кишилар ўртасида алоқа, фикрлаш, сўзлашишни амалга оширишда яққол кўринади. Нутқий фаолият кишиларнинг бир-бирларига тушунарли бўлган тил воситасида ўзаро фикр алмашилишлари, нутқий алоқага киришилишларидир. Бу жараён икки шаклда амалга ошади: оғзаки ва ёзма тарзда.

Оғзаки нутқнинг икки тури мавжуд: **оддий сўзлашув нутқи ва адабий сўзлашув нутқи**. Оддий сўзлашув нутқи табиий нутқ сифатида намоён бўлиб, шева таъсирида бўлган кундалик сўзлашув нутқининг турли кўринишларидан иборат. Адабий сўзлашув нутқи эса адабий тил меъёрларига амал қилган ҳолда гапиришни тақозо қилади.

Ёзма нутқ ёзув таъсирида пайдо бўлган нутқ шаклидир. Нутқнинг бу шакли адабий тилнинг имловий, пунктуацион, услубий қонун-қоидаларига бўйсунувчи график шаклдаги нутқ шаклидир. Ёзма нутқнинг мазмуний бўлаклари, гаплар, уларнинг қисмлари турли хил тиниш белгилари орқали ажратиб кўрсатилади. Ёзма нутқ оғзаки нутқ каби кишилар ўртасида бевосита алоқа воситаси эмас, у бошқа жойда ва замонда (келгуси даврда) яшовчи кишилар билан алоқа боғлаш воситасидир. Ёзма манбалар орқали биз ўтмиш тарихимизни ўрганамиз ва бундан келажак авлод фойдаланиши мумкин.

Нутқнинг бу шакллари турли кўринишларда намоён бўлади. Нутқ айрим шахсларга тегишли бўлиши (монологик), икки киши ўртасида юз

бериши (диалогик) ва бир неча шахслар орасида бўлиши (полилогик) мумкин. Нутқ кўринишлари ифода мақсади, қурилиши, ҳиссий-таъсирий воситалари билан фарқланади. Ёзма нутқ услубий турлари (илмий, бадиий, публицистик, расмий-идоравий) билан ўзига хос нутқ кўринишларини яратади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Тил ва тафаккурнинг ўзаро муносабатини қандай тушунасиш?
2. Тил ва тафаккур бир-биридан айри ҳолда мавжуд бўла оладими?
3. Тил ва нутқнинг ўзига хос хусусиятларини фарқлаб беринг.
4. Нутқий фаолият деганда нимани тушунасиш?
5. Оғзаки ва ёзма нутқ шаклларига хос бўлган хусусиятлар нимадан иборат?
6. Ёзма нутқ қандай меъёрларга асосланади?

II топшириқ: Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги “Сўз таърифида” бобини ўқинг, сўз қудрати ҳақида буюк мутафаккир билдирган фикрларни изоҳлашга ҳаракат қилинг.

III топшириқ: Тилнинг ижтимоий ҳаётда тутган мавқеи ҳақида ихчам матн тузинг ва унга сарлавҳа қўйинг.

2-мавзу: Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари (2 соат)

Режа:

1. Қадимги туркий тил.
2. Эски ўзбек адабий тили.
3. Ҳозирги ўзбек адабий тили.

Таянч тушунчалар: туркий тиллар, қадимги туркий тил, эски ўзбек адабий тили, ҳозирги ўзбек адабий тили

Ўзбек тили олтой тиллар оиласининг туркий тиллар туркумига киради. Дунёда 24 хил туркий тил бор: ўзбек, туркман, озарбайжон, қozoқ, қирғиз, турк, уйғур, бошқирд, қорақалпоқ, татар, чуваш, ёкут, қорачой, балқар, тува, олтой турклари, хакас, гагауз, шор, қораим, кумик, нўғой, ойрот, қарағас.

Ўзбек тили тарихи қуйидаги даврларни ўз ичига олади:

1. **Қадимги туркий тил.** Ўрхун-Энасой ёдгорликлари, Махмуд Қошғарийнинг “Девони луғотит турк” (Туркий тиллар девони), Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик” (Саодатга элтувчи билим) асарлари шу даврда яратилган.

2. **Эски ўзбек адабий тили** (XIII аср - XIX асрнинг иккинчи ярмигача), Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”, Рабғузийнинг “Қиссаи Рабғузий”, Атоий, Саккокий, Сайфи Саройи, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Турди, Гулханий, Муқимий, Завқий ва бошқа ижодкорларнинг асарлари шу тилда яратилган.

3. **Ҳозирги ўзбек адабий тили.** (XIX асрнинг иккинчи ярмидан

ҳозирги давргача). “Туркистон вилоятининг газети” нашр қилина бошлаган вақтдан (1870 йилдан) то ҳозирги кунгача яратилган барча асарлар ҳозирги ўзбек тилининг намуналари ҳисобланади.

Ўзбек тили XI асрдан бошлаб мустақил тил сифатида шакллана бошлади ва XIII асрда эски ўзбек адабий тили шаклланиб борди.

Эски ўзбек тилининг ривожини буюк Алишер Навоий номи билан боғлиқдир. У эски ўзбек тилининг кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда ажойиб асарлар яратишга қолмасдан, бу тилни илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ қилувчи “Муҳокамат ул-луғатайн” номли йирик асар ҳам ёзди ва унда ўзбек тилининг бошқа тиллардан, жумладан, форс-тожик тилидан ҳеч кам эмаслигини ишонарли мисоллар билан исботлаб берди.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Қадимги туркий тил қайси асрларни ўз ичига олади, бу даврда яратилган қандай асарларни биласиз?
2. Эски ўзбек адабий тилида қайси асарлар яратилган?
3. Туркий тилнинг ривожини Алишер Навоийнинг хизматлари нимадан иборат?
4. Қадимги туркий адабий тили қайси даврларни ўз ичига олади?
5. Ҳозирги ўзбек тили тараққиёти ҳақида қандай фикрдасиз?

II топшириқ: “Култегин”, “Билка хоқон” каби ёдгорликлардан келтирилган қуйидаги матнларнинг тили тўғрисида фикр юритинг. Уларнинг ҳолатини бугунги тилимиз билан солиштиринг.

1. Кул-Тегин йадагин ўплаю тағди,
Ўнг Тутуқ йоржун йаруқлуғ алигин тутди.
Йаруқлуғда қоронқа анжулади.
Ул соғ онда йўққусдимиз.

Мазмуни:

Култегин пиёда ҳолда душманга ташланди,
Зирҳли ўнг Тутуқни одамлари билан (бирга) тутиб олди.
Зирҳдалигича уни хоқон қошига келтирди.
Ўша қўшинни тор-мор қилдик.

2. Билга Тўнюқуқ бан ўзум. Табғач элинга қилиндим. Турук бўдун Табғачқа кўрур эрти.

Мазмуни:

Мен - Доно Тўнюқуқ эрурман. Табғач давлатида тарбияландим.
Турк халқи Табғач давлатига бўйсунар эди...

III топшириқ: “Девони луғотит турк” асаридан келтирилган қуйидаги мақолларнинг маъноларини тушунишга ҳаракат қилинг, тагига чизилган сўзларни изоҳланг.

1. Ош тотиғи туз.
2. Ит исирмас, от тепмас дема.
3. Эмгак экинда қолмас.
4. Ума келса, қут келур.

**3-мавзу: Давлат тили тўғрисидаги қонун ва ундан келиб
чиқадиган вазифалар (2 соат)**

Режа:

1. Халқ тарихининг жонли гувоҳи бу – тил.
2. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши.

Таянч тушунчалар: миллий тил, ўзбек тили, давлат тили мақоми, имло қоидалари, лотин ёзуви.

Маълумки, тил ўзига хос ижтимоий воқеа бўлиб, ўзининг ички қонунларига биноан аста-секин, йилдан-йилга, асрдан-асрга ўзгариб, бойиб, такомиллашиб боради. Бу қонуниятни инкор қилиш миллий тиллар равнақига жиддий путур етказди. Собиқ шўро даврида миллий тилимиз – ўзбек тили жуда кўп ўзгаришларни, “пўртана”ларни бошдан кечирди. Миллий тилларнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинмади. Натижада миллий тилларга жуда катта зарар етказилди. Бунга ишон ҳосил қилиш учун биргина ўзбек тилининг бошига тушган “кулфат”ларни санаб ўтишнинг ўзи кифоя. Биргина алифбонинг ўзи бир неча маротаба алмаштирилди...

Тил учун кураш бу фақат тилнинг ички ҳаётига тегишли қоида, йўналиш ва тартиблар учун, уларнинг аниқлиги, тиниқлиги, асосланганлиги учун кураш эмас. Тил учун кураш, бу - айнаи вақтда тилнинг жамиятдаги ўрни учун ҳам курашдир. Шунинг учун бўлса керак, мустақиллик шабадалари эсаётган бир пайтда ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш кун тартибига қўйилган энг муҳим масала бўлиб қолди. 1989 йил 21 сентябрда “Ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш ҳақида”ги қонун қабул қилинди. Шу даврдан бошлаб ҳар йили бу кунни тил байрами сифатида нишонлаймиз.

Мустақиллик шарофати билан ўзбек тили – давлат тилига эътибор кучайди, она тилимизнинг ижтимоий маънаеи кенгайди. Ўзбек тилининг тараққиёт ва истикболи тўғрисида ғамхўрлик қилиниб, бир қанча қарорлар қабул қилинди.

1993 йил 2 сентябрда “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида” Қонун қабул қилиниши Ватанимизнинг маънавий-маданий ҳаётида жаҳоншумул аҳамият касб этди. Янги алифбога киритилган ўзгартиришлар асосида “Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари” ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1995 йил 24 августда тасдиқланди.

Давр тақозоси билан “Давлат тили ҳақида”ги Қонунга ҳам ўзгартиришлар киритилди. 1995 йилнинг 21 декабрида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни эълон қилинди. Бу қонун 24 моддадан иборат бўлиб, унинг 1-моддасида, асосий қонунимиз бўлган Конституциямизнинг 4-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир”, деб ёзиб қўйилган.

Давлат тилини ўрганиш, унга амал қилиш табиий эҳтиёж ва заруратга, ҳатто, англандан мажбуриятга айланиб бормоқда. Ўзбек тилида тўғри, ифодали сўзлаш ва ёзиш, она тилимизнинг софлиги ва бойлиги тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш, унинг истеъмол доирасини кенгайтириб бориш давлатимиз фуқароларининг бурчи саналади. Хусусан, ҳар бир ёш ва ўқувчи ўз она тилидаги сўз бойлигини ошириш ҳамда тил имкониятларидан ўринли фойдаланишга доимо ҳаракат қилиши лозим. Сўз фикр қуролидир, киши қанчалик кўп сўз билса, унинг фикрлаш доираси, дунёқараши ҳам шунчалик кенг бўлади.

Мавзун мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Миллий тил деганда нимани тушунасиз?
2. Собиқ шўро даврида ўзбек тилига муносабат масаласи қандай бўлган, бу ҳақда нималарни биласиз?
3. Тил софлиги деганда нимани тушунасиз?
4. Миллий тил ривожини нималарга боғлиқ?
5. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонунининг қабул қилинишининг аҳамияти нимадан иборат?
6. “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида” Қонун қабул қилинишининг сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

II топшириқ: Адабиётимиз тарихининг турли давларига хос бадиий ижод намуналаридан парчалар ўқинг, улар ўзбек адабий тили тараққиётининг қайси даврига хослигини аниқланг.

4-мавзу: Тўғри ёзиш-саводхонлик асоси. Ўзбек имлосининг назарий асос ва тамойиллари (2 соат)

Режа:

1. Имло ва саводхонлик.
2. Орфография ҳақида маълумот.

Таянч тушунчалар: имло, орфография, фонетика, тилшунослик бўлимлари, тўғри ёзиш, “Ҳарфлар имлоси”, “Асос ва қўшимчалар имлоси”, “Қўшиб ёзиш”, “Чизиқча билан ёзиш”, “Ажратиб ёзиш”, “Бош ҳарфлар имлоси”, “Қўчириш қоидалари”.

Тўғри ёзиш қоидалари тилшунослар томонидан тузилади ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади. Имло қоидалари ҳукумат томонидан тасдиқланади. Кишилар ўзаро ёзишмаларда, расмий иш юритишда, таълим жараёнида, маъданӣ-маърифий фаолиятда тилнинг имло қоидаларига амал қилишга мажбурдирлар.

Маълумки, ҳар бир киши ўзбек адабий тил меъёрларини эгаллаган бўлиши, сўз ва грамматик шаклларни тўғри ёза оладиган, гап тузиш ва фикр ифодалашда энг мувофиқ воситалардан фойдалана биладиган бўлишлари керак. Тўғри ёзиш бу – саводхонликнинг муҳим белгиси

ҳисобланади. Бу тилшунослигимизнинг орфография бўлимида ўрганилади.

Тилшуносликнинг бошқа бўлимлари эса бевосита орфография билан боғлиқ. Масалан, бўғин, бўғинга бўлиш ва бўғин кўчириш - фонетика билан орфографиянинг бир-бирига алоқадор ҳодисаларидан бири. Бўғинга бўлиш билан бўғин кўчириш доимо тенг келавермайди. Буларни онгли равишда аниқлаш саводхонликни оширади.

Тилда сўзлар ва қўшимчалар маълум қоидалар асосида ёзилади. Бу қоидалар йиғиндиси **имло (орфография)** деб юритилади. Имлода тўғри ёзиш меъёрлари ўрганилади. Имло қуйидаги қоидаларга (тамойиллар) асосланади:

1. **Фонетик ёзув** (тамойил). Бу қоидага мувофиқ баъзи сўз ва қўшимчаларни эшитишимиз бўйича ёзиш мумкин:

- 1) кўк + га=кўкка;
- 2) оғиз+им=оғзим, бурун+им=бурним;
- 3) ёш+а=яша, онг+ла=англа;
- 4) икки+ов= иккови, етти+ови=еттови;
- 5) сўра+қ =сўроқ, бўя+қ=бўёқ;
- 6) кес+дир= кестир, кел+дир=келтир;
- 7) ишлай бер (ишлайвер), кела олди (келолди).

2. **Морфологик ёзув** (тамойил). Бу қоидага кўра сўз асоси ва қўшимчалар айнан, аслига мувофиқ ёзилади:

- 1) *кетти* эмас кетди, *айтипти* эмас ***айтибди***;
- 2) *Тошкенттан* эмас **Тошкентдан**;
- 3) *ишка* эмас ***ишга***;
- 4) *кулуб*, *учунчи*, *туғулди* эмас *кулиб*, *учинчи*, *туғилди* каби ёзилади.

3. **Шаклий (этимологик) ёзув** (тамойил). Бу қоидага кўра бошқа тиллардан кирган сўзлар ўша тилларда қандай ёзилса, ўзбек тили ҳам шундай ёзилади: стол (устол), банк (банка), театр (тиатр), солдат (саллот).

4. **Тарихий-анъанавий ёзув** (тамойил) бўйича сўз ва қўшимчалар тарихан, анъанавий тарзда қандай ёзиб келинган бўлса, ҳозир ҳам шундай ёзилиши мумкин: *боргил*, *борур* (боргин ва борар билан бир қаторда).

5. **Дифференциялаш (фарқлаш) ёзуви** (тамойил) сўзларни урғу ёки бошқа фонетик воситалар (масалан, тутуқ белгиси) ёрдамида фарқлаб ёзишдир: олма - олма, шер-шеър.

Сўз ва қўшимчаларнинг ёзилиши маълум бир қоидага асосланмаса, ёзувда ҳар хиллик юзага келади, натижада бир-бирини тушуниш имконияти йўқолади. Шунинг учун ҳам ўзбек тилининг имло қоидаларини пухта ўзлаштириш лозим. 1995 йилнинг 24 августида тасдиқланган “Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари”да “Ҳарфлар имлоси”, “Асос ва қўшимчалар имлоси”, “Қўшиб ёзиш”, “Чизикча билан ёзиш”, “Ажратиб ёзиш”, “Бош ҳарфлар имлоси”, “Кўчириш қоидалари” номли бўлимлари бор.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар.

I топшириқ: “Имло луғати”дан сўз ичида х ва ҳ ҳарфлари қатнашган сўзларга 50 тадан мисол топиб, икки гуруҳ қилиб ёзинг, уларнинг ёзилишига эътибор беринг:

“Х”ли сўзлар

- 1) абхаз
- 2) авиатехника

“Ҳ”ли сўзлар

- 1) айюҳаннос
- 2) алахсирамоқ

II топшириқ: “Имло қоидалари”нинг “Айрим ҳарфларнинг имлоси” қисмини синчиклаб ўрганинг. Сўнг қуйида келтирилган сўзларнинг айтилиши ва ёзилишини қуйидагича изоҳланг:

Айтилиши	Ёзилиши
Обит	Обид
қисим	қисм

Обид, қисм, давр, Юсуф, фронт, кўпайиб, бригада, ёшлик эришган, кетди, трактор, дарё.

5-мавзу: Сўз ўзагига қўшимча қўшганда юз берадиган товуш ўзгаришлари асосида тўғри ёзиш (2 соат)

Режа:

1. Сўз ўзагидаги унлининг ўзгариши.
2. Ўзак ва қўшимчаларнинг ўзгариши.
3. Ўзак ва қўшимчада товушнинг тушиб қолиши.

Таянч тушунчалар: Сўз ўзаги, товуш ўзгариши, ўзак ва қўшимча, имло қоидалари, товуш тушиши, ундошларнинг ўзгариши.

“Имло қоидалари” ёзма нутқнинг саводли бўлишини назарда тутлади. Сўз ва қўшимчаларни тўғри ёзишни ўрганишда уларнинг айтилиш хусусиятлари (орфоэпия)га ҳам эътибор бериш лозим. Ёзма нутқнинг саводли бўлиши учун қўшма, жуфт ва қисқартма сўзларнинг ёзилишига эътибор бермоқ лозим. Айниқса, сўз ўзагига қўшимча қўшилганда содир бўладиган товуш ўзгаришлари ва бунинг ёзувда акс этиши масаласи имлодаги қийин ҳолатлардан бири ҳисобланади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш мақсадида “Имло қоидалари”да сўз ўзагига қўшимча қўшганда юз берадиган товуш ўзгаришлари алоҳида кўрсатиб ўтилган. Булар қуйидагилар:

1. Ўзакдаги унлининг ўзгариши:

- **а** унлиси билан тугаган феълларга **-в, -қ, -қи** қўшимчаси қўшилганда **-а** унлиси **-о** айтилади ва шундай ёзилади: сайла-сайлов, сина-синов, сўра-сўроқ, бўя-бўёқ, ўйна-ўйноқи, сайра-сайроқи каби.

- **и** унлиси билан тугаган кўпчилик феълларга **-в, -қ** қўшимчаси қўшилганда бу унли **-у** айтилади ва шундай ёзилади: ўқи – ўқув, қазив-қазув, сови-совуқ каби. Лекин **-и** унлиси билан тугаган айрим феъллар **-қ**

қўшимчаси қўшилганда бу унли **-и** айтилади ва шундай ёзилади: оғри-оғрик, қави-қавиқ каби.

-илла қўшимчаси орқали тақлидий сўзлардан феъл ясалганда (тақилла, чирилла) асос сўз таркибида **-в** ёки **-й** товуши бўлса, бу қўшимча **-улла** тарзида айтилади ва шундай ёзилади: гурулла, шовулла, ловулла каби.

Унли товушлар билан тугаган парво, авзо, обрў, мавзу, мавқе каби форс-араб тилларидан ўзлашган сўзларга эгалик қўшимчалари қўшилганда қуйидагича ёзилади:

а) I ва II шахс қўшимчалари қўшилганда ушбу сўзлардан сўнг **-й** товуши қўшиб айтилади ва шундай ёзилади: парвойим, авзойинг, обрўйингиз, мавзуйим, мавқейинг каби;

б) III шахс эгалик қўшимчалари парво, обрў, авзо, мавқе сўзларида **-йи** шаклида қўшилади, мавзу, орзу сўзларига **-си** шаклида қўшилади: авзойи, обрўйи, мавзуси, орзуси каби.

2. Ўзак ва қўшимчалардаги ундошларнинг ўзгариши:

-қ, -к билан тугаган сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда **-к** ундоши **“г”** га, **-қ** ундоши эса **“ғ”**га ўзгаради ва шундай ёзилади. Оҳақ-оҳағи, таёқ-таёғи, оёқ-оёғи каби.

Аммо **иштирок, эрк, ҳуқуқ, равнақ, ҳақ, иштиёқ, юқ** сўзлари бундан мустасно.

-га, -гача, -гач, -гунча, -гани, -гудек, -ган, -гин, -гина каби **-г** ҳарфи билан бошланувчи қўшимчалар қандай товуш билан тугаган ўзакка қўшилишига қараб қуйидагича айтилади ва ёзилади:

а) **-к** ундоши билан тугаган сўзларга қўшилганда юқоридаги қўшимчаларнинг бош қисми **-к** тарзида айтилади ва шу ҳарф билан ёзилади: ток-токка, эк-эккин, кичик-кичиккина каби;

б) **-қ** ундоши билан тугаган сўзларга қўшимча қўшилганда бу қўшимчаларнинг бош товуши **-қ** тарзида айтилади ва шундай ёзилади: *солиқ+га=солиққа, чиқ+гани=чиққани, қўрқ+гунча=қўрққунча* каби;

в) қолган барча ҳолларда сўз қандай товуш билан тугашидан қатъи назар (жумладан, **-г, -ғ** билан тугаса ҳам), ушбу қўшимчаларнинг бош ҳарфи **-г** билан ёзилади: барг-баргга, диалог-диалогга, тоғ-тоғга каби.

3. Ўзак ва қўшимчалардаги товушнинг тушиб қолиши:

- иккинчи бўғини ёпиқ бўлган айрим отларга эгалик қўшимчалари ва шундай таркибли феълларга **-ил** нисбат қўшимчаси қўшилганда ўзакдаги иккинчи унли айтилмайди ва ёзилмайди. Масалан, оғиз-оғзим, шаҳар-шаҳринг, ўғил-ўғли, айри-айрил, қайир-қайрил каби.

-иккинчи бўғини очик унли билан тугаган сонларга **-ов, -ала** қўшимчалари қўшилганда ҳам ўзакдаги **-и** унлиси ёзилмайди: икков, олтов, еттала каби.

- мен, сен оломошларига **-ни, -нинг, -ники** қўшимчалари қўшилганда қўшимчадаги **-н** айтилмайди ва ёзилмайди. Ўзаги **-н** билан тугаган бошқа сўзлар бундан мустасно. Масалан, мени, сенинг, меники ва ўринни,

ноннинг, матнники каби.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар.

I топшириқ: Қуйидаги сўзларга қавс ичидаги қўшимчаларни қўшинг ва уларнинг ёзилишини қуйидагича изоҳлаб беринг.

Сўз ва қўшимча	Ёзилиши
1) ўрик (-га)	ўриikka
2) хирург (-га)	хирургга

Ўрик(-га), хирург (-га), металлург (-га), тут(-ган), келажак (-га), эг(-кан), тўқ(-гунча, драматург (-га), таёқ (-га), оёқ(-га), оқ(-ган), ошиқ(-ган), ўтлоқ (-га), ёғ (-га), ёғ(-ган), ёғ(-гунча), ёқ(ган), соғ(-гани)

II топшириқ: Қуйидаги феъллардан қўшимчалар ёрдамида от ёки сифат ясанг ва сўз ўзагидаги ўзгаришларини кўрсатиб беринг:

Или, қайна, сови, юмша, қот, тин, ён, сана, тўқи, қизи, тўхта.

6-мавзу: Қўшма ва жуфт сўзлар имлоси (2 соат)

Режа:

1. Қўшма сўзлар имлоси.
2. Жуфт сўзлар имлоси.

Таянч тушунчалар: қўшма сўз, жуфт сўз, имло, чизикча, тўғри ёзиш, товуш ўзгариши.

Сўзлар тузилиши жиҳатидан уч турга бўлинади: **содда сўз, қўшма сўз, жуфт сўз.**

Икки ва ундан ортиқ ўзакнинг қўшилиувидан янги сўз - қўшма сўз ҳосил бўлади. Бундай сўзларнинг ўзига хос имловий хусусиятлари мавжуд.

Қуйидаги сўзлар қўшиб ёзилади:

- **хона, нома, поя, боп, хуш, хам, умум, миждоз, сифат, кам, бахш, талаб** каби сўзлар ёрдамида ясалган қўшма от ва қўшма сифатлар қўшиб ёзилади: қабулхона, табрикнома, таклифнома, оммабоп, хушхабар, ҳамсухбат, оромбахш, камқувват, буғдойранг, умумухалқ, совуқмиждоз, девсифат, сувталаб.

- **а (р),** (инкори-мас) қўшимчалари билан тугайдиган қўшма от ва қўшма сифатлар қўшиб ёзилади: ўринбосар, отбоқар, чўлқувар, ишёқмас, қушқўнмас каби.

- Такрор тақлид сўзлардан қўшимча қўшиш орқали ясалган от ва феъллар қўшиб ёзилади: пирпирак (пир-пир+ак), хайхайла (хай-хай+ла), ғижғижла (ғиж-ғиж+ла) каби

- Нарсани (предметни) бошқа бирор нарсага нисбатлаш (қиёслаш), ўхшатиш йўли билан билдирувчи қўшма от ва қўшма сифатлар қўшиб ёзилади: карнайгул, қўзиқорин, отқулоқ, ойболта, девқомат, шерюрак, бодомқовоқ каби.

- Нарсани унинг ранги, мазаси, ўзидаги бирор нарсаси ва шу каби

белгилари асосида билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади: олақарға, қизилиштон, аччиқтош, мингоёқ каби.

- Нарсанинг бирор мақсад, иш учун мўлжалланганлигини билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади: кирсовун, қийматахта, тоққайчи, ошрайхон, молқўра, носқовок, кўзойнак каби.

- Нарсани жойга нисбат бериш асосида билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади: тоғолча, чўлялпиз, сувилон, қашқаргул каби.

- Маросим, афсона кабиларни билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади: кирювди, келинтушди, қорёғди, Уртўқмоқ, Очилдастурхон каби.

- Қаратувчили бирикманинг бир сўзга айланиши йўли билан юзага келган қўшма отлар қўшиб ёзилади: мингбоши, сўзбоши, олмақоқи каби.

- Иккинчи қисми турдош от билан ёки **обод** сўзи билан ифодаланган жой номлари қўшиб ёзилади: Тўрткўл, Мирзаобод, Халқобод каби. Лекин иккинчи қисми атоқли от бўлган жой номлари ажратиб ёзилади: Ўрта Осиё, Ўрта Чирчиқ.

- Рус тилидан айнан ўзлаштирилган ёки сўзма-сўз таржима қилиш йўли билан ҳосил қилинган қўшма сўзлар қўшиб ёзилади: кинотеатр, электротехника, телекўрсатув, яримавтомат каби.

- Қисқартмаларнинг барча турлари ва уларга қўшиладиган қўшимчалар қўшиб ёзилади: СамДУ, ТошДУнинг каби. Лекин ёнма-ён келган икки қисқартма ажратиб ёзилади: ЎзХДП МК (Ўзбекистон халқ демократик партияси марказий кенгаши).

- Етакчи феъл **-а** ёки **-й** билан тугаган ёхуд кўмакчи феъл билан бошланган кўмакчи феълли сўз қўшилмалари таркибидаги етакчи ва кўмакчи феъллар қўшиб ёзилади: айта олмоқ - айтолмоқ, ўқий олди-ўқийолди, ёза берамиз-ёзаверамиз, кета бер - кетавер.

Қуйидаги тузилишдаги қўшма сўзлар ажратиб ёзилади:

- биринчи қисми сифат, иккинчи қисми атоқли от бўлган географик номлар: Кичик Осиё, Шарқий Туркистон.

- Қўшма феълларнинг қисмлари ажратиб ёзилади: шифо топмоқ, олиб чиқмоқ, ёза бошламоқ каби.

- Қўшма равишлар ажратиб ёзилади: ҳар ким, ҳеч бир, ҳамма вақт, қай куни. *Бироз, бирпас, биратўла, бирмунча* сўзлари бундан мустасно.

- Ўзаро **-дан** қўшимчаси билан боғланган такрор бирикмалар: кундан кунга, томдан томга, очиқдан очиқ.

Икки ҳар хил маъноли ўзакнинг маъно ва грамматик жиҳатдан тенг боғланишидан ҳам янги сўз – **жуфт** сўз ҳосил бўлади. Жуфт сўзлар қуйидагича ёзилади:

- жуфт ва такрор сўзларнинг қисмлари чизикча билан ёзилади: аста-секин, уч-тўрт, кийим-кечақ

- Жуфт сўзлар орасида **-у (ю)** боғловчиси қўлланса, боғловчидан олдин чизикча қўйилади: оқ - у қора, кеча-ю кундуз каби.

Кишилар ўзаро ёзишмаларда, расмий иш юритишда, таълим

жараёнида, маданий-маърифий фаолиятда тилнинг имло қоидаларига амал қилишга мажбурдирлар. Акс ҳолда сўз ва қўшимчаларнинг ёзилишида ҳар хиллик келиб чиқади. Шунинг учун ўзбек тилининг имло қоидаларини пухта ўзлаштириш лозим. Қўшма ва жуфт сўзларнинг имлосига доир қоидаларни чуқур ўрганиш саводхонлик даражасини мустаҳкамлаш ва ёзма нутқ маданиятини пухта эгаллашнинг муҳим шартларидан бири.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Қуйида берилган гаплардаги қўшма ва жуфт сўзларни аниқланг. Уларнинг ҳар бири қайси қоида асосида ёзилганлини аниқланг.

1. Уста Мўмин яккақўл бир косиб эди. 2. Хайрихон қоғоз-қалам олиб, хонтахта ёнига ўтирди. 3. Зухуржон болани қўлига олди, дастрўмолчаси билан оғзи, бурнини артиб, ойнага қаратди. 4. Пўстин кийиб олган куёвнавкар, қиз янгаси “Бахт уйи”дан чиқиб келаётган келин-куёвга меҳр билан боқдилар.

II топшириқ: Қуйидаги гапларни синчиклаб ўрганинг. Ундаги қўшма ва жуфт сўзларни аниқлаб, тубандагича бирма-бир изоҳланг.

Қўшма ёки жуфт сўз	Ёзилиши
1) Замонали	қўшиб
2) Ойқўл	қўшиб

1. Замонали Ойқўлда ўқитувчилар танқислигини эслади.
2. Тинчликсевар халқлар халқаро аҳволнинг яхшиланишини истайдилар.
3. Бердивойнинг Тектепадаги яқин ўртоқларидан бири – Мирвали...
4. Тошпўлат қўшнаини яхши чалади. 5. Эр - хотиннинг бир ёстиққа бош қўйганига ўттиз саккиз йил бўлибди. 6. Қўни-қўшни, кичик-катта оғамларга салом айтинг. 7. Йўлчи – меҳнаткаш, софдил йигит.

7- мавзу: Бош ҳарфлар ва қисқартма сўзлар имлоси (2 соат)

Режа:

1. Бош ҳарфлар имлоси.
2. Қисқартма сўзлар имлоси.

Таянч тушунчалар: Бош ҳарфлар, қисқартма сўзлар, имло, атоқли от, тахаллус, жой номлари, географик номлар.

Қуйидаги сўзлар бош ҳарфлар билан ёзилади:

- Киши исмлари, тахаллуси, жой номлари ва бошқа географик номлар: Аброр, Ҳамид, Отабек, Фитрат каби;

- Жой номлари бош ҳарф билан бошланади: Бодомзор, Помир, Сирдарё, Ҳиндистон каби. Бундай атоқли от таркибидаги сифатловчи ҳам бош ҳарф билан ёзилади: Шимолий Кавказ, Марказий Қизилқум;

- Юлдуз ва сайёрлар, бошқа хил осмон жисмларининг атоқли оти бош ҳарф билан бошланади: Ҳулкар, Қавс, Миррих;

- Маданий-маиший ва савдо корхоналарига, адабиёт ва санъат асарларига, саноат ва озиқ - овқат маҳсулотлари, спрот иншоотларига,

шунингдек, транспрот воситаларига қўйилган номлар бош ҳарф билан бошланади: “Саодат” (фирма), “Наврўз” (хайрия жамғармаси), “Ғунча” (боғча), “Ботаника” (санаторий) каби;

- Муҳим тарихий сана ва байрамларнинг номлари таркибидаги биринчи сўзи: Мустақиллик куни, Рамазон ҳайити каби;

- Давлатнинг, давлат олий ташкилотлари ва мансабларининг, халқаро ташкилотларнинг номидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан бошланади: Ўзбекистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси, Жаҳон Тинчлик Кенгаши, Миср Араб Республикаси каби;

- Бошқа таркибли номларда олий мансабни билдирувчи сўзгина бош ҳарф билан бошланади: Ёзувчилар уюшмаси, Фан ва технология маркази, Мудофаа вазири каби;

- Давлатнинг олий даражали мукофоти номи таркибидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан бошланади: Ўзбекистон Қаҳрамони, Олтин Юлдуз каби. Бошқа мукофот, нишонлар номидаги биринчи сўз: “Соғлом авлод учун” ордени, “Халқ таълими аълочиси” нишони каби;

- Гапнинг биринчи сўзи бош ҳарф билан бошланади: Ер оппоқ қорга беланди.

- Қисқартма отлар: БМТ, АҚШ. Қисқартма таркибидаги бўғинга тенг қисмнинг биринчи ҳарфи: ЎЗМУ, ТошДУ каби.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: “Имло қоидалари”нинг “Бош ҳарфларнинг ёзилиши” қисмини синчиклаб ўрганинг. Сўнг қуйидаги гапларда бош ҳарф билан ёзилган сўзларни қоида асосида тушунтиринг.

1. Тумандаги “Пахтакор” жамоа хўжалиги режани бажарди. 2. Биз Ер, Ой, Қуёш, Венера, Марс каби саёралар ҳақида ажойиб янгиликларни билиб олдик. 3. Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний”, “Хамса” каби йирик асарлари мумтоз адабиётимизнинг юксак намунасидир.

4. Водийларни яёв кезганда,

Бир ажиб ҳис бор эди менда.

II топшириқ: Берилган турғун боғламаларни қисқартма отларга айлантиринг:

1. Бирлашган Миллатлар ташкилоти. 2. Тошкент Давлат дорилфунуни. 3. Тошкент Давлат педагогика институти. 4. Ўзбекистон Фанлар академияси. 5. Америка Қўшма Штатлари. 6. Бухоро Давлат университети.

8- мавзу: Тиниш белгилари имлоси (2 соат)

Режа:

1. Тиниш белгилари ҳақида маълумот.

2. Тиниш белгиларининг ишлатилиши.

3. Тиниш белгилари ва саводхонлик.

Таянч тушунчалар: нукта, сўроқ, кўп нукта, вергул, икки нукта, қавс, нуктали вергул, тире, қўштирноқ, ундов.

Маълумки, тиниш белгилари тилшунослик фанининг пунктуация бўлимида ўрганилади. Ҳар бир тиниш белгиси ўзига хос услубий вазифа бажаради. Шунинг учун ёзма матнда фикр аниқ, раво ва тушунарли бўлиши учун уларни тўғри қўйиш керак.

Пунктуация бўлимида қуйидаги тиниш белгилари ҳақида маълумот берилади: нукта, вергул, икки нукта, нуктали вергул, сўроқ, ундов, кўп нукта, тире, қавс, қўштирноқ.

Нукта қуйидаги ўринларда қўйилади:

1. Тинч оҳанг билан айтилган дарак, буйруқ ва ундов (ҳис-ҳаяжон) гаплардан кейин: Олтин куз фасли кириб келди. Дарсларга ўз вақтида тайёрланиб келгин. Кошки, унинг кучи етса.

2. Биринчи қисмида нукта, кўп нукта, ундов ёки сўроқ белгиси бўлган кўчирма гаплар ўртасида келган муаллиф гапидан сўнг: “Мен ҳозир жўнайман, - деди у. - Сиз эса ярим соатлардан кейин йўлга чиқинг”.

3. Қисқартирилган исм ва фамилияларнинг биринчи ҳарфи ёки қисмидан кейин: М. Исм. (Мирзакалон Исмоилий)

4. Санаш ёки айрим фикрнинг қисмларини ифодалаган ва ой, кун, йилларни бир-биридан ажратиш учун қўлланган рақам ёки ҳарфлардан кейин 21.11.2010 каби.

Сўроқ белгисининг қўлланиш ўринлари қуйидагича:

1. Сўроқ белгиси сўроқ гаплардан кейин қўйилади: Ўқишга борасанми?

2. Сўроқ гаплар биттадан ортиқ бўлиб келиши мумкин, бундай пайтларда сўроқ белгиси қуйидагича қўйилади:

а) сўроқ гапларнинг ҳар бирига аҳамият бериш лозим топилса ёки қайси сўроқ гап мазмунига кўра мустақил бўлса, ҳар биридан сўнг сўроқ белгиси қўйилади: Қишлоқдагилар қандай? Оғайнилар яхши юришибдими?

б) агар сўроқ гаплар мазмунан умумий бир фикр ифодаласа, сўроқ белгиси энг сўнгги гапдан кейин қўйилади: -Тагин меҳмон бошлаб келдингизми? Ким келяпти: Сарвими, Раҳбарми, ё акангнинг болаларини етаклаб келаяпсанми?

3. Сўз ёки ибора ноаниқ бўлса, ундан гумон ифодаланса, сўроқ белгиси қўйилади: Бу ишларнинг ҳаммасини ярим соат ичида бир ўзи бажардимикин?

Ундов белгисининг қўлланиш ўринлари қуйидагича:

1. Кучли ҳис-ҳаяжонни ифодалаган гаплардан сўнг: Ёшлигимизда нақадар бахтиёр эдик!

2. Буюриш, тилак-орзу маъноларини ифодалаган гаплардан сўнг: Ҳозир буларни кўзимдан йўқот!

3. Габошида келиб, кучли ҳис-ҳаяжон ифодалаган ундалмалардан, ундов ҳамда **ҳа** ва **йўқ** сўзларидан сўнг: Йўқ! Рустам бундай қабихликка бормайди ҳеч қачон!

Кўп нуқта қуйидаги ўринларда қўйилади:

1. Фикрнинг туганланмаганлиги, сўзловчининг ҳаяжонланиб яна нимадир айтмоқчи эканлигини кўрсатиш учун: Агар ҳозир гапингизни тўхтатмасангиз...

2. Баъзан кўп нуқта сўзловчининг ўйлаши, мулоҳаза қилишини кўрсатади: Бугун...бугун олдингизга ўтсам бўладими?

3. Баъзан кимнингдир саволга жавоб бермай, индамай турганини кўрсатиш учун ҳам кўп нуқта қўйилади:

- Мендан розимассиз, биламан, кечирмайсиз...

- ...

4. Бирор сўз ёки гапнинг туширилганини кўрсатиш учун: Бугун еттинчи бўлимга келиб,... фиғони ошди.

Вергул қуйидаги ҳолларда ишлатилади:

1. Уюшиқ бўлақлар орасида: а) боғловчисиз бириккан уюшиқ бўлақлар орасида: Андижон, Наманган, Қўқон, Марғилон – Ўзбекистоннинг чамани, боғу бўстони. б) такрорланувчи боғловчилар билан бириккан уюшиқ бўлақлар орасида: У гоҳ кулимсирайди, гоҳ чуқур ўйга толади. в) зидлов боғловчилар ёрдамида бириккан уюшиқ бўлақлар орасига: Замиранинг баланд, аммо майин овози бор эди.

2. Ундалмаларни ажратиш учун: Эртага, азизим, тоққа жўнаймиз.

3. Кириш сўзларни ва тузилишига кўра мураккаб бўлмаган кириш гапларни ажратиш учун: Хуллас, эртага шу ерда йиғиладиган бўлдилар. Мен сизга айтсам, одамнинг ёмони бўлмайди.

4. **Ҳа** ва **йўқ** сўзларни гап бўлақларидан ажратиш учун: Ҳа, бу гапингиз тўғри.

5. Боғловчисиз боғланган қўшма гапларда: Эшик очилди, ичкарига муздек ҳаво ёпирилиб кирди.

6. **Ва, ҳам, ҳамда**, ёки (ёлғиз келган) боғловчиларидан бошқа боғловчилар билан боғланган қўшма гапларда: Ҳамма гапирди, лекин у бир чеккада хомуш ўтирар эди.

7. Эргаш гапларни ажратиш учун: Ҳамма йиғилгач, мажлис бошланди.

8. Муаллиф гапини кўчирма гапдан ажратиш учун:

- Бугунги қилган эзгу ишларимиз, - деди ота, - келажак учун мустақкам пойдевор вазифасини бажаради.

Нуқтали вергул қуйидаги ўринларда қўйилади:

1. Ўз ичида вергул бўлган ёйиқ уюшиқ бўлақлар орасида:

Меҳнат, ижод одам шарафи;

Дил ёруғи ҳаёт қувончи

Ҳаммасининг асл манбаи

Сен, Ватаним – тинчлик таянчи.

2. Ўз ичида вергул бўлган, мазмунан маълум даражада мустақилликка эга содда гаплар орасида ҳамда ҳар хил турдаги гапларни ўз ичига олган қўшма гапларда: Дарахтлар, буталар шитирлади; кузнинг салқин нафаси юзига урилди.

Икки нуқтанинг қўлланиш ўринлари қуйидагича:

1. Уюшиқ бўлақлардан олдин келган умумлаштирувчи сўздан сўнг: Йиғилишда тажирбали ишчилар: Салим ака, Абдукарим ака ва Собиржонлар сўзга чиқишди.

2. Қуйидаги маъноларни ифодалаган боғловчисиз қўшма гапларда:

а) бир гап иккинчи бир гапдан англашилган иш ҳаракатнинг сабабини кўрсатса: У ичкарига шошилиб кириб кетди: телефон анчадан бери жиринглаётган экан.

б) бир гап иккинчи бир гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг натижасини кўрсатса: Шамол жуда зўрайди: дарахтларнинг анча-мунчаси синиб тушди.

в) Кўчирма гапдан олдин, муаллиф гапидан сўнг: У баланд овозда сўради: -Ким бор ?

Тире қуйидаги ўринларда қўйилади:

1. От, сон, олмош ва ҳаракат номи билан ифодаланиб, кесим билан боғламасиз бириккан эга ва кесим орасида: Ўзбекистонинг пойтахти-Тошкент. Икки ўн беш - бир ўттиз. Ўқиш – ҳаётни уқиш.

2. Уюшиқ бўлақлардан сўнг келган умумлаштирувчи сўздан олдин: Акам, опам ва синглим - барчаси мени кутиб ўтиришган экан.

3. Ажратилган бўлақ билан изоҳланмиш бўлақ орасида: Мен – Валиев Маҳмуд, 1954 йилда Тошкентда туғилганман.

4. Кириш гап билан гап бўлақлари орасида: Тунов кунги овчи – мен уни ўрмонда учратиб қолдим - менга қизиқ бир воқеани сўзлаб берди.

5. Муллиф гапи билан кўчирма гап орасида: - Бугун келасизми? - сўради кизи.

6. Диалог типдаги кўчирма гапларда: - Келдими? - Келди.

7. Кутилмаган воқеа-ҳодисаларни ифодалаган гаплардан олдин: Кеча тоғамларникига борган эдим - Асқаржон келибди!

8. Зид маъноли боғловчисиз қўшма гаплар орасида: Жисмимиз йўқолур- ўчмас номимиз.

Қавс қуйидаги ўринларда ишлатилади:

1. Ифодаланаётган фикрга ёки унинг бирор бўлагига қўшимча изоҳ берувчи сўз ёки иборалар қавсга олинади: Каримжон (синфимиз аълочиси) олий ўқув юртига кирди.

2. Кириш гаплар ёки ремаркалар қавс билан берилади: Укам (сен уни танийсан) бу йил мактабни битирди. Азиз Камол (хаёл охушида). Ватанимизга қарши кўрсатилган руҳий ва иқтисодий ҳужум шу кунларда чўққисига чиқди.

3. Мисол ёки кўчирманинг манбаси қавсга олинади: Эшик қарс этиб ёпилди (С. А).

4. Кириш сўз ёки иборага оид тиниш белгилар қавснинг ичига олинади: Тўсатдан унинг хаёлига акасининг бундан беш-олти ой олдин ёзган хати (ўшандан бери ундан дом-дарак йўқ!)... тушди.

Қўштирноқ қуйидаги ҳолларда ишлатилади:

1. Кўчирма гапларни ажратиб кўрсатиш учун: “Эртага келаман”, - деди.

2. Кўчма маънодаги, шартли ном ёки тахаллус маъносидаги айрим сўз ва сўз бирикмалари ҳам қўштирноққа олиниши мумкин: “Тоғ асали” сотадиган йигит... довоннинг нариёғига ўтиб кетган.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Вергулнинг қуйидаги ҳолатларда келишига турли манбалардан иккитадан мисол топиб ёзинг: 1) уюшиқ бўлак қисмлари орасида; 2) қўшма гап қисмлари орасида.

II топшириқ: Қуйидаги матнда ишлатилган тиниш белгиларини тубандагича изоҳланг:

Матн	Тиниш белгиларининг изоҳи
1. Гулчеҳра шиппакни олиб, пештахта ёнидаги стулга ўтирди.	1. Қўшма гап қисмлари орасига вергул қўйилган. 2. Дарак гап бўлганлиги сабабли охирига нуқта қўйилган.

Гулчеҳра шиппакни олиб, пештахта ёнидаги стулга ўтирди. Шиппак чиройли эди. Оппоқ, белидан ингичка олтиндек занжир ўтказилган, пошнаси ҳам баланд эмас, юришга осон. Гулчеҳра кийиб кўрди. Яхши келди.

- Раҳмат, шуни оламан, - деди сотувчига.

Сотувчи қиз шиппакни ўраб берди. Шу пайт кимдир Гулчеҳрани орқасидан қучоқлади.

- Вой ким? – хайратланиб деди Гулчеҳра.

Аёл кишининг қаҳ-қаҳ кулгиси эшитилди. Гулчеҳра ўгирилди.

- Вой, опоқи, сизмисиз? – Гулчеҳра шундай деди-ю, бутун вужуди бўшашиб кетди.

III топшириқ: Қуйидаги гапларни диққат билан ўқинг, керакли ўринларга тиниш белгиларини қўйиб, уни изоҳлашга ҳаракат қилинг.

1. Юзи сўлгин кўзлари киртайган юраги торлиги шундоқ афтидан маълум ўрта бўй бир қараса ушоқ болалардек нозик ниҳол... аммо диққат билан разм солинса истараси иссиқ аёл

2. Бир куни маҳалланинг нариги чеккасида турадиган нонвойникига кириб қолдим нима юмуш билан борганим эсимда йўқ

3. Хўжа Гиёсиддин Ҳиротдаги баъзи машҳур зотларни гўзал тақлид қилди ўтирганлар ўринларидан кўзғолмай қолдилар
4. Нима керак ўзи айтсангиз-чи мунча эзмаланасиз
5. Чолнинг кўз очиб кўрган хотини сен

9-мавзу: Нутқда сўзни тўғри танлаш мезонлари (2 соат)

1. Сўз маъноларини аниқлаш ва фарқлай олиш.
2. Нутқда сўзни тўғри танлаш - нутқий маданият белгиси.

Таянч тушунчалар: сўз, луғат, сўз шакли, сўзнинг ташқи томони, сўзнинг ички томони, луғавий маъно, грамматик маъно, сўзнинг ўз маъноси, сўзнинг кўчма маъноси, ясама маъно, нутқ маданияти.

Ўзбек тилида, аввало, унинг бой луғат таркибида ўзбек халқининг илм-у маданияти, санъати акс этган, инсоннинг билиш фаолияти жараёни ва унинг натижалари ифодаланган. Асосий луғавий бирлик ҳисобланган сўз орқали кишилик жамиятининг маданий-тарихий қадриятлари, тўплаган тушунча ва билимлар авлоддан авлодга етказилади.

Сўзнинг шакли, яъни ташқи томони товуш (ҳарф)лардан иборат бўлиб, бу хусусиятлари фонетикада ўрганилади. Сўзнинг ички томони эса унда ифодаланган маънолар билан тавсифланади. Сўзлар бир маъноли ёки кўп маъноли бўлиши мумкин. Кўп маъноли сўзлар тил тараққиёти натижасида пайдо бўлади. Сўзнинг бир нарса-ҳодисани билдириши унинг луғавий (лексик) маъноси саналади. Ана шу луғавий маъно асосида бошқа маънолар ҳам ифодаланса, у ясама (кўчма) ҳисобланади. Бадиий нутқда сўзларнинг ясама маъноларидан кенг фойдаланилади.

Демак, айрим сўзларнинг ўз маъноси ва кўчма маъноси бўлади. Сўзнинг гапдан ташқарида ифодаляйдиган, нутқ жараёнига боғлиқ бўлмаган маъноси ўз маъно дейилади. Сўзнинг бошқа сўзлар ёрдамида аниқланадиган маъноси кўчма маъно дейилади: кўз-кўриш аъзоси (ўз маъно), игнанинг кўзи – кўчма маъно.

Аждодларимиз қадимдан тўғри, таъсирчан, чиройли гапиришга интилиш ва уларни одатга айлантиришга маърифий-ахлоқий талаб сифатида қараб келганлар. Сўзни кадрлаш, яхши сўзлай олиш, тилни тийиш, суҳбат сирларини сақлаш, эзма ва вайсақи бўлмаслик кабиларга амал қилиш нутқ одобининг асосий талаблари ҳисобланган. Нутқий муомаладаги бу одатлар халқимизнинг мангу анъанаси сифатида яшаган ва такомиллашиб келмоқда.

Нутқ маданиятини эгаллаш биринчи навбатда ҳозирги ўзбек тили ва унинг мавжуд ифода воситаларини пухта ўзлаштириш, адабий тил меъёрларига тўлиқ амал қилиш каби лисоний омилларга, иккинчидан, сўзлашганда муайян ахлоқ-одоб меъёрларига риоя этиш, ўз ва ўзгалар гапига эътиборли бўлиш, ўринли сўзлаш, тинглаш, суҳбатлашиш, мунозара маданиятини билиш каби ижтимоий-руҳий омилларга боғлиқдир.

Нутқда сўзни тўғри танлаш ва қўллаш нутқ маданиятининг муҳим шартларидан ҳисобланади. Фикрни тингловчига тушунарли ва аниқ етказишда сўзни тўғри танлаш лозим.

Сўз танлашда қуйидагиларга эътибор берилади:

- сўзнинг луғавий маъносини билган ҳолда танлаш;
- танланган сўзни аниқ талаффуз эта олишни ҳисобга олиш;
- сўзнинг маъно хусусиятларига асосланиб, уни нутқ мақсадига мувофиқ тарзда танлаш.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар.

I топшириқ: Берилган гаплардаги ажратиб кўрсатилган сўзларнинг ўз ва кўчма маънода ишлатилганлигига кўра уларни икки гуруҳга ажратиб кўчиринг.

Ўз маънода	Кўчма маънода
1. Олтин – қимматбаҳо метал	1. Буғдойнинг олтин бошоқлари шитирлайди. Еримиз – олтин, унга нима эксанг битади. Ер –хазина, сув – олтин.

1. **Олтин** – қимматбаҳо метал. Буғдойнинг **олтин** бошоқлари шитирлайди. Еримиз – **олтин**, унга нима эксанг битади. Ер–хазина, сув-**олтин**. 2. Маданиятимиз **гуллади**. Мева дарахтлари **гуллади**. Салим кечаги воқеа ҳақида **гуллади**. Тандирдаги нон **гуллаб** кетди. 3. Қиз опасининг **қошига** келди. Унинг **қошлари** чимирилди. Отанинг **қошқовоғи** осилган эди. Эгарнинг **қоши** нақшдор. **Қош** қораётганда етиб келдилар. Аёл **қошига** ўсма қўймоқда эди.

III топшириқ: Луғатлардан бир маъноли ва кўп маъноли сўзларга 10 тадан мисол топинг, уларни икки устунга ажратиб ёзинг. 4 та кўп маъноли сўзни танлаб, улар иштирокида иккитадан гап тузинг.

10-мавзу: Адабиёт – маънавиятни юксалтириш воситаси. Бадий адабиёт инсон камолотида асосий восита эканлиги (2 соат)

Режа:

1. Адабиёт - сўз санъати.
2. Образлилик ҳақида маълумот.
3. Бадий адабиёт — инсон фаолиятининг маҳсули.

Таянч тушунчалар: адабиёт, бадий адабиёт, сўз саъати, образ, образлилик, мусиқа, кино, меъморчилик рақс, ҳайкалтарошлик, одоблар йиғиндиси, одоблар хазинаси, маърифий ва эстетик хусусият.

Санъат воқеликни образлар воситасида акс эттиради. Образ эса борлиқдаги нарсаларнинг оддий акс эттиришдан иборат эмас, балки бадий акс эттиришдан иборатдир. Ижодкорнинг фикр, туйғу, сезги ва

кечинмалари сингдирилган ҳаёт манзараси тасвири бадиий образ дейилади.

Санъатнинг турдари кўп. Улардан энг муҳимлари тасвирий санъат, муסיқа, кино, меъморчилик, рақс, ҳайкалтарошлик ва бадиий адабиётдир. Образлилик ҳамма санъат турига хос. Бироқ уларнинг ҳар бирининг ўзига хос образ яратиш воситалари мавжуд. Образлилик бадиий адабиётда сўз, муסיқада оҳанг, рассомчиликда ранг-бўёқ, ҳайкалтарошликда тош, рақсда ҳаракат орқали амалга оширилади. Бадиий адабиётда образ яратувчиси ягона восита сўз бўлиб, бу сўз оддий сўз эмас, балки муайян ҳис-туйғуни, ҳолат ва ҳаракатни, манзарани ўқувчилар қалбига таъсир этадиган даражада ифодаловчи бадиий сўздан иборат бўлади. Образли сўзга асосланувчи, ҳаётни муайян образлар воситасида акс эттирувчи адабиёт эса **бадиий адабиёт** деб юритилади. Тил образ яратишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Шу маънода адабиёт сўз санъатидир.

“Адабиёт” арабча сўз бўлиб, “одоблар йиғиндиси”, бошқача айтганда, “одоблар хазинаси” деган маънони билдиради. Бадиий адабиётни “манавият хазинаси”, “маънавият кўзгуси”, “руҳиятни шакллантиш воситаси” ҳам дейилади.

Илмий асарларда муаллиф воқеа ва одамлар ҳамда мантиқий тушунчалар орқали фикр юритади. Бадиий адабиётда эса турмуш сўзлар воситасида акс эттирилади, характер ва манзаралар яратилади. Ёзувчи бадиий асарда ҳаётни, одамларни шундай тасвирлайдики, у тасвирлаган ҳамма нарса аниқ кўриниб туради.

Бадиий адабиёт ҳаётда ижтимоий-тарбиявий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, китобхонда турмуш ҳақида юксак ижтимоий ғоялар ҳосил қилади. Шу сабабли ҳам адабиётшунос Н.Г.Чернишевский адабиётни «ҳаёт дарслиги» деб атади.

Бадиий адабиёт бизда маърифий ва эстетик тушунчалар ҳосил қилади. Бадиий адабиётнинг турмуш воқеалари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши маърифий, воқеа ва образлар ҳақида ҳис-туйғу уйғотиши эстетик хусусиятидир. Бадиий адабиётнинг бу хусусиятини машҳур ўзбек ёзувчиси Мақсуд Шайхзода содда ва аниқ ифодалаган: «Адабий асарларни ўқиганимизда бизда туғилган гўзаллик ҳисси ҳар бир асардан ўзимизга тегишли хулоса чиқаришга ёрдам беради. Биз ўқиган асарларимиздаги яхши образларга эргашиб, уларга ўхшашга, ёмон образларга эса, аксинча, сира ўхшамасликка интиламиз. Адабиёт кишига маълумот ва лаззат бериш билан бир қаторда, китобхонларда тўғри, фойдали хулқ ва ахлоқнинг мустаҳкамланишига, камчилик ва нуқсонлардан қутулишга ёрдам беради».

Демак, бадиий адабиётнинг қуйидаги уч вазифаси мавжуд:

1. Ҳаётнинг ҳаққоний бадиий инъикосини яратади.
2. Инсон образини яратиш, унинг ички оламини тасвирлаш, табиати ва руҳиятидаги гўзаллик куртакларининг ташқи олам таъсирида ғунча тугуши ва гуллаши жараёнини кўрсатиши.

3. Тарихий ўтмишдаги, шунингдек, ҳозирги даврдаги ибратли воқеалар ва ажойиб кишилар ҳаётини акс эттириш орқали кишиларга эмоционал таъсир ўтказиш, завқ-шавқ бағишлаш, уларни тарбиялаш, уларнинг баркамол инсонлар бўлиб шакллантиришда фаол иштирок этиш.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Қуйидаги саволлар устида мушоҳада юритиб кўринг.

1. Адабиёт нега сўз санъати деб юритилади?
2. Сизнингча адабиёт қачон пайдо бўла бошлаган?
3. Адабиёт ва маънавият тушунчаларининг бир-бирига алоқадорлигини қандай изоҳлайсиз?

4. Бадиий адабиёт инсон қалбида маърифий ва эстетик хусусиятларни шакллантиришини ўзингиз ўқиган бир асар мисолида изоҳлаб беринг.

II топшириқ: “Адабиёт – ҳаёт дарслиги” мавзуида матн тузинг. Унда адабиётнинг инсон фаолиятига таъсирини ёритишга ҳаракат қилинг.

11-12-мавзу: Халқ оғзаки ижоди - бебаҳо бойлик. Рустамхон достони. Достон ва унинг турлари, достончилик тарихи ҳақида маълумот (4 соат)

Режа:

1. Фольклор – халқ донолиги.
2. Достон – халқ оғзаки ижодининг йирик жанри.
3. “Рустамхон” достони таҳлили.

Таянч тушунчалар: фольклор, халқ оғзаки поэтик ижоди, «халқ донолиги, халқ донишмандлиги», фольклоршунослик, достон, достончилик мактаби, қаҳрамонлик достони, романик достон, жангнома достон, китобий достон.

“Фольклор” атамаси аслида “фолк” - халқ ва “лоре” - донолик сўзларидан ясалган бўлиб, «халқ донолиги, халқ донишмандлиги» маъноларини англатади. Уни биринчи марта 1846-йилда Виллям Томс илмий истилоҳ сифатида қўллади. Шундан бошлаб бу истилоҳ халқаро миқёсда илмий таомилда ўзлашиб кетди. 1935-йилда Ҳ. Зариф ва Ш.Ражабийларнинг «Ўзбек совет фольклоридан намуналар» китоби босилиб чиққандан кейин мазкур истилоҳни қўллаш таомилга кира бошлади ва аста-секин ўзбек фольклори тушунчаси замирида ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди тушуниладиган бўлди.

Ўзбек фольклори хилма-хил жанрлардан таркиб топган оғзаки сўз санъати бўлиб, халқимизнинг дунёқараши, бадиий завқи, ижодий салоҳияти, орзу ва интилишларини акс эттиради. Шулардан бири достон ҳисобланади.

«Достон» сўзи қисса, ҳикоя, саргузашт, таъриф ва мактов маъноларида ишлатилади. Адабий атама сифатида у халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётидаги йирик ҳажмли эпик асарларни англатади. Бироқ ёзма ва оғзаки адабиётдаги достонлар ҳаётни тасвирлаш воситалари ва усуллари

жиҳатидан бир-бирларидан жиддий фарқ қилади.

Ўзбек халқ достонлари жуда узоқ тарихий тараққиёт босқичларини босиб ўтди. Унинг энг қадимги намуналари сақланиб қолмаган. Ўтган асрда ёзиб олинган достонларгина бу жанрнинг кўп даврлар оша халқ бахшилари ҳофизасида оғзаки равишда муайян ўзгаришлар билан бизгача етиб келганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам уларни халқ бахшилари фаолиятдан ажратиб ўрганиш мумкин эмас.

Ўзбек халқ достонлари ниҳоятда кўп таркибли бўлиб, узоқ асрлар давомида яратилди ва турли ижтимоий-иқтисодий шароитларда куйланиб келди. Бу ҳол уларни муайян турларга бўлиб ўрганишни тақозо этади.

Достонлар мавзу жиҳатдан ранг-баранг, мазмунан хилма-хил бўлганлиги боис уларнинг қуйидаги турлари мавжуд: **қахрамонлик достонлари, ишқий-саргузаш достонлар, тарихий достонлар.**

Достонлардаги асосий қахрамонлар қиёфасида инсонпарварлик, ватанпарварлик, мардлик, жасурлик, дўстлик, вафодорлик каби олижаноб фазилатлар умумлаштирилади.

Халқ оғзаки ижодидаги “Рустамхон”, “Алпомиш” қахрамонлик достони бўлса, “Гўрўғли”, “Равшан”, “Ошиқ Ғариб ва Шохсанам” кабилар ишқий-саргузашт достонлардир.

ИЗОХ: Машғулотнинг иккинчи соатида “Рустамхон” достони таҳлил қилинади. Бунинг учун талабалар достонини ўқиб келган бўлишлари шарт. Дарсликда келтириган парча юзасидан баҳс-мунозара ташкил қилинади. Унда **ФСМУ(Ф** – Фикрингизни баён этинг, **С** – Фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг, **М** – Фикрингизга мисол келтиринг, **У**– Фикрларингизни умумлаштиринг, хулосаланг) методидан фойдаланиш мумкин. Баҳс – мунозара учун тузилган саволлар тахминан қуйидагича бўлади:

1. Султонхоннинг сафарга кетиш сабабларини тушунтиринг. Сизнингча у тўғри қилдими?

2. Офтобой шахсига хос сифатларни изоҳланг.

3. Рустамхоннинг “Ўлимдан кўрқарми билгил, мард киши, бундан кўрқиб кетмоқ номарднинг иши” сўзларида унинг қайси сифатлари акс этади?

4. Рустамхон нима учун Бужулда подшолик қилиб қолмади? (Баҳс-мунозара учун саволлар сони орттирилиб борилади)

Мавзунини мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. «Фольклор» истилоҳи қандай маънони англатади ?

2. Фольклоршунослик деганда нимани тушунаси?

3. Ўзбек фольклорнинг қандай жанрлари мавжуд?

3. Фольклор жанрларда муаллиф масаласи қандай?

4. Достон атамасининг моҳияти нимадан иборат?

5. Достон жанри ўзбек фольклорида қандай ўрин тутати?

6. Достонларнинг яратилишига нималар таъсир кўрсатган?

7. Достонлар қандай турларга бўлинади?

II топшириқ: Достонда қўлланилган бадиий тасвирий воситаларни аниқланг. Улар қандай мақсадда қўлланилганлигини изоҳланг.

13- мавзу: Қадимий адабий ёдгорликлар – маънавият дурдоналари. “Авесто” – қомусий моҳиятга эга муқаддас китоб
(2 соат)

Режа:

1. “Авесто”- Ўрта Осиё халқларининг муштарак ёдгорлиги.
2. “Авесто”нинг мундарижаси.
3. “Авесто”нинг тарихий-маърифий ва адабий қиммати

Таянч тушунчалар: адабий ёдгорлик, оғзаки ёдгорлик, ёзма ёдгорлик, муқаддас китоб, қомусий манба, зардуштийлик дини, Зардушт.

«Авесто» - зардуштийлик динининг муқаддас китоби. Қадимги Турону Эрон халқларининг муштарак ёдгорлиги ҳисобланган «Авесто» эрамиздан олдинги VI асрларда вужудга келган. Энг қадимги динлардан бўлган зардуштийлик исломга қадар Ўрта Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган. Манбаларда эътироф қилинишича, «Авесто»га Зардушт асос солган. Яна бир қарашда таъкидланишича, «Авесто» худодан ваҳий сифатида пайғамбар Зардуштга ноил бўлган. Фанда Зардушт шахси ҳақида мунозарали фикр-мулоҳазалар мавжуд. Тарихчи олим Табарий уни «Зардушт бин Юнон» деб қайд этса, Беруний Зардуштни озарбайжонлик Сафид Туман деган кишининг фарзанди эканлигини эътироф этади. Аксарият манбаларда зардуштийлик дини Заратуштра (Зардушт) таълимоти деб ҳам аталади. Шундай бўлишига қарамай, «Авесто»дай қомусий манбанинг шаклланиши ва такомиллини бир шахснинг номи билан боғлаб бўлмаслиги таъкидланиб келинадик, бунга қўшилиш мумкин.

«Авесто» ёдгорликларининг бизга маълум (ҳозирча) энг қадимги нусхаси 1324 йилда кўчирилган бўлиб, бу мўътабар қўлёзма Копенгагенда сақланади. Мазкур китоб қайта тиклангандан сўнг унга қизиқишлар кучайган ва шарҳли таржималар ҳам бунёдга келган. Шарҳлар «Занд» деб номланган бўлиб, уларнинг намуналари бизгача етиб келган. «Авесто»нинг айрим нусхларида ўша зандларнинг паҳлавий тилида ёзилганлиги кузатилади. Шунинг учун «Авесто» матни унинг шарҳлари билан биргаликда «Авесто ва Занд» ёки «Занд Авесто» атамалари билан юритилади.

«Авесто»нинг кўп қисмлари бизгача етиб келмаган. Шундай бўлса-да, мазкур китоб ҳақида мумтоз ва бугунги тадқиқотчилар томонидан яратилган ишлар асосида маълум тасаввур ҳосил қилиш мумкин. «Авесто»нинг «Ясна», «Видевдот» («Вентидот»), «Яшт», «Виспрет» («Виспарад») каби қисмлари фанга маълум. Бу наск (китоб)ларнинг муайян вазифалари бўлган. Жумладан, «Ясна» 72 бобдан иборат бўлиб,

у намоз учун зарур дуолар сифатида талқин қилинади. Яна «Ясна» қурбонлик қилиш маросимида айтиладиган қўшиқлар, худолар мадҳияси ва шу каби диний маросимларга хос расм-русумларни ўз ичига олади. Ахура Мазда ҳақидаги хабар пайғамбар Зардуштга доир айрим маълумотларни ўзида мужассам этган ўн етти Гох (Гот) ҳам «Авесто»нинг «Ясна» бўлими таркибида етиб келган. Бу шеърӣй парчалар «Авесто»нинг энг қадимий изоҳланиши, мураккаб қисмлари ҳисобланади. Чунки айна ана шу сатрларда Зардушт яшаган қадимий қатлам воқеаларига кўпроқ ишоралар қилинади.

«Видевдот» 22 бобдан иборат бўлиб, мазкур саҳифалар Ахура Мазда ва Зарадуштранинг савол-жавоби шаклида ёзилган. «Видевдот»ни Ахура Мазданинг душманлари ҳисобланган девларни махв этишга қаратилган дуолар тўплами ҳам дейиш мумкин. «Виспрат» эса 24 бобдан таркиб топган бўлиб, намоз ва зикру сано матнларини ўз ичига олади. «Авесто»нинг «Яшт» қисмида 22 қўшиқ мавжуд. Булар Ахура Маздадан бошлаб у яратган турли маъбудлар шаънига айтилган, ўқилиши кўп савобли ҳисобланган алқов-олқиш (гимн)лар тўпламидир.

«Авесто» зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлиши билан бир қаторда Турону Эрон ва бошқа Яқин Шарқ мамлакатларининг тарихи, маданияти, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, тили, урф-одатлари, халқ оғзаки ижоди ҳақида маълумот берувчи ноёб қомусий манбадир.

Мазкур асар маданий ҳаётнинг турли соҳаларига доир, чунончи, қадимий медицина, астрономия, космогония ва фалсафага доир материал ва маълумот ҳам беради. Бундан ташқари, «Авесто» адабий ёдгорлик ҳамдир. Унда бадий тил воситалари, образли сўзлар кўп ишлатилган бўлиб, унда оғзаки адабиёт ёдгорликлари анчагина сақланиб қолingan.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ. Қуйидаги саволларга жавоб топинг.

1. «Авесто» қандай китоб, у ҳақида нималарни биласиз?
2. «Авесто»нинг энг қадимги нусхалари қаерда сақланади?
3. «Авесто»нинг адабий манба сифатидаги аҳамияти нимадан иборат?
4. Нима учун «Авесто» Ўрта Осиё халқларининг муштарак ёдгорлиги ҳисобланади?

II топшириқ. «Авесто»дан келтирилган қуйидаги парчада қўйилган саволлар устида мушоҳада юритиб кўринг:

«-Эй, Ахура Сендан ўтинаман, Ҳақиқат билан жавоб бер: Ибтидо борлиқнинг Яратгувчиси ва Ҳақиқатнинг отаси ким эди? Қуёш ва юлдузлар гардишига илк бор асос солган зот ким? Ким у ойни дастлаб тўлдиради ва яна кичрайтиради? – Эй, Ахура!.. оёқларимиз остида тўшалган заминни ким яратди? Бошимизда йиқилмай турган осмонни яратган кимдир? Сув ва гиёҳларни ким бунёд этди? Ким шамол ва қора булутларга шитоб бахш айлади?»

14-мавзу: Ўрхун –Энасой обидаларининг адабий-бадий қиммати
(2 соат)

Режа:

1. Ўрхун - Энасой ёдгорликлари – қадимий обидалар.
2. Ўрхун - Энасой ёдгорликларининг ўрганилиши.
3. Ўрхун - Энасой обидаларининг адабий манба сифатидаги қиммати.

Таянч тушунчалар: Ўрхун-Энасой, тошбитик, қабр тоши, “тангри”, “турк”, туркий рун, Мўғулистон, Кошо-Цайдам водийси, марсия.

Тошга ўйиб ёзилган адабий тарихий лавҳалардан таркиб топган қадимий обидалар Ўрхун ва Энасой дарёлари хавзаларидан топилганлиги боис фанда шу ном билан юритилади. Бу маданий ёдгорликлар илк бор Энасой дарёси бўйларида мавжудлиги аниқланиб, рус хизматчиси Ремезов, кейинчалик швед олими Иоганн Страленберг ва олим Миссершмидтлар томонидан илм аҳлига маълум қилинди.

Энасой ёдгорликларини ўрганишда рус сайёҳи ва ёзувчиси Н.М.Ядринцевнинг Мўғулистоннинг Кошо-Цайдам водийсидаги Ўрхун дарёси хавзаларидан шунга ўхшаш маданий ёдгорликларни аниқлаши муҳим аҳамият касб этди. Улардаги матнлар номаълум ёзувда бўлиши билан бир қаторда айримлари хитой ёзувида ва хитой тилида битилган эди. Шундай қилиб, фин-угор илмий жамияти ҳамда академик В.В.Радлов бошчилигидаги рус олимларининг Ўрхун дарёси бўйларида ўтказган илмий экспедициялари шу маданий ёдгорликларни ўрганишга бағишланди.

Даниялик олим Вильгелм Томсеннинг «бу маданий ёдгорликлар туркий халқларга тааллуқли бўлиши керак»- деган тахмини тўғри бўлиб чиқди. У дастлаб “тангри”, “турк” сўзларини, кейинчалик 1893 йилнинг 25 ноябрида барча ҳарфларни аниқлаб, ёдгорликдаги матнларни тўла ўқишга муваффақ бўлади. Академик В.В.Радлов эса В.Томсен ва ўзининг тажрибаларига таяниб ёдгорлик матнини биринчи бўлиб рус тилига таржима қилади.

Тошдаги битиклар «сир»ининг аниқланиши туркий халқларнинг дунёдаги ўз ҳоқонлигига эга бўлган қавмлардан эканлигини далиллашга хизмат қилди. VI асрнинг ўрталарида шакллана бошлаган турк ҳоқонларининг давлати Турондан Дунай дарёсигача бўлган бепоён ҳудудни ўз ичига олган. Бу мамлакат Ўрта Осиё, Етгисув, Шарқий Туркистон, Олтой ўлкаларида яшовчи турли халқ ва қабилаларни ўзида бирлаштирган эди. Айни ҳоқонлик унга яқин ва ёндош бўлган майда-майда ҳукмронликларнинг уюшмасидан иборат бўлган. М.Н.Ядринцевнинг топган ёдгорликлари ана шу ҳукмдорлардан Билга Хоқон - Моғиён (734 йилда вафот етган) ва унинг укаси Қултегин (732 йилда вафот етган) қабр тошларига ўйиб ёзилган ёдгорликлардир. Шу вақтлардан бошлаб мазкур битиклар фанда “Ўрхун-Энасой”

ёдгорликлари, ундаги ёзувлар эса туркий рун (рун-сирли, яширин демакдир) ёки Ўрхун-Энасой ёзуви деб атала бошланди.

Кейинчалик туркий рун ёзувининг янги-янги топилмалари фанга маълум бўла бошлади. Жумладан, Н.М.Ядринцев Онгин дарёси қирғоқларидан янги ёдгорликларни топишга муваффақ бўлди. Эру хотин Дмитрий ва Елизавета Клеменцлар Селенга дарёси бўйларида иккита устунга ёзилган турк хоқонларининг маслаҳатчиси Тўнюкукқа атаб ёзилган катта ёдгорликни кашф этдилар. Булардан ташқари, 1896-1897 йилларда Авлиё ота (ҳозирги Жамбул) шаҳри яқинида, Талас дарёси бўйида V-VI асрга доир бешта тош ёдгорликлари ва қоғоз, чарм, ёғоч, турли идиш-товоқларга ёзилган маънавий обидалар топилди.

Ушбу қадимий ёдгорликларни дунё туркийшунослари томонидан синчиклаб илмий ўрганилиши ҳамон давом этмоқда.

Мазкур битикларни В.Томсен ва В. Радловлардан кейин С. Е. Малов, С.Г.Кляшторний, И.В.Стеблева, Х.Ўрхун, Т.Текин, Нажиб Осим, Г. Айдаров, ўзбек олимларидан А.Рустамов, А. Қаюмов, Қ. Абдурахмонов, Н. Рахмоновлар ўрганишмоқда. А. П. Қаюмовнинг “Қадимият обидалари”, Қ. Абдурахмонов, А. Рустамовларнинг “Қадимги туркий тил” номли китоблари таркибида ушбу ёдгорликлардан намуналар ўзбек тилига ўгирилиб, нашр этилган.

Ўрхун-Энасой обидаларининг аксарият қисмини қабр тошларидаги битиклар ташкил этади. Булардан Билга Хоқон ва унинг укаси Қултегиннинг қабр тошларидаги шеърий парчалар муҳим адабий аҳамият касб этади. Қултегин битиктоши Элтариш Хоқоннинг ўғли шарафига ўрнатилган бўлиб, унинг муаллифи Йўллуғтегиндир. Унда Қултегиннинг қаҳрамонликлари, унинг ватан, она-юрт олдидаги буюк хизматлари шарафланади. Қултегин битиктошининг акаси Билга Хоқон тилидан ёзилганлиги кузатилади.

Ўрхун-Энасой битиклари хотиралар, қабр тошларига ўйиб ёзилган тарих ва марсиялардан, турли хил ҳужжат, тамға, пул намуналаридан иборат бўлиб, V-VIII асрларнинг жуда қимматли ёдгорлиги саналади. Ўрхун-Энасой битиктошлари тил ва ёзув ёдгорлиги бўлиши билан бир қаторда тарихий ва адабий манба мақомида муайян бадиий илмий қимматга ҳам моликдир. Чунки уларда V-VIII асрлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, туркий халқлар ва қабиаларнинг урф-одатлари, эътиқодий қарашлари, бадиий ижоди намуналари ўз ифодасини топган. Битиктошларда шеърий мисраларнинг учраши, турли тарихий воқеалар ифодасида бадиий услубдан фойдаланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, қабр тошларидаги марсияларнинг бадиийлик даражасининг бирмунча юксак эканлиги қизиқиш уйғотади.

Шундай қилиб, Ўрхун-Энасой ёдгорликлари V-VIII асрларда яшаган туркий халқларнинг ноёб муштарак маданий мероси сифатида

аждодларимизнинг маънавий-бадий, илмий-тарихий салоҳиятининг баландлиги, қадимий ва бойлигидан ёрқин нишонадир.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ. Билка-хоқон ёдгорлигидан келтирилган қуйидаги парчани таҳлил қилинг ва бадий тасвирий воситаларнинг қўлланилишига эътибор беринг:

Мен ҳалок бўлган қашшоқ халқни бой бутунлай (оёққа) турғиздим (йиғдим), қашшоқ халқни бой қилдим, оз сонли халқни кўп сонли халққа айлантирдим. Менинг сўзларимнинг бирор ёлғон бўлмас...!

II топшириқ. Қуйидаги саволларга жавоб топинг.

1. Ўрхун-Энасой обидалари ҳақида нималарни биласиз?
2. Бу ёдгорликлар нега шу ном билан юритилади?
3. Ўрхун-Энасой обидалари кимлар томонидан ўрганилган?
4. Ўрхун-Энасой ёдгорликларининг адабий манба сифатидаги аҳамияти нимадан иборат?

15-16- мавзу: Илдишни билиш ўзликни англашдир. Имом Исмоил ал-Бухорий. Иншо: Ҳадис илмий сабоқлари (4 соат)

Режа:

1. Имом Исмоил ал-Бухорийнинг ҳаёт йўллари.
2. Ал-Бухорийнинг маънавий мероси.
3. Ал-Бухорий – ҳадис илмининг билимдони.

Таянч тушунчалар: Ҳадис, муҳаддис, саҳиҳ, фикҳ, муаррих "Ал-Жомий ас-саҳиҳ", "Саҳиҳ ал-Бухорий", "Ал-адаб ал-муффрад".

“Ҳадис” арабча сўз бўлиб, унинг бир қатор маънолари бор:

1. Янги, янги нарса, янги рўй берган воқеа;
2. Сўз, ҳикоя, нақл, ривоят;
3. Муҳаммад пайғамбар ёки унинг саҳобалари ҳақида ҳикоя қилувчи хабар ёки ривоят.

Ислом дини таълимоти бўйича энг асосий манба Қуръондир. Ҳадислар ана шу мукаддас асардан кейинги ўринда турувчи мўътабар манбадир. Ҳадислар Муҳаммад пайғамбар ҳаёти ва фаолияти, шунингдек унинг турли шароитларида диний, фалсафий, ахлоқий-таълимий мавзуларда айтган хилма-хил фикрлари, кўрсатмалари ёки муносабатларини акс эттиради.

Ислом динидаги ички ғоявий курашлар ва ўзро муросасизлик натижасида пайғамбар ҳадисларини бузуш, уларни сохталаштириш ҳам кўзга ташлана бошлайди. Бундай номаъқул ҳаракатларга қарши кураш зарурати юзага келади. Натижада ҳадисларни фақат эшитиш билан эмас, балки ёзиб олиш, унинг ҳақиқий, дастлабки шаклини тиклаш билан ҳам

шуғулланишга тўғри келади. Шунга кўра ҳадисларни тўплаб, бир китоб ҳолига келтириш ҳаракати VIII асрдан бошлаб кенг авж олади.

Муҳаддислар ҳадисларнинг ҳақиқийлигини айрим белгилар орқали аниқлаганлар. Булар: ҳадислар Қуръон оятларига зид келмаслиги лозим; улар пайғамбар суннатларига мувофиқ бўлмоғлиги шарт; уларда тарихий воқелик бузилмаслиги керак. Ҳадислар ғайрий ахлоқий бўлиши мумкин эмас.

Ҳадисларни тўплаб, уларнинг ҳақиқийларини аниқлаш билан шуғулланган олимлар муҳаддис дейилади. Имом Бухорий, Муслим ибн Ҳажжож, имом Термий, Абу Довуд, Сулаймон Сижистоний, Ибн Можжа ва бошқа қатор муҳаддисларнинг номлари машҳур. Лекин муҳаддислар орасида Исмоил ал-Бухорийнинг ўрни ниҳоятда катта бўлган.

Имом ал-Бухорий азалдан илм-фан ва маданият равнақида машҳур бўлган Бухоро шаҳрида таваллуд топган. Кўплаб муаррихларнинг гувоҳлик беришларича, Бухоро азалдан Мовароуннаҳрнинг энг қадимий ва гўзал шаҳарларидан бири бўлган. Манбаларда зикр қилинишича, шаҳарнинг ўраб турган деворлари ўттиз олти миллга чўзилган. Шаҳарнинг обод ва кўркамлиги, унинг беназир гўзаллиги хусусида кўплаб шоирлар ва фозиллар ўзларининг насрий ва назмий асарларида алоҳида эҳтирос билан тараннум этганлар. Мана шу муҳташам шаҳар-Бухорои шарифда 194 хижрий сана шаввол ойининг 13 кунда салотул жумъадан кейин (810 мелодий сана 21 июл) жамийъ муҳаддисларнинг имоми, ҳадис илмининг султони (амирул мўмъинийн фил ҳадис), саййидул фуқаҳо каби улуғ лақабларга муяссар бўлиб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак ҳадисларига дурдонасимон сайқал бериб, уларни абадул-абад барҳаёт қилган улуғ зот имом ал-Бухорий дунёга келган.

Имом ал-Бухорий ёшлигидаёқ отаси вафот етиб, унинг тарбияси фақат волидаси кафолатида бўлган. Бирмунча улғайиб ақли расо бўлгач, унинг қалбида исломий илмларга, айниқса, Пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак ҳадисларини ўрганишга ва ёдлашга мойиллик тобора кучая боради. Бу ҳақда Имом ал-Бухорийнинг котиби, унинг асосий таснифи "Саҳиҳ" асари ровийларидан бири Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абу Хотам ал-Варроқ шундай деб ёзади: "Ал-Бухорийнинг: "Ҳадисларни ёд олиш илҳоми менга бошланғич мактабда ўқиётганимда келган эди"-деб айтганини эшитганимда: "Ўшанда неча ёшда эдингиз"?-деб сўрадим: у "Ўн ёшда балким ундан ҳам кичик эдим", -деб жавоб берганди". Бу мисолдан кўриниб турибдики, имом ал-Бухорий жуда ёшлигидан бошлаб ҳадисларни ёд олиб, бу илмга алоҳида завқ-шавқ ва қизиқиш билан қараган.

Кўпгина манбалар ва тарих китобларида имом ал-Бухорийнинг ақл-заковати ва қувваи-ҳофизасини синаш мақсадида қилинган имтиҳон (синов) хусусида аниқ маълумотлар зикр қилинган. Дарҳақиқат, бундай жиддий бир имтиҳон Бағдодда Дор ул-хилофат (Халифалик уйи)да Бағдод уламолари томонидан уюштирилган. Бағдодлик олим Абу Бакр ал-

Калузоний (вафоти 249 хижрий йил) "Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга ўхшаш ҳеч бир олимни кўрмадим. Бирор илмга оид ҳар қандай китобни олиб синчиклаб мутолаа қилардида, унда келтирилган барча ҳадисларни бир мартанинг ўзидаёқ ёдлаб оларди",-деб ёзган. Қачонки имом ал-Бухорий ҳадис илми бўйича мукамал илмга эга бўлиб илмий мажлислар уюштириб, сабоқ бера бошлагач ва унинг бу тарздаги мажлисларининг довуғи ҳар тарафга тарқаб, эл орасида ёйилгач, илм толибларию, аҳли дониш унинг сабоқларига шунчалик кўп ёғилиб кела бошладики, ҳатто мажлисларига одамлар сиғмай кетарди. Бу тартибдаги илмий мажлислар Басра, Бағдод, Хижоз, Балх каби шаҳарларда уюштирилган. Аллома умрининг охирларида ўз ватани Бухорода ҳам ҳадис илмидан сабоқ ўқиган.

Имом ал-Бухорийнинг "Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ" асари ислом дини таълимотларига кўра Қуръони каримдан кейинги асосий манба ҳисобланади. Бу асарнинг тўлиғича "Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ ал-муснад мин ҳадис Расулуллоҳ-саллоллоҳу алайҳи ва саллам ва сунаниҳи ва айёмиҳи" ёки бўлмаса тарихчи Бадруддин ал-Айнийнинг ёзишича, "Ал-Жомийъ ал-муснад ас-саҳиҳ ал-мухтасар мин умури Расулуллоҳ-саллоллоҳу алайҳи ва саллам ва сунаниҳи ва айёмиҳи" деган номлар билан аталса-да, ҳадис илмида қисқача "ал-Жомийъ ас-саҳиҳ" ("Ишончли тўплам"), аксар ҳолда эса "Саҳиҳ ал-Бухорий" номи билан машҳурдир. Асарнинг қирқга яқин қўлёзма нусхалари Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ва яна бир қанча нусхалари Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонасида сақланади.

Имом ал-Бухорий ғоятда тақводор ва покиза инсон бўлганлигидан Муҳаммад алайҳиссаломнинг саҳиҳ ҳадисларини тўплашга жуда катта масъулият ва ҳалоллик билан ёндошган. Натижада ислом оламидаги барча муҳаддисларга намуна бўладиган, Пайғамбар алайҳиссаломнинг саҳиҳ ҳадисларини ўзида мужассам қилган мукамал бир асар яратилди.

Аллома Абу Жаъфар ал-Уқайлийнинг ёзишича, имом ал-Бухорий "Саҳиҳ" асарини ёзиб тугатгач Ахмад ибн Ханбал, Яхъя ибн Маъийн, Али ибн ал-Мадийний ва бошқа машҳур олимларга кўрсатганда улар бу асарни катта мамнуният билан маъқуллаганлар. Аввал таъкидлаб ўтилганидек, Имом ал-Бухорийнинг бу асарига фақат саҳиҳ (ишончли, тўғри) ҳадислар киритилган. Албатта, бу ўта машаққатли ва хайрли ишни амалга оширишда муаллиф маълум қонун-қоидага, бошқача қилиб айтилса, шартларга, риоя қилган. Мутахассислар "Жомеъ ас-саҳиҳ" тўпламига кирган 7397 ҳадис олим ёд билган 600 минг ҳадисдан танлаб олинганлигини қайд этадилар.

Имом ал-Бухорийнинг "Ал-адаб ал-муфрад" (Одоб дурдоналари) асарининг инсон камолотидаги ўрни бениҳоя каттадир. Мазкур асар панд-насихат, эзгуликка даъват ёки фалсафий фикрларни ифодаловчи ҳикматлар мажмуидан иборат асардир.

ИЗОҲ: Машғулоти биринчи жуфтлигида дарсликда “Ал-адаб ал-муфрад” асаридан келтирилган ҳадислар таҳлил қилиниб, талабалар “Ҳадис илмий сабоқлари” мавзуида иншо ёзишга тайёрланадилар. Иншонинг асосий мақсади талабаларда ёзма нутқ малакаларини ўстириш, мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилади.

“Ҳадис илмий сабоқлари” мавзуидаги иншо адабий иншо тури ҳисобланади. Иншонинг бу тури ўқувчиларда бадиий нутқни ривожлантиради, ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш, муболаға сингари адабий тасвир воситаларидан фойдаланиш, оддий сўзлар билан маънони кучайтириш, бўёқдор сўзларни қўллай билишга ўргатади. Машғулоти давомида иншонинг тахминий режаси берилади.

Мавзунинг мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. “Ҳадис” сўзининг луғавий маъноси нима?
2. Ҳадислар нима учун мўътабар манба ҳисобланади?
3. Муҳаддис ким? Қайси муҳаддисларни биласиз?
4. Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва ижодлари ҳақида нималарни биласиз?
5. Имом ал-Бухорий қаерларда таҳсил олди?
6. Нима учун Имом ал-Бухорийнинг “Ал-Жомий ас-саҳиҳ” асари ислом дини таълимотларига кўра Қуръони каримдан кейинги асосий манба ҳисобланади?
7. Ота-онасини рози қилмаган фарзандлар ҳақида ҳадисларда қандай фикрлар бор?
1. Ҳадисларнинг бугунги кундаги аҳамияти нимада деб ўйлайсиз?
2. “Ал-адаб ал-муфрад”нинг маъноси нима?
3. Ҳадисларнинг адиблар ижодига таъсири ҳақида нималарни биласиз?

II топшириқ. Одоб-ахлоққа доир ҳадислардан ёд олинг ва таҳлил қилинг.

17-мавзу: Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари (2 соат)

Режа:

1. Фирдавсийнинг ҳаёти ва ижоди.
2. “Шоҳнома”нинг яратилиши.
3. “Шоҳнома” – дostonлар мажмуи.

Таянч тушунчалар: “Фирдавс”, форс-тожик адабиёти, ҳажвия, пешдодийлар, ашконийлар, сомонийлар, фирдавсшунослар, насрий вариант, шеърӣ йўл.

Абулқосим Фирдавсий она-Ватан учун фидойи юзлаб баҳодирлар образини яратган форс-тожик адабиётининг улкан шоиридир. У 941 йилда Эроннинг Тус шаҳри яқинидаги Бож қишлоғида ўртаҳол деҳқон oilасида

туғилган. Бўлажак шоирнинг отаси Тус ҳокимининг “Фирдавс” яъни “Жаннат” номли боғида боғбон бўлган. Фирдавсий дастлаб қишлоғидаги диний мактабда, сўнг Тус шаҳри мадрасаларида таҳсил олади. Отаси вафотидан сўнг боғбонлик қилади. Шарқ халқлари тарихини зўр завқ билан ўрганади, кўхна ривоятларни ёзиб олади. Айтишларича, Хуросон ҳукмдори Маҳмуд Ғазнавий шоирга “Шоҳнома” (Шоҳлар ҳақида китоб) ёзишни топширади ва асардаги ҳар бир мисра учун бир динар олтин танга беришни ваъда қилади. Ҳукумдор ваъдасидан тониб, шоирга 120 динар кумуш танга беради. Фирдавсий бундан ғазабланиб, бу тангаларнинг бир бўлагини ҳаммом ходимига, бир қисмини шарбат сотувчига ва яна бир бўлагини пулни олиб келган мулозимларга тақсимлаб беради. Маҳмуд Ғазнавийни хасислик ва пасткашликда айбловчи ҳажвия ёзади. Шоир қувғинда юради, Ироққа кўчиб бориб, Бағдодда “Юсуф ва Зулайхо” достонини ёзади. У 1025 йилда ўз она қишлоғида вафот этади. Руҳонийлар унинг жасадини мусулмонлар қабристонида қўймаганларидан сўнг, уни ўзининг боғига дафн этадилар.

Фирдавсий шеърини ижодининг қачон бошлангани маълум эмас, Аммо фирдавсшунослар унинг “Шоҳнома”ни ёзишда 35 ёшда эканлиги ҳақида маълумот берадилар.

“Шоҳнома”да тасвирланган воқеалар эрамизгача бўлган 3223 йилдан бошланади ва 4 сулола тарихини ўз ичига олади. Бу сулолалар қуйидагилар:

- а) пешдодийлар сулоласи – эрамизгача бўлган 3223 -782 йиллар;
- б) каёнийлар сулоласи – эрамизгача бўлган 782-50 йиллар
- в) ашконийлар сулоласи – эрамизгача бўлган 50 йилдан эрамизнинг 150 йилига қадар
- е) сомонийлар сулоласи –эрамизнинг 150-651 йиллари.

“Шоҳнома” шартли равишда уч қисмга бўлинади: **мифология, қаҳрамонлик ва тарихий** қисмлар. Асар 60 минг байтдан иборат. Унда қариб 400 йил ичида Эрон заминида ҳукмронлик қилган 4 та сулолага мансуб 50 подшоҳ ҳаётига тегишли воқеа-ҳодисалар ўз аксини топган.

“Шоҳнома” ҳажми, мавзуси, образлари, ғоявий йўналиши ва бадиий қиммати жиҳатидан дунёдаги энг катта эпик асардир. У 100 ортиқ достонлардан ташкил топган. Уларда мингдан зиёд образ ва персонажлар тасвирланган. Шоирнинг бу асари илк бор 1682 йилда Мулла Хомуш охун – Хомуший томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Орадан бир қанча вақт ўтгач, Мулла Нодир Муҳаммад Бухорий “Шоҳнома”нинг ўзбекча насрий вариантини яратган. XX асрнинг 70-йилларида Ш. Шомухаммедов, Ж. Жабборов, Назармат каби ўзбек шоирлари томонидан шеърини йўл билан таржима қилинди.

ИЗОҲ: Ўқувчиларга ушбу маълумотлар берилгандан сўнг “Шоҳнома” таркибидаги “Рустам ва Сухроб” достони таҳлил қилинади. Мазкур достон ўқувчилар томонидан ўқиб келинган бўлиши зарур. Достон

таҳлилини қуйидаги режа асосида амалга ошириш мумкин:

“Рустам ва Сухроб” достони таҳлили.

а) дoston мазмуни;

б) фикрлар, мулоҳазалар.

в) “Рустам ва Сухроб” достонидан олган таассуротларим.

Бундай таҳлилдан кўзланган асосий мақсад Фирдавсий ижоди, хусусан, “Шоҳнома”даги дostonларни ўрганиш орқали ўқувчиларни миллатпарварлик, халқпарварлик, эрксеварлик руҳида тарбиялаш, уларда миллий истиқлол ғояларини камол топтириш ҳамда мустақил фикрлаш кўникмаларини ўстиришдир.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Фирдавсийнинг болалиги ҳақида нималарни биласиз?
2. Фирдавсий ўзига нега ушбу таҳаллусни қўллаган?
3. Шоирнинг қандай асарлари бор?
4. “Шоҳнома” қандай асар? Унинг тақдири қандай кечган?
5. “Шоҳнома” асарининг буюклиги нималар билан белгиланади?
6. “Рустам ва Сухроб” достонининг асосий ғояси нимадан иборат?

II топшириқ. Фирдавсийнинг қуйидаги ҳикматларини диққат билан ўқинг. Ҳар бир ҳикмат халқ оғзаки ижодидаги қайси мақолнинг маъноси билан яқинлигини аниқланг.

Меҳнат тагидадир, эй оқил, ҳар ганж,
Ганж топмас ҳеч кимса топмас эса ранж.

Нодонликдан ёмонлик келади фақат,
Нодонга ёндашма, босмасин ғафлат.

Ёмонга қўшилма, бўлурсан ёмон,
Қаросин юқтирар доимо қозон.

III топшириқ. Фирдавсий ҳикматларидан ёд олинг ва таҳлил қилиб ўз хулосаларингиз асосида матн тузинг.

18-мавзу: Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар (2 соат)

Режа:

1. Аҳмад Яссавий ҳаёти ва ижоди.
2. “Девони ҳикмат”даги ҳикматлар таҳлили.

Таянч тушунчалар: ҳикмат, тасаввуф, орифона, ҳадис, муршид, солиқ, шайх, нафс.

Аҳмад Яссавий - туркий тасаввуф шеърятининг асосчиси, атоқли мутасаввиф шоир, «Шайхул-машойих», «султонул-орифин» унвонлари билан улуғланган буюк маърифий зотдир. Унинг «Ҳикмат»лари туркий халқлар томонидан неча юз йиллардан бери севилиб мутолаа қилинади.

Аҳмад Яссавийнинг туғилган йили маълум эмас. Манбаларда шоирнинг вафоти 1166 йил тарзида кўрсатилади. Улуғ шоир болаликдан пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳис-салом суннатларига қатъий амал қилган. Аллоҳнинг сўнгги расули Муҳаммад алайҳис-салом 63 ёшларида бу фаний дунёдан ўтганликлари боис Аҳмад Яссавий ўзига ер остидан макон қилади. Хонақоҳнинг бир тарафида бир жой қаздириб, хом ғишт билан лаҳад шаклида ҳужра барпо этади ва умрининг қолган қисмини мана шу чиллахонада риёзат ва ибодат, иршод ва мужоҳада билан ўтказди.

Аҳмад Яссавий Сайрам мавзусида Шайх Иброҳим хонадонидида туғилади. Унинг отаси Шайх Иброҳим Ясси ва Сайрамнинг энг маъруф машойихларидан бўлган. У ўз халифаларидан бири Мусо Шайхнинг қизи Ойшага уйланади ва ундан икки фарзанд кўради. Фарзандларининг каттаси Гавҳари Шахноз исмли қиз, иккинчиси эса Аҳмаддир. Аҳмад Яссавий етти ёшга тўлганда, отаси Шайх Иброҳим вафот этади. Ота васиятига кўра, шоир онаси ва опаси билан биргаликда Яссига кўчиб келишади. Ҳақсевар шоир бу ерда Арслонбоб деган ориф Шайх қўлида тарбияланади.

Аҳмад Яссавийнинг Арслонбоб тарбиясини олиши узоққа чўзилмайди. Устоиди вафотидан сўнг у Бухорога бориб, Юсуф Ҳамадонийдан тасаввуф сирларини ўрганади. Маълумотларга кўра, улуғ машойих Юсуф Ҳамадонийнинг Бухорои Шарифда тўрт халифаси (ўринбосари, издоши) бўлган. Булар: Хожа Абдулла Барқий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва Хожа Аҳмад Яссавийлардир. Шоир илоҳиёт ва тасаввуф сирларини шу қадар теран ўрганганки, халқ орасида «Мадинада Муҳаммад, Туркистонда Хожа Аҳмад» нақлининг пайдо бўлиши замирида ўша билимдонлик ётади. Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да Юсуф Ҳамадонийдан кейин бу тўрт кишидан ҳар бири иршод ва даъват мақомига эришганликларини ёзади. Шундай қилиб, Хожа Аҳмад Яссавий бир муддат Бухородаги муқаддас хонақоҳда раислик қилиб, кейин Туркистонга қайтади.

Аҳмад Яссавийдан «Девони ҳикмат» номли шеърлар китоби бизгача етиб келган. Унда жами 240 га яқин шеърлар - ҳикматлар жамланган. «Девони ҳикмат»нинг бир неча қўлёзма нусхалари мавжуд бўлиб, уларнинг энг қадимгиси XVII асрга мансубдир. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Тошкент, Қозон ва Истамбулда унинг тошбосма нусхалари нашр этилди. 1991 йилда И.Ҳаққулов, 1992 йилда эса М.Ҳасаний сайъ-ҳаракатлари билан «Девони ҳикмат» қайта чоп этилди. Унда Аҳмад Яссавий номи «Қул Хожа Аҳмад», «Хожа Аҳмад Яссавий», «Аҳмад ибн Иброҳим», «Султон Хожа Аҳмад Яссавий», «Аҳмад», «Аҳмадий», «Қул Аҳмад», «Мискин Аҳмад» тарзида қўлланганлиги кузатилади.

Аҳмад Яссавий ҳикматлари тарихий зарурат ва даврнинг маънавий эҳтиёжи туфайли вужудга келди. Шоир туркий тил мавқеини тиклаш ва

ислом динини содда тилда кенг халқ оммасига тарғиб қилишдек жуда муҳим вазифани ўз олдида мақсад қилиб қўяди ва шу йўлда тинмай изланади. Аҳмад Яссавий Қуръони карим, Хадиси шариф ва тасаввуф таълимотидан илҳомланиб ўз ғоявий ниятларини халққа етказиш учун ўша сарчашмаларга тез-тез мурожаат қилади. Шоир ўзи яшаган даврдаги уруш, зулм ва зўравонликлар, мунофиқлик ва жаҳолат сабабларини замондошларининг диндан юз ўгиришларида, иймон-этиқодларининг сустлигида деб билади:

На онода раҳм қолди, на отода,
Оға-ини бир-бирига можарода,
Мусулмонлар даъво қилур, ичар бода,
Мастлиғ била қариндошдан тонди, кўрунг.

Нокас, хасис, бедиёнат қуллар ҳоким,
Моуманлик ҳаддин ошиб бўлди золим,
Халқи чинда хор бўлдилар дарвеш, олим,
Ҳимояти халқни кофир бўлди, кўрунг...

Аҳмад Яссавий ҳикматларида илоҳий муҳаббат, ҳақсеварлик ва инсонсеварлик каби олижаноб инсоний фазилатлар улуғланади. Шоир ошиқлар деганда Ҳақ ишқи билан ёнган солиқларни назарда тутди. У «дардсиз одам одам эмас», «ишқсиз одам ҳайвон жинси» деркан, шубҳасиз, Яратганнинг буюк қудрати ва сифатларини англамаган, унинг мўъжизаларидан ҳайратланмаган кишилар ҳақида фикр юритади. Муҳаббатсиз ҳалойиқдан йироқ бўлиш ҳам ижодкор ҳикматларида тез-тез таъкидланади. Шоирнинг фикрича, шунга қатъий амал қилиниб, ишқ йўлида ҳар қандай риёзат босқичларидан мардонавор ўтган ошиқ, албатта, Тангрининг лутфу қарамидан бенасиб қолмайди:

Муҳаббатсиз ҳалойиқдан ҳар ким қочса,
Орифларни суҳбатида жавлон қилур.
Ўртаб, куюб ишқ йўлида ёшин сочса,
Субҳон эгам арш устида меҳмон қилур.

«Девони ҳикмат»даги шеърлар кишини сергаклантирувчи, хушёрликка чакирувчи даъваткор сатрлардир. Унда инсонни комилликка етакловчи, руҳини ёмон иллатлардан фориғ қилувчи юксак фазилатлар хусусида фикр юритилади.

Мавзуни мустахкамлаш учун топшириқлар.

I топшириқ: Қуйидаги саволлар устида мушоҳада юритиб кўринг.

1. Аҳмад Яссавий ҳаёти ҳақида нималарни биласиз?
2. Ҳикмат нима?
3. Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат» асари ҳақида нималарни биласиз?
4. Ҳикматларнинг жанр хусусиятлари ҳақида нима дея оласиз?
5. Аҳмад Яссавий ҳикматларининг манбалари ҳақида сўзланг.

5. Аҳмад Яссавий ҳақида қандай ривоятларни эшитгансиз?

6. Ҳикматларда қандай ахлоқий-маърифий масалалар ёритилган?

II топширик: Аҳмад Яссавий қаламига манбу ушбу ҳикматни ёд олиб, уни шарҳлашга ҳаракат қилинг. Шоир “бадқирдор” деганда қандай одамлари назарда тутмоқда. Сизнингча нафс нима?

Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,
Йўлдин озиб, тойиб, тўзиб гумроҳ бўлур.
Ётса, қўпса шайтон била ҳамроҳ бўлур,
Нафсни тепкил, нафсни тепкил, эй бадқирдор.

III топширик: “Аҳмад Яссавий ўғитлари биз учун маёқ” мавзуида уй иншоси ёзинг.

19-мавзу: **Нажмиддин Кубро. Рубоийлар (2 соат)**

Режа:

1. Нажмиддин Кубронинг ҳаёт йўли.
2. Нажмиддин Кубро ижодий мероси.
3. Шоир рубоийларида инсон камолотининг куйланиши.

Таянч тушунчалар: «Насойим ул-муҳаббат» «Кубро» «туммат ул-кубро, «абулжанноб», Ҳақ маърифати, «Ал усул ал-ашара», «Рисолаи Нажмиддин»

Улуғ инсонлар ҳақида фикр билдирмоқ, уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида мулоҳаза юритмоқ осон эмас. Улуғларнинг ишқи олийлари, эътиқодлари, тафаккур ганжиналарига ҳавас қиламиз, улардан баҳраманд бўлишга ҳаракат қиламиз. Бундай кишилар шахсини ўрганиш билан қалбимизга назар ташлаймиз. Ўз виждонимизни тафтиш қиламиз, уни тозалаш, ҳаёт тарзимизни тўғрилиқ ва эзгулик сари йўналтиришга эҳтиёж сезамиз. Чунки уларнинг ҳаёт тарзи, эзгу амаллари бизга сабоқ. Шундай буюк зотлардан бири Нажмиддин Кубро бўладилар. Сиз у ҳақда тарих дарсликларида ўқигансиз. Хива яқинидаги Саёт қишлоғида туғилган Нажмиддин Кубронинг номи тириклигидаёқ етти иқлимга кетган эди. Ўз замонаси илм-у урфонда Нажмиддин Куброга тенг келадиган бирорта олим бўлмаган. Шу боис ҳам унга «Кубро» исми берилган. Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида шундай ёзилади: «Аларга кубро ондин лақаб бўлдики, ҳар ким била мунозара ва мубоҳаса қилсалар эрмиш, ул киши ғолиб бўлурлар эрмиш.» Кубронинг «валийтарош», яъни валийлар етиштирувчи, «тумматул кубро (бало-қазоларнинг олдини олувчи, буюк башоратчи)», «абулжанноб (парҳез қилувчи, дунёвий икир-чикрлардан узок турувчи)» каби ном ва лақаблари бўлган.

Нажмиддин Кубро ҳам бундай мавқега осонликча эришмаган. У ўз илоҳий истеъдодини тинимсиз илм ўрганиш, заҳмат чекиш орқали юксакликка кўтарди. Илм олиш йўлида машаққатлардан чўчимади,

эгаллаган билимларидан ҳеч қоникмади, илм истаб Миср, Табриз ва бошқа кўплаб ўлкаларни кезди. Тинимсиз меҳнат, изланиш, машаққатлар уни комиллик даражасига кўтарди.

Нажмиддин Кубро дунёвий билимларда юқори мартабага эришгач, бу билимлар *Хақ маърифатини идрок этиш* учун кам эканлигини англайди. Энди у ботиний билим, ғайб асрорини ўрганишга киришади. Бу ниҳоятда машаққатли йўл бўлиб, Нажмиддин Кубро бу оғир синовларни устозлари раҳнамолигида енгиб ўтди. Шундан кейин у оламга бошқача қарайдиган, фақат китоблардаги билимларни такрорлайдиган олимлардан фарқ қилиб, эркин, озод мушоҳада этадиган, моҳиятни теран идрок этиб, бунини одамларга етказа оладиган даражага эришди.

Ўша даврларда қудратли империя ҳисобланган хоразмшоҳлар давлатида мансабпарастлик, манманлик, кибр-у ҳаво, бойлик кетидан қувиш авж олган эди. Сохта шуҳрат хоразмшоҳ кўзини кўр қилади. Унинг калтабинлиги натижасида мамлакат таназзулга юз тутди. Шоҳ уни балолардан огоҳ этмоқчи бўлган олим-у фузалоларни таъқиб этади. Ҳатто Нажмиддин Кубронинг истеъдодли шогирди Мажиддин Бағдодийни қатл эттиради. Шунда Нажмиддин Кубро: «Энди юртингизга боринг. Шарқдан фитна олови келмоқда, кўп ўтмай у ҳамма ёқни куйдириб кул қилади», дейди. Шогирдлари: «Устод, дуо қилинг, бу офат мусулмон олаmidан даф бўлсин, ахир Сизнинг дуойингиз ҳар доим ижобат бўлғай-ку», дейишади. Бунга жавобан ҳазрат: «Бу қазойи мубрам (ўзгармас)дир. Уни дуо билан қайтариб бўлмайди». «Ундай бўлса сизни ҳам олиб кетайлик», дея илтижо қилган шогирдларга ҳазрат қатъий қилиб: «Мен бу жангда шаҳид бўламан, менга киндик қоним тўкилган тупроқни, Хоразмни тарк этишга рухсат йўқ», дейди (Абдурахмон Жомийнинг «Нафоҳот-ул унс» асаридан).

Башорат қилинган офат машриқдан мўғул босқинчиси қиёфасида бостириб келиб, гуллаган ўлкани вайронага айлантирди. Чингизхондай шафқатсиз бир ҳоқон ҳам Нажмиддин Куброга ўз яқинлари билан шаҳардан ташқарига чиқиб кетишга рухсат беради. Шайх бу марҳаматни рад этади. Хоразмшоҳ ташлаб қочган ватан химоясига қилич кўтариб, шоҳдан марҳамат кутмаган пок имонлиларга бош бўлиб 76 ёшли Нажмиддин Кубро чиқади. Улар бир неча кун Урганч қалъасини душмандан сақлаб турадилар. Алишер Навоийнинг ёзишича, Нажмиддин Кубро бир ҳамлада душман байроғини тортиб олган ва ўлганидан кейин ҳам уни қўлидан бўшатмаган. Ўн нафар ёғий ҳарчанд уриниб байроқни ололмаганлар. Шунда шаҳид шайхнинг бармоқларини битталаб чопганлар.

Нажмиддин Кубро улкан олим сифатида киши руҳияти, руҳий хислатларини чуқур таҳлил қилган. У инсоннинг нозик ҳолатларини, руҳий кечинмаларини пухта ўргангач, инсон руҳи кўзга кўринмас, латиф марказлардан иборат эканлини кашф этган, яъни «латойиф назарияси»ни ишлаб чиққан. Бу онг ва туйғу, руҳ ва жисм ўртасидаги нафис бир нарса. У шундай нозикки, уни илғаш ниҳоятда мушкул. Инсон руҳи билан боғлиқ

бу манзаралар ва ҳолатлар ғарб фалсафасида (Кафка, Шопенгауер, Фрейд) XIX асрга келиб ўрганилган бўлса, инсон қобилиятининг бу мўжизалари Шарқ алломалари томонидан неча асрлар олдин баён этиб қўйилганди.

Нажмиддин Кубронинг «Ал усул ал-ашара» («Ўн усул»), «Рисолаи Нажмиддин» асарларида ўз-ўзи билан курашиш, гуноҳ ишларни қилмаслик, гуноҳ лаззатини тотган нафсга мағлубият аламини тоттириш, нафсни енгишга ва сабр-қаноатли бўлишга чақиради.

Нажмиддин Кубронинг бадий ижоди – рубоийлари ҳам буюк шайхнинг фалсафий қарашлари, ички дунёси, ботиний кечинмаларини ёрқинроқ ҳис этишга ёрдам беради. Унинг рубоийлари мисолида дунёвий ва ботиний илмларни иложи борица кўпроқ қалбларга сингдириш учун курашини кўриш мумкин. Рубоийларни ўқир экансиз, қатъиятли ва гўзал хулқ соҳиби бўлишга чорлаганликнинг гувоҳи бўласиз, ишқ билан лиммо-лим ошиқ қалб жилваланишлари сизни ўзига ром этади:

Ишқ дарди ғариб танимдаги жон бўлғай,

Дард чекса киши ахийри инсон бўлғай.

Ишқ дарди билан ёнишга даъват замирида мукамалликка эришиш мақсади ётади. Ошиқ одам дардли бўлади. Бу дард кишини азобларга солади, шу билан бирга мард қилади.

Нажмиддин Кубронинг фикрича, маънавий тубанлик ва инсонликни йемирадиган иллатларни нафс келтириб чиқаради:

Бир дев бор ичимда, асти пинҳон бўлмас,

Бошини эгмак онинг осон бўлмас.

Нафс девининг бошини янчган киши қаноат мулкининг соҳибқирони бўлиб, поклик хазинасини қўлга киритиши мумкин эканлиги Нажмиддин Кубро ижодий меросида қайта-қайта тилга олинади.

Нажмиддин Кубро рубоийлари ўзбек тилига истеъдодли шоир Жамол Камол томонидан таржима қилинган.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топширик: Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Буюк алломага «Кубро» лақабининг берилиши сабабларини матнга таяниб таҳлил қилинг.

2. Нажмиддин Кубро эришган комиллик ҳақида мулоҳаза юритинг. Умуман, «комиллик» тушунчаси ҳақида ўз фикрингизни баён қилинг.

3. Матндаги «**Ҳақ маърифатини идрок этиш**» деган тушунчани англашга ҳаракат қилинг. «Ҳақ маърифати» деганда нималар назарда тутилаётганлиги ҳақида ўйлаб кўринг.

4. Нажмиддин Кубро ҳақидаги «эркин, озод мушоҳада этадиган, моҳиятни теран идрок этиб, буни одамларга етказа оладиган даражага эришди» деган фикрларнинг маъзини чақишга уриниб кўринг.

5. Нажмиддин Кубронинг шогирдлари билан суҳбати ва «**Мен бу жангда шаҳид бўламан, менга киндик қоним тўкилган тупрокни, Хоразмни тарк этишга рухсат йўқ**» деганига таяниб, унинг иродасига баҳо беринг. “Киндик

қони тўқилган тупроқ” тушунчасини таҳлил қилинг, муносабат билдиринг.

6. Одамнинг «ўзи билан ўзи курашиши»ни қандай тушуниш мумкин? Шу ҳақда фикр айта оласизми?

7. Матндаги “**Ишқ дарди ғариб танимдаги жон бўлғай, Дард чекса киши ахийри инсон бўлғай**” мисраларга сингдирилган ишқ дарди, дард чекиш ва инсонлик ҳақида, уларнинг ўзаро алоқадорлиги тўғрисида ўйлаб кўринг. Фикрларингизни ўртоқлашинг.

II топшириқ: Қуйидаги рубоийларни ёд олинг ва таҳлил қилинг. Мушоҳадаларингиз асосида “Нажмиддин Кубро рубоийларидан олган таассуротларим” мавзусида матн тузинг.

Ишқ етса кўнгилга, дилга у дард айлар,

Дарди дили мардни боз мард айлар.

Ўз оташи ишқида ёнар ул, вале

Дўзахни чу ўзгалар учун сард айлар.

Ушбу рубоийда кўнгилларга дард соладиган қандай ишқ ҳақида гапирилаётганлиги ҳақида ўйлаб кўринг. Бу ишқнинг одамга таъсири ҳақида матнга таяниб мулоҳаза юритинг.

Эй дил, диёнатда ажаб расвосен,

Инсоф била айт, ишққа нечун ошносен?

Ишқ оташи тез эрур, сендек су эмас

Тупроқ чу бошинггаки етар, билгосен.

Рубоийдаги “Тупроқ чу бошинггаки етар, билгосен” мисраси ташиётган маънони кашф қилишга уриниб кўринг.

20-мавзу: Жалолиддин Румий. Рубоийлар (2 соат)

Режа:

1. Жалолиддин Румийнинг ҳаёти йўли.
2. Жалолиддин Румийнинг адабий мероси
3. Жалолиддин Румий – рубоийнавис.

Таянч тушунчалар: “султонал уламо”, тасаввуф, илоҳиёт, тариқат, “Девони Кабир, “Мактубот”, “Фихи мо фихий” (“Ичиндаги ичиндадир”) , “Маснавий маънавий”, тариқат, шайх.

Жалолиддин Румий Муҳаммад ибн Баҳоуддин Муҳаммад ал-Балхий (1207-1273) шоир, мутафаккир, мавлавийлар (Мавлавия) тариқатининг норасмий шайхи. Жалолиддин Румий ҳозирги Афғонистоннинг Балх шаҳрида, “султонал уламо” лақабини олган улуғ шайх Муҳаммад Баҳоуддин Валад хонадонида дунёга келган. Отаси Баҳоуддин Валад сўфийлар ва фикҳ донишманди бўлган. Шу боис ҳам, султон Муҳаммад Хоразмшоҳ (1199-1220) уни саройга таклиф этган. Лекин Баҳоуддин Валад унинг таклифини рад этиб, мактабдорлик ва илмий-иждодий иш билан машғул бўлган. Жалолиддиннинг онаси эса хоразмлик саййидаларидан, яъни шажарада, у Муҳаммад Пайғамбарга боғланган эди.

Хоразмшоҳ билан келишолмаган Валад, оиласи, муридларини олиб, Балхдан чиқиб кетади ва Макка сафаридан сўнг Ироқу Ажам шаҳарларини кезиб, Туркиянинг Куня (Коня) шаҳрида кўним топади. Салжук султонлари тарафидан иззат-икром билан қабул қилинган Баҳоуддин Валад шу ерда муқим туриб қолади. Румий отасининг вафотидан сўнг, унинг ўрнига Куня мадрасасининг бош мударриси бўлади.

Жалолиддин Румийнинг тасаввуф оламига кириб келиши Шайх Фаридиддин Атторнинг башорати билан бўлганини унинг илк тафсирчиларидан Ҳусомиддин Чалабийдан тортиб, Давлатшоҳ Самарқандийгача бир овоздан тасдиқлайдилар: Каъба зиёратига йўл олган Баҳоуддин Валад ва унинг ўғли Нишопурга етганидан хабар топиб, Шайх Аттор зиёратчиларнинг қаршисига чиқади. Ўспириннинг суҳбатидан мамнун бўлиб, унга ўзининг “Асрорнома” китобини тақдим этади ва отасига қарата: “Ўғлингиз тез орада оламдаги барча куйганлар қалбига оташ солади”, - деб башорат қилади. Румий тариқат йўлини тутиб, шоир Саид Бурҳониддинга шогирд тушади, сўнг қаландар сўфий Шамсиддин Муҳаммад Табризий билан дўстлашиб, уни ўз пири деб эълон қилади. Табризий уч йил Румийга дарс беради: фалсафа, хусусан, сўфийлик таълимотини ўргатади. Румийнинг ўзи ҳам бир байтида: “Агар Аттор менга руҳ бахш этган бўлса, Шамси Табризий тилсим калитини тутқазди,- деган. Табризий таъсирида Румий ақлий изланишларидан воз кечади. Бу Румий муридлари, уламолар норозиликка сабаб бўлади ва улар фатвоси билан Табризий ўлдирилади. У бу фожиадан қаттиқ таъсирланиб, пирининг исми шарифини таҳаллус қилиб, ғазаллар ёза бошлайди. Унинг “Шамси Табризий девон” номи билан шуҳрат қозонишининг боиси, у “Шамси Табризий”, “Шамси” таҳаллусларини қўллашидадир (42 минг байтли “Девони Кабир” (“Улуғ девон”)нинг иккинчи номи “Девони Шамси Табризий”).

Жалолиддин Румийнинг илмий ва адабий мероси ғоят катта. Ғазал, маснавий ва рубоийларни ўз ичига оладиган “Девони кабир” (“Улуғ девон”)да уч мингдан ортиқ шеър бор. Фалсафий-сўфиёна мушоҳадалар, руҳият диалектикасини кашф этиб, инсон ақлини лол қолдирадиган теранлик билан ёзилган “Маснавий-маънавий” ҳам бир неча минг байтдан иборат. Бундан ташқари “Мактубот”, “Фиҳи мо фиҳий” (“Ичиндаги ичиндадир”) номли асарлари ҳам мавжуд.

“Ичиндаги ичиндадир” насрий асар бўлиб, унда Жалолиддин Румийнинг илоҳиёт, тасаввуф, ҳаёт ва борлиқ ҳақидаги қайдлари, дўстлари ва суҳбатдошлари даврасида айтган фикрлари, баҳс-мунозараларда пайдо бўлган мулоҳаза-муқоясалари тўпламидан ташкил топган. “Ичиндаги-ичиндадир” – содда форс тилида ёзилган асар, улуғ муаллиф “Маснавий маънавий”даги ҳадис ва оятлар, ҳикоят ва тамсилларга ўралган, ўта мураккаб бир фалсафий муҳокамалар асосига қурилган фикрларини бу ерда равшан ва содда қилиб тушунтириб берган. Асарни ўқир экансиз,

улуғ ва ноёб бир тафаккур хазинаси устидан чиққандай бўласиз.

Жалолоддин Румийнинг машхур асари “Маснавий маънавий”дир. Асарда Қуръони карим ва Ҳадиси шариф маъноларини ўзига сингдирган, инсон ҳаёти билан боғлиқ барча масалалар бадиий йўсинда баён этилган 6 жилд (дафтар)дан иборат асарнинг дастлабки қисмларини адибнинг шогирди Ҳисомиддин Чалабий устози оғзидан ёзиб олиб, таҳлилдан ўтказган. Чалабий вафотидан сўнг муаллиф асарнинг давомини 10 йилда ёзиб тугатади. Қуръони карим оятларининг 70 фоизи моҳиятини ўзида мужассамлаштирган, 270 дан зиёд ҳикояларни, юзлаб панду ҳикматларни ўз ичига олган бу китоб ўз вақтида ва кейинчалик ҳам ёзувчи номининг дунёга кенг тарқалишига сабаб бўлган. Чунки Румий “Маснавий”да ўзигача бўлган Шарқу Ғарб донишмандларининг фалсафий қарашларини, исломий фарзларини содда бир услубда, шеърӣ йўл билан бадиий ифодалаган.

Румий асарлари кўпчилик форсӣғўй ва туркийғўй шоирлар ижодига катта таъсир кўрсатган, маснавийхонлик ҳалқимиз ўртасида кенг тарқалган. Ўзбекистон ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Румийнинг “Маснавий маънавий” асари сақланади. Истиклол йилларида Румий ҳаёти ва ижодига қизиқиш янада кучайди. Ш. Шомухамедов, А. Маҳкам ва бошқалар шоирнинг турли жанрдаги шеърларидан намуналарни ўзбек тилига таржима қилдилар. Шоир Жамол Камол “Маснавий маънавий” таржимасини ниҳоясига етказди.

Румийнинг ғазал ва рубоийлари ҳам ўта мароқли. Унинг рубоийлари нафақат фалсафӣ қарашларни, балки самимий ҳис-туйғуларни баён этади. Ўқиган киши қўнглини гўзалликка ошно қилади. У инсони ўзига таништиради.

Жалолоддин учун муҳаббат бутун борлиқни ҳаракатга келтирувчи куч эди. Унинг фикрича, дон ҳам, майса ҳам, жонивор ҳам сева олади. Лекин фақат тана ва териси билан. Инсонгина ҳам жисм, ҳам ақл-идроқи, ҳам ҳаёли, ҳам хотираси ила севишга қодир.

Румий аёлга муҳаббатини олқишлайди. Зеро, инсон ўзига ўхшаган инсонга муҳаббат қўйиши билан ўз руҳиятини, умуман, инсонлик моҳиятини англаб этади:

Аё ғунча, қизил қонлар аро сен ўзни тарк этдинг,

Аён етгил, надир севги, надир ул ўзни тарк этмоқ!

Румий тийрак ва хушёр кўз билан дунёга назар солади, инсонни қандай бўлса, шундай олиб ўрганади. Инсон қалби тўғрисидаги энг нозик энг яширин сирларни ошкор этади, руҳият қатларидаги қонуният ва заруратларни кўрсатиб беради. Унинг асарларини ўз-ўзини, ўзликни таниш китоби, деб айтиш мумкин. Ўзликни англаш Аллоҳни англашдан бошланади. Румий рубоийларда Аллоҳга бўлган илоҳӣ ишқ такрор ва такрор тилга олинади:

Мен ўлсам, бошимда гирён бўлманг,
Жононима топширингу, нолон бўлманг.
Жонсиз у лабимга лаб қўйиб жононим,
Жон менга ато айласа, ҳайрон бўлманг.

Рубоийнинг зоҳир маъносида ошиқнинг маъшуқага бўлган муҳаббати англашилади. Мумтоз адабиётимизда жонон ошиқни тирилтирувчилик унга ҳаёт берувчилик сифатлари кўп тилга олинади. Бироқ рубоийнинг ботиний маъноси анча кенг. Унада инсоннинг яратилиши ва унинг яна ўша маҳзарга қайтиши билан боғлиқ илоҳий фикрлар мужассам. Илоҳий ишқ соҳиби бўлган ошиқ ўлимдан қўрқмайди. У жонон (Аллоҳ)нинг ҳузурида янада тирилишни истайди.

ИЗОҲ: Жалолиддин Румий рубоийлари таҳлилида “Тадқиқот” методидан фойдаланиб, гуруҳларда кичик илмий тадқиқот ўтказиш мумкин. Бунда гуруҳларга дарсликда келтирилган Жалолиддин Румий рубоийларидан тузилган саволлар берилади. Ҳар бир гуруҳ ўз қарашларини ҳимоя қилади. Берилган саволлар тахминан қуйидагича бўлади:

Саволлар:

“Жоним берайин, ол уни жондин кечма” мисралари билан бошланувчи рубоийда “Сен ўқсен-у, мен эмас камон ҳануз, Эй ўқ сабр айла камондин кечма” мисраларида муаллиф нимани сўраяпти-ю, қандай сўраяпти?

“Мен ўлсам агар, бошимда гирён бўлманг” мисраси билан бошланувчи рубоийда “Жононима топширинг-у, нолон бўлманг” мисраларида қандай “жонон” ҳақида гап кетаяпти?

“Сенданму чу безор бўлайин? Йўқ, йўқ, йўқ!” мисраси билан бошланувчи рубоийда “йўқ”ларнинг такрорланиши инсон руҳиятига қандай таъсир қилади?

“Эй дўст азизларим, жудолик этманг” деб бошланувчи рубоийда Румий одамларни кимдан ёки нимадан жудо бўлмасликка чақиради, деб ўйлайсиз? Ҳою ҳавасларга берилиб қолиб, хато қилиб қўйишни қандай тасаввур қиласиз?

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: “Кластер” усулидан фойдаланиб, рубоийга таъриф беринг. Нима учун рубоий фалсафий ғоялар тарғиби учун қулай жанр ҳисобланади?

II топшириқ: Жалолиддин Румий ҳаёти ва ижодига бағишланган қуйидаги саволларга жавоб қайтаринг.

1. Жалолиддин Румий қандай оила муҳитида туғилиб, вояга етди?
2. Тасаввуф таълимоти ҳақида нималарни биласиз?
3. Жалолиддин Румийнинг тасаввуф оламидаги ўрни ҳақида нималарни биласиз?
4. Шоир ижодий меросида қандай асарлар мавжуд?

5. Жалолиддин Румийнинг мусулмон оламида машҳур асари - “Маснавий-маънавий” ҳақида мулоҳаза юртиб кўринг.
6. Шоир асарларининг мутаржимлари кимлар?
7. Румийнинг лирик меросини жамлаган тўплам қандай номланади?
9. Шоир девонидаги лирик шеърлар ҳажми қанча ва уларда қандай ғоялар улуғланади?

**21-мавзу: Сўз маъносининг кўчиши ва нутқда бундан ўринли
фойдаланиш (2 соат)**

Режа:

1. Метафора ҳодисаси ва унинг кўринишлари.
2. Метонимия ҳодисасининг ўзига хос хусусиятлари
3. Синекдоха йўли билан маъно кўчиши.
4. Вазифадошлик ҳодисаси ҳақида маълумот.

Таянч тушунчалар: маъно кўчиши, метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик.

Тилнинг энг асосий пойдевори ва бойлиги сўздир. Сўз эса асосий маъносидан ташқари, бошқа иккинчи даражали маъноларга ҳам эга бўлади. Кўпгина сўзларнинг бир неча маънолари бор. Шунинг учун сўз маъноси кўчишининг **метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик** сингари бир қатор кўринишлари мавжуд.

Воқеликдаги нарс-ҳодисалар орасидаги бизга кўринмаган, бироқ санъаткорона ўтқир нигоҳ билан илганган ўхшашлик, алоқадорлик асосидаги кўчимлар ўқувчини ҳайратга солади, унга завқ бағишлайди. Бадиий асарда энг кўп қўлланувчи кўчим турларидан бири **метафорадир**. Метафора усулидаги маъно кўчишида нарс-ҳодисалар орасидаги ўхшашликка асосланилади. Табиатан, метафорани яширин ўхшатиш деб аташ мумкин. Яширин ўхшатиш деб аталишига сабаб шуки, метафорада ўхшатилаётган нарс-ҳодиса тушириб қолдирилгани ҳолда ўхшаётган нарс-ҳодисани билдиради. Табиийки, бунда ўхшатилаётган нарсалардан айнан ўхшашлик талаб қилинмайди, икки нарс-ҳодисага хос белгилардан бирортаси асос учун олинади. Масалан, "олтин куз", "олтин давр" бирикмаларининг биринчисида "ранг", иккинчисида "қиммат" асос учун олинган. Келтирилган мисол метафоранинг энг содда кўринишларидан бўлиб, қуйида ўхшашлик алоқалари бирмунча мураккаброқ намоён бўлувчи хусусий муаллиф метафораларидан бир нечасини мушоҳада қилиб кўрамиз.

Р.Парфининг: "Сув остида ялтирайди тош,

Харсангларда синади сувлар"- сатрларида
метафоранинг маъноси икки босқичда намоён бўлади. Шоир тилимизда анча кенг қўлланилувчи сувнинг ойнага ўхшатилишига таянади (биринчи босқич) ва шу асосда сувнинг харсангга урилиб парчаланишини ойнанинг

синишига ўхшатади (иккинчи босқич).

Маъно кўчишининг кенг тарқалган турларидан яна бири **метонимиядир**. Метонимия (гр.-"ўзгача номлаш", "бошқа нарса орқали аташ") усулида маъно кўчганида нарса-ҳодисалар ўртасидаги алоқадорлик асос қилиб олинади. Бу алоқадорлик турлича кўринишларда намоён бўлиб, бунда нарса-ҳодиса, ҳолат ёки ҳаракат билан улар эгаллаган жой ("стадион ҳайқирди", "бутун шаҳар қатнашди"), вақт ("оғир кун", "омадли йил"); ҳаракат билан у амалга ошириладиган восита ("аччиқ тил"); нарса ва унинг эгаси, яратувчиси ("Фузулийни ўқимок"); нарса ва у ясалган модда, хом-ашё ("бармоқлари тўла тилла"); руҳий ҳолат, хусусият ва унинг ташқи белгиси ("кўз юммок") каби алоқаларга асосланилади.

Маъно кўчишининг яна бир тури **синекдоха** бўлиб, у моҳият эътибори билан метонимиянинг бир кўринишидир. Синекдоханинг метонимия кўриниши сифатида қаралишига сабаб шуки, бунда ҳам алоқадорлик асосида - бутун ва қисм, якка ва умум алоқаси асосида маъно кўчиши юз беради. Шу боис ҳам мутахассислар синекдохани метонимиянинг микдорий кўриниши деб қарайдилар. Ҳ. Давроннинг "Кулол муҳаббати" шеърдан:

Саҳардан то оқшомга қадар,
Кўкда порлаб ёнмагунча ой,
Эртак сўйлар сархуш бармоқлар,
Эртак тинглар қизил рангли лой...

Бу ўринда ҳам "эртак сўйлар" метафора бўлса, "бармоқлар" синекдохадир. "Эртак сўйлар" деганда кулолнинг ўз ишига бутун меҳри, қалб кўри билан берилган ижоднинг сеҳрли онлари назарда тутилади. Табиийки, эртак сўйлаётган "бармоқлар" – қисм ва у бутунни – кулолни англатади.

Ёки М.Юсуф: **"Фақат шу ер яқин юракка,**

Фақат шунда қувонар кўзлар" деганида кўз одам маъносини билдириши ҳам синекдохага мисол бўла олади. Якка нарса номи билан умумни назарда тутишлик ҳам синекдоха саналади. Ш.Раҳмон бир шеърда:

"Қадимда мевалар етилган пайтда
Савоб деб яшаган комил аждодим
Мусофир чанқоғин боссин деб атай

Бузиб кўяр экан боғлар деворин" деб ёзаркан, "қадим аждодим" бирикмаси остида аждодларни, бутун халқни назарда тутди. Шунга ўхшаш, "Ўзбекнинг қорақўз болаларига битта дунё қолсин ҳайратлик" деганида ҳам ўзбек халқи назарда тутилгани тайиндир. Бадиий асарларда атоқли отларнинг турдош от маъносида қўлланилиши ҳам синекдоханинг бир кўриниши деб қаралади. Масалан, шоир "фақат Жумавойи бўлгани учун ҳавасларинг келар робинзонларга" деганида Робинзонга ўхшаш ҳаёт кечирувчи кишиларни - кўпчиликни назарда тутди.

Вазифадошлик муайян нарсанинг вазифасини иккинчи бир нарса бажариши натижасида аввалгисининг номи билан кейингиларини ҳам ифодалашдир. Масалан, “сиёҳ” сўзи илгари ёзувда “қора рангли суюқлик”, кейинчалик ёзишда ишлатилган “турли рангдаги суюқлик” маъноларида қўлланади. Ёки “ўқ” сўзи камоннинг ўқи//милтиқ ўқи//замбарак ўқи//ракета ўқи бирикмаларида ишлатилиши каби.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Ўзингиз танлаган бадий асардан метафора, метонимия, синекдоха ва вазифадошликка мисоллар топинг, уларнинг нутқдаги вазифасини изоҳланг.

II топшириқ: Қуйида келтирилган гапларда маъно кўчишининг қайси тури қўлланганлигини тушунтириб беринг:

1. Оғир, ҳазин оҳанглар,
Юракларни эзади.
Турмушда ҳар севинчда
Ўргимчаклар кезарди.
2. Пўлат куш ҳам қоматин ростлаб,
Булутларни этар тумтарақ...
3. Тонготар чоғида жуда соғиниб,
Бедил ўқир эдим, чикди офтоб.
4. Лой хаёлотлар чашмадай тинди,
Пок-покиза бир қатра симоб...

22-мавзу: Сўзларнинг маънодошлиги, шаклдошлиги ва зид маънолиги ва буларнинг сўз қўллаш имкониятларига муносабатлари(2 соат)

Режа:

1. Маънодош сўзлар ҳақида маълумот.
2. Шаклдош сўзларнинг услубий қўлланиши.
3. Зид маъноли сўзлар ҳақида маълумот.
4. Маънодош, шаклдош ва зид маъноли сўзларнинг нутқ жараёнида қўлланишидаги ўзига хослик.

Таянч тушунчалар: маънодош, шаклдош, зид маъноли, маънодош сўзлар қатори, синонимик қатор, бош сўз.

Тилдаги айрим сўзлар шаклий жиҳатдан, айримлари маъно жиҳатдан, баъзилари эса талаффуз жиҳатидан ўхшаш бўлади. Айрим сўзларнинг маънолари бир-бирига қарама-қарши бўлади. Ана шу хусусиятларига кўра сўзлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади

1. **Маънодош сўзлар.** Бир умумий маънони ифодаладиган камида иккита сўздир. Маънодош сўзлар икки ёки ундан ортиқ сўзлардан иборат бўлган синонимик қаторни ташкил қилади. Масалан, юз, бет, башара, афт, чехра, турқ, ораз. Бу сўзлардаги бир умумлаштирувчи маъно замирида

юзага келган маъно нозикликлари уларнинг фарқини ва қўлланишида ўзига хосликни таъминлайди.

Маънодош сўзлар одатда бир сўз туркумига мансуб бўлади: дўст, ўртоқ (от); аъло, яхши (сифат); юксалмоқ, ўсмоқ, ривожланмоқ (феъл); кўп, мўл (равиш).

2. Шаклдош сўзлар айтилиши ва ёзилиши бир хил, ammo, маънолари ҳар хил бўлган сўзлардир. Масалан: 1) соз - пухта, маъқул; 2) соз - чолғу асбоби; 3) соз - иноқ, ўзаро яқин.

Шаклдош сўзларни кўп маъноли сўзлардан фарқлаш лозим. Улар айтилиши ва ёзилиши бир хиллиги жиҳатидан ўхшаш бўлса-да, шаклдош сўзлар маъносида ички боғланиш бўлмайди, уларнинг ҳар бири алоҳида маънога эга бўлган сўзлардир. Юқорида келтирилган **соз** сўзининг ҳар бири алоҳида сўз ҳисобланади. Кўп маъноли сўз эса, ўз номидан англашилаётганидек бир неча маъноси бўлган бир сўздир. Кўп маъноли сўзлар англатган маъноларда ички боғланиш бўлади.

Шаклдош сўзлардан услубий мақсадларда кенг фойдаланилади, улар бадиий адабиёт ва сўз санъатида муҳим таъсирчан восита саналади. Шаклдош сўзларни қўллаш билан турли сўз ўйинлари, аския, пайров, ҳазиллар келиб чиқади, шеърятда туюқ жанри тузилади. Масалан:

Бу дунёдин фараҳ йўқтур мени маҳсунга **жононсиз**.

Жаҳондин ким десун биллоҳ керакмас манга **жон онси**з (Бобур).

Матн мазмунини очувчи шаклдош сўзларнинг маъносини тўғри фарқлай билиш муҳимдир. Маънони тўғри англай олмаслик нутқда ноаниқликка, баъзан қўпол хатога йўл қўйиш ҳоллари учрайди. Бу ҳолат шаклдошларнинг бошқа кўриниши – паронимлар (товуш жиҳатдан фарқли, ammo айтилиши ўхшаш сўзлар)да, айниқса, яққол кўринади. Масалан, *Асил* номинг нима?, Кўйлак *асл* шоҳидан тикилган гапларда *асил ва асл* сўзлари нотўғри қўлланган.

Зид маъноли сўзлар бир-бирига зид, қарама-қарши маънони билдирувчи сўзлардир. Масалан катта-кичик, аччиқ-ширин, рост-ёлғон каби.

Одатда иккита сўзнинг зид лексик маъно муносабати зид маъноли (антоним) сўзларни ҳосил қилади, бирини айтиш билан унинг зид маъноси ҳам назарда тутилади. Тилда белги-хусусият англатувчи сўзларда зидлик қарама-қаршилиқ муносабати кенгроқ тарқалган: узоқ-яқин, оқ-қора, оч-тўқ, дўст-душман каби.

Зид маъноли сўзларнинг нутқда жуфт ҳолда ишлатилиши кўпроқ учрайди, бунда сўзларнинг зид маънолари умумлашади: яхши-ёмон, оқу қора, ёшу қари каби.

Нутқда воқеа-ҳодисалардаги, характер-фаолиятдаги қарама-қарши муносабатларни кўрсатиш ва зидлаш усули орқали ифодавийликка, маънони кучайтиришга, белгини аниқ ажратишга эришилади. Шунга кўра, фикрни таъсирли, кучли, тасвирий ифодалаш, ажратиб таъкидлаш

мақсадида бадий асарда, халқ оғзаки ижодида зид маъноли сўзлардан кенг фойдаланилади. Халқ мақоллари ва ибораларида ҳам зид маъноли сўзлар тез-тез кўзга ташланади: Яхши топиб гапирар, ёмон қопиб. Ақлли ўзини айблар, ақлсиз- дўстини каби.

Нутқда сўз қўллаш меъёрларини билиш, сўз ва ибораларнинг услубий маъно томонларини ўрганиш, тилимиздаги эскирган ва янги сўзларнинг қўлланиш хусусиятларини аниқлаш, оқибат натижада, оғзаки ва ёзма нутқнинг равлонлигини, тўғрилигини таъминлашга хизмат қилади. Нутқда сўзларни, ибораларни тўғри, ўз ўрнида ишлатиш киши фикрининг равлонлигидан, унинг маданиятлилигидан далолат беради. Кўпинча қуйидаги ҳолларда хатоларга йўл қўйилади:

1. Нутқда сўзнинг аниқ маъносини билмаслик натижасида маънодош сўзларни ноўрин қўллаш. Масалан, ўрин, жой, макон сўзлари бир синонимик қаторни ташкил қилади. Бироқ уларни ҳамма вақт ҳам бирини иккинчисининг ўрнида қўллаб бўлмайди: **у ўз ўрнида одам, ўз жойига эга; у ўз маконига каби.** Яна: инсон, киши, одам синонимик қатордаги сўзларни ҳам бирини иккинчисининг ўрнида ҳамма вақт ҳам қўллаб бўлмайди. Масалан, инсон келди, одам келди, киши келди.

2. Шаклдош ва кўп маъноли сўзлар ўртасидаги фарқларни билмаслик туфайли. Масалан: от (исм), от (хайвонинг бир тури), от (ҳаракат маъносида)-сўзлари шаклдошлардир. Бош (одамнинг боши), бош (сатрнинг боши), бош (йўлнинг боши) кабилар кўп маъноли сўзлардир.

3. Пароним (талаффузи ўхшаш) сўзларни қўллаганда уларнинг маъноси билан талаффузини тушунмаслик туфайли. Масалан: дипломат-дипломант, афзал-абзал, факт-пакт, амр-амир каби.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ. А) Қуйида келтирилган сўзларнинг маънодошларини аниқланг: **Хасис, истак касал, уят, хунук ҳамма, қомад, чиройли, бажармоқ.**

В) Шаклдош сўзларга 5 та мисол келтиринг ва улар асосида гаплар тузинг.

II топшириқ: Қуйидаги гаплар таркибида келган **эшитмоқ, бамаслаҳат, илож**, сўзларининг маънодошларини топинг. Гаплар таркибидаги ана шу сўзларни сиз топган маънодошларини қўллаш мумкин ёки мумкин эмаслигини изоҳланг.

1. Буни эшитиб Олтинойнинг тепа сочи тик бўлди. 2. Халқ билан бамаслаҳат иш қиламиз, халқ қиламиз деса, тоғни талқон қилади. 3. Бир илож топ: сих ҳам куймасин, кабоб ҳам.

III топшириқ: **вижон, юз, одам, аввал, севги, қизиқ** сўзларининг синонимик қаторини ҳосил қилинг. Маъно жиоларидаги фарқларга изоҳ беринг.

23-мавзу: Сўзнинг ҳиссий-таъсирий жиҳатдан нутқдаги ўрни. Касбга оид сўзлар ва илмий атамалардан нутқда ўринли фойдаланиш (2 соат)

Режа:

1. Сўзларнинг ҳиссий - таъсирий жиҳатдан турлари.
2. Касбга оид сўзлар ҳақида маълумот.
3. Илмий атамалардан нутқ жараёнида фойдаланиш.

Таянч тушунчалар: ҳиссий-таъсирий, бетараф сўз, бўёқдор сўз, ижобий бўёқдор, салбий бўёқдор сўзлар, атама, илмий атамалар, касбий атамалар.

Нутқда сўз қўллаш меъёрларини билиш, сўз ва ибораларнинг услубий маъно томонларини ўрганиш, тилимиздаги эскирган, янги сўзлар, атамаларнинг хусусиятларини англаш, оқибат натижада, оғзаки ва ёзма нутқнинг равлонлигини, тўғрилигини таъминлашга хизмат қилади.

Маълумки, сўзловчининг турли ҳиссий-таъсирий муносабатларини ифодалаш хусусиятларига кўра сўзлар икки турга ажратилади. Булар **бетараф сўзлар ва бўёқдор сўзлардир.**

Муайян тушунчани ифодалаб, сўзловчининг турли муносабатини билдирувчи, қўшимча маъно жилоси бўлмаган сўзлар ҳиссий-таъсирий жиҳатдан **бетараф сўзлар** ҳисобланади. Масалан, йил, кун, жой, қўшиқ, китоб, туман, келмоқ, ёзмоқ каби.

Лексик маъно билан бирга, маъноси англашилаётган нарса, белги ёки ҳаракат-ҳолатга сўзловчининг турлича муносабатларини ҳам ифодаловчи сўзлар ҳиссий-таъсирий жиҳатдан бўёқдор сўзлар саналади: Масалан, чехра, жамол, башара, табассум, ношуд, найнов, кўркам каби.

Бўёқдор сўзлар ҳурмат, эркалаш, хушмуомалалик, кўтаринки руҳият каби қўшимча маъноларни ифодаласа **ижобий бўёқдор сўз** саналади: укажон, кенжатой, фусункор, оромбахш, жилмаймоқ каби.

Ҳиссий-таъсирий муносабат нафратланиш, менсимаслик, киноя, қарғаш, ҳурматсизлик маъноларга эга бўлган сурбет, башара, тиржаймоқ, ахмоқ, мижғов каби сўзлар орқали ифодаланса, бундай сўзлар **салбий бўёқдор сўзлар** саналади.

Илм-фан, техника, санъатга ёки касб-ҳунарга хос сўзлар атамалар деб аталади. Булар одатда бир маънони билдиради: урғу, кесим, ундалма. Атамалар 2 гуруҳга бўлинади:

1. Илмий атамалар.
2. Касбий атамалар.

Илмий атамалар маълум бир фан, санъат ёки техника соҳасида қўлланадиган атамалардир: айирув, қўшув, кесим, сурат, тўплам ва ҳоказо.

Касбий атамалар маълум бир касб-ҳунарга оид сўзлардир. Масалан, тикувчилик касбига доир атамалар: андоза, ангишвона, ип, бичиқ.

Нутқ жараёнида сўзларнинг ҳиссий-таъсирий жиҳатларига эътибор бериш, касб-ҳунарга оид сўзлардан ўринли фойдаланиш нутқнинг нуқсонсизлигини таъминлайди. Масалан, сўзлар синтактик алоқага

киришгандагина бирор маъно қирраси рўёбга чиқади. Худди ана шу ўринда биз бирор сўзнинг ўзаро бирикиши ёки бирика олмаслигини сезамиз. Демак, сўзлардаги маъно ва грамматик хусусиятларини тўғри аниқлаб, нутқда улар ўринли бириктирилса, услубий нуқсонсиз, ихчам ва тушунарли фикр рўёбга чиқади. Акс ҳолда, нутқ саёз ва мантиксиз бўлади. Масалан, **оғир, мушкул, қийин** синонимик қаторидаги сўзлар ҳиссий-таъсирий жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Бу синонимлар **масала** оти билан бирикиб, *оғир масала, мушкул масала, қийин масала* каби аниқ боғламаларни ҳосил қила олса, **чамадон** оти билан фақатгина *оғир* (оғир чамадон) сўзи бирика олади.

Ҳиссий-таъсирий жиҳатдан бўёқдор сўзларга нутқ услубларидан бадиий ва сўзлашув услубда, илмий ва касб-ҳунарга оид атамалардан илмий услубида кўпроқ мурожаат қилади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: “Қуллар” романидан келтирилган қуйидаги парчани ўқинг ва ундаги ҳиссий-таъсирий жиҳатдан бўёқдор ҳамда атамаларнинг қўлланишига эътибор беринг ва уларни изоҳлашга ҳаракат қилинг:

- Тақсир! - деди оқсоқол, амалдорга қараб, - баҳор ўт молида шу йўнғичқани бир ярим таноб ёздирган эдик, хайр, келинг, кўр бўлсин, бу ҳам бир ярим таноб - да!

Амлақдор аминга қаради, у ҳам бош қимирлатиб “тузук” деган ишоратни берди. Сўнгра амлақдор ўз мирзасига:

- Ёзинг!-деди.
- Қанча
- Бир ярим таноб.
- Нотўғри! - деб бақирди Сафар. Дехқонлар ҳам ҳар томондан:
- Нотўғри, нотўғри, - деб ғалва кўтардилар.
- Ёзаверинг, - деди амин, - гар чорак таноб ёзсангиз ҳам булар нотўғри деяверади.

- Ўғри ҳам нолийди, уй эгаси ҳам денг-а, амин ҳам захарханда қилиб қўйди. Аммо амлақдорнинг пешанаси буришди.

II топшириқ. Кундалик газеталарни кузатиб, уларда қўлланган 10-15 та касб-ҳунарга оид сўзларни аниқланг. Сўнг гап шаклида кўчириб ёзинг, қайси касбга оид эканини ва маъносини аниқланг.

24-мавзу: Ифода аниқлиги – фикр равшанлиги.

Гап – матн сифатида (2 соат)

Режа:

1. Гап ҳақида умумий маълумот.
2. Гап - фикрни ифодаловчи энг кичик бирлик.

Таянч тушунчалар: гап, грамматик шакл, оҳанг, тартиб, сўз тартиби, муомаланинг энг кичик воситаси, сўз ва сўз бирикмалари.

Тугалланган оҳанг ва фикрга эга бўлиб, грамматик жиҳатдан шаклланган, муомаланинг энг кичик воситаси ҳисобланган якка сўз ёки сўзлар йиғиндиси гап деб аталади. Гап фикрни ифодаловчи бирлик сифатида матннинг энг кичик кўриниши ҳисобланади.

Сўз ва сўз бирикмалари муайян грамматик шакллар, оҳанг ва тартиб билан мантиқий жиҳатдан боғланган тарзда гапни шакллантиради. Демак, гапга хос бўлган хусусиятлар қуйидагилар:

1. Гап объектив борлиқни кишининг унга муносабати орқали ифодаладиган лексик-грамматик ва оҳанг бутунлигидан иборат нутқ шаклидир. Гап фикрни ифодаловчи бирлик сифатида матннинг энг кичик кўриниши ҳисобланади.

2. Гап орқали тугалланган фикр ифодаланади: Пахта терими қизғин давом этапти.

3. Гап ҳосил қилиш учун сўз ва сўз бирикмаларини грамматик жиҳатдан боғлаш керак: *Хатни қалам билан ёзди* гапида **–ни** ва **билан** боғловчи воситалар ҳисобланади. Бу гапнинг грамматик жиҳатдан шакллантирилганлигидир.

4. Гап оҳанг жиҳатдан тугалланган бўлиши керак: Куз. Ҳамма ёқда иш қизғин. Бу гапдаги **Куз** сўзи тугалланган оҳанг билан айтилгани учун гап ҳисобланади. Гапда мақсадга мос тарзда сўзни қўллаш, ифода баёнига мувофиқ кетма-кетликда сўзларни жойлаштириш фикрнинг мантиқий изчиллигини таъминлайди. **Сўз тартиби** ёки **оҳангнинг** ўзгариши гапнинг мазмунини ва қурилишини ўзгартиради. Қиёсланг: Хона бўш - Бўш хона. Кўп//болали аёл - Кўп болали//аёл.

Қўшма гапларнинг қисмлари эса боғловчилар, боғламалар, сифатдош ва равишдош қўшимчалари, оҳанг ёрдамида ўзаро боғланади.

Мавзун мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ. Қуйидаги гаплардан келишлик ва кўмакчили боғланишларни ажратиб олиб, ёзиб чиқинг (боғланиш орасида бошқа сўзлар (бўлақлар) бўлиши мумкинлигини ҳисобга олинг):

1. Дарҳақиқат, Саидий Улфатнинг олдига бориш учун шошилди. 2. Онажон, Ғофуржон, унутма мени! 3. Сени улуғлайман, эй она халқим! 4. Менинг фикримча ғам-ғусса ва маъюсликдан наф кўрмайсиз. 5. Дилшод, шубҳасиз, жуда ақлли йигит. 6. Чамамда, бунга етти-саккиз йил бўлди, шекилли.

Келишлик боғланиш	Қайси келишлик	Кўмакчили боғланиш
1. Саида шошилди	Бош келишлик	Бориш учун шошилди
2. Улфатнинг олди(га)	Қаратқич келишиги	
3. Олдига бориш	Жўналиш келишиги	

II топшириқ. Қуйида келтирилган матндаги гапларнинг ўзиги хос белгиларини, унда ҳукмнинг ифодаланишини тушунтиринг.

Беруний улуғ донишмандларда чуқур илм ва ўткир заковатдан ташқари, қандайдир нозик бир туйғу бўлишини биларди. Ибн Синода бу ноёб туйғу, айниқса, кучли эканини Беруний биринчи дақиқаларданок сезди. Назарида, Ибн Сино кўзини юмганича, хастанинг билагини ушлаб, узоқ сукутга толаркан, фақатгина бетобнинг томир уришларини эмас, балки ўз дилидаги туйғуларга ҳам қулоқ соларди. Сўнг суҳбат яна коинот ҳақидаги азалий ва сержумбоқ саволларга буриларди. Зотан, уларни, айниқса, яқинлаштирган нарса ҳам шу сержумбоқ саволлар, иккисини ҳам кўпдан бери қийнаб келаётган теран фалсафий ўйлар бўлди: Олам не? Ҳаёт не?

Ажабо: бу ечилмас фалсафий муаммоларга ёндашишда уларнинг ҳам дардлари жуда-жуда ўхшаш эди.

III топшириқ. Абдулла Ориповнинг “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” номли шеърини ўқинг. Ундаги сўз тартибининг қўлланишига эътибор беринг ва хулосаларингизни дафтарингизга туширинг.

25-мавзу: **Киритма гаплар. Феъл кесим ва от кесим (2 соат)**

Режа:

1. Киритма гаплар ҳақида маълумот.
2. Феъл кесим ва от кесимнинг ўзига хос хусусиятлари.

Таянч тушунчалар: киритма гап, феъл кесим, от кесим, бир бош бўлакли, икки бош бўлакли, соф феъл, сифатдош, равишдош, мураккаб кесим.

Сўзловчининг ўзи баён қиладиган фикрга қўшимча мулоҳазасини билдирган гап **киритма гаплар** дейилади. Киритма гап асосий фикрни тўлдириш, изоҳлаш учун ишлатилади. Киритма гап, одатда, вергул билан ажратилади: Бу, **Салим айтмоқчи**, уларнинг асосий мақсадлари бўлган.

Киритма гап ёйиқ бўлса, тире билан ажратилади ёки қавс ичига олинади: Карвон шаҳар четидаги боғларга яқинлашганда олдинда келаётган отлиқ (у **Ёдгорбек эканини Машраб узоқданок таниди**) йўлни чангитиб бошқалардан ўзиб кетди. Ўтириши билан бир неча киши – **Отақўзи бунни кузатиб ўтирарди** - секин унинг қўлини қисиб, табриклаб қўйишди.

Киритма гаплар тузилиши жиҳатдан икки турли бўлади: 1. Бир бош бўлакли: У ёғини сўрасанг, **айтайми**, мен бунга рози эмасман. 2. Икки бош бўлакли: Иброҳимов, **Қурбон ота айтмоқчи**, гулларни ўз илмидан баҳраманд қилди.

Гапнинг марказини ташкил қилиб, бошқа бўлақларни ўз атрофида бирлаштирувчи, тасдиқ-инкор, шахс-сон, замон ва майл маъноларини

ифодаловчи бўлак кесим саналади. Кесим *нима қилди?*, *нима қилади?*, *нима қилмоқчи?*, *қандайдир*, *(у) нима?*, *(у) ким?*, *(у) нечта?* сингари сўроқларга жавоб бўлади: Ўқитувчимизнинг айтган гапларини **тушундик**.

Кесим гапнинг мазмуний марказини ташкил қилгани учун бошқа бўлаклар қатнашмасдан ҳам кесим орқали гап ҳосил қилиш мумкин: **Келяпти. Борди.**

Кесимлар қайси сўз туркуми билан ифодаланишига қараб 2 хил бўлади:

1. **Феъл кесим.** Кесимнинг бу тури қуйидагича ифодаланади:

а) соф феъл билан. Маржона мактабдан **келди**.

б) сифатдош билан: Бу китобларнинг барчаси **ўқилган**.

в) равишдош билан: Болта **тушгунча**, тўнка дам олади.

2. **От кесим** қуйидагича ифодаланади:

Бош, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишигидаги отлар билан: Ўзбекистоннинг пойтахти – **Тошкент**. Бу совға **укамга**. Уйнинг калити **онамда**. Буларнинг барчаси **севинчдан**.

а) сифат билан: Шаҳар **гўзал**.

б) олмош билан: Бу китоб **ўзимники**.

в) отлашган сон билан: Ўннинг ярми – **беш**.

г) равиш билан: Дангасанинг важи **кўп**.

д) ундов сўз билан: Буйруқни бажармаганининг ҳоли **вой**.

е) модал сўз билан: Унинг эзгу ниятлари **бор**.

Кесимлар тузилишига кўра ҳам икки турли бўлади:

1. **Содда кесим** бир сўздан иборат бўлади.

А) содда феъл-кесим: Мен келдим

Б) содда от-кесим: Уят ўлимдан қаттиқ.

2. **Мураккаб кесим** камида иккита сўздан тузилган бўлади:

Мураккаб кесим қуйидагича тузилади:

1. **Мураккаб феъл** - кесим қуйидагича тузилади:

а) кўмакчи феълли сўз қўшилмасидан иборат бўлади: Одамлар **тарқала бошлади**.

б) сифатдош ва тўлиқсиз феълдан иборат бўлади: Машғулот ҳафтада бир марта **ўтадиган бўлди**. У **келган эди**.

2. **Мураккаб от** - кесим қуйидагича ифодаланади:

а) от, сифат, сон, олмош, равиш ҳамда “**бўлмоқ**” феъли ёки тўлиқсиз феълдан иборат бўлади: Меҳнат қанча қийин бўлса, нони шунча **ширин бўлади**.

б) **йўқ, бор, оз, кўп, зарур, лозим, керак даркор** каби сўзлар ҳамда **бўлмоқ** феъли ёки тўлиқсиз феълдан иборат бўлади: Узоқдан кўринган шарпа бир зумда **йўқ бўлди**.

д) ҳаракат номи ҳамда **керак, лозим** каби сўзлардан иборат бўлади, бунда кесимни эга билан мослаштирувчи шахс-сон қўшимчалари ҳаракат

номига қўшилади: Чойхона янги солинган қишки бинога **кўчиб кириши** ва байрамда **очилиши керак эди**.

Мавзун мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ. Кесимнинг ифодаланиши мавзусини синчиклаб ўрганиб, ўзингиз ёқтирган бадиий асардан кесимнинг феълдан бошқа сўзлар билан ифодаланишига мисоллар келтиринг. Мисоллар гап ҳолида бўлсин.

II топшириқ. Қуйидаги гапларнинг грамматик асосини топинг. Унда кесим қандай сўз билан ифодаланганлигига эътибор беринг. Кесим турларини аниқланг.

1. Йўлчи меҳмонлардан узоқда, кўрғон ичидан оқиб чиқадиган ариқ лабида, дарахтга суяниб чўнкайди. 2. Бектемирга командирнинг фикри ғоят ёқди. 3. Шаҳарнинг дарвозабони Бектемир эди. 4. Бу хабар кўпларни қувонтирди. 5. Турсуной билан Шарофатхон бирга ўтириб ҳасратлашар эди. 6. Шахмат – ўзида ҳам назарий, ҳам амалий томонларни бирлаштирган алоҳида фан.

26-мавзу: Диалогик матнда лисоний воситалар ва гап қурилиши (2 соат)

Режа:

1. Матн нима?
2. Диалогик матннинг тузилиши.
3. Диалогик матнда лисоний воситаларнинг қўлланиши.

Таянч тушунчалар: Диалог, диалогик матн, монологик матн, сўроқ олмошлари, муомала одобига оид сўзлар, ибора, юклама, ундов, кириш сўз.

Маълум воқелик ҳақида тасаввур (маълумот) берадиган бир ёки бир неча синтактик бирликлардан ташкил топган нутқий бутунлик матн ҳисобланади.

Матн оғзаки ва ёзма нутққа хос бўлишидан қатъий назар, икки хил бўлади: **диалогик ва монологик**

Диалогик матн икки ва ундан ортиқ суҳбатдошнинг турлича мазмундаги фикр-ахборот алмашинуvidан иборат бўлади.

Икки киши ўртасидаги диалогик нутқ савол-жавоб, буйруқ-жавоб, хабар-эътироз каби мазмунларни ифодалаб, фикр хусусидаги тасдиқ ёки инкорни, зиддият ёки мунозарани билдиради. Кўп кишилиқ диалогларда суҳбат мавзуси савол-жавобдан иборат бўлмай, ўртага ташланган савол, таклиф, даъват, бирор хабар, далиллар билан хулосаланади.

Диалогик матн таркибида **сўроқ олмошлари, муомала одобига оид сўз ва иборалар, юкламалар, ундовлар, кириш сўзлар** кенг қўлланади. Бундай матндаги гаплар, асосан, содда гаплардан ташкил топади, содда гапларнинг бир таркибли турлари, тўлиқсиз гаплар, сўз-гаплар фаол ишлатилади. Диалогик матн сўзлашув услуби ва бадиий услубга хосдир.

Диалогик матнларда тўлиқсиз гапларнинг кўп учрашига сабаб сўзлаш пайтидаги вазият ва ҳар хил имо-ишораларни, фикрни ихчам англатишга имкон беришидир. Иккинчидан, фикр ифодаси учун зарур бўлмаган ҳодисаларнинг тушириб қолдирилишидир: **Чалинди** тўлиқсиз гапида дарсга қўнғироқ чалинганлиги сўзловчи ва тингловчига олдиндан маълум. Шунинг учун улар бир-бирига бу гапни тўлиқ айтиб ўтиришларига эҳтиёж сезмайдилар. Бунда нутқ ихчамлашади, соддалашади.

Демак, диалогик матнларда ўринсиз қайтариқлар, нуткий ғализликлардан қочиш учун тўлиқсиз гап кўп ишлатилади. Чунки диалогик нутқ, асосан, савол-жавоб асосида қурилиб, бу савол-жавобда суҳбатдошларни тўлиқсиз гаплар бемалол қондиради:

- Отинг нима?
- Бозор.
- Қаердан келдинг?
- Кўлоб томонлардан!
- Қаерга бормоқчи эдинг?
- Бухоро томонларга.
- Жуда яхши,- деди хўжайин...

Мавзуни мустаҳкалаш учун топшириқлар:

I топшириқ. Қуйидаги матнни сингчиклаб ўқинг. Унда диалогик мантга хос унсурларни аниқлаб, қўлланишини тушунтиринг.

- Сизники қаердан, меҳмон?
- Тошкентдан, мулла ака.
- Исмингиз?

Отабек манглайини қашиб олгач, жавоб берди:

- Шокирбек.

Марғилонга биринчи келишингизми?

Биринчи келишим...

II топшириқ. Дўстингиз билан бугунги кун режаларингиз тўғрисида суҳбатлашинг ва шу асосида диалогик матн яратинг. Унда қўлланилган лисоний воситаларни аниқланг.

27-мавзу: Гапнинг шаклий-мазмуний тузилиши ва унинг турларида синонимия кўлам (2 соат)

Режа:

1. Гапнинг ифода мақсадига кўра турлари.
2. Гапнинг тузилишига кўра турлари.
3. Гаплар доирасида синонимия ҳодисаси.

Таянч тушунчалар: дарак гап, сўроқ гап, буйруқ-истак гаплар, синонимик қатор, лексик синоним, содда гап синонимияси, қўшма гап синонимияси.

Ҳар бир гапда маълум бир мақсад, ният ёки ҳис-ҳаяжон ифодаланади. Сўзловчи бирор нарса, воқеа-ҳодиса ҳақида хабар қилади ёки ўзига ноъмалум бўлган нарса ва воқеа-ҳодиса ҳақида маълумот олишни истайди, тингловчига бирор ишни бажариш бўйича буйруқ қилади. Шунга кўра гаплар мазмун жиҳатидан **дарак, сўроқ ва буйруқ-истак** гапларга ажратилади. Улар ҳақида сиз мактаб дарслигидан маълумотга эгасиз. Гапнинг бу турлари ўртасида синонимия ҳодисаси ҳам мавжуд.

Мазмунан бир-бирига яқин бўлган фикрни турли гап шаклларида баён қилиш гаплар синонимиясини юзага келтиради: *Боланинг эғнига бирор нарса кийитинг//Болага бирор нарса кийитсангиз бўлмайдим эғнига*. Бу гапнинг биринчиси бетараф бўлса, иккинчиси сўзлашув нутқи услубига тегишлилиги билан ажралиб туради. Бунда сўзловчининг ўз нутқига бирор бўлакни қўшимча қилиш мақсади йўқ, балки бу гап сўзлашув нутқига хос бўлиб, унинг нутқи тайёр эмаслиги билан фарқланади.

Кўринадики, бир синонимик қаторни ташкил қилган гаплар ҳам бир-биридан услубий бўёғи билан фарқланиб турибди: Планни бажардик//Планни адо этдик//Ваъдага вафо қилдик//Ваъданинг устидан чиқдик: Эл олдида уятга қолмадик//Халқ олдида юзимиз ёруғ бўлди.

Синонимлик содда гаплар орасида ҳам, қўшма гаплар орасида учрайди.

Синонимик содда гаплардан такрорнинг олдини олиш, нутқнинг таъсирчанлигини ошириш учун услубий восита сифатида фойдаланилади. Масалан, Мен бормайман,...қаерга бораман, ...ҳеч қаерга бормайман, ...боришгаку бормайман, ...нега боришим керак, бориб бўпман ва ҳоказо.

Лексик синонимлар сингари, синоним гапларни ҳам кетма-кет ёки ёнма-ён қўллаш орқали таъсирчанлик кучайтирилади. Масалан, “Бой ила хизматчи” драмасидаги Ғофурнинг нутқини кузатайлик: **“Мен ўғрилиқ қилганим йўқ**, ҳаммаси бойларнинг ҳийла-найранглари. **Мен ўғри эмасман**, мени ўғри деганларнинг ўзлари ўғри”. Худди шунингдек, синоним гапларни қатор қўллаш бадиий нутқ услубида кенг қўлланади. У ёзувчига акс эттирилаётган воқеа-ҳодисаларнинг энг муҳим томонларини тўлақонли ва образли тасвирлашга имкон беради: Пирнафас аканинг уйи мотамда қолди. Фақат Пирнафас аканинг уйигина эмас, бутун бир қишлоқ, гўзал Пишканак қишлоғи қайғу-алам, ғам-кулфат ичида қолди.

Қўшма гап қисмлари турли хил боғловчи ва боғловчи вазифасидаги сўзлар билан бириктирилади. Аммо оҳанг ёрдамида бирикадиган қўшма гап турлари ҳам мавжуд. Бу ҳолат қўшма гап турлари орасида синонимик муносабат мавжудлигини кўрсатади.

Бу гаплар мазмунан бир-бирига яқин бўлса ҳам, грамматик шаклланиши, қўшимча маъно оттенкаси билан фарқланади. Булар синоним қўшма гаплар бўлиб, нутқ услубида танлаб ишлатилади.

Фикрни таъсирли ифодалаш, нутқни бир хил структурадаги такрорлардан холи қилиш учун синоним қўшма гаплардан фойдаланилади:

Сув келгач, нур келади//Сув келгандан сўнг, нур келади//Сув келиши билан нур келади.

Қўшма гаплар содда гапларга ҳам синоним бўла олади. Содда гапларда ҳаракат ва ҳолат ёки белги-хусусият мураккаб тушунча сифатида қайд этилади, қўшма гапларда эса ана шу тушунча ҳукмга айланади. Бунинг натижасида тингловчининг диққати айтилаётган фикрдаги бир нуқтага тортилади: Дилозордан эл безор//Кимки бўлса дилозор, ундан элу-юрт безор. Мақтанчоқ киши ҳамиша хижолат тортади//Ким мақтанчоқ бўлса, у ҳамиша хижолат тортади.

Қўшма гап синонимиясидан бадиий тасвирда портрет, табиат манзарасини чизишда, шунингдек, инсон руҳий ҳолати ва ҳис-туйғуларини ифодалашда кўпроқ фойдаланилади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар.

I топшириқ. Қуйидаги “деб” конструкторияли сўз бирикмаларини **учун, туфайли** сўзлари ёрдами билан ҳосил бўладиган бирикмаларга айлантириб кўринг. Бундай конструкциялар қандай ҳолда ўзаро синонимлик ҳосил қилиш ёки қила олмаслик сабабларини тушунтиринг.

1. Гапни яна чўзмасин деб унга қарши ҳеч нарса демади. 2. Ҳамма айб ўзингизда, яхши ўқисин деб Зухрани жуда эркалатиб юборган эдингиз. 3. Фақат қиз юмушларим кўп деб унамади. 4. Яна ишни сусайтирмасинлар деб кўрқяпман. 5. Қизнинг қўли қавради деб ўсмасини ҳам ўзингиз сиқиб берар эдингиз. 6. Дадам бояқиш кеча-ю кундуз чўп қоқади, мияси айнимаса деб кўрқаман. 7. Тоғдой оғир билак бердим, Ёвларни муштласин деб.

II топшириқ. Қуйидаги қўшма гаплар таркибидаги боғловчиларини алмаштиринг. Ҳосил бўлган синонимик гапларнинг услубий бўёғини аниқланг.

1. Мутал кучли эди, аммо, Отабек ундан ҳам кучли эди. 2. Қўнғироқ чалинди ва дарс бошланди. 3. Агар у одам икки қўллаб тутиб олмаса, хотиннинг аъзойи бадани шикаст топарди. 4. Аскарлар тоққа анча чиққандан кейин, бир пастқамликдан ўқ ёғила бошлади.

III топшириқ. Мазмунан яқин бўлган, ўзаро боғланган икки содда гапни қўшиб, қўшма гап ҳосил қилинг. Бундай қўшма гаплардаги услубий бўёқни изоҳлашга ҳаракат қилинг.

28-29-мавзу: Матнни кенгайтириш. Матнни қисқартириш имкониятлари (4 соат)

Режа:

1. Тавсифий матн.
2. Матнни кенгайтиришнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Матнни қисқартириш йўллари.

Таяч тушунчалар: тавсифий матн, монологик матн, диалогик матн, матнни кенгайтириш, матнни қисқартириш.

Воқелик ҳақида тасаввур (маълумот) берадиган бир ёки бир неча синтактик бирликлардан ташкил топган нутқий бутунлик матн ҳисобланиб, унинг **диалогик ва монологик** турлари бор. Сиз илгариги машғулотимизда диалогик матнга хос хусусиятларни билиб олган эдингиз. Хўш, монологик ёки тавсифий матн нима? Унинг диалогик матндан қандай фарқи бор?

Тавсифий матн сўзловчи ёки ёзувчи томонидан баён этилган воқеа-ҳодиса, нарсa ёки шахс тасвири ёхуд хабар, маълумот баёнидир. Мақола, иншо ҳам тавсифий матннинг бир тури ҳисобланади.

Маълум воқеа-ҳодисаларга, нарсa ва шахсларга оид фикр-мулоҳаза билдириш, уларни бадий-тасвирий воситалар ёки далиллар билан таърифлаш, изоҳлаш, исботлаш, асослаш тавсифий матнга хос хусусиятлардир. Шунинг учун бундай матнда белги, хусусиятни ифодаловчи сўзлар, феълнинг функционал шакллари, равишлар фаол қўлланади.

Тавсифий матн яратишда уюшиқ бўлақлар, ажратилган гап бўлақлари, атов гаплар, қўшма гап кўринишларидан кенг фойдаланилади.

Бундай матнларни қисқартириш ёки кенгайтириш мумкин.

Матнни кенгайтириш қуйидаги йўл ва воситалар билан амалга оширилади:

- матннинг бош фикри, ғоясини шакллантирувчи таянч сўз ёки гап, ифодани аниқлаш ва шунга боғлиқ ҳолда ўз мустақил, ижодий фикрни ифодаловчи гап, ифода қўшиш;

- матн мазмунини мақол, матал, ҳикматлар билан бойитиш, далиллар билан асослаш;

- гапни уюшиқ бўлақлар, киритмалар, ажратилган бўлақлар ҳисобига кенгайтириш;

- сўз ва бирикмаларнинг маънодошлари - тасвирий ифодалар, фразеологик иборалар ва бошқа бадий тасвир воситалари билан алмаштириш;

- содда гапни қўшма гапга, қўшма гапни алоҳида содда гапларга ажратиш;

- асосий фикрни ифодаловчи гапга қўшимча фикр, изоҳ билдирувчи синтактик параллел гапларни мантиқий изчилликда боғлаб киритиш;

- матннинг кириш, хулоса қисмларини ўз қарашлари, мулоҳазалари, иловалари билан тўлдириш.

Матнни қисқартириш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- матннинг асосий фикрини ифодаловчи гапларни ажрата олиш;

- гаплардаги уюшиқ ва ажратилган бўлақларни, киритма ва илова қурилмаларни қисқартириш;

– бирикмаларни маънодош сўзларга, содда ёйиқ гапларни ййиқ гапларга, кўшма гапларни содда гапларга, кўчирма гапларни ўзлаштира гапларга айлантириш;

– матннинг кўшимча фикр ифодаловчи гапларини, синтактик параллел ва такрорларни қисқартириш;

– матнни қисқа мазмунли таркибий қисмларга ажратиш;

– бирикмали сифатдош, ўхшатиш ва бошқа тасвирий ифодаларни содда ва ихчам шаклга келтириш.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ. Қуйидаги саволларга жавоб қайтаринг.

1. Матннинг қандай турлари бор?
2. Диалогик ва тавсифий матнни бир-биридан фарқлаб беринг.
3. Матнни кенгайтиришда қандай воситалар ишлатилади?
4. Матнни қисқартириш қандай йўллар билан амалга оширилади?
5. Матнни қисқартириш ёки кенгайтириш усуллари билиш нима учун керак?

II топшириқ. Ўзингиз ўқиган бадиий асардан муайян парчани олиб унинг мазмуний қурилишига эътибор беринг. Танлаган матнинингизни қисқартиришга ҳаракат қилиб кўринг. Уни қандай йўл билан амалга оширилганлигини дафтарингиз ёзинг.

III топшириқ. Матнни диққат билан ўқинг. Унда матнни кенгайтириш учун хизмат қилган тасвирий воситаларни аниқлаб, матнни қисқартиринг.

Деразани ланг очиб кўйдим. Уйга роҳатижон ҳаво оқиб кирди. Ёришиб бораётган кўкиш тонг нурида бошлаб кўйган этюд ва хомаки суратларимни кўздан кечириб турибман. Бундай суратларим кўп, бир неча марта ҳаммасини янгидан бошлаган пайтларим бўлган. Лекин яхлит бир сурат ҳақида фикр айтишга ҳали эрта. Энг муҳим нарсани ҳали топганимча йўқ. Тонг сукунатида ҳаёл суриб қадам ташлаб юрибман, ҳеч ўйимнинг охирига етолмайман. Ҳар гал ҳам шу кайфиятда ўтади. Ҳар гал суратим ҳали ҳаёл пардасидан чиқмаган, деб ўзимни қаттиқ ишонтираман.

IV топшириқ. А. Ориповнинг “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” шеърини насрий матнга айлантириб ёзинг. Матн мазмунини ўз хулосаларингиз билан тўлдиринг.

30-мавзу: Алишер Навоий “Хамса”си.

“Ҳайрат ул-аброр”достони (2 соат)

Режа:

1. “Хамса” чилик анъанаси.
2. Навоий “Хамса”си XV асрдаги халқимиз маънавий тараққиётининг кўзгуси.
3. “Ҳайрат ул-аброр” – муқаддимавий достон.

Агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси,

**мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак,
шоирларнинг султониدير.**

И. А. Каримов

Таянч тушунчалар: “Хамса”, хамсачилик анъанаси, "Махзан ул-асрор", "Матлаъ ул-анвор", "Матлаъ ул-анвор", " “Хайрат ул-аброр”, мақолот, иймон, ислом, комил инсон, муқаддимавий достон.

Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди билан сиз мактаб дастурларида танишиб келмоқдасиз. Миллатимиз фахри бўлмиш бу зотнинг асарлари, уларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида тасаввурга эгасиз. Сиз ушбу касб-ҳунар коллежлари дастурида эса улуғ шоирнинг “Хамса” асарини билан батафсилроқ танишасиз.

Шарқда хамсачиликнинг ўзига хос тарихи ва анъанаси мавжуд. "Хамса" ёзишни озарбайжонлик улуғ шоир Низомий Ганжавий бошлаб берган. Лекин у бу асарини аввалдан ният қилиб, маълум бир режа асосида яратмаган. Низомий 1173-1179 йилларда Арзинжон ҳокими Фаҳриддин Баҳромшоҳга бағишлаб "Махзан ул-асрор" ("Сирлар хазинаси") номли асар ёзади. 1180-1181 йилларда Ироқ ҳукмдори Тўрғул II нинг илтимосига кўра "Хусрав ва Ширин" достонини яратади. 1188 йилда Ширвоншоҳлардан Ахсатан I Низомийга "Лайли ва Мажнун" достонини ёзишни буюради. 1196 йилда ҳукмдор Аловуддин Кўрпа Арслоннинг топшириғи билан шоҳ Баҳром ҳақида "Ҳафт пайкар" ("Етти гўзал") майдонга келди. 1196-1201 йилларда "Искандарнома" яратилади. Шу тариқа 1173-1201 йиллар оралиғида – 28 йил давомида муаллифнинг беш достони дунё юзини кўрди. Шундан сўнг адибда турли йилларда битилган бу достонларни жамлаб, ягона бир ном билан аташ фикри туғилган ва "Панж ганж" ("Беш хазина") номи билан машҳур бўлган биринчи "Хамса" вужудга келган.

Низомийдан юз йилдан сўнг асли шахрисабзлик туркий уруғлар авлодидан бўлган Хусрав Дехлавий (1253-1325) ўзининг "Хамса"сини 1299-1301 йилларда ёзиб тугаллади. У "Матлаъ ул-анвор" ("Нурларнинг бошланмаси"), "Ширин ва Хусрав", "Мажнун ва Лайли", "Ҳашт беҳишт" ("Саккиз жаннат"), "Ойнайи Искандарий" ("Искандар ойнаси") достонларини яратиб, Низомий ишини давом эттирди ва натижада адабиётда хамсачилик анъанаси пайдо бўлди.

Шунга кўра ҳар бир асар "Хамса" деб аталмоғи учун: а) беш достондан ташкил топмоғи; б) биринчи достон, албатта, панд-насиҳат руҳидаги таълимий-ахлоқий, фалсафий бўлмоғи; д) иккинчи достон Хусрав ва Ширин муносабатларига бағишланмоғи; е) учинчи достон Лайли ва Мажнун муҳаббатини мавзу қилиб олмоғи; ф) тўртинчи достон шоҳ Баҳром ва бешинчи достон Искандар ҳақида ёзилмоғи шарт эди.

Дехлавийдан қарийб 200 йил кейин яна бир буюк хамсанавис майдонга чиқди. Бу Навоий эди. Алишер Навоийнинг "Хамса"си бошқалардан фарқли равишда туркий тилда ёзилди. Бунини ўзбек китобхонларининг ортиб бораётган эҳтиёжи, ўзбек адабий тили ва

адабиётининг тараққийси ҳамда истиқболи талаб қилар эди. Бундай улкан, катта жасорат талаб қиладиган масъулиятли ишга даҳо ижодкор Навоийгина журъат қила оларди. Адибнинг фикрича, халққа унинг ўз тилида, унга манзур бўлган асар яратиши лозим. Шунинг учун "Лайли ва Мажнун" достони хотимасида Низомий ва Деҳлавийни таърифлар экан, туркий (ўзбек) тилда "Хамса" ёзишнинг сабабини шундай изоҳлайди:

...Гар нукталари жаҳонни тутти,
Ғавғолари инс-у жонни тутти.
Чун форсий эрди нукта шавқи,
Озроқ эди анди турк завқи.
Ул тил била назм бўлди малфуз,
Ким форсий англар ўлди махфуз.
Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фасонани ҳикоят.
Ким шуҳрати жаҳонга тўлғай,
Турк элига доғи баҳра бўлғай...

Навоий ўз салафларининг юксак санъаткорлигини шарафлайди, уларнинг адабий тажрибаларидан таълим олганлигини эътироф қилади. Достонларнинг муқаддима қисмида устозларига бағишлаб махсус боблар ёзиб, уларни улуғлайди. Масъулиятли бу ишда уларга руҳан суянади ва «Йўлдаса бу йўлда Низомий йўлим, Қўлдаса Хисрав била Жомий қўлим», - деб мадад тилайди. Бироқ Навоий олдинги хамсанависларни такрорламайди ёки уларга кўр-кўрона тақлид қилмайди. Ўз олдига янги, ўзига хос "Хамса" яратиш вазифасини қўяди. Буни муаллиф "Хамса"нинг бир неча ўрнида очиқ-ойдин таъкидлайди. Жумладан, у "Фарҳод ва Ширин" достони муқаддимасида шундай ёзади:

Ани назм этки, тархи тоза бўлғай,
Улусқа майл беандоза бўлғай.
Йўқ эрса назм қилғонни халойиқ,

Мукаррар айламак сендин не лойиқ? Бу мисралари орқали Навоий "Хамса" ёзишдаги белгилаб олган ўз йўриқларини баён этади: Шундай асар (назм) - дoston ёзгинки, ўзига хос (тархи тоза) бўлсин, ўқиган одамларга (улусқа) янги, бошқа асарларга ўхшамас (беандоза)лиги сезилиб турсин. Акс ҳолда (йўқ эрса), асари ўзгалар (халойиқ) ёзгандек боиса, бундай такрорлаш (мукаррар) сенга лойиқ эмас. Яхшиси, бундай асар ёзмаган маъқул. Лекин бу осон иш эмас. Бунинг учун Яқин ва Ўрта Шарқ ўлкаларида қалам мислсизлиги эътироф этилган Низомий ва Деҳлавий билан ижодий баҳсга киришиши лозим бўлади. Бу жуда катта билим ва юксак адабий дидни, истеъдод ҳамда машаққатли меҳнатни талаб этар эди. Бу ҳақида "Фарҳод ва Ширин"да ёзади:

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,
Низомий панжасиға панжа урмоқ.
Керак шер оллида ҳам шери жанги,

Агар шер ўлмаса, боре паланги.

Ҳақиқатдан ҳам Низомийдек назм шеъри ила майдонда турмоқ осон эмас. У билан баҳслашиш (панжасига панжа урмоқ) учун шер ёки ҳеч бўлмаса, йўлбарс (паланг) бўлмоғи даркор. Навоий шер билан тенглашадиган шер бўлди. У оғир ва масъулиятли вазифани муваффақият билан адо этди. Ниҳоят қисқа бир муддат - икки йил (1483-1485) давомида 51 минг мисрадан ортиқ беш дostonни ёзиб тугаллади. У 1483 йилда "Ҳайрат ул-аброр" фалсафий-таълимий дostonини, 1484 йилда уч асарни: "Фарҳод ва Ширин" ҳамда "Лайли ва Мажнун" ишқ қиссаларини, "Сабъаи сайёр" ишқий-саргузашт дostonини, 1485 йили эса "Садди Искандарий" қаҳрамонлик дostonини яратди.

Навоий "Ҳамса"си XV асрдаги халқимиз маънавий тараққиётининг кўзгуси бўлиб, унда ўша даврнинг ижтимоий турмуши, халқнинг фаровон урф-одатлари дин-диёнат, ахлоқ-одоб ҳақидаги қарашлари ўз аксини топган. Навоий "Ҳамса"си яхли асардир. Буюк шоир унда замонасининг барча долзарб масалаларини қаламга олади. Уларга жавоб излайди. Ҳар беш дoston бир-бири билан ич-ичидан мустаҳкам боғланган.

«Ҳайрат ул-аброр» Алишер Навоий «Ҳамса» сининг биринчи муқаддимавий – режанома дostonи. Мазкур асар ўз навбатида «Ҳамса» учун ғоявий-мазмун нуқтаи назаридан йўналтирувчилик аҳамиятига молик. Унда лўнда хулосалар ҳолида баён этилган доно фикрлар, комил инсонга хос ноёб фазилатлар талқини «Ҳамса»нинг бошқа дostonларида мантиқий ривожлантирилади, тақомилига етказилади. «Ҳамса» дostonларини ана шу шоҳ асардан ибтидо топувчи пишиқ, ўйланган тафаккур занжири бир- бирига боғлаб туташтириб туради. Дoston 63 бобдан таркиб топган бўлиб, унинг 21 фаслини анъанавий муқаддимавий боблар, 40 бобини – 20 мақолат ва 20 ҳикоят, қолган икки бобини эса – хотима ва бир ҳикоят ташкил этади.

«Ҳайрат ул-аброр» қомусий асар бўлиб, унинг асосий қисмини ташкил этувчи мақолат ва ҳикоятларда барча замонлар учун ўта долзарб бўлган баркамол авлод, комил инсон ҳақидаги улуғ мутафаккирнинг теран ахлоқий-маънавий, ижтимоий-фалсафий мулоҳазалари бадиий ифодасини топган.

«Ҳайрат ул-аброр»да ҳам ижодкорнинг баркамол шахс ҳақидаги ўйлари мақолатларда ёрқин инъикосини топган. Асардаги ҳикоятлар эса мақолатларда илгари сурилган таянч ғояларни ўқувчи шуурига янада теранроқ таъсир этиши, унинг мавзу билан мукамалроқ танишишига имкон яратади. Дostonдаги мақолатлар сарлавҳаларининг ўзи асарда комил инсон улуғланганлигидан далолат беради:

1-мақолат: Иймон шарҳида.

2-мақолат: Ислом бобида.

3-мақолат: Салотин зикрида.

4-мақолат: Риёкорлик – фирибгарлик ҳақида.

- 5-мақолат: Хайру эҳсон васфида.
 6-мақолат: Адаблилик одати ҳақида.
 7-мақолат: Қаноат ҳақида.
 8-мақолат: Вафо ҳақида.
 9-мақолат: Ишқ ўти таърифида.
 10-мақолат: Ростлик ҳақида.
 11-мақолат: Илм осмонининг юлдузларидек баланд мартабалилиги ҳақида.
 12-мақолат: «алам ва қалам аҳиллари ҳақида.
 13-мақолат: Булутдек фойда келтирувчи одамлар ҳақида.
 14- мақолат: Осмоннинг тузилишидан шикоят.
 15-мақолат: Жаҳолат майи.
 16-мақолат: Хуносасифат олифталар.
 17-мақолат: Баҳор йигитлигининг софлиги ҳақида.
 18-мақолат: Фалак ғамхонаси ҳақида.
 19-мақолат: Хуросоннинг мисли йўқ вилояти ҳақида.
 20-мақолат: Мақсаднинг ўталганлиги ҳақида.

ИЗОҲ: Машғулот давомида дostonдаги «Адаблилик одати ҳақида» ва «Қаноат ҳақида» мақолотлари таҳлил қилинади (6-7-мақолот). Таҳлил жараёнида қуйидаги муҳим методик қоидаларга амал қилиш машғулот самарадорлигини таъминлайди:

1. Асар мазмунини таҳлил қилиш ва тўғри, тез, онгли, ифодали ўқиш малакаларини шакллантириш.
2. Асарнинг ғоявий асослари ва мавзусини, унинг образлари, сюжет чизиғи, композицияси ва тасвирий воситаларини тушунтириш талабаларнинг шахс сифатида умумий камол топишига яхши хизмат қилади, шунингдек боғланишли нутқининг ўсиши (луғатининг бойиши ва фаоллашиши)ни таъминлайди.
3. Ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибасига таяниш асар мазмунини онгли идрок этишнинг асоси ва уни таҳлил қилишнинг зарурий шarti хисобланади.
4. Машғулот давомида ўқувчиларни фаоллаштириш, атроф-муҳит ҳақидаги билимларини кенгайтириш ва илмий дунёқараш асосларини шакллантиришнинг самарали воситаси сифатида қаралади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Қуйидаги саволларга жавоб қайтаринг.

1. “Хамса” яратиши анъанасини ким бошлаб берди ва кимлар “Хамса” яратди?
2. Алишер Навоий “Хамса”сининг яратилиши ҳақида нималарни биласиз?
3. Алишер Навоий хамсачилик анъанасига қандай муносабатда бўлди?
4. “Хайрат ул-аброр” нега шундай номланади?
5. Достоннинг асосий ғояси нимага қаратилган?

6. Сизнинг тасаввурингизча комил инсон қандай бўлиши керак?
7. Достонда комил инсонга хос бўлган қандай сифатларга кўпроқ урғу берилган?

II топшириқ: Асар юзасидан тузилган қуйидаги тест саволларининг жавобини топинг:

1. Навоий “Хамса”сидаги “Хайрат ул-аброр” достонининг ҳажми қанча?

- а) 7976 мисра, 64 боб, 20 мақолот
- б) 8000 мисра, 64 боб, 20 мақолот, 20 ҳикоят
- с) 7986 мисра, 65 боб, 21 мақолот

2. Достон қандай вазнда ёзилган?

- а) бармоқ
- б) эркин
- с) аруз

3. Достондаги «Шер билан Дуррож» ҳикоятида қандай иллат қораланган?

- а) хасислик
- б) ёлғончилик
- с) сотқинлик

4. “Хайрат ул-аброр”да айтилишича «Адабнинг энг яхши» сифати - ...

- а) ҳаё
- б) тавозеъ
- с) қаноат

5. Навоийнинг “Хамса”си таркибидаги қайси достон бошдан оёқ бир сюжетли воқеани баён этмаган?

- а) “Хайрат ул-аброр”
- б) “Фарҳод ва Ширин”
- с) “Лайли ва Мажнун”

31-мавзу: “Лайли ва Мажнун” достони (2 соат)

Режа:

1. «Лайли ва Мажнун» - ишқий, фожеавий достон.
2. Достон таҳлили.

Таянч тушунчалар: Сайёр мавзу, маснавий, фожеавий ишқ, жунун, мажнун, ишқий саргузашт достон, Қайс, Лайли.

Алишер Навоий «Хамса»сининг учинчи достони мусулмон минтақа халқлари адабиётида кенг шуҳрат қозонган Лайли ва Мажнуннинг дардчил ишқий саргузаштларига бағишланган. Бу сайёр мавзу ниҳоятда қадимий бўлиб, манбаларда эътироф этилишича, унинг бадиий талқини намуналари XII асрнинг иккинчи ярмидан араб адабиётида вужудга кела бошлайди.

Лайли ва Мажнун ҳақидаги дардчил ишқий саргузаштлар ва бу маҳзун воқеалар тизимининг тўлақонли бадиий асар сифатида шаклланиб, ёзма адабиётдан мустаҳкам ўрин олишида таниқли озар шоири Низомий Ганжавийнинг «Лайли ва Мажнун» (1188) достони асос бўлди. Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий «Хамса»нинг учинчи достонини ижод этаётганида, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Ашраф Мароғавий, Шайхим Суҳайлийларнинг шу мавзуда ёзилган асарлари билан яқиндан таниш эди. Буюк салаф ва тенгдошларининг ушбу мавзуга оид маснавийларига ўз асарида юксак берди.

«Лайли ва Мажнун» достони «Хамса» таркибидаги нисбатан ихчам маснавийлардан бири бўлиб, арузнинг ҳазажи мусаддаси ахраби макбузи маҳзуф (мафъувлу мафъилун фаувлун --v v-v- v--) баҳрида битилган. Достон 38 бобдан иборат. Асарнинг дастлабки тўққиз боби анъанавий муқаддима (ҳамд, наът, устозлар, Султон Ҳусайн Бойқаро, Бадиуззамон Мирзо мадҳи ва «Ул тун маҳобати таърифи») бўлиб, 10-бобдан асар асосий воқеаларининг бадиий ифодаси бошланади. Маснавийда қаламга олинган Лайли ва Мажнун фожеавий ишқий саргузаштлари тасвири севишганларнинг вафоти билан интиҳо топади. Достоннинг сўнги уч боби унинг хотимасидир. Унда «Ишқ таърифидаким.. .», шахзода Султон Увайс Баҳодир мадҳи ҳамда улуғ шоир «дард навҳаси» («дард ноласи»), дея эътироф этган «Лайли ва Мажнун» воқеалари якунига бағишланган бобларга ҳам ўрин берилган.

Достонда нақл қилинишича, Қайс Ҳай қабиласида жойлашган мактабга ўқиш учун берилади. У ўқишга келган куни Лайли хаста бўлгани сабабли машғулотда йўқ эди. Лайли соғаяди ва мактабга келади. Қайс Лайлини ва у Қайсни кўради, нигоҳ-нигоҳга тушиши билан қалбларга ишқ оташи туташади. Фироқ ва ҳижрон азоблари ўша кундан бошланади. Ушбу достонда қаҳрамонлар ҳолатида суқр (мастлик, сархушлик, ўзидан кетиш) аломатлари бағоят баланд. Лайли ва Мажнун висол онларидаги қарашлар тўқнашувига дош беролмайдилар ва улар табиатида мастлик, беҳушлик кайфияти юз беради. Илк учрашув манзараси Лайлининг тузалганидан шодланган устоднинг ҳамма шогирдларини дарсдан озод қилгандан сўнг, Лайли ва қизлар гулшан сайрига чикқанларида содир бўлади. 5-6 ёшлардаги бу норасида гўдаклар бир-бирларига рўбарў келганларида, Қайс беҳосдан ишқ ҳақида сўзлайди. Унинг руҳий ҳолатида жиддий ўзгаришлар пайдо бўлади. Қайснинг ҳушидан кетиши Лайлини саросимага солади. Икки канизак келиб қизни бу ташвишдан халос этишади. Мажнундаги жунун - ишқ туфайли. У ўта юксак ҳарорат билан Лайлини (унинг тимсолида Аллоҳни ҳам) севади. Бироқ бу муҳаббатга Лайлининг отаси рози эмас. Чунки Қайс мансуб бўлган Бани Омир қабиласи мавқе-эътибор жиҳатидан Ҳай қабиласидан бирмунча паст. Шундай гапни давлату сарвар хусусида ҳам айтиш ўринлидир. Барча тўсиқлар ана ўша нуктадан бошланади.

Қайсадаги ишқ жунуни кун сайин эмас, ҳатто, соат сайин ортар эди. Қабила оқсоқолларининг маслаҳати билан Қайс ислом оламининг муқаддас саждагоҳи – Каъбага олиб борилади. Муборак ва муаллақ мўъжизавий тош – «Ҳажар ул-асвад» қаршисида Қайс Яратганга муножот қилиб, ўз «дарди»га шифо тилаши лозим эди. Қаранг, Қайс Эгамдан нималарни илтижо билан сўрайди:

Кўнглумга фазо ҳарими ишқ эт,
Жонимға ғизо насими ишқ эт!
Ишқ исидин эт дамимни мушкин,
Ишқ ўтидин эт юзумни рангин!
Жонимға сол ул шарорани ҳам,
Бошимға ур ушбу хорани ҳам.
Кўнглум ғам ила тўқ айла, ё Раб!
Ишқ ичра мени йўқ айла, ё Раб!
Дерлар манга: «Ишқни унутгил,
Лайли ғамидин канора тутгил,»
Аллоҳ, Аллоҳ бу не сўз ўлғай,
Ул қавмға Тенгри узр бўлғай...
Лайли ишқин танимда жон қил,
Лайли шавқин юрагимда қон қил.
Дардини нажотим эт, Илоҳи,
Ёдини ҳаётим эт, Илоҳи!

Ота умидлари узилиб, ўғлини олиб қайтади. Қайс мажнунга айланиб, саҳроларга бош олиб кетади. Ҳайвонлар орасида паноҳ топади. Тасодиф билан ушбу воқеанинг устидан чиққан жўмард Нафал унга ёрдам қилмоқчи бўлади, ўртага тушади. Лайлининг отаси кўнмагач, қизни Қайсга зўрлик билан олиб бермоқни ўйлайди. Лайли бошига ўлим хафи тушади. Мажнун бундан туши орқали огоҳ бўлади. Урушни тўхтатади. Навфал уни ўз қизига уйлантириб қўяди. Бироқ Мажнун ўша тўй кечасиёқ Лайлини қўмсаб, саҳрога чиқиб кетади. Ўша куни сохта ошиқ – Ибн Саломга никоҳ қилинган Лайли билан саҳрода учрашади... Шундай қилиб, Лайли ва Мажнуннинг дардчил ишқий саргузаштлари икки севишганларнинг ўлими билан якунланади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Қуйидаги саволар устида мушоҳада юритиб кўринг.

1. Сайёр сюжет ёки сайр мавзу деганда нимани тушунасиш?
2. Нима учун асарнинг асосий қисми “Тун таърифи” бошланади?
3. Қайснинг Мажнун номини олишига сабаб нима?
4. Асарда ижтимоий тенгсизлик масаласи қандай ёритилган?
5. Илоҳий ишқ деганда нимани тушунасиш?

II топшириқ: Асар юзасидан тузилган қуйидаги тест саволларини

бажаринг.

1. “Лайли ва Мажнун” қандай типдаги достон?

- а) ишқий-фожиавий достон
- б) ишқий саргузашт достон
- с) панд-насихат руҳидаги достон
- д) адабий достони

2. Асарнинг нечанчи боби “Ул тун маҳобати таърифи”га бағишланади?

- а) 9-боб
- б) 10-боб
- с) 1-боб
- д) 2-боб

3. “Лайли ва Мажнун” достони арузнинг қайси баҳрида ёзилган?

- а) ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф
- б) ҳазажи мусаддаси мақсур
- с) рамали мусаддаси маҳзул
- д) рамали мусаддаси мақсур

4. Мажнуннинг асл исми аниқланг.

- а) Қайс
- б) Нафал
- с) Ибн Салом
- д) Хусрав

5. Достон неча бобдан иборат?

- а) 38
- б) 48
- с) 72
- д) 63

32-мавзу: “Сабъаи сайёр” достони (2 соат)

Режа:

- 1. “Сабъаи сайёр” достонининг яратилиши.
- 2. Достонинг тузилиши.
- 3. Достонинг таҳлили.

Таянч тушунчалар: Етти кезувчи, сайр қилувчи, қолипловчи қисса ва ҳикоят, оғзаки ва ёзма адабиёт, «Ҳафт пайкар», «Ҳашт бихишт», Баҳром ва Дилором.

Алишер Навоий «Хамса»сининг тўртинчи достони «Сабъаи сайёр» (етти кезувчи-сайр қилувчи) деб аталади. Асарнинг бундай номланиши сабабини шоир шундай изоҳлайди:

Лутф бу назм аро бағоятдур,
Ғараз аммо етти ҳикоятдур.
Чунки қойил етти мусофир эди,

Ки алар сайр ишига моҳир эди,
Бўлди чун бу рақам иши тайёр,
Кўйдум отини «Сабъаи сайёр».

Шоир айтмоқчики, бу дostonда лутф - кўп қиррали маъно ва мазмун кўпдир, аммо асосий мақсад ундаги етти ҳикоятдир. Чунки ҳикояларни айтувчилар сайру саёҳат ишига моҳир бўлган етти мусофирдир. Шунинг учун дoston ёзилгач, унга «Сабъаи сайёр» - етти кезувчи, сайр қилувчи мусофир деб от қўйилди.

Алишер Навоийнинг бу масалага алоҳида урғу бериши бежиз эмас. Чунки бу билан, яъни асарга ном қўйиш билан ўз дostonининг шу мавзуда битилган бошқа асарлардан ҳам шакл ва мавзунинг талқини жиҳатидан фарқ қилишига ишора қилади.

Дарҳақиқат, Алишер Навоий салафларидан Низомий Ганжавийнинг шу мавзуга бағишлаган асари «Ҳафт пайкар» (Етти гўзал) деб аталган бўлса, Хусрав Дехлавий уни «Ҳашт биҳишт» (Саккиз биҳишт), замондоши Ашраф Мароғавий эса «Ҳафт авранг» (Етти тахт) деб номлаган эдилар. Уларда асосий диққат Баҳром қиссасига қаратилган бўлса, Алишер Навоий асосий эътиборни мусофирлар томонидан айtilган ҳикояларга қаратди («Ғараз (мақсад) аммо етти ҳикоятдур») ва Баҳром қиссасини ана шу ҳикояларнинг айтилиш воситасига айлантирди. Демак, Алишер Навоий салафларига ўхшаш (Баҳром, етти ҳикоя) асарни янгича талқин, янгича таҳлил билан яратиб, назираи беназирни (ўхшаш-ўхшамас) майдонга келтирган эди.

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» дostonи 1484 йилнинг июнь ойида ёзиб тугатилган. Баҳром қиссасига бағишланган бу дoston ўзбек тилида, арузнинг ҳафифи мусаддас (фоилотун мафоилун фаилун) баҳрида ёзилган.

Шоҳ Баҳром ҳақидаги қисса тарихий асосга эга. Чунки Баҳром ибн Яздижурд-Баҳроми Гўр Варахран V сосонийлар хонадонининг вакили бўлиб, 421- 439 йилларда Ажамнинг подшоҳи эди. Алишер Навоий ўзининг «Тарихи мулуки Ажам» асарида ўша даврдаги тарихчилар дунёқараши асосида Баҳром бинни Яздижурд ҳақида маълумот берган.

Гарчи Баҳром тарихий шахс бўлса-да, аммо у оғзаки ва ёзма адабиётда тарихий шахсликдан кўра бадиий образ-тимсол сифатида кўпроқ машҳурдир. Шунинг учун унинг «саргузаштлари» шунчалик бадиийлаштириладики, натижада тарихийлик ўрнини бадиийлик эгаллаб боради. Бу ҳолни Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги Баҳром ва Озода ҳақидаги, Низомий Ганжавий «Ҳафт пайкар»идаги Баҳром ва Фитна, Хусрав Дехлавий «Ҳашт биҳишт»идаги Баҳром ва Дилором тўғрисидаги қиссаларда ҳам кузатиш мумкин. Алишер Навоий ҳам ўз дostonида ана шу бадиий тимсолга айланган Баҳромни ўзининг ғоявий-эстетик ақидаларига мос тарзда тасвирлаб, асарини «афсона» (тарихий эмас), «қисса» (бадиийлаштирилган талқин) деб тавсифлайди.

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр»и тузилиш жиҳатидан ўзи ёзган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» дostonларидан фарқ қилади. Бу фарқ дostonнинг қисса ичида ҳикоя ёки қолипловчи қисса ва ҳикоялар туркумининг қоришуви усулида ёзилганидан ҳам билинади. Шунини эслатиш жоизки, Низомий ва Хусрав Дехлавий дostonлари ҳам шу тариқада битилган. Аммо улардаги Баҳром ва унинг севгилиси (Фитна, Дилором) ҳақидаги асосий қисса билан маликалар томонидан айтилган етти ҳикоятнинг ўзаро ғоявий-бадий жиҳатидан боғланиши анча бўш бўлганидан қолипловчи қисса ва етти ҳикоя алоҳида-алоҳида бўлиб туюлади. Алишер Навоий эса ўз дostonида еттинчи мусофир томонидан айтилган ҳикоятни қолипловчи қисса воқеалари (Дилором саргузашти) билан боғлайди. Натижада дoston қурилишида яхлитлик майдонга келади.

«Сабъаи сайёр»нинг қолипловчи қиссаси Баҳром ва Дилором саргузаштларидан иборат. Қисса Баҳром ёки Дилоромнинг туғилиш воқеалари билан эмас, балки вояга етган шоҳ Баҳромнинг ов жараёнида рассом Моний билан учрашуви, ундан Дилором тавсифини эшитиб, суратини кўриб, унга ошиқ бўлиб қолиш воқеаси билан бошланади. Бундан кўринадики, «Сабъаи сайёр»даги қолипловчи қиссанинг, яъни Баҳром ва Дилором қиссасининг бошланиши «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»ларнинг бошланишидан фарқ қилади. Чунки уларда воқеалар Фарҳод ва Мажнуннинг туғилишидан бошланади.

Демак, Алишер Навоий ҳар бир дostonни ундан кузатган ғоявий-эстетик мазмун моҳиятидан келиб чиқиб асардаги воқеалар баёнининг қурилмасини белгилайди.

Дostonдаги қолипловчи қисса воқеалари баёнида мусофирлар тилидан айтилган етти ҳикоя мазмуни, ғояси, бадиияти ва қизиқарлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Энг муҳими шундаки, барча ҳикоялар эзгулик ва олижанобликнинг тантанаси билан ниҳоясига етади; севишганлар мурод-мақсадларига эришадилар, адолат ғолиб келади, ёвузлик ва адолатсизлик енгилади. Ҳикояларда романтик тасвир усули (тахайюл) етакчи ўринни эгаллайди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Дostonдаги 1 ва 2-ҳикоятларни ўқинг, муаллиф томонидан қандай ғоя илгари сурилгани изоҳлашга ҳаракат қилинг.

II топшириқ: Қуйидаги саволларга жавоб қайтаринг.

1. Дoston нега “Сабъаи сайёр” деб номланади?
2. Дoston “Хамса”даги бошқа дostonлардан қайси жиҳатлари билан фарқланади?
3. Шоҳ Баҳромнинг ишқий саргузаштлари мавзуининг тарихи ва тадрижий тақомили ҳақида нималарни биласиз?
4. Шоҳ Баҳром образини Фарҳод, Мажнун образларидан қайси жиҳатларига кўра фарқланади?
5. Баҳромнинг шоҳ сифатидаги камчиликлари нималардан иборат эди,

деб ўйлайсиз?

6. Ошиқлик ва шохлик масаласи Баҳром сиймосида қандай тасвирланган?

III топшириқ: Қуйидаги тест топшириқларни бажаринг:

1. **Навоий назмининг етти соҳир тухфаси ҳисобланувчи асари тўғри кўрсатилган қаторни белгиланг.**

- А. “Лисон ут-тайр”
- Б. “Саъбаи сайёр”
- С. “Маҳбуб ул-қулуб”
- Д. “Садди Искандарий”

2. **“Саъбаи сайёр” достони қанча муддат давомида ёзиб тугатилган?**

- А. 6 ой
- Б. 7 ой
- С. 5 ой
- Д. 4 ой

3. **“Саъбаи сайёр” достони тузилиши жиҳатдан қайси асарларга яқин туради?**

- А. “Саёхатнома”
- Б. “Тўтинома”
- С. “Минг бир кеча”
- Д. Б ва С

4. **Баҳром образини илк бор ёзма адабиётга ким олиб кирган?**

- А. Низомий
- Б. Фирдавсий
- С. Деҳлавий
- Д. Жомий

33-34 мавзу: **“Саъдий Искандарий” достони. Иншо: “Ҳайрат ул - аброр” ҳикматлари” (4 соат)**

Режа:

1. “Садди Искандарий” - “Хамса”нинг хотимавий достони.
2. Асарнинг мавзу ва ғоялар олами.

Таянч тушунчалар: Марказлашган давлат, Файлақус, Искандар, Арасту, Доро, Бону, адолатли шох, адолатли жамият.

“Садди Искандарий” (“Искандар девори”) Алишер Навоийнинг адолатли ва маърифатли ҳукмдор раҳнамолигида марказлашган давлат барпо этиш, халқ осойишталиги ва юрт маъмурилигини таъминлаш, ўзаро тож-тахт курашлари, ихтилофу нифоқларга барҳам бериш сингари умумбашарий ғояларини ўзида бадиий ифода этган дostonдир. Мазкур асар «Хамса»нинг бешинчи - якунловчи достони бўлиб, у 1484 йилнинг иккинчи ярмида (тахминан сентябр - октябр ойларида) ёзиб тугатилган.

«Садди Искандарий» достони «Хамса»ни якунловчи бўлганлиги сабабли «Хамса»га кирувчи дostonларнинг хусусиятларини ўзида мужассам этади, яъни унда ҳам назарий-ахлоқий дoston («Ҳайрат ул-аброр») ҳамда сюжетли дostonларнинг («Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабаъи сайёр») тузилма хусусиятларининг қоришуви–бирлашуви кўзга ташланади.

«Садди Искандарий» достонининг асосий мазмун-ғоясини адолат, одил подшоҳ ва инсоннинг комилликка эришуви билан боғлиқ бўлган масалалар ташкил этади.

Маълумки, Искандар - македониялик Александрнинг Шарқдаги номи бўлиб, аслида у эрамиздан олдинги IV асрда яшаган машҳур саркарда ва жаҳонгирдир. Аммо Шарқда Искандар ўз тарихий «қолипни»гина сақлаб қолиб, адиб ва шоирлар асарларида бадиият қонуниятлари ҳамда ёзувчи адабий-эстетик ниятлари асосида яратилган бадиий образдир. Бу бадиий образ - Искандар қайси даврда яратилган бўлса, ана шу давр талаб ва эҳтиёжлари асосида ўзига хос тарзда яратилади.

Алишер Навоийнинг Искандар образини чизишда, унинг фазилатларини баён этишда ғолиблигининг боиси нимада эканлигига эътибор бериб, уни ҳамisha олиму фузалолар қуршовида тасвирлайди. Искандарнинг етти иқлим ҳукмдори бўлиши, адолати ва ғолиблиги туфайли топган шон-шуҳратининг асосий сабабларидан бири илм ва ҳунар аҳлига таянганлигида деб билади.

Демак, жамиятнинг қайси босқичида, даврида бўлмасин, уни бошқарувчи сиймо (Алишер Навоий тушунчасига кўра подшоҳ) илм аҳли ва илмий ҳулосалар асосида иш юритса, жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётида ривожланиш, тараққиёт, ободлик ва осойишталикка эришилади.

Шунинг учун машҳур алломалар - Афлотун, Арасту, Суқрот, Букрот ва бошқалар Искандар билан ёнма-ён тасвирланади, уларнинг билими, панд-насихатларидан баҳраманд бўлади.

ИЗОҲ: Алишер Навоий “Хамса”сига ажратилган охирги машғулот “Ҳайрат ул-аброр” ҳикматлари” мавзусидаги адабий иншо ёзиш билан якунланади. Иншога оид умумий талалаблар:

1. Иншо мавзусининг асл моҳиятини англаб олиш, унинг ҳажмини аниқлаш.

2. Иншо режасини тузиш, режа фаслларни изчил ёритиш, яъни иншода режа ва мазмун бирлигини сақлаш.

3. Фикрларни мавзу талабига мослаб, аниқ, тўла ва таъсирчан шаклда баён қила олиш. Иншонинг мавзуси, ғояси, мундарижасига мос келадиган фикр ва иборалардан ўринли фойдаланиш, кўчирмаларни ўз ўрнида ишлатиш, матнни тўғри туза олиш.

4. Иншода адабий тил меъёрларига мувофиқ равшан, саводли, сунъийликка йўл қўймаган тарзда фикрлаш.

Режа намунаси ўқитувчи томонидан ёзув тахтасига ёзиб қўйилади. Қўп йиллик тажрибада синалган ва иншо ёзишда ўқувчи учун анча қулайлик туғдирадиган режа уч асосий қисмдан – кириш, асосий қисм, хулосадан иборат бўлади.

Режанинг кириш қисмида мавзунинг қўйилиши, мақсади, долзарблиги, қайси мақсадда бу мавзу танланганли ҳақида маълумот берилади. Асосий қисм иншонинг асосини ташкил қилади. Бунда ўқувчи ўзининг фикр-мулоҳазаларни аниқ мисоллар асосида ёритади. Хулосада кириш ва асосий қисмлардан келиб чиқадиган мантикий яқунлар ўз ифодасини топади.

Иншонинг тахминий режаси:

“Ҳайрат ул-аброр” ҳикматлари

Режа:

I. Кириш:

Алишер Навоий – сўз мулкининг султони.

II . Асосий қисм:

1. «Ҳайрат ул-аброр» - муқаддимавий достон.
2. Асарда комил инсонга хос ноёб фазилатлар талқини.
3. Достонда эзгу амаллар – саховат, қаноат, сабрнинг бадиий ифодаси.

III . Хулоса:

«Ҳайрат ул-аброр» достонининг ўзбек адабиётида тутган ўрни.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Қуйидаги саволларга жавоб қайтаринг.

1. Искандар шахси ҳақида нималарни биласиз?
2. “Саддий Искандарий”нинг номланишида қандай мажозий маъно мужассам?
3. Достонни бошқа достонлар номлари билан изоҳлашга ҳаракат қилинг.
4. “Искандар ва гадоликни ихтиёр этган шахзода мулоқоти”да қандай умумбашарий муаммолар хусусида фикр юритилади?
5. Искандарнинг адолатли шоҳ эканлиги достондаги қайси лавҳаларда ўз ифодасини топган?
6. Улуғ жаҳонгир васиятининг моҳияти нималардан иборат?

II топшириқ: Достондан олган таассуротларингиз асосида **”Адолатли шоҳ ва адолатли жамият”** мавзуида уй иншоси ёзинг.

35-мавзу: Нодира лирикаси (2 соат)

Режа:

1. Нодира ҳаёти ва ижоди.
2. Нодира лирикасининг мавзулар олами.
3. Шоира шеъриятида маҳорат масаласи.

Таянч тушунчалар: Шеърӣй мерос, девон, қўлёзма, “Мунтахаб ут-таворих”, Тухватут-таворих”, “Тарихи Фарғона”, “Ансоб ус-салотин ва таворихи хавоқин”, Комила, Макнуна.

Нодира таниқли шоира, давлат арбоби. Унинг асл исми Моҳларойим бўлиб, Андижон ҳокими Раҳмонқулибий оиласида дунёга келди. 1808 йилда Марғилон ҳокими бўлган Амир Умархонга турмушга чиқади. 1810 йилда акаси Олимхон ўрнига тахтга чиққан Умархон билан Қўқонга келади. 1822 йил Умархоннинг фожеали вафотидан сўнг ўғли Маъдалихон билан бирга Қўқон хонлигини бошқаради. Мадраса, масжид, карвонсаройлар қурдиради. Илм аҳлига раҳнамолик, фақирларга ҳомийлик қилади. Увайсий, Махзуна, Дилшод, Анбар Отин каби мумтоз шоираларга раҳнамолик қилди. 1842 йил Бухоро хони Амир Насруллоҳ томонидан қатл этилади.

Нодиранинг шеърӣй мероси бир нечта девонларининг қўлёзмалари орқали етиб келган. Ўзбекча шеърларида Комила ва форсийда Макнуна таҳаллуслари билан ҳам асарлар яратган. Унинг 10.000 мисрага яқин асари етиб келган. Ғазал, мухаммас, рубоӣй, фард каби кўплаб жанрлардан фаол фойдаланган. Шеърларида Навоӣй, Фузулий, Бедил анъаналарини давом эттирган. Нодира ғазалларида фироқ, дард изтироблари самимий баён қилинган.

Нодира ҳаёти ва ижодини ўрганиш ўз давриданок бошланган. Ҳакимхон Тўранинг “Мунтахаб ут-таворих”, Авазмуҳаммад Атторнинг “Тухватут-таворих”, Исҳоқхон Тўранинг “Тарихи Фарғона”, Мушрифнинг “Ансоб ус-салотин ва таворихи хавоқин” каби тарихий асарларда, Увайсийнинг “Воқеоти Муҳаммадалихон”, Нодир - Узлатнинг “Ҳафт гулшан” номли дostonларида Нодиранинг иқтидори, фаолияти борасида қимматли маълумотлар баён этилган.

Нодира ижоди адабиётшунослигимизда А. Қаюмов, Т.Жалолов, Х. Раззоқов, М. Қодирова каби олимлар томонидан ўрганилган. Андижонда шоира номига шаҳар марказидаги шоҳқўчалардан бири, кинотеатр ва бошқа маданий муассасалар қўйилган.

Нодира - зуллисонайн шоира. У ўз асарларини икки тилда - форс-тожик ва ўзбек тилларида яратди. У мумтоз адабиётимиздаги ғазал, мухаммас, рубоӣй, фард каби кўплаб жанрларда асарлар яратди. Шоира Навоӣй, Фузулий, Бедилни ўзига устоз деб билган.

Нодира муҳаббат, садоқат ва вафо куйчиси. Ҳамфикр устози Умархоннинг фожиали вафоти Нодира кўнглига, ҳаётига катта зарба берди. Унинг шеърларида махзунлик кучайди.

Шарқ аёлларига хос фидойи вафодорлик, садоқат, иззат-иқром намунаси бўлиб, тасаввуримизни, тафаккуримизни бойитади.

Нодира замонасида мажозий (яъни дунёвий) ишқни ҳам, ҳақиқий (яъни илоҳий) муҳаббатни васф этиш аёл киши учун осон бўлмаган. Мана бу оташин байт шундан нишона:

Манъи муҳаббат на қилурсан манга,

Рамзи ҳақиқат эрур ишқи мажоз.

Шоира наздида илоҳий ишқ инсонни камолотга етаклайди. Ундан беҳабарлик эса тубанликка юз туттиради.

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,

Гар одамсан – муҳаббат ихтиёр эт...

Шоира шеърияти мазмун жиҳатдан ҳам, бадиийлик жиҳатидан ҳам баркамол асарлардир. У фикрларни ўзига хос, янги топилмалар, қиёслар билан ифодалашга интилади. Натижада, тазод, тажохул-ориф, хусни таълил, ташбеҳ каби бадиий санъатлар билан боғлиқ янгича талқинлар, янгича образлар, янгича ифодалар яратишга эришган:

Сени, эй нозанин, базм ичра топмай,

Қилур фарёду афғон най била даф.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Қуйидаги саволларга жавоб топинг.

1. Нодира ҳаёти ва фаолияти ҳақида нималарни биласиз?
2. Нодиранинг Қўқон адабий муҳитининг шаклланишидаги хизматлари нимадан иборат?

3. Шоиранинг ижод аҳлига раҳнамолиги ҳақида нималарни биласиз?

4. Нодира лирик меросида қандай мавзулар қаламга олинади?

II топшириқ: Қуйидаги тест саволларининг жавобини аниқланг.

1. Нодиранинг туркий девонидага ғазаллар сонини аниқланг.

А. 20 та

Б. 600 та

В. 189 та

Г. 240 та

2. Нодира ахволидан огоҳ бўлинг,

Эй мусоҳибларки, қолмиш ёрсиз. Ушбу ғазалда Нодира шахси билан боғлиқ қандай ғоя ифода этилган?

А. Висол дамлари

Б. Жудолик

В. Худога илтижо

Г. Шикоят

3. Нодиранинг ушбу ғазалида қайси шеърӣ санъат қўлланган?

Юзи гулу қади шамшод, кўзлари наргиз,

Баҳору ёсуманимни тушумда кўрсам эди.

А. Муболаға

Б. Истиора

В. Таносуб

Г. Ташбеҳ

4. Нодира қачон ким томонидан ваҳшиёна қатл этилди?

- А. 1841 йилда амир Насруллоҳон томонидан
- Б. 1809 йилда Олимхон томонидан
- В. 1843 йилда Султон Маҳмудхон томонидан
- Г. 1842 йилда Бухоро амири Насруллоҳон томонидан

5. Нодира қачон Умархондан жудо бўлди?

- А. 1820 йил
- Б. 1822 йил
- В. 1829 йил
- Г. 1825 йил

36-мавзу: Муқимий ғазаллари (2 соат)

Режа:

1. Муқимийнинг ҳаёти ва ижоди.
2. Муқимий лирикаси.
3. Муқимий ғазалларининг мавзулар олами.

Таянч тушунчалар: Беквачча, “Ҳоким ойим”, “Меҳтар ойим”, “Ҳазрат” мадрасаси, хаттот, “Танобчилар”

Ўзбек адабиётининг йирик вакилларида бўлган Муҳаммад Аминхўжа Муқимий 1850 йилда Қўқонда “Беквачча” маҳалласида туғилади. Бўлажак шоирнинг онаси Бибиойша адабиёт ва санъатни севган аёл бўлиб, Муқимийда адабиётга ҳавасни онаси уйғотган.

Муҳаммад Аминхўжа маҳалласидаги мулла Абдухалил домла мактабида хат-савод чиқаргач, отаси моддий қийинчиликка қарамай, ёлғиз ўғлининг чуқурроқ илм олишини истайди. Муқимий истеъдодли, хати ғоят чиройли эди. У 1864 йилда Қўқондаги “Ҳоким ойим” мадрасасига ўқишга киради. 1867 йилда онаси вафот этади. Бироз вақт ўтгач отаси Зиёдабиби исмли бир аёлга уйланади. 1873 йилда мадрасани битиргач Муҳаммад Аминхўжа ўқишни давом эттириш учун Бухорога йўл олади. У 1876 йилгача Бухородаги “Меҳтар ойим” мадрасасида ўқийди. Шу йили ўғай онаси Зиёдабибининг аввалги турмушидан бўлган Санамбиби исмли қизига уйлантирадилар. 1877 йилда Муҳаммад Аминхўжа тирикчилик ўтказиш учун Қўқондаги ер қурилиш маҳкамасига мирзалик вазифасига ишга киради. Шоир маҳкамада айрим ер ўлчовчи амалдорларнинг турли хийла- найранглари кўради. Бу кейинчалик “Танобчилар” ҳажвиясининг ёзилишига сабаб бўлади. Сўнг Сирдарё бўйидаги Оқжар паромига паттачи бўлиб ишга киради. Бироқ у ердаги фирромликлар шоирнинг руҳини ўлдиради. У бу ердан ҳам ишдан кетади. Шоирнинг рўзғор юритиш борасидагина эмас, балки оилавий ҳаётида ҳам омади чопмади. У бадий завқдан маҳрум, адабиётдан узоқ, ўзини тушунолмайдиган Санамбиби билан узоқ яшай олмади. 1879 йилда улар ажрашадилар. Шоирнинг аёли ўғли Акбархўжани онаси Зиёдабибига қолдириб, бошқага турмушга

чикиб кетди. 1886 йилда шоирнинг отаси ҳам вафот этади. Муҳаммад Аминхўжа XIX асарнинг 70-йиллари охиридан эътиборан тўлиғича бадий ижодга берилди. “Муқимий” таҳаллуси билан шеърлар ёзиб, доврўғ қозонди.

Муқимий 1887-1888 йилларда Тошкентга келиб, олти-етти ой туради. Ота қариндошлари билан учрашади. Алмайи, Нодим Намангоний сингари адиблар билан танишиб, яқиндан алоқа боғлайди. Муқимий ҳамиша иқтисодий тангликда яшаганлиги учун ҳам 1886 йилда отадан қолган ҳовлини сотиб, ўғли Акбархўжа билан “Ҳазрат” мадрасасидаги бир ҳужрага кўчиб ўтишга мажбур бўлади. Кишилар учун хат ёзиб, китоб кўчириб, шундан келадиган даромат ҳисобига кун кўрган. Азалдан хати чиройли шоирнинг мижозлари кўп эди. У ўз вақтида замонасининг етук хаттоти Муҳаммад Юсуфдан махсус сабоқ ҳам олганди. Муқимийнинг 1892-1899 йиллар орасида икки марта Тошкентга келиб кетгани маълум. Тошкентга қилинган саёҳат шунчаки яқинларини кўришгина бўлмай, балки янги маданият, янги турмуш, янгича қарашлар билан танишиш ҳам эди.

Сариқ касалига йўлиққан Муқимий 1903 йилнинг 25 майида мадрасадаги ҳужрасида вафот этади.

Муқимий лирикасининг каттагина қисмини ғазал, мурабба ва мухаммаслар ташкил этади. Шоирнинг жуда кўп ғазаллари унинг тириклигидаёқ кўшиқ бўлиб қуйланган. Маърифатчи шоир шеърларида гўзал инсоний туйғулар ёқимли ва тушунарли ифодалангани учун халқ орасида тез ёйилган. Муқимий шахсиятида ғурур ва масъуллик туйғулари кучли эканлиги учун ҳам азалдан бадий сўзга ўта жиддий муносабатда бўлган. Унинг:

Бўлмагай ҳосил, Муқимий, маъние ҳар лафздин,

Дона сочқон била ҳар қишлоқи деҳқон бўлурму?-деган сатрлари ижоднинг асл моҳиятини ифодалайди. Яъни шоир бутун ижоди мобайнида бадиият намунаси бўладиган сўз айтишга уринади. У шеърятнинг мартабасини баланд тутди. Бадий сўзга енгил-елпи муносабатда бўлмади. Шоир лирикаси, асосан, анъанавий йўналишда бўлиб, ишқ-муҳаббат кечинмалари тасвирланади. Унда ёрнинг қоши, кўзи, юзи, сочи, қадди-қомати таърифи келтирилади. Ошиқ висол лаззатидан қувонади, ҳижрон азобидан изтироб чекади. Лекин ҳар икки ҳолда ҳам ёрнинг ҳусни салтанатига, умри давлатига ривож тилайди. Муқимий лирикасидаги маъшуқа – жуда гўзал. Аммо у қанчалик гўзал бўлса, шунча бевафо, жафокор. Шу сабабли шоир шеърларида қувончдан кўра ҳасрат кўп:

Туйғунг менинг қонимдадур, зулфинг гирибонимдадур,

Юз минг алам жонимдадидур, ман мубтало қайга борай?!

Муқимий лирикасига хос энг мақбул жиҳатлар шоирнинг “Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар” мисраси билан бошланадиган ғазалида намоён бўлади. Навбаҳор – эрта кўклам, борлиқнинг эндигона уйғона

бошлаган пайти. Табиатнинг шу паладаги кўриниши шоирни ҳайронга солади, у поэтик сўз ёрдамида кўкламнинг таровати манзарасини чизади, Лекин шоир учун атроф гўзаллигининг ўзи кифоя эмас. У шундай дамларда яқин кишилари билан бўлгиси келади:

Навбахор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,
Сухбат айлайлик, келинлар, жўралар , ўртоқлар!

Шоирнинг фикрича, ҳаётнинг маъноси дўст-у улфатлар билан бирга бўлишдадир. Шу боис, у жўраларни сухбатга чорлайди:

Хуш бу маҳфилда тириклик улфат-у аҳбоб ила,
Ўйнашиб гаҳи табиатни қилайлик чоғлар.

Муқимий лирикасининг каттагина қисмини ҳажвиёт ташкил қилади. Янги замоннинг вакили сифатида шоир ижодига миллатнинг ўзгариб бораётган ижтимоий тафаккури кучли таъсир кўрсатиши табиий эди. Чунки у борлиқдан, ижтимоий турмушдан, атрофдаги одамларнинг дард-у ғамларидан узилиб қолмаган, балки шуларга қўшилиб бораётган ижодкор эди. Шунинг учун Муқимий ижодида жамият ва шахслар ҳаётидаги иллатларни инкор этиш, уларни кулгига олиш, ҳажвий танқид қилиш, хуллас, фаол ижтимоий муносабат етакчилик қилади. Унинг “Танобчилар”, “Тўйи Иқонбачча”, “Масковчи бой таърифида”, “Ҳажви Виктор”, “Сайлов”, “Дар шикоят Лахтин”, “Воқеайи кўр Ашурбой” каби ҳажвияларида жамиятдаги турли мавзулар қаламга олинади.

Хуллас, Муқимийнинг ижоди кўп асрлик ўзбек адабиётининг тамомила янги босқичга кирганини, у оддий кишилар турмушига бевосита аралаша бошлаганини кўрсатади. Муқимий умуминсоний туйғулар, азалий мавзулар билан биргаликда ўз даврини, шу даврда яшаётган одамларнинг катта-кичик муаммоларни бадиий адабиётнинг масаласига айлантира билди. Шу тариқа адабиёт халқ ва унинг ҳаётига яқинлашди.

Мавзун мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Муқимийнинг шоир бўлиб етишишида оила муҳитининг роли қандай бўлган?
2. Шоирнинг шахсиятига хос хусусиятлар, оилавий ҳаётидаги мураккабликлар ижодига қандай таъсир кўрсатган?
3. Муқимий лирикасининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
4. Муқимийнинг адабий мероси ҳақида нималарни биласиз?

II топшириқ: “Навбахор” ғазалини ёд олинг.

III топшириқ: Қуйидаги тест саволларининг жавобини аниқланг.

1. Муқимийнинг “Навбахор” ғазалидаги “маҳфил” сўзининг маъноси нима?

- А. Жой
- Б. Кечириш
- В. Қийноқ

Г. Зорланиш

2. Муқимий қайси йилларда Тошкентда яшади?

А. Муқимий Тошкентда яшамаган

Б. 1864 -1867 йилларда

В. 1887-1888 йилларда

Г. 1877 йилда

3. Муқимий тахаллусининг маъноси нима ?

А. Саводли

Б. Бир ерда доимий турувчи

В. Паттачи

Г. Кўчиб юрувчи

4. Қуйидаги байтда қандай бадий санъат қўлланган?

Навбахор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,

Сухбат айлайлик, келинлар, жўралар , ўртоқлар!

А. Ташбеҳ

Б. Таносиб

В. Ийҳом

Г. Тажнис

5. Муқимий умрининг охирида Тошкентдаги қайси мадрасада яшади?

А. Ҳоким ойим

Б. Беквачча

В. Меҳтар ойим

Г. Ҳазрат

37-мавзу: Ҳамид Олимжон ва Зулфия (2 соат)

Режа:

1. Ҳамид Олимжон ва Зулфия - ўзбек адабиётининг йирик вакили.

2. Ҳамид Олимжон ва Зулфия лирикасида мавзулар олами.

Таянч тушунчалар: Лирика, лирик қаҳрамон, поэма, ватан мавзуи, ҳижрон мотиви, адабий эртак, шеърӣ драма, фольклор анъаналари, “Ҳижрон кунларида”, “Қуёшли қалам”, “Уни Фарҳод дер эдилар”, “Хотирам синиқлари”.

Ҳамид Олимжон 1909 йил 12 декабрда Жиззах шаҳрида дунёга келди. У тўрт ёшга тўлганда отаси Олимжон вафот етди. Азим бобо Жиззахнинг хатли-саводли ва обрў-эътиборли кишиларидан бўлиб, Фозил Йўлдош ўғли Хатирчидан жаззалик ёру дўстларини йўқлаб тушганда, унинг хонадонида ҳам бўлар эди. Шундай пайтларда Абдулҳамид бобоси пинжига ўтириб, навқирон бахшининг дўмбира жўрлигида айтган дostonларини қизиқиб тинглар эди. Онаси Комила ая ҳам халқ эртакларини яхши билар эди. Бўлажак шоир узун қиш кечаларини онасининг "Ёрилтош", "Ойгул ва Бахтиёр", "Тоҳир ва Зухра" хақидаги

сеҳрли эртакларини тинглаб ўтказган. Кейинчалик онаси айтган ана шу эртаklar Ҳ. Олимжоннинг шоир бўлиб етишувида замин вазифасини ўтади.

1916 йилдаги Жиззах қўғолони Абдулҳамидни гўзал эртаklar олаmidан юлқиб олиб, феодал асрнинг ўтли нуқталаридан бирига ташлади. Қўғолонни бостириш учун келган жазо отряди аҳолининг кичик бир қисмини қиличдан ўтказиб, қолган қисмини жазирама даштга ҳайдади. Шаҳарни тўпга тутиб, шу жумладан, Ҳ. Олимжонлар яшаган қўғонни ҳам ер билан яксон қилишади. Азим бобо билан фарзанди Аҳмаджон эса Россия шаҳарларига мардикорликка юборилади. "Мен бир қора кунда туғилдим. Туғилдим-у шу он бўғилдим" каби мисралар шундай пайтларда оқ қоғозга тўкилган бўлса, не ажаб.

1917 йилда аввал Февраль инқилоби, кейин Октябрь тўнтариши юз берди. Абдулҳамид Жиззахда очилган Наримонов номидаги тўлиқсиз ўрта мактабни тугатиб, Самарқанддаги ўзбек билим юртида ўқишни давом эттирди. У ерда С. Айний, А. Шакурий, Ҳожи Муйин, Л. Вяткин каби олимлардан дарс олди ва бу сабоқлар уни шеър машқ қилишга илҳомлантирди. 1928 йилда Ўзбекистон Олий педагогика институтининг иқтисод факультетида ўқишни давом эттирди.

1929 йилда биринчи шеърини тўплами "Кўклам" номи билан босилиб чиқди, яна "Тонг шабадаси" ҳикоялар тўпламини эълон қилди. 1931 йилда Ҳамид Олимжон "Қурилиш" журнаliga масъул котиб қилиб тайинланди.

Пойтахт Тошкентга кўчиб келиши муносабати билан Ҳамид Олимжон 1931 йил августда "Ёш ленинчи" газетасида масъул котиб этиб тайинланди. Шоирнинг "Олов сочлар" (1931), "Пойга", "Ўлим ёвга" (1932), "Дарё кечаси" (1936), "Шеърлар" (1937), "Ўлка", "Ойгул билан Бахтиёр" (1939) ва "Бахт" (1940) шеърини тўпламлари, дostonлари таржималари эълон қилинди. 1939 йилда у Ёзувчилар уюшмасига масъул котиб қилиб тайинланди.

Шоир 1944 йил 3 июль куни бахтсиз тасодиф туфайли оламдан кўз юмди.

Ҳамид Олимжон лирикасида ватан мавзуси энг асосий мавзулардан ҳисобланади.

Қулоғимга номинг кирганда
Қумлик каби ташна боқурман.
Сенинг жаннат водийларингда
Наҳрлардай тўлиб оқурман.

«Ўлка» шеърдан олинган бу мисраларда сохта туйғулар йўқ. Ҳамид Олимжон лирикасида самимий ҳис ва кечинмалар авж нуқтага кўтарилган.

Ватан образи Ҳамид Олимжоннинг кўпгина шеърлари марказида туради.

Охири мен ўсган эл яксон етиб ғам тоғини,
Барча тилсимларни очди, топди роҳат боғини,
Бир ватанким, бунда йўқдир дард ва ҳасратдан нишон,
Бир ватанким, ер ва осмонда одам топди шон.

Ҳамид Олимжонни 30-йиллар тўфонлари четлаб ўтмади. 1937 йилда у

Ёзувчилар уюшмасидан ўчирилди. Шоирни Фитрат ва Чўлпонлар тақдири кутмоқда эди...

Ҳамид Олимжоннинг уруш давригача бўлган ижодида «Офелиянинг ўлими», «Ҳолбуки тун», «Ишим бордир ўша оҳуда», «Ҳар юракнинг бир баҳори бор», «Жануб кечасида», «Хаёлинг-ла ўтади тунлар», «Бутун олам бир оппоқ сийна», «Дарё тиниқ, осмон беғубор», «Дунё гўзал кўринур менга», «Энг гуллаган ёшлик чоғимда» каби ўнлаб лирик дурдоналар бор. Бу шеърларда шоир руҳ мусаввири сифатида лирик қаҳрамоннинг нозик туйғу ва кечинмаларини моҳирона тасвирлади.

1939 йилда Ҳамид Олимжон халқ эртакларидан фойдаланиб «Семурғ ёки Паризод ва Бунёд» достонини ёзди. Бу достонда ҳам ўзбек халқ эртакларига хос воқеалар ривожлантирилиб, янги воқеалар занжирини ҳосил қилади. Бу достонда Семурғ, дев каби афсонавий образлар қатнашади.

Ҳамид Олимжон ижоди XX аср Ўзбек адабиётининг нурли саҳифаси бўлиб қолади. У қисқа умр йўли босиб ўтган бўлса-да ўзбек адабиётида ўзига хос ижодий мерос қолдирди. Ўзбек адабиётининг равнақига муносиб ҳисса қўшган Зулфиянинг тақдирида шоир ва умр йўлдош сифатида ўчмас из қолдирди.

Исроил Муслимов қизи Зулфия 1915 йил 1 мартда Тошкентнинг Ўқчи маҳалласида дунёга келади. Ҳовли мўъжазгина бўлса-да, унда бир-биридан чиройли муаттар гуллар ўстириларди. Оиладагилар мусиқани, шеърни яхши кўрардилар. Зулфия оиладаги кенжа фарзанд бўлиб, унинг тўртта акаси бор эди. Уларнинг ҳаммаси кейинчалик катта лавозимларда ишлаганлар, қатағоннинг аччиқ-чучугини тотганлар.

Зулфия бошланғич мактабни битиргач, хотин-қизлар педагогика билим юртида (1931-1934 йиллар) ўқиди. Шу ерда шеър ёза бошлади. Билим юртининг олдида адабий тўғарак бўлиб, унинг раҳбари шоир Шукур Саъдулла эди. Тўғаракда Уйғун, Ғ.Ғулом каби шоирлар билан учрашувлар ўтказиларди. Шоира ҳаёт, турмуш сабоқларидан илҳом олди ва 17 ёшида «Ҳаёт варақалари» (1932) деган илк тўпламни нашрдан чиқарди. Аммо у бунда дунёга, инсонга ўз нуқтаи назаридан қараш даражасига кўтарилганди. 1935 йилда Зулфия ҳассос шоир Ҳамид Олимжон билан тақдирини боғлади. Бу шоира учун, унинг ижоди учун улкан бурилиш бўлди.

Шоира билимини ҳар томонлама ошириб борди, аспирантурада ўқиди, болалар нашриётида муҳаррирлик қилди. Иккинчи Жаҳон уруши кўпчиликни руҳий жиҳатдан тетиклаштирди, каттаю-кичикнинг эътибори Ватан ҳимояси бўлиб қолди. Уруш Зулфия учун катта синов даври бўлди. 1944 йилда турмуш ўртоғи Ҳамид Олимжондан жудо бўлди, аммо бу айрилиш Зулфияни довдиратиб қўймади, энди у икки сизни - ўзи ва Ҳамид Олимжон сизини чалишни бўйнига олди. Бу шоира шеърини мазмуни, йўналиши, руҳидагина эмас, айтиш чокда ижтимоий фаолиятида ҳам яққол ифодаланди. “Саодат” журналида бош муҳаррир бўлиб ишлади (1953-1980), Осиё ва Африка ёзувчилари ҳаракатида фаол қатнашди, мамлакатимиз вакили сифатида

Ҳиндистон, Югославия, Шриланка, Миср, Бирма, Австралия каби мамлакатларни кўрди. Зулфияга қўша-қўша мукофотлар берилди, бу унинг эл олдидаги қатор хизматлари учун эди. У республика давлат мукофоти лауреати бўлди. «Сайланма»си учун собиқ СССР давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон халқ шоираси, халқаро «Нилуфар» мукофоти, Булғориянинг «Кирилл ва Мефодий» ордени соҳибаси каби юксак унвон ва мартабаларга сазовор бўлди. Унга Меҳнат қаҳрамони унвони ва кўплаб орден, медаллар берилди.

Зулфия севги, садоқат, ҳижрон, она, ватан, тонг, тинчлик, дунё, ҳуррият, ҳаёт, умр, юртдошлари ва тақдирдошлари жасорати, шодлиги, изтироблари, фожеаси, иродаси ҳақида ҳам қалам юритди, юритганда ҳам уларни ўз шахсий нуқтаи назари билан, шахсий дарду ташвиши тарзида талқин қилди.

Шоиранинг «Уни Фарҳод дер эдилар», «Қуёшли қалам», «Хотирам синиклари» дostonлари ҳақиқатан ҳам ихчам тузилишга эга.

Ҳамид Олимжон ҳаёт вақтидаёқ шоира ижодига ҳижрон оҳанги кириб келди. Бу оҳанг «Ҳижрон» шеърида, «Уни Фарҳод дер эдилар» дostonида, Ҳ. Олимжон томонидан таҳрир қилиниб, босмага туширилган «Ҳижрон кунларида» шеърий тўпламида муҳим ўрин тутди. Агар «Ҳижрон кунларида» туркумида урушнинг шафқатсиз алангасида азобланган қалбнинг ғолиб чиқиши ифодаланса, «Юрагимга яқин кишилар»да шу инсондаги матонат, садоқат, неқбинлик илдизларини одамлар меҳри, она-Ватан меҳрида кўради. «Мушоира» туркумида инсоният тақдири, ташвиш-интилишлари муштараклиги таъкидланади. «Ўйлар», «Йиллар, йиллар» туркумларида эса ҳаёт ва инсон, умр мазмуни, муҳаббат ва садоқат, яшаш ва кураш маъноси тўғрисида фикр юритилади.

Умуман, ҳассос ижодкорлар Ҳамид Олимжон ва Зулфия шеър ва дostonлари билан янги ўзбек адабиётига муносиб ҳисса қўшди ва ўз номини адабиётимиз саҳифаларида муҳрлай олди.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Ҳ. Олимжоннинг болалик йиллари қандай ўтди?
2. Ҳ. Олимжон адабиёт майдонига қачон кириб келди?
3. Ҳ. Олимжон шеърларидаги андай мавзулар етакчилик қилади?
4. Уруш йилларида Ҳ. Олимжон қандай асарлар яратди?
5. Шоирнинг қайси шеърлари Зулфияга бағишланган?
6. Зулфия ҳаёти ҳақида нималар биласиз?
7. Зулфиянинг илк шеъри қайси ва қаерда босилган?
8. Зулфия ва Ҳамид Олимжон муносабатлари хусусида сўзланг.
9. Зулфия шеъриятида қандай мавзулар устунлик қилади?
10. Зулфиянинг ижодий меҳнати ҳукуматимиз томонидан қандай тақдирланган?

II топшириқ: Ҳ. Олимжоннинг “Ўзбекистон” шеъри билан А. Ориповнинг “Ўзбекистон” шеърларини солиштиринг. Ўзбекистон тасвирида

иждокорларнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари ва улар ўртасида қандай яқинлик борлигини ўз мушоҳадаларингизни изоҳлашга ҳаракат қилинг.

III топшириқ: Ҳамид Олимжоннинг “Ўрик гуллаганда” шеърини ёд олинг.

38-мавзу: С. Зуннунова. “Рух билан суҳбат” асари (2 соат)

Режа :

1. С. Зуннунова – ҳассос шоира.
2. Шоиранинг “Рух билан суҳбат” асари таҳили.

Истеъдодли шоира, жозибали насрий асарлар муаллифи Саида Зуннунова 1926 йили Андижон шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келди. Отадан эрта етим қолган Саида 1941-1943 йилларда Андижон педагогика институтида таҳсил олди. Андижон мактабларида муаллима, газета таҳририятларида адабий ходим бўлиб ишлади. Саида Зуннунованинг биринчи шеъри 1945 йили “Пахта фронти” газетасида босилган. Адабиётга муҳаббат ёш шоирани Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультетига етаклади. У ўқишни тамомлаб, “Гулхан” журнали, “Ўзбекистон маданияти” газетаси ва Бадиий адабиёт нашриётида, шунингдек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида маслаҳатчи бўлиб хизмат қилди.

Шоиранинг ёшлик сурури, Ватан шукуҳи ва меҳнат нашидасини тараннум этувчи “Қизингиз ёзди” (1948), “Янги шеърлар” (1950), “Гуллар водийси” (1954), “Қизларжон”, “Бир йил ўйлари” (1967) шеърий тўпламлари китобхонлар томонидан катта қувонч билан қабул қилинди.

Саида Зуннунова насрда ҳам сермахсул ижод этган адибадир. Унинг “Гулбаҳор” ҳикоялар тўлламида (1956) ишчилар ҳаёти, оила ва муҳаббат мавзулари акс этган бўлса, “Гулхан” (1958) қиссасининг асосий қаҳрамони аёллар бўлиб, уларнинг йигирманчи йиллардаги кураши ўзига хос бадиий бўёқларда ифодаланган. Адиба ёзган “Олов” (1962), “Бўйларингдан ўргилай” (1972), “Директор” каби асарларининг қаҳрамонлари ҳам аёллардир.

Сўзга ҳасислик, бадиий сиқиклик, табиийлик, сунъий образлардан қочиш Саида Зуннунова ҳикояларига хос хусусиятлардир. Она Ватанга садоқат, меҳнатга муҳаббат, бахт ва муҳаббат туйғуларини куйлаган. Шоиранинг лирик шеърлари, жозибадор қўшиқлари, насрий асарлари адабиётимиз хазинасидан жой олган. Саида Зуннунова айна камолот ёшида 1977 йили оғир хасталиқдан кейин вафот этган.

Она-Ватанга садоқат, меҳнат ва бахт, муҳаббатни ҳақгўйлик билан куйлаган шоиранинг лирик шеърлари, жозибадор қўшиқлари, насрий асарлари адабий хазинамизни бойитиб келмоқда.

Адиба асарларини рус ва бошқа қардош халқлар китобхонлари ўз она тилларида севиб ўқимоқдалар. Ҳукуматимиз Саида Зуннунованинг

адабиётимиз тараққиётига қўшган салмоқли ҳиссасини тақдирлаб, уни Ҳурмат белгиси ордени билан мукофотлаган.

“Руҳ билан суҳбат” достони Саида Зуннунова ижодида алоҳида аҳамиятга молик ижод намунасидир. Асарнинг лирик қаҳрамони уруш қалбини яралаган муниса аёл. У машъум уруш туфайли турмуш ўртоғидан айрилади ва битта фарзандига ҳам ота, ҳам оналик қилади. Фарзанди вояга етгач, она уни орзу-ҳавас билан тўй қилади. Тўй тарқагандан сўнг аёлнинг уйқуси элتماйди. Лирик қаҳрамон қалбидаги бор дардлари, ҳис-кечинмаларини уй тўридаги суратга тўкиб солади.

Деворга илиғлик сурат аёлнинг урушда қаҳрамонона ҳалок бўлган турмуш ўртоғининг расми. Асар қаҳрамони шу сурат пойига гулдаста қўйиб, кўнглидаги орзу-армонларини баён этади:

Сарупо киймадинг қайната бўлиб,
Ҳеч йўқса, гуллардан бўлгин баҳраманд.
Одам келди бугун ҳовлингга тўлиб,
Фарзандинг ёнига қўшилди фарзанд.

Зеро, турмуш ўртоғининг қайната сифатида сарупо кийиши лирик қаҳрамоннинг орзуси эди, бироқ машъум уруш уни армонга айлантирди.

Уруш йилларида белида қуввати, юрагида шижоати бўлган йигитлар жангга жўнадилар. Улар ватанни фашизм зулмидан озод қилиш йўлида жон олиб, жон бердилар. Кўплари жанг майдонларидан қайтмадилар Саида Зуннунова достонида юз кўрсатган тимсол ана шундай мард йигитлар руҳи ҳисобланади.

Аёл турмуш ўртоғини кутишдан, излашдан толмайди, умр бўйи турмуш ўртоғининг ҳаёли билан яшайди:

Сени излайвериб ҳолдан тойдим мен,
Сени излайвериб қариб қолдим мен...
Хаёлим излашдан, кўнглим бўзлашдан,
Сени ахтаришдан сира толмадим

Умуман олганда, достондаги лирик қаҳрамон кечинмалари уруш йиллари аёлларининг қалб нидоси бўлиб янграйди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Қуйидаги саволларга жавоб қайтаринг.

1. С. Зуннунованинг ҳаёт йўли ҳақида нималарни биласиз?
2. Шоира ижодий фаолиятининг ривожланишига нималар туртки бўлди?
3. С. Зуннунованинг илк ижод қачон бошланди?
4. Адибанинг қандай тўпламлари дунё юзини кўрди?
5. Нима учун шоира асарларининг кўпчилигида асосий қаҳрамонлар - аёллар. Бунга сабаб нима деб уйлайсиз?
6. “Руҳ билан суҳбат” достонида қандай мавзу қаламга олинади?
7. Асарда ўзбек аёлига хос қандай фазилатлар кўзга ташланади?

II топширик: С. Зуннунованинг “Рух билан суҳбат” достони Миртемирнинг “Сурат” поэмаси билан қиёслаб ўқинг. Икки асардаги мавзу ва ғояни, улардаги аёл сиймосини қиёсланг. Хулосаларингизни дафтарингизга тушинг.

39 - 40- мавзу: Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижоди. “Рухлар исёни” достонидаги “Жаҳолат тўғрисида ривоят” таҳлили (4 соат)

Режа :

1. Эркин Воҳидовнинг ҳаёти ва ижоди.
2. Шоир лирикасининг мавзулар олами.
3. Эркин Воҳидов – дostonнавис.
4. «Рухлар исёни» - фалсафий, ғожеавий ва қаҳрамонлик достони.

Таянч тушунчалар: лирик шоир, лирик қаҳрамон, “Инсон”, “Ўзбегим”, ғазал, қасида, “Нидо”, “Рухлар исёни”, “Истамбул ғожиаси”, ҳажвий лирика, “Донишқишлоқ латифалари”.

Эркин Воҳидов янги ўзбек шеърятининг XX асрнинг 60-70-йилларида етишган ёрқин ва бетакрор намоёндасидир. Шоирнинг ўзбек мумтоз шеърятини анъаналари изидан бориб, замондошлари маънавияти ва кайфиятини ифода этган «Ёшлик девони», юксак замонавийлик, фуқаролик руҳи билан йўғрилган «Тирик сайёралар», «Шарқий кирғок», «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» тўпламлари, уруш ғожиаларидан сўзловчи «Нидо», фалсафий, ғожеавий ва қаҳрамонлик «Рухлар исёни», «Истамбул ғожиаси» шеърини драмаси, ҳажвий-юмористик «Донишқишлоқ латифалари» туркуми, «Олтин девор» комедияси, И. Гёте, С. Есенин, А. Блок, М.Светлов, А. Твардовский, Р. Ҳамзатовдан қилган таржималари, хусусан, «Эрон тароналари» билан «Фауст» таржимаси адабиётимизда, маданий ҳаётимизда улкан воқеа бўлди. Шоирнинг публистик адабий-танқидий мақолалари, суҳбатлари ва улардан ташкил топган «Изтироб» (1992) китоби муаллиф дунёкарашининг шаклланиш йўллари ақс эттирувчи ўзига хос кўзгу сифатида қимматлидир.

Эркин Воҳидов Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида 1936 йилнинг 28 декабрида қишлоқ ўқитувчилари оиласида дунёга келди. Отаси Чўянбой Воҳидов, онаси Розияхон даврнинг обрў-эътиборли, маърифатли, ғоал кишилари эдилар. Афсус, улар узоқ яшамадилар. Ватан урушида қатнашиб, оғир ярадор бўлиб қайтган ота, сўнг она дунёдан ўтди; бўлғуси шоирнинг опаси ва уқаси ҳам гўдаклигида вафот этган эди. Икки қисқа умрнинг ёлғиз ёдгори бўлиб Эркин тошкентлик тоғалари қўлида қолди. Тоғалари - Каримбой Сахибобоев адлия ходими, республика Олий суди ҳайъати аъзоси, Рихси Сахибобоев эса бир неча йиллар Республика Олий Совети Президиумининг секретари бўлган.

Сахибобоевлар хонадони адабиётга, санъатга, умуман, маърифатга ташна эди, хонадонда тез-тез шоир ва хонандаларнинг мароқли давралари бўлиб

турарди. Сахибоевлар хонадонидаги давра қатнашчилари айни пайтда ислом маърифатининг дарғаларидан эдилар. Эркин Воҳидовдаги нафосатга, шеъриятга меҳр ва майл шу хонадонда, ана шу давраларда шаклланди. Эркин жуда эрта қўлига қалам олди. 7-синфда ўқиб юрганида «Муштум» журналида биринчи шеъри босилди. Ўқувчилик йиллари Островский номидаги пионерлар саройида шоир Ғайратий бош бўлган тўғарак машғулотларига қатнашиб турди. Бу тўғарак бўлғуси шоир учун бадиий ижод бобида илк сабоқ даргоҳи хизматини ўтади. Сўнгра Эркин Воҳидов Тошкент давлат университети филология факультетида таълим олди. У ўқиган кезлари (1955-1960) университетнинг филология факультети республикадаги илмий-адабий марказларидан бирига айланганди. Айни ўша йиллари республика Ёзувчилар уюшмасида ҳам ижодий муҳит жўш урган, ёш истеъдодлар тарбиясига эътибор кучайган, шоир Миртемир бош бўлган ижодий семинар довуғ қозонган бир давр эди. Кўп ижодкорлар қатори Э. Воҳидов ҳам мана шу ижодий иқлим хавосидан баҳраманд бўлди. «Ёзувчилар уюшмасининг ёш ижодкорлар семиналаридаги қизғин баҳслар, улуғ устозлар Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзодалар билан илк мулоқотлар ва учрашувлар университет даргоҳидаги адабий муҳит ҳаётимда ўчмас из қолдирди, - дейди шоир. - Мен ижодий меҳнатни фаол жамоат ишлари билан қўшиб олиб боришдек шарафли вазифа юкини доимо елкамда ҳис қиламан. Одамларга фақат шеъринг эмас, ўзинг кераклигингни сезиш - бу катта бахт. Шунинг учун ҳам жамоат меҳнатидан ҳеч қачон ўзимни олиб қочган эмасман. Қайноқ ҳаёт ичида яшаб, ишлаб ўрганганман».

Дарҳақиқат, у бадиий ижодни фаол жамоатчилик ишлари билан қўшиб олиб борди. «Ёш гвардия» нашриётида бош муҳаррир ўринбосари, «Ёшлик» журналида бош муҳаррир, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва Санъат нашриётида директор бўлиб ишлади. Болалар жамғармаси Ўзбекистон бўлимига раислик қилди. Ёзувчилар уюшмасида хилма-хил вазифа, топшириқларни адо этиб келди; республика халқ ноиб, Олий Кенгаш ошкоралик қўмитасининг раиси сифатида ҳақиқат ва адолат учун кураш олиб борди. Унинг кўп вақти халқ ичида, юртимиз ва мамлакатлар бўйлаб сафарларда ўтмоқда. Қисқаси, унинг ижоди мана шу қайноқ ҳаёт ичида, жўшқин ижтимоий фаолият жўрлигида шаклланган.

«Ҳеч иккиланмай, комил ишонч билан айтиш мумкинки, Эркин Воҳидов ўзбек шеъриятининг кўрки ва фаҳри. Бу фикрда заррача муболаға йўқ» - деб ёзади адабиётшунос, Ўзбекитон қаҳрамони О. Шарафиддинов.

Эркин Воҳидов публицист, драматург, дostonнавис сифатида баракали ижод қилган бўлса-да, аввало, у лирик шоир сифатида адабиётга кириб келган, халқимиз қалбидан ҳам нафис, ҳам теран мазмунга эга шеърлари орқали жой олган.

«Инсон» қасидасидан гўё Э. Воҳидов ижодида инсон тўғрисидаги шеърый баҳслар туркуми бошланди. «Тирик сайёралар», «Темиртан даҳолар»,

«Вируслар», «Арслон ўйнатувчи» каби шеърлар шу туркумни ташкил этади. «Инсон, бу - сир, жумбоқ. Бу жумбоқни ечиш керак», - деган эди Ф. Достоевский. Адабиётнинг, бинобарин, шеърятнинг бош вазифаси шу жумбоққа жавоб қидиришдан иборат. Э. Воҳидовни эса ҳаммадан бурун инсоннинг маънавияти, эътиқоди масаласи қизиқтиради. Инсон эзгу ишлари, юксак эътиқоди билангина инсон. Иймон, виждон, эътиқод - инсонни ичдан ёритиб, тафтиш қилиб турувчи, тўғри йўлга бошловчи сеҳрли «илоҳий» куч. Шу муқаддас туйғудан маҳрум шахс эса қабих аянчли ва қўрқинчли; бундай кимса қалбида нур, ҳис, кўзида маъно йўқ, берсанг, бу дунёни ютмоққа ҳам қодир, зар қасдида, дунё қасдида, шахсий манфаат йўлида жамики тубанликлар сари боришга тайёр.

Шоирнинг қатъий ҳулосаси шундай:

Имон денг, виждон денг, майли отини,

Лекин одамзотнинг «худо»си бўлсин.

Шоирнинг бу давр ижодида кулги-юмор ҳам ўзгача кўриниш касб эта бошлади. Чунончи «Донишқишлоқ латифалари»ни ўқиб, ҳамма кулади. «Ваҳоланки, мен уларни алам билан ёзганман, - дейди шоир. - Ақл- идрок зид, тескари ишларимиз эл бошига кулфат ва укубатлар келтираётгани сир эмас-ку»

80-йиллар охири, 90-йиллар бошларида маънавиятимиздаги ўзгариш, янгиланишлар Э. Воҳидов шеъриятида, хусусан, «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» тўпламида ўз акс-садосини топди. Бу давр шеърияти ривожига энг характерли жараён - унда тўла маънода руҳий Эркинликнинг намоён бўла бошлаганидир.

Э. Воҳидов ўнга яқин дoston ёзди. Уларнинг мавзу-мундарижаси, савия-даражаси турлича. Шоирга дostonчиликда шуҳрат келтирган асарлари «Нидо», «Рухлар исёни» ҳамда «Истамбул фожеаси» бўлди. «Нидо» 1964 йили ёзилди, дoston ҳали ўз қимматини йўқотган эмас. «Нидо»дан сўнг орадан ўн беш йил ўтиб ёзилган «Рухлар исёни» дostonи шоирнинг ўша пайтга қадар босиб ўтган ижодий йўлининг энг баланд чўққиси, ўттиз йиллик ижодий изланишларининг муайян якуни, дostonчиликдаги тажрибаларининг гултожидир.

«Рухлар исёни» - аввало қаҳрамонлик дostonи. Унда муаллиф асримиз бошларида чакмоқдек чарақлаб, шеърятда ўчмас из қолдирган, исёнкор шеърлари билан бутун Ҳиндистон ярим оролини ларзага солган, ҳаётни эл-юрт эрки, бахти йўлида фидо этган оташин бенгал шоири Назрул Ислom жасоратини улуғлайди. Айни пайтда «Рухлар исёни» - фалсафий дoston; муаллиф Назрул Ислom жасорати, фожеий қисмати баҳонасида шоирнинг, умуман, ижодкорнинг ҳаётдаги ўрни, фуқаролик бурчи, қолаверса, инсонийлик фидойилик, эрка ташналик, ижтимоий ва маънавий ҳаётнинг бошқа хилма-хил муаммолари устида ўйга толади.

Бу асар фақат қаҳрамонлик дostonи, фожеавий дoston, ўй-мушоҳадalar дostonи бўлиб қолмай, тарихий сабоқлар дostonи ҳамдир.

Достонга Назрул Ислоннинг қуйидаги сўзлари эпиграф қилиб олина:

Туғилгансан озод, мудом

Озод бўлиб қол!

Достон таркибида бир қанча ривоятлар бўлиб, уларда турли хил мавзулар қаламга олинади. Шулардан бири “Жаҳолат тўғрисида ривоят” деб номланади. Ушбу ривоятда ҳаким образи бўлиб, у қайсидир жиҳати билан Назрул Ислон шахсига яқин туради. Ҳаким одамлар орасида турли дардларга даво топди. Бироқ жамиятдаги жаҳолатни даволай олмади. Натижада унинг ўзи шу жаҳолат қурбонига айланди. Ҳаким қалбидаги жаҳолатга қарши қаратилган исён Назрул Ислон юрагидаги туғён билан ҳамоҳангдир.

ИЗОҲ: Мавзунинг иккинчи жуфтлиги достондан келтирилган “Жаҳолат тўғрисидаги ривоят” таҳлилига бағишланади. Таҳлил давомида янги педагогик технологиянинг «Венн» диаграммасидан фойдаланиш мумкин. Бу технология икки объектни, тушунчани, ғояни, ҳодисани таққослашда қулай усул ҳисобланади. Ривоятдаги икки куч - жамият ва ҳаким ўртасидаги қарама-қаршилиқлар таҳлил давомида очиқ борилади.

Бундан ташқари, таҳлил давомида «Нима учун» технологиясидан ҳам фойдаланиш мумкин. Мазкур технология “**нима учун бу муаммо келиб чиқди?**” деган масалани ўрганади. Ривоятдаги жамият ва ҳаким ўртасидаги муаммонинг келиб чиқиш сабаби шу усулларда ўрганилса, ўқувчига тушунарли бўлади.

Мавзунинг мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Эркин Воҳидовнинг болалик йиллари хусусида нималар биласиз?
2. Эркин Воҳидов қаерларда таҳсил олган?
3. Шоирнинг илк ижоди ва адабиётдаги дастлабки қадамлари ҳақида нималар биласиз?
4. Шоир шеърятининг асосий мавзулари қайсилар?
5. Шоирнинг достончиликдаги маҳорати нималарда кўринади?
6. “Нидо” достонининг шоир биографияси билан муштарак жиҳатлари ҳақида нима дея оласиз?
7. “Руҳлар исёни” достонининг яратилиш тарихида ҳақида нималарни биласиз?
8. Назрул Ислоннинг фожиали қисмати тасвири орқали шоир қандай ғояларни илгари сурган?

II топшириқ: “Руҳлар исёни” достони асосида “Достонда исёнкор шоир образи” мавзусида иншо ёзинг.

41-мавзу: Боғланган қўшма гаплар (2 соат)

Режа:

1. Қўшма гап ва унинг турлари ҳақида маълумот.
2. Боғланган қўшма гапларнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Боғланган қўшма гап турлари.

Таянч тушунчалар: Қўшма гап, содда гап, грамматик асос, боғловчи, боғловчи воситасида бириккан қўшма гаплар, бириктирув муносабатли, зидлов муносабатли, айирув муносабатли.

Икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг мазмун, грамматик ва оҳанг жиҳатдан бирикувидан тузулган гап **қўшма гап** дейилади: Декабрь бошланиб, киш ҳукмини ўтказа бошлади.

Содда гап таркибида битта эга ва кесим бирлиги иштирок этса, қўшма гап таркибида икки ва ундан ортиқ эга ва кесим бирлиги (яъни грамматик асос) қатнашади.

Қўшма гап таркибида содда гапларни боғловчи воситаларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- 1) боғловчилар (тенг ва эргаштирувчи боғловчилар);
- 2) боғловчи вазифасидаги воситалар (юкламалар, бўлса, эса, деб сўзлари, нисбий сўзлар, кўмакчили қурилмалар, феъл шакллари);
- 3) оҳанг.

Мазмун муносабати ва боғловчи воситаларнинг қўлланишига кўра қўшма гаплар 3 хил бўлади: **боғланган қўшма гаплар, эргашган қўшма гаплар ва боғловчисиз қўшма гаплар.**

Тенг муносабатдаги содда гапларнинг ўзаро тенг боғловчилар ёки шу боғловчилар вазифасидаги воситалар ёрдамида боғланишидан тузилган қўшма гаплар **боғланган қўшма гап** дейилади: Кечаси қалин қор ёғди, лекин ҳаво совимади.

Таркибида содда гапларнинг ўзаро мазмун муносабатига кўра боғланган қўшма гаплар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Бириктирув муносабатли боғланган қўшма гаплар:

Бундай қўшма гаплар таркибида содда гаплар ўзаро **ва, ҳамда** боғловчилари, **ҳам, -у (ю), -да** юкламалари ёрдамида боғланади ва пайт ҳамда сабаб-натижа муносабатларини ифодалайди: Машғулотлар тугади ва ҳамма ўз уйига тарқади. Қаттиқ изғирин кўтарилди-да, ҳеч ким уйдан чиқолмай қўйди.

2. Зидлов муносабатли боғланган қўшма гап ва уларда тиниш белгиларининг ишлатилиши.

Бундай гаплар таркибидаги содда гаплар ўзаро **аммо, лекин, бироқ** боғловчилари, **- у (ю), -да** юкламалари ёрдамида боғланади: Юртимизнинг бу куни чиройли, лекин эртаси, индини янада чиройлироқ, бахтлироқ бўлади. Ҳаво очилди-ю, ҳарорат сезилмади.

Баъзан зидлик мазмунини кучайтириш учун зидлов боғловчиси ва бу вазифада қўлланган **-у(ю)** юкламаси бирга ишлатилади: Кечаси қор ёғди-ю, лекин ҳаво унчалик совимади.

3. Айирув муносабатли боғланган қўшма гаплар ва уларда вергулнинг ишлатилиши. Бундай гаплардаги содда гаплар ўзаро айирув боғловчилари (*гоҳ...гоҳ, ё...ё, ёки...ёки, баъзан...баъзан, дам...дам, ёхуд...ёхуд,*) ёрдамида боғланади. Айирув боғловчили боғланган қўшма гаплар воқеа-ходисаларнинг галма-гал бўлишини ёки улардан бири бўлишини ифодалайди: Гоҳ осмонни тутиб ашула янграр, гоҳ аллақадан гармон товуши эшитилиб қолар эди.

Такрорланиб қўлланган айирув боғловчиларнинг иккинчисидан олдин вергул қўйилади, айирув боғловчилари якка қўлланса, ҳеч қандай тиниш белгиси қўйилмайди.

4. Инкор муносабатли боғланган қўшма гаплар. Бундай гап қисмлари ўзаро на инкор юқламаси орқали боғланади ва орасига вергул қўйилади: На сув бор, на бирон емиш қолди.

5. Бўлса, эса сўзлари ёрдамида боғланган қўшма гаплар.

Бундай қўшма гаплар қисмлари ўртасида зидлаш ёки қиёслаш муносабатлари ифодаланади, **бўлса, эса** сўзлари қиёсланувчи сўздан кейин келади: Эркаев қўлларини силтаб ваъз айтмоқда, улар **эса**, ички бир туғёндан қалтираб, чўян ҳайкалдай қотиб туришарди.

Мавзун мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Қуйидаги саволларга жавоб беринг

1. Қўшма гапнинг қандай турлари бор?
2. Боғланган қўшма гап деб нимага айтилади?
3. Боғланган қўшма гап қисмлари ўзаро қандай воситалар ёрдамида бирикади ва қандай маъно муносабатларни ифодалайди?
4. Бириктирув боғловчили боғланган қўшма гапларда бириктирув, сабаб, натижа ва изоҳлаш муносабатлари қандай усуллар билан ифодаланади?
5. Зидлов боғловчили боғланган қўшма гапларда қиёслаш ва изоҳлаш муносабатлари қандай ифодаланади?
6. Айирув муносабатли боғланган қўшма гапларда айирув муносабати қандай ифодаланади?
7. Инкор боғловчили боғланган қўшма гапларнинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?

II топшириқ: Қуйида берилган гапларни турларга ажратиб кўчиринг ва қисмлари орасидаги мазмуний муносабатларни изоҳланг.

1. Мевалар терилган эди, аммо фақат бир неча анор бутасида йирик, қизил анорлар барқ урар эди. 2. Кампирнинг ҳаяжонли тувуши чордевордан оша кетди ва бу хушхабар бир зумда ҳаммага эшитилди. 3. Мехмонлар тарқалиб кетди ва ҳовлида қариндошлардан бошқа киши қолмаган эди. 4. Бу хужранинг ҳарорати бор-у, ҳаловати йўқ. 5. Ота-бола жимгина уйга қайтишарди-да, иккови секин уйга кириб кетишар эди. 6. Машина катта жар ёқасига келиб қолди-ю, шофёр хушёрлик қилиб тўхтатди.

III топшириқ: “Мен севган касб” мавзуида иншо ёзинг. Унда боғланган қўшма гаплар ва уларнинг турлари иштирок этсин. Тиниш белгиларининг қўлланишига эътибор беринг.

42-43- мавзу: **Эргашган қўшма гаплар, уларнинг таркиби. Эргаш гапни бош гапга боғловчи воситалар (4 соат)**

Режа:

1. Эргашган қўшма гаплар ҳақида маълумот.
2. Эргашган қўшма гапларда бош ва эргаш гапларни боғловчи воситалар.

Таянч тушунчалар: Эргаш гап, тобе-ҳоким муносабати, эргашиш, бош гап, эргаш гап, эргаш гапли қўшма гап.

Бирдан ортиқ содда гапларнинг мазмун жиҳатдан тобе-ҳоким муносабати асосида, яъни бирининг бошқасига эргашишидан тузилган қўшма гаплар **эргаш гапли қўшма гап** дейилади: Илдиз озиқ берса, новда кўкаради.

Эргашган қўшма гапда **бош гап** ва **эргаш гап** бўлади.

Бошқа гапни ўзига тобе қилиб келган гап **бош гап** ҳисобланади. Бош гапга эргашиб, уни изоҳлаб келган гап **эргаш гап** дейилади: Укам келса, машғулотларни бошлаймиз. Бу гапда *Укам келса* гапи эргаш гап, *Машғулотларни бошлаймиз* гапи эса бош гап. Эргаш гап бош гапни бутунича ёки унинг бирор бўлагини изоҳлайди: *Раис киргач, ҳамма тинчланди* гапида эргаш гап бош гапни бутунисича изоҳлаяпти. *Сиз шуни унутмангки, курашчилар ёлғиз эмас.* Гапида эса эргаш гап бош гап таркибидаги олмош билан ифодаланган тўлдирувчи (*шуни*) изоҳлаяпти. Эргаш гап бош гапдан олдин, ундан кейин ёки унинг ичида кела олади: Биз, *ҳамма йиғилгач*, йўлга тушамиз. Бу гапда эргаш гап бош гап ичида келган.

Эргаш галар бош гапларга *чунки, шунинг учун, -ки, агар, гарчи, мабодо, гўё(ки)* каби эргаштирувчи боғловчилар, *феълнинг равишдош, сифатдош, ҳаракат номи шакллари*, шунингдек *юклама, кўмакчилар, турли вазифадаги кўрсатиш олмошлари, ким-у, қандай-шундай, қанча-шунча, қайси-ўша, қаерда-у ерда* каби бир-бирига ишора муносабатини билдирадиган сўроқ олмошлари ва кўрсатиш олмошларидан иборат нисбий сўзлар, *сабабли, туфайли, деб* сўзлари орқали боғланади: 1. Биз китобни севамиз, **чунки** у билим манбаидир. 2. Ҳосил тўкин бўлса, тўйлар тўхтамайди.

Диққат! Кесими таркибида *-ки, шунинг учун* боғловчилари қатнашган гаплар **кўпинча** бош гап ҳисобланади, кесими таркибида *-са, са ҳам, -б(иб), -гач, -гунча, -ганда, -р(ар), экан* боғловчи воситалари, шунингдек, *кўмакчилар, чунки, агар, гўё(ки), токи* боғловчилари қатнашган гаплар эса **ҳар доим** эргаш гап ҳисобланади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Эргашган қўшма гап деб нимага айтилади?
2. Эргашган қўшма гапга хос асосий мезон нимадан иборат? У боғланган қўшма гапдан қайси хусусиятлари билан фарқланади?
3. Эргашган қўшма гапларнинг таркиби қандай қисмлардан ташкил топади?
4. Эргаш гап бош гапга қандай йўллар билан боғланади?
5. Эргашган қўшма гапда эргаш гап қандай ўринларда келади?

II топшириқ: Эргашган қўшма гапларни топиб, уларни боғланган қўшма гапларга айлантиринг. Гап тузилишида ва тиниш белгиларида юз берган ўзгаришларни тушунтиринг.

1. Ёмоннинг яхшиси бўлгунча, яхшининг ёмони бўл. 2. Кун чиққунча, биз далага етиб борамиз. 3. Сарви хола гапини тугатгач, Манзура хола “тўғри айтадилар, кўзим” деб қўйди. 4. Табиат оқ ёпинчиғини ташлар-ташламас, куртаклар кўз укалай бошлади. 5. Шамси ўрнидан туриб, дўпписини икки буклаб, “Боғаро”ни шунақаям авждан айтибдики, ҳаммаси қойил қолишибди. 6. Энди ўт ёқаман деб турганда, кўча бирдан тақиллаб қолди. 7. Сенга бир аломат нарса олиб келдимки, кўрсанг ҳайрон қоласан. 8. Меҳнат қилсанг, роҳат кўрасан. 9. Мен келсам, сен кетибсан.

III топшириқ: Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобларини аниқланг.

1. Мазмун муносабатлари, грамматик белгилари, тузилиши ва интонациясига кўра қўшма гап типларининг тартибланиши қайси жавобда берилган?

- A. Боғловчисиз, боғланган, эргашган қўшма гаплар.
- B. Эргашган, боғловчисиз.
- B. Боғланган, эргашган қўшма гаплар.
- Г. Барча жавоблар тўғри.

2. Боғланган қўшма гап қисмлари қандай грамматик воситалар ёрдамида боғланади?

- A. Тенг боғловчилар, боғловчи вазифасидаги сўзлар ёрдамида.
- B. Айрим юкламалар ва боғловчи вазифасидаги сўзлар ёрдамида.
- B. Боғловчилар, юкламалар, боғловчи сўзлар ёрдамида
- Г. Фақат боғловчилар ёрдамида.

3. Эргаш гапларни бош гапга бириктирувчи боғловчиларнинг ўрни қаерда бўлади?

A. - **ки** боғловчиси бош гапнинг кесимида, **чунки, негаки, гўё** боғловчилари эргаш гапнинг бошида келади.

B. - **ки** боғловчиси эргаш гапнинг кесимида, **шунинг учун** боғловчиси бош гап таркибида, **чунки, негаки, гўёки** боғловчилари эргаш гапнинг олдида келади.

B. Боғловчилар бош гапнинг охирида келади.

Г. Боғловчилар эргаш гапнинг бошида келади.

4. Эргашган қўшма гаплар таркиби қандай гаплардан тузилган бўлади?

А. Бош ва эргаш гаплардан.

Б. Эргаш ва тобе гаплардан.

В. Фақат эргаш гаплардан

Г. Тўғри жавоб йўқ.

5. Эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гап қайси ўринларда келади?

А. Бош гапдан олдин.

Б. Бош гапдан кейин.

В. Бош гапнинг ичида

Г. А, Б, В жавоблар тўғри.

44-мавзу: Эргаш гапли қўшма гап турлари (2 соат)

Режа:

1. Эргаш гапли қўшма гап турлари.

2. Эргаш гапли қўшма гап турларининг ўзига хос хусусиятлари

Таянч тушунчалар: Эга эргаш гап, кесим эргаш гап, тўлдирувчи эргаш гап, аниқловчи эргаш гап, равиш эргаш гап, пайт эргаш гап, ўрин эргаш гап, сабаб эргаш гап, мақсад эргаш гап, шарт эргаш гап, тўсиқсиз эргаш гап, миқдор - даража эргаш гап, ўхшатиш эргаш гап, натижа эргаш гап.

Бирдан ортиқ содда гапларнинг мазмун жиҳатдан тобе-ҳоким муносабати асосида, яъни бирининг бошқасига эргашишидан тузилган қўшма гаплар **эргаш гапли қўшма гап** аталишини олдинги машғулотларингиздан билиб олдингиз. Бош гапни қандай изоҳлашига кўра эргаш гапли қўшма гаплар бир неча турли бўлади.

1. **Эга эргаш гап** бош гапдаги олмош билан ифодаланган эгани изоҳлаган эргаш гапдир. Эга эргаш гап бош гап билан биргаликда эга эргаш гапли қўшма гап ҳисобланади. Эга эргаш гап **-ки** боғловчиси ва феълнинг шарт майли қўшимчаси **-са** ҳамда сўроқ ва кўрсатиш олмошлари (кимки - у, кимки - ўша, кимки - ўзи, нима - ўша, нимаки - ҳаммаси) ёрдамида боғланади: Кимки ёмонлар суҳбатидан қочса, яхшилар суҳбатига эришади.

2. **Кесим эргаш гап** бош гапдаги олмош билан ифодаланган кесимни изоҳлаган эргаш гап бўлиб, у бош гап билан биргаликда **кесим эргаш гапли қўшма гап**ни ҳосил қилади. Масалан: Иккинчиси шуки, халқ бошига офат келтирган Андижон зилзиласи Қорабулоқни сувдан маҳрум қилиб қўйди. Кесим эргаш гаплар бош гапга **-ки** боғловчиси, ўрин-пайт ёки бош келишиқдаги **шу** олмоши ёрдамида боғланади. Баъзан бош

гапдаги олмош билан ифодаланган кесим туширилади: Яхшиси, сен дарсингни тайёрлагин.

3. **Тўлдирувчи эргаш гап** бош гапдаги кўрсатиш олмоши билан ифодаланган тўлдирувчини изоҳлаган гапдир. Тўлдирувчи эргаш гап бош гап билан биргаликда **тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапни** ташкил қилади. Тўлдирувчи эргаш гап, одатда, бош гапга **-ки** боғловчиси, шарт майли қўшимчаси **-са** ёрдамида боғланади: Шуни билингки, ҳар бир янгилик беҳосият бўлмайди.

4. **Аниқловчи эргаш гап** бош гапдаги аниқловчи бўлиб келган олмош ва айрим сифатларни изоҳлаб келган гапдир. Аниқловчи эргаш гап бош гап билан биргаликда **аниқловчи эргаш гапли қўшма гапни** ҳосил қилади. Аниқловчи эргаш гап бош гап билан **-ки** боғловчиси билан ёки шарт майли қўшимчаси **-са** билан (бунда эргаш гап таркибида **қандай, қайси, кимнинг** каби олмошлар, бош гап таркибида эса **шу, ўша, унинг, баъзи, бир хил, айрим, бир, бир қанча** каби олмошлар бўлади) боғланади. 1. Шундай инсон ҳақида хабар келтирдимки, унинг ҳар бир сўзи гавҳардир. 2. Кимнинг кўнгли тўғри бўлса, унинг йўли ҳам тўғри бўлади.

5. **Равиш эргаш гап** бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг қандай тарзда бажарилганлигини билдирган эргаш гапдир. Равиш эргаш гап бош гап билан биргаликда **равиш эргаш гапли қўшма гапни** ташкил қилади. Боғловчи воситалар: **-б(иб), -май, -масдан, -деб**. Масалан: Наимийнинг бирор иши ўнгидан келмасдан, умри бекорга ўтиб кетди.

6. **Пайт эргаш гап** бош гапдаги иш-ҳаракатнинг пайтини билдирган эргаш гапдир. Пайт эргаш гап бош гап билан **пайт эргаш гапли қўшма гапни** ташкил қилади: У келгунча, ҳамма тарқалган эди.

7. **Ўрин эргаш гап** бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдирган эргаш гапдир. У бош гап билан биргаликда **ўрин эргаш гапли қўшма гап** дейилади: Қаерда кучли интизом бўлса, шу ерда тартиб бўлади. Боғловчи воситалар: **-са (қаердан, қайда, қаерга, қаерга, шу ерда, ўша ерда, шунда, шу ерда, шу ердан, у ерда)**.

8. **Сабаб эргаш гап** бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг сабабини билдирган эргаш гапдир. У бош гап билан биргаликда сабаб эргаш гапли қўшма гап деб номланади. Масалан: Бу уйлар илгари беданахона бўлганидан, дарчаси ҳам йўқ эди.

9. **Мақсад эргаш гап** бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг нима мақсадда юзага келишини билдирган гапдир. У бош гап билан биргаликда **мақсад эргаш гапли қўшма гап** деб номланади. Боғловчи воситалар: **деб, -син деб, -ди деб, -ар деб, -са деб, -ми экан**. Масалан: Одамлар яхши яшасин деб, тинчликка имзо чекдик.

10. **Шарт эргаш гап** бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг қандай шарт билан бажарилишини билдирган эргаш гапдир. У бош гап билан биргаликда **шарт эргаш гапли қўшма гапни** ҳосил қилади. Боғловчи воситалар: **-са, -са эди, агар, мабодо, борди-ю, -ганда (эди), -**

р(ар) экан, -ган экан, -ми, бўлмаса, ёкса, -май, бўлай десанг, -синки. Масалан: Агар сув бўлса, чўл-у саҳролар бўстонга айланади.

11. Тўсиқсиз эргаш гап бош гапнинг мазмунига зид бўлса ҳам, унда ифодаланган воқеа-ҳодисанинг юзага келишига тўсиқ бўла олмайдиган фикрни англатган эргаш гапдир. У бош гап билан биргаликда **тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап** дейилади. Боғловчи воситалар: **-са ҳамки, қанча, қанчалик, нақадар, гарчи, гарчанд, -ганда ҳам, -са-да, -гани билан, -масин, қарамай, қарамасдан, -и (иб), -гани холда, -ди ҳамки, хоҳ...хоҳ (-са-маса), -са:** Қуёш яширинган бўлса ҳам, кундузнинг ёруғлиги ҳали сўнмаган эди.

12. Микдор-даража эргаш гап бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилиши микдорини билдирган эргаш гапдир. Бу гаплар бош гап билан бирга **микдор-даража эргаш гапли қўшма гап** деб юритилади. Масалан: У қанча қизарса, мен шунча совуққон тус олардим.

13. Ўхшатиш эргаш гап бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини ўхшатиш йўли билан билдирган гапдир. У бош гап билан биргаликда **ўхшатиш эргаш гапли қўшма гап** деб юритилади. Масалан: Чирилдоқларнинг майин мусиқаси ҳамма ёқни тўлдирган, гўё кечанинг ўзи куйлайди.

14. Натижа эргаш гап бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг натижасини билдирган эргаш гапдир. У бош гап билан биргаликда **натижа эргаш гапли қўшма гап** дейилади. Натижа эргаш гап бош гапга **-ки** боғловчиси ёрдамида боғланади. Бош гап таркибида **шундай, шу қадар, шунчалик, шу даражада, шунча, чунон** каби сўзлар, эргаш гап таркибида эса **натижада, оқибатда, ҳатто** каби сўзлар қўлланиши мумкин: Дўл бир зумда шундай ёғдики, ер оппоқ бўлиб кетди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Қуйида берилган гаплар эргаш гапли қўшма гапнинг қайси турига тааллуқли эканлигини аниқланг.

1. Шуниси муҳимки, ҳаммаса бажону дил қабул қилинди. 2. У шундай эҳтиёткорлик билан эмакладики, ҳатто қамишлар ҳам шитирламади. 3. Яна шуни ҳам айтмоқчиманки, Аҳмадалинингиз – ёлғиз ўғлим. 4. Бу одам шунча дарғазаб бўлдики, Наби шу ерда бўлса, бир-икки тарсаки урадигандай эди. 5. У қаерда бўлмасин, ўн йиллардан бери шу жойларнинг қадрдон суратини кўнглида сақлайди.

II топшириқ: Бирор бир бадий асарнинг бир неча саҳифасини синчиклаб ўқинг. Боғловчисиз қўшма гапларни топиб, эргаш гапга айлантиринг, қурилиши ва мазмунидаги фарқларни айтинг.

45-мавзу: Боғловчисиз қўшма гап (2 соат)

Режа:

1. Боғловчисиз қўшма гап ҳақида маълумот.
2. Боғловчисиз қўшма гапнинг турлари.

3. Боғловчисиз қўшма гапларда тиниш белгиларининг ишлатилиши.

Таянч тушунчалар: Қўшма гап, боғловчисиз қўшма гап, содда гаплар, боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап, эргашган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап, боғловчили қўшма гапга синоним бўлмаган боғловчисиз қўшма гап.

Махсус боғловчи воситаларсиз, асосан, оҳанг ёрдамида бириккан содда гаплардан тузилган қўшма гаплар **боғловчисиз қўшма гаплар** дейилади. Бундай қўшма гап қисмлари оҳангдан ташқари, айрим сўзларнинг такрорланиши, гап қурилиши, умумий бўлақлар воситасида бирикади: Кеч кирди, теварак - атрофга қоронғулик туша бошлади. Бу қўшма гапдаги содда гаплар ўзаро фақат оҳанг ёрдамида боғланган, уларнинг ўрнини алмаштириб бўлмайди.

Боғловчисиз қўшма гаплар қуйидаги турларга бўлинади.

1. **Боғланган қўшма гапга синоним бўлган** боғловчисиз қўшма гап:

Тиг яраси тузалади, тил яраси тузалмайди.

2. **Эргашган қўшма гапга синоним бўлган** боғловчисиз қўшма гап: Қор ёғди – дон ёғди.

3. **Боғловчили қўшма гапга синоним бўлмаган** боғловчисиз қўшма гап: Хушхабар олиб келдим: гарнизон янчилди.

Боғловчисиз қўшма гаплар таркибида тиниш белгилари қуйидагича қўлланади.

1. Агар боғловчисиз қўшма гап қисмлари бир пайтда ёки кетма-кет юз берган воқеа-ҳодисаларни ифодаласа, улар орасига вергул қўйилади: Арава ғижирлаб борар, аравакаш эса хиргойисини бир зумга ҳам тўхтатмас эди.

2. Агар боғловчисиз қўшма гап қисмлари ўзаро мазмунан бир-биридан узоқ бўлса, улар орасига нуқтали вергул қўйилади: Ёмғир челақдан қуйгандай шарриллаб ёғарди; унинг хаёли узоқ ёшлик пайтларида кезар эди.

3. Боғловчисиз қўшма гапнинг икинчи қисми биринчи қисмининг сабабини билдирса, изоҳласа, тўлдирса, улар орасига икки нуқта қўйилади: Гап шу: эртага мен билан йўлга чиқасиз.

4. Агар боғловчисиз қўшма гап қисмлари ўзаро зидлик ёки ўхшашлик муносабатига киришган бўлса, улар орасига тире қўйилади: Қор ёғди-дон ёғди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Қуйидаги гапларни боғловчисиз қўшма гапларга айлантиринг. Гап қурилишида юз берган ўзгаришларни тушунтиринг.

1. Тўлаган ака нима дейишини билмай қолганини кўриб, Сафаров беш-олти букланган аризасини унинг қўлидан олди. 2. Сиддикжон гарчи табелчи ҳақида Болтабойга қайтиб оғиз очмаган бўлса ҳам, учинчи куни табелчи бехосдан унинг номини айтди. 3. Инсон фазилати шундай катта бир дунёки, уни одам ҳаётини бойитадиган маънавий хазина деса бўлади.

4. Иброҳимов яна ким сўзга чиқмоқчи эканини сўраган эди, ҳеч ким қўл кўтармади. 5. Жўра ота ҳақида гап сотишни яхши кўрар эди, дарров тили қичиди. 6. Боғнинг рангдор, маржон чироқлари ҳам сўнди, ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди. 7. Бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг оҳ-воҳига қулоқ сол, улар марҳаматингга мунтазир.

II топшириқ: Ўзингиз севган бадиий асарнинг бир неча саҳифасини ўқинг. Боғловчисиз қўшма гапларни топиб, эргаш гапга айлантинг, қурилиши ва мазмунидаги фарқларни айтинг.

46-мавзу: Кўчирма гапли қўшма гаплар (2 соат)

Режа:

1. Кўчирма гап ва муаллиф гапи ҳақида умумий маълумот.
2. Кўчирма гапли қўшма гапларда тиниш белгиларининг ишлатилиши.

Таянч тушунчалар: Кўчирма гап, муаллиф гапи, нутқ жараёни, сўзлашув ва бадиий услуб.

Муаллиф ўз нутқида бошқалар ифодалаган фикрлардан ҳам фойдаланиши мумкин. Бундай фикрлар **кўчирма гап ва муаллиф гапи** воситасида берилиши мумкин. Кўчирма гап ва муаллиф гапи таркибий жиҳатдан қўшма гапларга ўхшайди, шунинг учун бундай қурилмалар кўчирма гапли қўшма гап деб аталади: - Қудрат акамнинг чолдан оладиган аламлари бор (**кўч.гап**) - қўшиб қўйди Гулчиroy (**муалл. гап**).

Ўзгаларнинг ҳеч қандай ўзгаришсиз берилган гапи кўчирма гап дейилади, шу гапни ўз нутқида келтираётган шахснинг гапи муаллиф гапи ҳисобланади. Ана шу иккита гап кўчирма гапли қўшма гапнинг доимий қисмлари ҳисобланади: Муаллиф гапининг кесими *деди, деб, сўради, деб жавоб берди, гапирди, сўзлади, айтди* каби феъл билан ифодаланади. Кўчирма гаплар сўзлашув ва бадиий услубларда кўп ишлатилади. Кўчирилган гап муаллиф гапидан аввал, ундан кейин, унинг ичида, унинг икки томонида келиши мумкин: “Меҳнат иштаҳа очар”, - дейди бобом. Чўпондан сўрадик: “Бу қўйлар кимнинг қўйи?”. “Мен, -деди у,- эртага келаман”. Бош инженер ниҳоятда босиқлик билан: - Бу гапга Худойкуловнинг алоқаси йўқ, - деди.

Кўчирма гапли қўшма гапларда тиниш белгилари қуйидагича қўлланилади:

1. Кўчирма гап дарак гап бўлиб, муаллиф гапидан олдин келса *вергул ва тире* қўйилади: “Юринг, мен ўша томонга бораман”, - деди Комила. Сўроқ ва ундов белгилари қўштирноқ ёпилмасдан олдин қўйилади.

2. Кўчирма гап муаллиф гапидан кейин келса, муаллиф гапидан кейин *икки нукта* қўйилади: Бир кун Хусайн мирзо шипга қараб ётиб, вазирларига шундай деди: - Олиб келинг!

3. Муаллиф гапи кўчирилган гап ичида келса, тиниш белгилари қуйидагича қўйилади:

1) кўчирилган гапнинг узилиб қолган қисмида ҳеч қандай тиниш белгиси бўлмаса ёки вергул ёхуд икки нукта бўлса, бу белгилар туширилиб, муаллиф гапи ҳар икки томондан *вергул ва тире* билан ажратилади: “Ҳазрат, -дебди Худойберди унга қараб, - тандирни қуролмадим”.

2) кўчирилган гапнинг узилиб қолган қисмидан сўнг *нукта* қўйиш лозим бўлса, муаллиф гапидан олдин *вергул ва тире*, муаллиф гапидан сўнг эса *нукта* қўйилади: “Ноиб тўранинг гапларидан билинади ўзи, - деди Мирёкуб. – Сиз бўлган гапларни айтиб беринг”.

3) кўчирилган гапнинг узилиб қолган қисмидан сўнг *сўроқ ёки ундов* белгиси қўйиш лозим бўлса, муаллиф гапидан аввал *ўша белги ва тире* қўйилади. Муаллиф гапидан сўнг *нукта ва тире* қўйилиб, кўчирма гапнинг давоми бош ҳарф билан бошланади: Хадичахон кўзларини айёрлик билан ўйнатиб туриб, кундошига қаради: - Гапни эшитаётирсизми? – деди. – Эртага бизникига шаҳарлик меҳмонлар келишар экан!

4. Кўчирма гап муаллиф гапининг ўртасида келса, тиниш белгилари қуйидагича қўйилади:

1) муаллиф гапининг узилиб қолган қисмининг охирига *икки нукта* қўйилиб, кўчирилган гап *қўштирноқ ичига* олинади: Кўчирилган гапдан кейин *вергул ва тире* қўйилиб, кейин муаллиф гапининг давоми ёзилади: Саодат: “Биз ҳам астойдил меҳнат қилдик”,-деди.

2) Кўчирма гап сўроқ ёки ҳис ҳаяжон гап бўлса, уларнинг белгилари қўштирноқ ичида бўлади: Ўқитувчимиз: “Сен қайси бадий китобларни ўқиб чиққансан? ”,- деб сўрадилар.

5.Кўчирма гаплар ҳамсухбатларнинг лўқмаси тарзида ифодаланганида ёзма нутқда ҳар бир лўқмадан аввал тире қўйилади. Бу лўқмаларда муаллиф гапи бўлмайди: - Шаҳарда қариндошингиз борми? -Йўқ.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топширик: Гапларни ўқинг. Кўчирма гапли қўшма гапларни топиб, дафтарингизга кўчиринг. Кўчирма ва муаллиф гапининг ўзаро боғланишини, қўштирноқ ва тиренинг қўйилиш сабабларини изоҳланг. Бу белгилар қўйилмаган бўлса, уларни қўйиб чиқинг. 6-7 гапларни ўзлаштира гапга айлантириб, уларнинг тиниш белгиларидаги фарқларни тушунтиринг.

1. Хотин индамай дастурхонни йиғиштириб олди, қозонга қўяётиб эшитилар-эшитилмас деди: “Ўша асалнинг пулига анор ҳам берар эди”.
2. “Мактабга бор!” - дейди она. 3. “Офарин! Офарин!”- деб юборди Ғуломжон хурсанд бўлиб. 4. Давлатбеков қўлини кўксига қўйиб: Хўп бўлади, хўп!- деб турар эди. 5. Мен умумхалқ бошлаган ишдан четда қолмайман, деди Меҳри ҳаяжон ичида. 6. Бир кекса ўқитувчи: “Кўнглимизни чироғи олиб кетилган уйда қилиб кетяпсиз, Содикжон”,- деган эди.

II топширик: Кўчирма гапларни ўзлаштирма гапларга алмаштиринг, улардаги тузилиш ва услубий томондан содир бўлган ўзгаришларни кўрсатинг.

1. Марҳамат, айтинг, - деди у, -сиз ашула айтиб биласизми?
2. Нормат полвонга кичқирди Ўктам: “Хорманг, полвон!”. 3. Опам қулочни очиб: “Назирқулжонмисан? Вой укагинамдан ўргилай!”- дея мени бағрига босиб ўпди. 4. “Ма, ол, еяқол”, - деб дастурхон чеккасига чимдим ошми, кулчатойми қўярди.

47-мавзу: **Мураккаб қўшма гаплар (2 соат)**

Режа:

1. Мураккаб қўшма гап ҳақида маълумот.
2. Мураккаб қўшма гапларнинг турлари.

Таянч тушунчалар: Бир неча эргаш гапли қўшма гап, тўғридан-тўғри эргашиш, кетма-кет эргашиш, бир неча бош гапли мураккаб қўшма гаплар, қисмлари уюшган мураккаб қўшма гаплар, аралаш мураккаб қўшма гаплар.

Нутқимизда камида учта содда гапнинг боғланишидан тузилган қўшма гаплар ҳам мавжуд. Масалан: Қўлидаги бўр тушиб синганидан кейин (1), бутун синф қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди (2), у ўзига келди (3). Бундай гаплар мураккаб қўшма гаплар деб юритилади. Бу гапларнинг қисмлари турли кўринишларда боғланиши мумкин, шу жиҳатдан улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. **Бир неча эргаш гапли қўшма гап.** Бирдан ортиқ эргаш гап бош гапга тобеланиб келса, **бир неча эргаш гапли қўшма гап** дейилади. Бундай гаплар таркибидаги эргаш гаплар бош гапдан, шунингдек, бир-биридан вергул билан ажратилади: Томоша залига кирганимда, чирок ўчиб, парда прожектор нурида порлаб турарди.

Бу гаплардаги эргаш гаплар бош гапга қуйидагича боғланади:

а) тўғридан - тўғри эргашиш (биргалик эргашиш). Эргаш гапларнинг ҳар бири тўғридан-тўғри бош гапга боғланса, биргалик эргашиш дейилади. Бундай гаплардаги эргаш гаплар: 1) бир хил эргаш гаплар (уюшган) бўлади: Мана бу канал битса, янги ер очилса, пахта ҳам кўпаяди. 2) ҳар хил эргаш гаплар (уюлмаган) бўлади: борди-ю, рост бўлса, ҳаммаси эмас, ярми рост бўлганда ҳам, жуда хунук гап-ку!

б) кетма-кет эргашиш. Ҳар бир эргаш гап тўғридан-тўғри бош гапга боғланмасдан, бири иккинчисига кетма-кет боғланса, кетма-кет эргашиш дейилади. Бундай гаплар таркибида турли хил эргаш гаплар қатнашади: Баҳорда ҳаво ноқулай келиб, ғўзанинг парвариши кечиккан бўлса ҳам, ҳосил мўл бўлди.

2. **Бир неча бош гапли мураккаб қўшма гаплар.** Бундай гаплар таркибида икки ва ундан ортиқ бош гап битта эргаш гапга боғланган

бўлади: Тоғ ва осмон шундай тиниқки, нафас олиш шундай енгилки, кекса одам ҳам бу ерда мусаффо болалик йилларини эслайди.

3. Қисмлари уюшган мураккаб қўшма гаплар. Бундай гаплар таркибида учта ва ундан ортиқ содда гап ўзаро боғловчи воситаларсиз, фақат оҳанг ёрдамида боғланган бўлади: Бу саҳрода майсалар ҳам, чечаклар ҳам йўқ, қушлар, булбуллар ҳам сайрамайди, булоклар қайнаб тошмайди.

4. Аралаш мураккаб қўшма гаплар. Таркибида ҳам эргашган қўшма гап, ҳам боғланган қўшма гап ёки боғловчисиз қўшма гап иштирок этган гаплар аралаш турдаги қўшма гаплар дейилади. Бундай қўшма гаплар тўрт ва ундан ортиқ содда гаплардан ҳам ташкил топади: Эшик бирдан тарақлаб очилди, шунинг учун ҳамма қайрилиб қаради, лекин ҳеч ким кирмади: совуқ ҳаво хонани қоплади.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Қуйидаги саволларга жавоб топинг.

1. Қандай қўшма гап турлари мураккаб қўшма гап саналади?
2. Бир неча эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гаплар бош гапга қандай воситалар орқали боғланади?
3. Кетма-кет эргашиш деб нимага айтилади?
4. Қисмлари уюшган мураккаб қўшма гапларда содда гаплар ўзаро қандай боғланади?
5. Аралаш турдаги мураккаб қўшма гап қандай қисмлардан таркиб топади?

II топшириқ: Қуйида берилган мураккаб қўшма гапларнинг турини аниқланг.

1. Бу ҳақ гап, аммо деҳқонларнинг жасорати ва матонатига зарб берилмаса, бундай қилолмас эдик. 2. Қор тингач, ташқари жуда совуқ бўлса ҳам, улар текширишни давом эттирдилар. 3. Кечаси билан ишлашни уюштириш керак эди, Очил акага бу қийин бўлмади, чунки ўчакишган халқ туну кунни фарқ қилмай, жон-жаҳди билан курашар эди. 4. Тошхўжа нима қилишини билмай, телбадай анқайиб тураркан, биров ёнидан ўтиб кетар, биров пақирдаги қорамойни чопонига суркаб, ҳеч ким индамас, кўрмайдигандек эди.

48-мавзу: Нутқ услублари. Сўзлашув, публицистик ва илмий услублар
(2 соат)

Режа:

1. Нутқ услублари ҳақида маълумот.
2. Сўзлашув, публицистик ва илмий услубларининг ўзига хос хусусиятлари.

Таянч тушунчалар: Нутқ, услуб, сўзлашув, публицистик, илмий, лексик, фонетик воситалар.

Тил бирликлари ва материалидан фикрни ифодалаш мақсадида фойдаланиш жараёни нутқ саналади. Ҳаётнинг турли соҳалари, турлича нутқ вазиятларида тилдаги лексик, фразеологик, фонетик ва грамматик воситаларни танлаш ва улардан фойдаланиш усуллари ҳам ҳар хил бўлди. Шунга кўра, нутқнинг қуйидаги услублари ўзаро фарқланади: **сўзлашув услуби, расмий-идоравий услуб, илмий услуб, публицистик ва бадиий услуб.**

Ҳар бир услубни яратувчи воситалар мавжуд. Буларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин.

1. **Лексик воситалар:** Синоним, омоним, антоним, пароним, кўп маънолилик, таг маъно, сифатлаш, ўхшатишлар, фразеологик бирлик, шева, ноадабий сўзлар (жаргон, арг, сўкиш, қарғиш кабилар), касб-хунар сўзлари, архаик ва тарихий сўзлар.

2. **Фонетик воситалар:** нутқ товушлари, оҳанг, урғу.

3. Грамматик воситалар: а) морфологик воситалар: ҳар бир сўз туркуми; б) синтактик воситалар: гап бўлаклари, риторик сўроқ гаплар, ундалма, кириш сўз, кириш бирикма, содда ва қўшма гаплар, кўчирма ва ўзлаштирма гаплар.

Сўзлашув услуби. Уйда, кўчада, инсонларнинг ўзаро сўзлашувида қўлланадиган услуб сўзлашув услуби ҳисобланади. Бу услубнинг адабий тил меъёрларига риоя қиладиган кўриниши адабий сўзлашув услуби деб аталади.

Сўзлашув услубидаги нутқ кўпинча диалогик шаклда бўлади. Бу услубда кўпинча турли услубий бўёқдор сўзлар, грамматик воситалар, товушлар тушиб қолиши, орттирилиши мумкин: Кеп қолинг! Оббо, ҳамма ишни дўндирибсиз-да. Мазза қилдик, Кетақо-о-ол!

Илмий услуб. Фан-техниканинг турли тармоқларига доир илмий асарлар, дарсликлар илмий услубда ёзилади. Мантиқийлик, аниқлик бу услубга хос хусусиятлардир. Илмий услуб аниқ маълумотлар асосида чиқарилган илмий хулосаларга бой бўлиши билан бошқа услублардан фарқ қиладди: Ёмғир-совуқ томчи ҳолидаги атмосфера ёғини. Томчининг диаметри 0,5-0,6 мм бўлади.

Илмий услубда ҳар бир фаннинг ўзига хос илмий атамаларидан фойдаланилади, бу услубда сўзлар ўз маъносида қўлланади.

Публицистик услуб. Ташвиқот-тарғибот ишларини олиб боришда қўлланадиган услуб, яъни матбуот услуби публицистик (оммабоп) услуб ҳисобланади. Соддалик, таъсирчанлик, адабий тил меъёрларига риоя қилиш бу услубнинг асосий белгиларидан ҳисобланади. Бу услубда ижтимоий-сиёсий сўзлар кўп қўлланади. Гап бўлақларининг тартиби одатдаги тартибда бўлади. Масалан: 1. Азамат пахтакорларимиз мўл ҳосил етиштириш учун фидокорона меҳнат қилдилар. 2. Партия фаоллари навбатдаги мажлисга йиғилишди.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топширик: Ўзингиз танлаган бадиий асардан матн танлаб, ундаги турли нутқ услубларига хос хусусиятларни аниқланг ва уларнинг нима сабабдан қўлланганлигини тушунтиринг.

II топширик: Қуйидаги нутқ услубларида ижодий матн тузинг. Матн тузишда синтактик-услубий хусусиятларга эътибор беринг.

Илмий услуб: Адабиёт – сўз санъати.

Сўзлашув услуби: Саёҳатда.

Публицистик услуб: Мустақиллик менга нима берди?

49-мавзу: Бадиий ва расмий услуб (2 соат)

Режа:

1. Бадиий услуб ҳақида маълумот.
2. Расмий услубнинг ўзига хос хусусиятлари.

Таянч тушунчалар: Бадиий услуб, расмий услуб, назм, наср, драма, лексик ва грамматик воситалар.

Воқеликни бадиий образлар (тимсоллар) воситасида акс эттириб, тингловчи ёки ўқувчига эстетик жиҳатдан таъсир қилувчи услуб бадиий услуб деб аталади. Бадиий асарлар (назм, наср ва драматик асарлар) бадиий услубда ёзилади.

Бадиий услуб киши ҳаётининг ҳамма томонларини қамраб олиши, умуминсониятга хослиги, барчага баробарлиги, ўқувчи ёки тингловчига ҳиссий-эстетик таъсир этишга йўналтирилганлиги билан бошқа услублардан фарқ қилади. Бу услубда муаллиф асарнинг эстетик таъсирини кучайтириш мақсадида тилнинг лексик ва грамматик воситаларидан усталик билан ва ижодий фойдаланиши, турли ифодавий воситаларни қўллаши мумкин. Шунинг учун бу услубда ёзувчилар мавжуд сўзларни образли ишлатадилар. Бадиий нутқда тил образ, характер, манзара яратишга, юксак образлиликни намоён қилишга хизмат қилади. Бу хусусиятларни қуйидаги матнда ҳам кузатишимиз мумкин:

Куз кунларининг оёғи ва қиш кунларининг боши эди. Дарахтлардаги сариқ барглар тўкилиб тугаган, ер юзи ўзининг қишки сариқ кийимини кийган эди. Тўрт томоннинг ўралганлиги соясида япроқларини тўкилишдан сақлаб қолган бу гилос ёғочлари ҳам бу тунги қора совуққа чидолмай елнинг озгина ҳаракати билан-да барглари ширт-ширт узиб ташламоқда эдилар. Ҳаво очик бўлиб, қуёш тузуккина кўтарилган, аммо унинг ҳам бу кун унча таъсири йўқ (А. Қодирий).

Давлат идоралари томонидан чиқариладиган қарорлар, қонунлар, низомлар, халқаро ҳужжатлар расмий-идоравий услубда ёзилади. Ариза, тилхат, маълумотнома, чақирув қоғози, ҳисобот кабилар ҳам шу услубда ёзилади. Бундай услубдаги ҳужжатлар қисқа, аниқ, барча учун тушунарли қилиб тузилади. Бу услубнинг асосий белгиси: жумлаларнинг бир қолипда, бир хил шаклда бўлишидир. Мазкур услубда сўзлар ўз маъносида

ишлатилади, ҳар бир соҳанинг ўзига хос атамаларидан фойдаланилади: **қарор қилинди, инобатга олинсин, ижро учун қабул қилинсин, тасдиқланди, юклатилсин, тайинлансин** каби сўз ва сўз бирикмалари кўплаб учрайди. Расмий-идоравий услубда кўпинча дарак гаплардан, қарор, буйруқ, кўрсатма кабиларда буйруқ гаплардан ҳам фойдаланилади. Бу услубда гап бўлаклари одатдаги тартибда бўлади. Масалан: Конституциямизнинг 4-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир”, деб ёзиб қўйилган.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Қуйидаги саволларга жавоб беринг

1. Услуб нима?
2. Бадиий услубнинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?
3. Расмий - идоравий услуб тилининг асосий хусусиятлари ҳақида нималарни биласиз?
4. Бадиий асар тилида нутқ услублари қоришиқ кела оладими?

II топшириқ: Қуйидаги нутқ услубларида ижодий матн тузинг. Матн тузишда синтактик-услубий хусусиятларга эътибор беринг.

Бадиий услуб: Тилга эътибор - элга эътибор.

Расмий услуб: “Турух йиғилиши”.

50-мавзу: Ўткир Ҳошимовнинг “Баҳор қайтмайди” қиссаси

(2 соат)

Режа:

1. Ўткир Ҳошимов ҳаёти ва ижоди.
2. “Баҳор қайтмайди” қиссаси таҳлили.

Таянч тушунчалар: Дўмбиробод маҳалласи, “Чўл ҳавоси”, “Тошкент оқшоми”, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, бош муҳаррир ўринбосари, “Урушнинг сўнгги қурбони”, “Муҳаббат”, 1968), “Баҳор қайтмайди” (1970), “Қалбингга кулоқ сол” (1973), “Дунёнинг ишлари” (1982), “Икки қарра икки-беш” (1987), “Нур борки, соя бор” (1976), “Икки эшик ораси” (1985), “Тушда кечган умрлар”.

Ўткир Ҳошимов таниқли ўзбек ёзувчиси ва жамоат арбоби. У 1941 йили 4 августда Тошкентда Дўмбиробод маҳалласида туғилган. Адиб болалик йилларини эслаб ёзади: “Қиш кечалари еттинчи лампани сандал устига қўйиб қироатхонлик қилар эдик. “Қани ўғлим “Кунтуғмиш”ни эшитайлик”, дерди адам”. Бу оилавий қироатхонлик, мактабдаги устозларнинг фидойилиги Ўткирнинг улғайишини тезлаштирди. У 5-синфда ўқиб юрган вақтларидаёқ, шеърлар машқ қилар эди.

Унинг биринчи китоби ТошДУда ўқиётган пайтида “Пўлат чавандоз” номи билан босилиб чиқди. Ёш ёзувчи иш билан ўқишни қўшиб олиб борди. Журналистликнинг ҳамма босқичларини босиб ўтди: хат ташувчилик ҳам, корректорлик ҳам қилди.

“Чўл ҳавоси” номли биринчи қиссаси 1963 йилда босилиб чиқди. Талабчан адиб Абдулла Қаҳҳорнинг эътирофига сазовор бўлган. Абдулла Қаҳҳор у ҳақда шундай ёзади: “Ўткир! “Чўл ҳавоси”ни ўқиб, суюниб кетдим. Бирдан лов этиб, аланга билан бошланган ижоднинг келажаги порлоқ бўлади. Қисса соф, самимий, табиий, илиқ, роҳат қилиб ўқилади. Шу аланга ҳеч қачон пасаймасин. Ижодингиз ҳеч қачон тутамасин”.

Ў. Ҳошимов 1966-1982-йилгача “Тошкент оқшоми” газетасида бўлим мудирини бўлиб ишлади. Бундан ташқари, у уч йил Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир ўринбосари вазифасида ҳам фаолият кўрсатди. 1985-йилдан “Шарқ юлдузи” журналинда бош муҳаррир бўлиб ишлади.

Ўткир Ҳошимовнинг мазмундор ёзувчилик меҳнати қўша-қўша мукофотлар билан тақдирланди. Эллик ёшга кириши муносабати билан унга “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” унвони берилди.

“Урушнинг сўнгги қурбони”, “Янга”, “Муҳаббат”, “Дехқоннинг бир куни”, “Умр савдоси”, “Қуёш тарозуси”, “Оқ булут, оппоқ булут” сингари ўнлаб хикоялари, “Шамол эсаверади” (1968), “Баҳор қайтмайди” (1970), “Қалбингга кулоқ сол” (1973), “Дунёнинг ишлари” (1982), “Икки карра икки-беш” (1987) қиссалари, “Нур борки, соя бор” (1976), “Икки эшик ораси” (1985), “Тушда кечган умрлар” (1993) каби романлари ўзбек адабиётининг нодир намуналари бўлиб, китобхонлар томонидан қизгин кутиб олинди. Адиб асарларида замонавий ўзбек халқининг маънавий дунёси, миллий руҳи, урф-одатлари тасвирланган.

“Тўйлар муборак”, “Сиздан угина, биздан бугина”, “Виждон дориси”, “Инсон садоқати”, “Қатағон” сингари пьесалар муаллифи. У Э. Ҳеменгуэй, К. Симонов, А. Куприн ва бошқа адибларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Энг муҳими Ўткир Ҳошимов кишини лоқайд қолдирмайдиган, ўйлашга, фикрлашга мажбур этадиган асарларнинг муаллифи сифатида эл орасида машҳур.

ИЗОҲ: Машғулот давомида Ўткир Ҳошимовнинг “Баҳор қайтмайди” қиссаси таҳлилга тортилади. Таҳлил жараёнида **Пинборт техникасидан** фойдаланиш мукин. Пинборт инглизча сўз бўлиб, пин-махкамлаш, борд-доска сўзларидан олинган. Муаммони ҳал қилишга оид фикрларни тизимлаштириш ва гуруҳлашни амалга ошириш, уюшган ҳолда ягона ёки аксинча қарама-қарши позицияни шакллантиришга имкон беради.

Пинборт техникасининг босқичлари:

- Ўқитувчи муаммони ўртага ташлайди ва муҳокама қилишни сўрайди.

- Муҳокама жараёнида вужудга келган барча фикрлар алоҳида қоғозларга 2 сўз билан ёзилади.

- Қоғозлар доскага маҳкамланади.

- Спикерлар чиқиб, ўзаро муносабатни чизиклар билан кўрсатадилар

ва фикрларни тизимга соладилар.

Мавзуни мустахкамлаш учун саволлар:

I топшириқ: Ўткир Ҳошимов ҳаёти ва ижодига доир қуйидаги саволларга жавоб қайтаринг.

1. Ўткир Ҳошимовнинг болалиги қандай муҳитда ўтди?
2. Адибнинг илк ижоди ҳақида нималарни биласиз?
3. Ёзувчи ўз таржимаи ҳолида шундай ёзади: **“Ўқувчиларда ҳам, ўқитувчиларда ҳам аллақандай фидойилик бор эди... Ўқитувчиларимиз биз учун намуна эди. Кийинишда ҳам, юриш –туришда ҳам...”** каби хотираларини бугунги кунимиз билан қиёсланг. Сабаб ва оқибатларини таҳлил қилинг.

4. “Баҳор қайтмайди” қиссасининг номланиши ҳақида фикр юритиб кўринг. Баҳор ниманинг рамзи бўлиши мумкин?

5. Қисса қаҳрамони Муталнинг **“Одамларни яхши кўриш - энг катта бахт”** деган фикрига қандай қарайсиз? Сизнингча ҳам шундайми?

II топшириқ: “Баҳор қайтмайди” қиссасини синчиклаб ўқиб чиқинг, “Дўстлик, садоқат ва хиёнат” масалалари устида фикр юритиб кўринг. Фикрларингиз асосида “Мен дўстликни қадрлайман” мавзусида уй иншоси ёзинг.

51- Мавзу: Абдулла Орипов. “Шоир лирик қаҳрамонининг қалб кечинмалари (Биринчи муҳаббатим)” (2 соат)

Режа:

1. Абдулла Ориповнинг ҳаёт йўли.
2. Шоирнинг ижодий мероси.
3. “Биринчи муҳаббатим” шеъри таҳлили.

Таянч тушунчалар: “Кўзларим йўлингда” , “Онажон” , “Чашма”, “Рухим”, “Ўзбекистон”, “Ҳайрат”, “Юртим шамоли”, “Йиллар армони”, “Ишонч кўприклари”, “Муножот”, “Ҳаж дафтари”, “Сайланма”.

Абдулла Орипов - атоқли ўзбек шоири ва жамоат арбоби. У ҳозирги ўзбек шеъриятида инсон қалбидаги мураккаблик ва зиддиятларни теран, ҳаққоний, ўзига хос бетакрор қуйлаган улкан ижодкордир. Абдула Орипов ўзбек шеъриятига янгича бадиий тафаккур йўсинларини олиб кирди. У туб моҳияти билан Яссавий, Навоий, Бобур, Чўлпон, Ғ. Ғулом сингари ижодкорлар бадиий анъаналарининг давомчисидир. Шоирнинг буткул ижоди миллийлик руҳи билан суғорилган. Бу ноёб ижод соҳиби халқаро миқёсга чиқди. Шоир асарлари қозоқ, туркман, қирғиз, тожик, озарбайжон, татар, турк, бошқирд, уйғур, қорақалпоқ, рус, украин, инглиз, белорус, немис, венгер сингари йигирмага яқин тилларга таржима қилинди. «Ҳақим ва Ажал» достони Байрутда инглиз тилида босилиб чиқди.

Абдулла Орипов 1941 йил 21 март куни Қашқадарё вилоятининг ҳозирги Косон туманига қарашли Некўз қишлоғида туғилган. Отаси Ориф

бобо Убайдулло ўғли қарийб юз йил умр кўрди. У кишининг бутун ҳаёти қишлоқ ҳудудида меҳнат билан ўтган. Онаси Турди Карвон қизи 1966 йилда вафот этган. Оилада 8 фарзанд: 4 ўғил, 4 қиз вояга этган. Ўғиллардан кенжаси Абдулла Орипов эди. Акалари турли олийгоҳларда таҳсил олишган.

У 1958 йилда ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлаб, ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетига ўқишга киради.

Адабиётшунос М. Қўшжонов, А.Ориповни шоир қилган муҳит, макон хусусида шундай ёзади: «Некўзнинг шарқида унча баланд бўлмаган, кўпроқ йирик тепаликни эслатадиган эски тоғ ястаниб ётади. Уни некўзликлар Қўнғиртов деб атайдилар. Мабодо бирор сабаб билан Некўзга бориб қолсангиз А.Орипов сизни, албатта, бу кўҳна тоққа олиб чиқади. «Мен шу тоғда мол боққанман, қўй ҳайдаганман, мана бу тоғ ковакларида қаттиқ шамол ва ёмғирларда бекинган пайтларим бўлган» - деб алоҳида ҳаяжон билан бутун тоғни нигоҳдан ўтказди.

Эҳтимол, ижодида кейинчалик машҳур бўлган «Ватаним маним» деган муқаддас тушунчалар А.Орипов дилида ўша болалик чоғлари - Қўнғиртовда қўй боқиб юрган кезлари туғилгандир».

1962 йилда матбуот юзини кўрган «Куз хаёллари», 1964 йилда «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида эълон қилинган. «Мен нечун севаман Ўзбекистонни», «Милтирайди митти юлдуз» «Бургут» каби шеърлар ўз овози ва услубига эга бўлган шоир шаклланаётганидан дарак беради. А.Ориповнинг биринчи шеърий тўплами «Митти юлдуз» 1961 йилда нашр этилди. «Митти юлдуз»нинг нурлари асосида «Сароб», «Баҳор», «Авлодларга мактуб», «Совға», «Минорайи калон тепасидаги лайлак», «Жаннат» сингари ҳар бири адабиётимизда воқеа бўладиган шеърлар яратилди. Йиллар давомида унинг бир қанча тўпламлари дунё юзини кўрди. «Кўзларим йўлингда» (1966), «Онажон» (1969), «Рухим» (1969), «Ўзбекистон» (1972), «Ҳайрат» (1974) «Юртим шамоли» (1976) («Ветер моего края» (1988), «Юзма-юз» (1978), «Нажот қалъаси» (1980), «Йиллар армони» (1987), «Ишонч кўприклари» (1989), «Сен баҳорни соғинмадингму» (1991), «Муножот», «Ҳаж дафтари», «Ҳикмат садолари» (1992) каби тўпламлари шулар жумласидандир. Ушбу тўпламлар асосида шоирнинг Танланган асарлари тартиб берилди. Бугун у бизнинг қўлимизда.

А. Орипов истеъдодли шоир бўлиш билан бирга, етук таржимон ҳамдир. У Данте Алигерининг «Илоҳий комедия»сининг «Дўзах» қисмини маҳорат билан ўзбекчага ўғирди. Пушкин, Т. Шевченко, Л. Украинка, Қ. Қулиев, Сергей Баруздин ижодидан мукаммал таржималар қилди.

90-йиллар аввалида вужудга келган имкониятлар, мустақиллик, динга муносабатдаги ҳурфикрлиликнинг қайтиши, «Қуръон» ва «Хадислар»нинг эълон қилиниши А. Ориповга ҳам илҳом булоклари кўзини очди. «Ҳаж дафтари», «Ҳикмат садолари» туркуми диний-фалсафий руҳдаги шеърлардан таркиб топган.

Муҳаббат адабиётда ҳамиша навқирон ва кўҳна мавзулардан биридир.

Турли йилларда ёзилган «Биринчи муҳаббатим», «Муҳаббат», «Севги ўлими», «У қўшиқ куйлади» «Ғазаллар тўқирдим сенга бир замон» кабилар шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар бири бадиий жиҳатдан юксак. Мазкур шеърларда инсондаги энг олий туйғу муҳаббат, унинг армонлари, соғинч-изтироблари, хижрони куйланади.

“Биринчи муҳаббатим” шеърида лирик қаҳрамон характери атрофлича ва чуқур ёритилиши билан Абдулла Орипов ижодида алоҳида ўрин тутади. Шеърнинг лирик қаҳрамони севгисиз яшаш мумкин эмаслиги, усиз ҳаёт пуч, эрмак ва омонат эканлигини яхши билади. Бу шеърнинг хулосаси – унинг асосий ғояси ҳам шундан келиб чиқади.

ИЗОҲ: Абдулла Орипов ижодига бағишланган иккинчи дарс “Биринчи муҳаббатим” шеъри таҳлилига бағишланади. Машғулоти **“Баҳс, мунозара”** технологияси асосида ташкил қилиш мумкин. Дарс жараёнида шеър ўқутувчи томонидан диққатини торта оладиган тарзда ўқиб берилади. Сўнг шеър талабалар томонидан қайта ўқилади. Ўқитувчи қуйидаги саволларни мунозара учун кўргазма доскасига илади.

1. Табиатнинг ҳолати: фалакдан ойнинг бўзариб ботиши, Зухро юлдузнинг милтираб хира нур сочиши нега ошиқнинг руҳига маъюслик, сокинлик пайдо қилади? Улар орасида қандай алоқа борлиги, бунинг сабаблари ҳақида ўйлаб кўринг.

2. Ёшлиқнинг завқ-тўполон, яхши-ёмонлар-ла ўтиб кетиши билан биринчи муҳаббат ўртасида қандай боғлиқлик бўлиши мумкин? Сизнингча Ошиқ нега бунини энди эслайди?

3. Нима деб ўйлайсиз, фақат илк муҳаббат шунчалар илоҳий бўладими? Ёки, қачон келишидан қатъий назар, муҳаббатнинг ўзи илоҳийми?

4. “Айри ҳам тушдим баъзан, қалб билан” мисрасига ўз муносабатингизни билдиринг.

5. “Лекин инсон ҳамиша бир ҳисга асир экан” мисрасидаги ҳақиқатни тушунишга ҳаракат қилиб кўринг.

6. Ошиқнинг “Ёлғиз Оллоҳим менинг” деганда шаккокликни кўриш мумкинми? Оллоҳга сиғиниш билан муҳаббатга сиғиниш ўртасида боғлиқлик топа оласизми?

Бу саволларга олинган жавоблар орқали технологиядан кўзланган асосий мақсад ўқувчи - талабаларни ҳаммасини қамраб олиб, фикрлашга ҳам билим олишга ўргатишдан иборатдир.

Мавзунини мустахкамлаш учун саволлар:

I топшириқ: Қуйидаги саволларга жавоб қайтаринг.

1. А. Ориповни шоир қилиб етиштирган муҳит ҳақида нима дея оласиз?
2. А. Ориповнинг илк шеъри қайси ва у қачон қаерда чоп этилди?
4. Шоир шеъриятига хос хусусиятлар нималардан иборат?
5. Шоир лирикасининг асосий мавзулари қайсилар?

6. Шоирнинг таржима асарлари хусусида сўзлаб беринг.
7. Шоирнинг қайси шеърлари сизнинг кўнглингизга яқин ва нима учун?
8. Абдулла Ориповнинг давлат ва жамоат арбоби сифатидаги фаолияти ҳақида нималарни биласиз?
9. Шоирнинг қандай шеърий тўпламларини биласиз?
10. Ватан мустақиллиги мавзуси шоирнинг қайси шеърларида ўз аксини топган?

II топшириқ: “Биринчи муҳаббатим” шеърини ёд олинг.

52-53-мавзу: Тоҳир Малик. “Алвидо, болалик” қиссаси. Иншо:
“Алвидо, болалик” қиссасидан олган таассуротларим” (4 соат)

Режа:

1. Тоҳир Маликнинг ҳаёти ва ижоди.
2. “Алвидо болалик” қиссаси таҳлили.

Таяч тушунчалар: фантастик, детектив, Мирзакалон Исмоилий, “Фалак”, “Алвидо, болалик”, “Шайтанат”, “Чархпалак”.

Ўзбек адабиётида Тоҳир Малик ўзининг “Сомон йўли элчилари”, “Захарли ғубор”, “Чорраҳада қолган одамлар”, “Фалак” ва бошқа фантастик, “Чархпалак”, “Бир кеча”, “Сўнги ўк”, “Шайтанат” сингари детектив асарлари билан танилган ва китобхонларнинг сеvimли ёзувчисига айланган ижодкордир.

Бир қатор ҳукумат нишонлари ва мукофотлари билан тақдирланган. Ўзбекситон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик 1946 йил декабрда Тошкентда зиёлий оилада дунёга келди. Барча тенгдошлари сингари у ҳам урушдан кейинги турмуш қийинчиликларини бошидан кечирди. Оиладаги беш фарзанднинг кенжаси бўлган. Тоҳир мактабга бормаи турибоқ саводини чиқарди. Унинг китобга ихлосини сезган акаси биринчи синфга борган укасига ҳозирча эъзозлаб сақлаётгани – “Мард йигит” эртаклар тўпламини совға қилди.

Таниқли ўзбек адиби ва таржимони Мирзакалон Исмоилий Тоҳир Маликнинг тоғаси бўлиб, уни 1949 йилди халқ душмани сифатида қамокқа олишди.

Тоҳир Маликнинг дастлабки ҳикояси 1960 йилда “Гулхан” журналида чоп этилади. 1960 йилда Тоҳир Малик Тошкент давлат университетининг кечки журналистика бўлимига ўқишга кириб, кундузи қурилишда дурадгор, ғишт ташувчи бўлиб ишлай бошлайди. Бундан ташқари, у “Тонг юлдузи” газетаси, Ўзтелерадио, “Гулистон”, “Ёшлик”, “Шарқ юлдузи” журналларида, Ғафур Ғулум, Чўлпон нашриётлари, Ёзувчилар уюшмасида фаолиятини давом эттирди. У қаеда ишламасин, ҳаётни, инсонларни, уларнинг табиатини яқиндан ўрганди. Ёзувчи

асарларини ўқир экансиз, уларда тасвирланган энг ёмон одамлардан ҳам баъзан нафратланмайсиз. Уларга ачинасиз, нега шундай? Чунки ёзувчи инсонларни, уларнинг ички кечинмаларини, руҳиятларини синчиклаб ўрганади ва китобхонни ҳам мана шу руҳият оламига олиб киради. Уни шу ҳолга солган сабабларни таҳили қилишга ва хулоса чиқаришга йўналтиради.

У ижодга доир машқларини давом эттирар экан устоз - тоғанинг икки ўғити – **“Ўзинг билмаган нарсани ёзма”, “Бошқалар юрган йўлдан юрма, ўз йўлингни топ”**га ҳамиша амал қилди. Шу боис Тоҳир Малик ўзбек адабиётида кам эътибор берилган фантастика жанрига қўл урди ва бир қатор асарлари билан китобхонлар эътиборини қозонди. Унинг **“Фалак”** қиссаси рус тилига таржима қилиниб, Москвада ва бошқа республикаларда чоп этилди.

“Алвидо, болалик” асари Тоҳир Малик ижодида алоҳида ўрин тутати. Асардаги асосий мавзу- ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди, болани атроф-муҳит, жамиятдаги турли иллатлар жиноятчига айлантиради. Бу ҳақда адибнинг ўзи шундай дейди: **”Мен ўсмирлар ва ёшларнинг жиноят кўчасига кириб қолаётганлигига бефарқ қараб туролмайман. Болалар ахлоқ тузатиш колонияларида ҳар борганимда юрагим эзилади. Озод, эркин яшаб, ўқиб, хунар ўрганадиган болалар бу ерда қандай тушиб қолдилар?! Наҳот жиноят уларга жозибали кўринса?!”**

Адибнинг кейинги йилларда нашр қилинган **“Нафс кишанлари”, “Меҳмон туйғулар”, “Ҳалол нимаю, ҳаром нима”** каби ахлоқий рисола-ю, маърифий суҳбатларида инсоннинг маънавий олами ўзининг ёрқин ифодасини топганлигини кўришимиз мумкин.

ИЗОҲ: Тоҳир Малик ижодига бағишланган машғулотнинг иккинчи жуфтлиги **“Алвидо, болалик” қиссасидан олган таассуротларим**” мавзусидаги иншо ёзишга бағишланади. Мазкур вазифани муҳокама иншоси шаклида амалга ошириш мумкин. Чунки назоратнинг бу турида ўқувчилар ўз фикрларини аниқ далиллар билан исботлашга, турли ҳолатларни бир-бирига қиёслаб, улардан тўғриси қатъий ҳимоя қила олишга ҳаракат қиладилар. Иншонинг бу турида ўқувчилар айрим воқеа-ҳодисаларга ўз шахсий фикрини билдириш (тақриз)дан унумли фойдаланишлари мумкин. Иншонинг тахминий режаси ўқитувчи томонидан ёзув тахтасига илинади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Тоҳир Малик ижодига оид қуйидаги саволларга жавоб қайтаринг.

1. Тоҳир Маликнинг болалиги қандай ўтди?
2. Адибнинг ёзувчи сифатида шаклланишидаги ўзига хосликка эътибор қилинг. Ҳаётда катталарнинг ўрни ҳақида мулоҳаза юритинг.
3. Ёзувчининг ёшларга муносабатидаги куюнчаклигини изоҳланг.
4. Тоҳир Малик асарларида инсон ва унинг тақдири масалалари

қандай ёритилган?

5. “Алвидо, болалик” қиссасида “Бахтли болалик” мавзусидаги иншо ёзиш масаласининг асарга киритилишига ўз муносабатингизни билдиринг.

6. Асар қаҳрамони Қамариддиннинг ота-онаси, умуман, одамлар ҳақидаги фикрларига қандай қарайсиз?

II топшириқ: “Алвидо, болалик” қиссасининг асосий ғоясини ўрганишга ва таҳлил қилишга ҳаракат қилинг. Шу асосида адибнинг “Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди” деган фикрига муносабатингизни асослашга ҳаракат қилинг. Сизнингча ҳам шундайми?

54-мавзу: **Муҳаммад Юсуф. Шеърлар (2 соат)**

Режа:

1. Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижоди.
2. Шоир шеърлари таҳлили.

Таяч тушунчалар: Марҳамат тумани, Республика рус тили ва адабиёт институти, “Таниш тераклар”, “Ҳалима энам аллалари”, “Эрка кийик”, “Сайланма”, “Ишқ кемаси”, “Кўнглимда бир ёр”.

Ўзбек халқининг севимли фарзанди, оташқалб шоир Муҳаммад Юсуф 1954 йил 26 апрелда Андижон вилоятининг Марҳамат тумани Қовунчи қишлоғида туғилган. 1971 йили ўрта мактабни тугатгач, Республика рус тили ва адабиёт институтида таҳсил олади.

Ижодий фаолияти 1980 йилда бошланган. Муҳаммад Юсуф турли нашриёт ва таҳририятларда турли лавозимларда фаолият юритган. 1997 йилдан умрининг сўнги кунларига қадар эса Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари лавозимида ишлаган.

Муҳаммад Юсуфнинг дастлабки шеъри “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида 1976 йилда эълон қилинган. Шундан сўнг “Таниш тераклар”, “Ҳалима энам аллалари”, “Эрка кийик”, “Сайланма” каби жуда кўплаб шеърий тўпламлари нашр эттирилди. 1989 йилда “Уйқудаги қиз” шеърий тўплами учун унга Республика Ёшлар мукофоти берилди.

М. Юсуф ростгўй шоир, ҳалол ва покиза қалб эгаси. У муҳаббат ҳақида куйлайдими, бевафо ёр ҳақида қўшиқ тўқийдими ёки тарихимиз ва тақдиримиз саҳифаларини каламга оладими, уларда ҳамиша ҳаётга, ҳақиқатга ҳамнафаслик сезилиб туради. Унинг шеърлари равон, соддалиги билан халқ оғзаки ижодига ҳамоҳангдир. Шундан бўлса керак, унинг жуда кўп шеърлари куйга солинган.

Муҳаммад Юсуф адабиётимиз ва халқимизга қилган фидойи хизматлари учун “Дўстлик” орденига, “Ўзбекистон халқ шоири” фахрий унвонига сазовор бўлган.

Муҳаммад Юсуф 2001 йил 30 июлда вафот этади.

Муҳаммад Юсуф шеърларининг лирик қаҳрамони ҳақиқат қидирувчи ва бу йўлда тиним билмай изланувчи кишидир. Ҳақиқат ва адолат, бир қараганда, барчага аён, ҳаммага кундай равшан тушунчадек. Бироқ, унинг инсон қалби орқали рўёбга чиқиши шу қадар сир-синоатли, жумбоқ, мураккаб ва зиддиятлики, шоир лирик қаҳрамони ана шуларнинг тагига, замирига етишга ҳаракат қилувчи файласуфона мушоҳадакор кишидир. Буни шоирнинг “Мен ўз билганимдан қолмадим” шеърида ҳам кўришимиз мумкин:

Кувроқ бўл дейишди. Ёлғон ҳам керак.

Жиндай хушомад ҳам, қулоқ солмадим.

Оқни оппоқ кўрдим, қорани-қора –

Мен ўз билганимдан қолмадим.

М. Юсуф шеъриятида муҳаббат мавзуи алоҳида ўрин тутди. Мазкур мавзуда жаҳон шеъриятида кўплаб асарлар яратилган. М. Юсуф шеърлари уларнинг баркамоллари сафида ўзининг мустаҳкам ўрни ва кадр-қиммати билан ажралиб туради. М. Юсуфнинг муҳаббат ҳақидаги аксар шеърларида қалб, янги юракдан ўтган самимий ва бокира янги туйғуларнинг янгича бадий ифодаси ўз аксини топгани учун ҳам таъсирчандир:

Муҳаббат, эй гўзал изтироб,

Эй кўҳна дард, эй кўҳна туйғу.

Кўкрагимга қўлингни тираб,

Юрагимни тўкиб қўйдинг-ку.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: М. Юсуф ҳаёти ва ижодига доир қуйидаги саволларга жавоб қайтаринг.

1. М. Юсуфнинг ҳаёт йўли ҳақида нималарни биласиз?
2. Шоирнинг ижоди фаолияти қачон бошланди?
3. М. Юсуф шеърларида қандай мавзулар қаламга олинади?
4. Адибнинг қандай шеърий тўпламларини биласиз?
5. Унинг шеърий меросида қайси мавзу кўламдорлик жиҳатидан ажралиб туради, нима учун?
6. Ҳукуматимиз томонидан М. Юсуф фаолияти қандай баҳоланди?

II топшириқ: Шоирнинг “Жайрон”, “Муҳаббат”, “Янги йил кечаси” шеърларини синчиклаб ўқинг, уларда қўлланилган тасвирий воситаларни аниқланг ва изоҳлашга ҳаракат қилинг.

55-мавзу: Муҳаммад Фузулий ғазаллари (2 соат)

Режа:

1. Фузулий ҳаёти ва ижоди.
2. Фузулий лирик меросининг мавзулар олами.
3. Фузулий ғазаллари таҳлили.

Таянч тушунчалар: Ироқ, Карбало, Бағдод, Мавлоно, «Лайли ва Мажнун», «Ҳафт жам» («Етти жам»), «Анис ул-қалб» («Қалб дўсти»), «Матла ул-эътиқод» («Эътиқод бошланмаси»).

Муҳаммад Фузулий жаҳон адабиёти хазинасига бебаҳо дурдоналар бўлиб қўшилган шоҳона асарлари билан бойитди. У нафақат озарбайжон, балки Ўрта Осиё халқларининг, жумладан, ўзбек халқининг ҳам севимли шоиридир.

Муҳаммад Фузулий Ироқнинг Карбало шаҳрида зиёли оилада дунёга келган. Фузулий дастлаб мактабда, кейинчалик Бағдодга бориб мадрасада таълим олган. Унинг мактаб давридаёқ шеърятга, адабиётга ихлоси жуда баланд бўлиб, бу ҳол бўлажак шоир қалбига сўз қудрати сеҳрини муҳрлаган, назм гулшанига етаклаган. Табиатида шоирлик иқтидори бўлган, сўз оташида ёнган Муҳаммад ўз шеърлари билан кўпчиликка маълум бўлади. Фанларни кунт билан ўрганган Муҳаммад илмнинг аҳамияти ҳақида шундай баён қилади: «Шеърнинг мартабаси илм зийнатидан кам бўлишини нуқсон ҳисоблаб, илмсиз шеърдан руҳсиз бадан каби нафрат этиб, бир муддат ҳаётимнинг нақдини ақлий ва нақлий илмларни ўрганишга сарф етдим. Умримни сарф этиб, ҳикмат ва ҳандаса ўрганишга ҳаракат қилдим. Аста-секин ҳунар соҳибларининг асарларидан назмнинг гўзаллиги учун лаъллар тартиб этдим...»

Тинмай муталаа қилиш асносида ўз даврининг етук кишиси, алломасига айланган Фузулийни замондошлари «Мавлоно» деб атаганлар. Шоирнинг асарларидаги чуқур фалсафий фикрлар, теран мушоҳадалар унинг ҳақиқатан ҳам ҳар томонлама етук олим эканлигидан дарак беради.

Фузулий озарбайжон тилида ижод қилса-да, форс, араб тилларини ҳам мукамал билган, бу тилларда ҳам асарлар яратган. Мазкур асарлар шоирнинг Яқин Шарқ халқлари маданиятини ҳам пухта билганлиги, тарих тиб, нужум, ҳандаса каби дунёвий билимларни, айниқса, мантиқ ва фалсафани чуқур эгаллаганлигини кўрсатади. Унинг мутафаккир шоир сифатида қадимий юнон маданияти ва фалсафасини пухта ўргангани «Матла ул-эътиқод» асарида Афлотун, Аристотель, Гераклит каби юнон файласуфлари асарлари тўғрисидаги мулоҳазаларидан сезилиб туради.

Фузулий Ироқнинг Бағдод, Наҷар каби бир қанча шаҳарларида яшаган, кейинчалик юрти Карбалого қайтиб келган ва вабо касалидан вафот этган.

Фузулий девондан ташқари, «Лайли ва Мажнун», «Ҳафт жам» («Етти жам»), «Анис ул-қалб» («Қалб дўсти»), «Матла ул-эътиқод» («Эътиқод бошланмаси») каби бир қанча асарлар ёзган.

Буюк истеъдод эгаси бўлган шоир умр бўйи моддий қийинчиликда, қашшоқликда яшаган, лекин таъмагирлик, кишиларга қарам бўлишдан ҳазар қилган. У саховатларга кўз тикиб, муте бўлиб яшашдан кўра камбағалликни, қаноатни, хўрликни афзал кўрган, бу ҳол унинг асарларида яққол ўз ифодасини топган.

Шоир диёнатли киши билимли бўлса, халқнинг бахт саодати йўлида меҳнат қилади, билимини жамият манфаати учун сарфлайди, деб ҳисоблаган ва бунга ўзи ҳам амал қилган.

Фузулий девонида ғазаллар салмоқли ўрин эгаллайди. Шоир Шарқ ғазалчилигидаги анъанага кўра ишқий ғазаллар битишга алоҳида аҳамият берган. У ишқ завқини авж пардаларда куйлар экан, қалбдан куюлиб келган нолали садо билан:

Воҳки эл, Комил Аваз, қавл эса, андин инжима,
Ҳамки ул дилдор агар ҳавр этса, андин инжима,
Чун ғараз, ғаври дийдор, қаҳр этса, андин инжима,
Эй Фузулий, ёр агар жавр этса андин инжима,
Ёр жаври ошиқа ҳардам муҳаббат тозалар, - дейди.

Фузулий ижодий мероси бизга адибнинг шахси, унинг туйғулари, қарашларини кашф этишда ёрдам беради ва бу ўз навбатида маънавий камолотимизга ҳисса қўшади.

ИЗОҲ: Машғулот давомида Фузулийнинг “Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр” матлаъли ғазали таҳлил қилинади. Ғазал таҳлили қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

а) **матнга илк ёндашув.** Бунда ғазалдаги изоҳталаб сўзлар аниқланиб, луғатлар ёрдамида маъноси ўрганилади.

б) **мазмунни идрок қилиш.** Бу босқичда ғазалнинг насрий баёни тузилади ва унинг мавзуси ва ғояси белгилаб олинади.

в) **шаклни идрок қилиш.** Ғазалнинг шаклий белгилари - вазн, қофия, радиф ва бошқа унсурлари аниқланади.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Қуйидаги саволларга жавоб қайтаринг.

1. Фузулийнинг ҳаёт йўли ҳақида нималарни биласиз?
2. Фузулий қандай асарлар муаллифи ҳисобланади?
3. Одамнинг умри йиллар билан ўлчанмаслиги ҳақида яхши биласиз. Фузулийнинг умрбоқийлиги сабаблари ҳақида фикрлашинг.

4. «Шеърнинг мартабаси илм зийнатидан кам бўлишини нуқсон ҳисоблаб, илмсиз шеърдан руҳсиз бадан каби нафрат этиб, бир муддат ҳаётимнинг нақдини ақлий ва нақлий илмларни ўрганишга сарф етдим. Умримни сарф етиб, ҳикмат ва ҳандаса ўрганишга ҳаракат қилдим. Аста-секин ҳунар соҳибларининг асарларидан назмнинг гўзаллиги учун лаъллар тартиб етдим...» Адибнинг ушбу фикрларида унинг табиатга хос бўлган қандай фазилатлар намоён бўлади? Шунга асосланиб шоир шахсига баҳо беринг.

II топшириқ: Фузулийнинг “Ҳар китобаким, лаби лаълинг ҳадисин ёзалар” матлаъли ғазалини ёд олинг ва ғазал мавзуси ҳақида фикр юритинг. Мумтоз ғазалларда тилга олинган **май, жом** сўзларининг луғавий ва рамзий маъноларини англашга ҳаракат қилинг.

56-мавзу: Генрих Гейне шеърлари (2 соат)

Режа:

1. Генрих Гейненинг ҳаёти ва ижоди.
2. Генрих Гейненинг ижтимоий - сиёсий ҳаётдаги фаолияти.
3. Шоир шеърлари таҳлили.

Таянч тушунчалар: Рейн дарёси, Дюссельдорф, савдо ходими, Гамбург, «Қўшиқлар китоби», «Ёшлик азоблари», «Лирик интермеццо», «Ватанга қайтиш», «Шимолий денгиз», «Германия. Қиш эртаги» достони.

Генрих Гейне 1797 йилда Рейн дарёси қирғоғидаги Дюссельдорф шаҳрида савдогар яҳудий оиласида туғилади. Бўлажак шоирнинг тарбияси билан асосан унинг онаси шуғулланади. Отаси Самсон Гейне ва онаси Бетти Гейне ўз ўғилларининг келажакда ҳарбий киши бўлиб етишишини орзу қиладилар. Улар Гейнени Наполеон армиясининг офицери мундирида кўрмоқчи эдилар. Аммо Наполеон иттифоқчилар томонидан енгилгач, ота-онанинг умидлари пучга чиқади. Энди улар Гейненинг савдо ходими бўлишини мўлжаллаб Гамбург шаҳрига бой савдогар амакиси Соломон Гейне ҳузурига жўнатадилар. Ёш Гейне савдо-тижорат ишларига асло қизиқмади. Уни китоблар олами ўзига тортар ва тинмай шеър ёзишни машқ қилар эди. Фақат савдо билан банд бўлган амакиси Соломон Гейне жиянининг бу хатти-ҳаракатларини ёқтирмади. Бунинг устига Гейне амакисининг такаббур қизи Амалияни севиб қолади. Отаси сингари бойлик ва зеб-зийнатга муккасидан кетган Амалия камбағал қариндошининг севгисини рад этади.

Гейне дастлабки шеърларидан бирида севги изтиробларини қуйидагича ифодалаб беради:

Улар мени қийнади роса
Қон қолмади, ранги-рўйимда,
Баъзилари севгандан бўлса,
Баъзилари душманлигидан.
Улар оғу қўшди ошимга,
Улар қотди сувга ҳам заҳар.
Баъзиси дўст, келар қошимга,
Баъзилари душмандан баттар.
Лекин ўша дилбарки-дилбар,
Ситамидан ҳануз дил нолон,
Ёмонлик ҳам қилмади менга,
Ҳам севмади мени ҳеч қачон. (*Миртемир таржимаси*)

Бу даврдаги Гейне шеърлари ҳали мустақил бўлмаса-да, романтик оҳангларга бой, ўша замон амалдорлари, мешчанларига қарши норозиликни ҳам билдирар эди.

Гейне Гамбургда уч йил яшагач, амакиси Соломон Гейне ундан савдо

ходими чиқишига кўзи етмагач, жиянига жавоб бериб юборади. 1819 йилдан бошлаб Гейне Бонн, Геттинген ҳамда Берлин университетларида ўқийди. Замонасининг машҳур олимларидан, жумладан, Гегелдан лекциялар тинглайди. Ҳуқуқшунослик дипломини олган бўлса ҳам, бу соҳада ишламайди. 1827 йили Гамбург шаҳрида Гейненинг кўп йиллик меҳнати самараси бўлган «Қўшиқлар китоби» номли лирик шеърлар тўплами босилиб чиқади. Бу тўплам Германия адабиётида улкан шоир пайдо бўлганидан дарак берар эди. Гейненинг «Қўшиқлар китоби» беш қисмдан: «Ёшлик азоблари», «Лирик интермеццо», «Ватанга қайтиш» ҳамда икки қисмдан иборат «Шимолий денгиз» силсиласига бўлинади. Мазкур мажмуа халқ қўшиқларига ниҳоятда яқин туриши билан китобхонни мафтун этади. Лирик қахрамоннинг ички дунёсини очиб бериш, севги ва табиатни моҳирона тасвирлаш Гейненинг лирик истеъдод эгаси эканлигини намойиш қилади.

1830 йили Гейненинг иккинчи йирик асари «Йўл лавҳалари» очерклар тўплами босилиб чиқди. Бу тўплам авторнинг ғоявий-сиёсий жиҳатдан етилиб бораётганини кўрсатиб турар эди. «Йўл лавҳалари» Германиянинг Европа давлатларига нисбатан ҳали ҳам қолоқ, тарқоқ ҳолда эканлигини кўрсатади. Шоир Германия бўйлаб қилган саёҳатини очерк шаклида ёзиб, замонасидаги феодал мустабидларни, қорагуруҳчи дин пешволарини аёвсиз танқид остига олади. Франциядаги инқилобий курашлар хабаридан шод бўлган шоир ватани манзарасини чизар экан, унинг қолоқлигидан, сусткашлигидан тушкунликка тушмайди. «Қўшиқлар китоби»да бўлгани каби, бу тўпламда ҳам адиб халқ афсоналаридан, муболаға ва романтик бўёқлардан кенг фойдаланади. Гарцнинг гўзал манзараси, немис ерларининг ўзига хос миллий ранг-баранглиги катта маҳорат билан чизиб берилган. Прусс феодаллари, ўзбошимча дворянлар, мутаассиб такаббур олимлар, ўтакетган немис шовинистлари Гейне ҳажвиётининг тиғига дучор бўлади.

Бу йилларда Гейне ижоди ғоявий ва сиёсий жиҳатдан юксак камолот босқичига кўтарилади. Шоир ўзининг ажойиб асарлари - «Силезия тўкувчилари» шеърини ҳамда «Германия. Қиш эртаги» достонини, «Қуллар кемаси» номли балладасини яратади.

Уларда сиёсий мазмун ва мундарижа биринчи ўринга чиқади. Шоир сиёсий ҳажвиёт устаси бўлиб танилди. У “ҳаётнинг маъноси тўхтовсиз курашдан, олға қараб боришдан иборат”, - дейди. Шоир ўзини инсониятни азоб-уқубатлардан озод қилиш учун бўладиган урушда «жангчи солдат» деб атайди.

«Германия. Қиш эртаги» достони Генрих Гейне ижодининг юқори чўққиси ҳисобланади. Шоир достон номидаги қиш сўзи орқали Германиянинг қолоқлигига, у ерда ҳукм сураётган жаҳолатга ишора қилади.

Генрих Гейне ватанини бир бутун демократик давлат сифатида кўриш

орзуси билан яшайди. Лекин ҳаётда бунинг акси. Шу сабабли танқид тифини қолоқ Германия тузуми, мамлакатни оғир аҳволга солиб қўйган Пруссия мустабид системасига қаратади. Ҳарбийлар ва дворянлар, помещчиклар ва черков пешволари, қисқаси мамлакатни реакция исканжасида сақлаётган қора кучлар шоир сатирасининг найзасига гирифтор бўладилар. Асар чинакам халқчиллик руҳида ёзилган. Халқ афсоналари, тарихий воқеалар тавсифи бирин-кетин алмашиб туради. Шоир Ватани чегарасига қадам қўяр экан, она тилини эшитиб, кўзларидан ўт чакнайди, хурсандчиликдан юраги тўлиб-тошади. Аммо бу қувонч узокқа чўзилмайди. Чегарада унинг чамадонларини тинтув қиладилар. Шоир захарханда билан прусс соқчилари устидан кулади. Немис амалдорларининг Германияни орқага, ўрта аср зулматига судраётгани, диний жаҳолат томонга бошлаётганини қаттиқ қоралайди.

Гейне ватани Германиянинг бирлиги масаласига эътиборни қаратади. Ҳали ҳам ўттиздан ортиқ майда давлатчаларга бўлиниб ётган Германия шоирда ачиниш, ўкинч ҳисларини уйғотади. Асарнинг охирида шоир прусс киролига золимликлари учун нариги дунёда Дантенинг дўзахида куйишини эслатади. Достон Германияда ҳукм сураётган реакцияга нафрат, немис халқига, унинг келажагига муҳаббат ва ишонч руҳи билан суғорилган.

Гейне шеърятининг бир қисми ўзбек тилига ҳам ўғирилган. Ойбек, Миртемир, Шукрулло, Хайриддин Салоҳ, Абдулла Шер ва бошқалар ўзбек китобхонини буюк немис шоири лирикасидан баҳраманд қилганлар.

Мавзун мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Генрих Гейне қачон ва қаерда туғилди?
2. У қандай оила муҳитида вояга етди?
3. Унинг қизиқишларига атрофдагиларнинг муносабати қандай эди?
4. Генрих Гейненинг илк шеърый тўплами қачон ва қандай ном билан нашр қилинди?

5. Германия озодлиги нима учун шоир шеърларининг асосини ташкил қилади?

6. Генрих Гейненинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақида нималарни биласиз?

7. Шоир шеърлари ўзбек тилига кимлар томонидан таржима қилинган?

II топшириқ: «Германия. Қиш эртаги» достонини ўқинг. Достонда “қиш” сўзи ниманинг рамзи эканлигига эътибор қаратинг.

57- 58 -мавзу: **Жек Лондон. “Ҳаётга муҳаббат” хикояси (4 соат)**

Режа:

1. Жек Лондон ҳаёти ва адабий мероси.
2. “Ҳаётга муҳаббат” хикояси таҳлили.

Таянч тушунчалар: Сан-Франсиско, «Мартен Иден», «Шимол ҳикоялари», «Оқ сукунат», «Қирқ миль нарида», «Оталар худоси», «Совук болалари», «Ҳаётга муҳаббат».

Америка демократик адабиётининг йирик вакили, асарларида халқ оммасининг ўз ҳуқуқлари учун курашини акс эттирган атоқли ёзувчи Жек Лондон Калифорния штатининг Сан-Франсиско шаҳрида 1876 йилда фермер оиласида туғилди. У туғилган оила, кўз очиб кўрган дунё қашшоқликдан иборат эди. Болалигида қорни тўйиб овқат еганини эслай олмайди. Бошланғич мактабни қийнала-қийнала битириб олгандан сўнг, фабрикада ишлашга мажбур бўлади. Шундан сўнг у Америка ва Канаданинг кўп шаҳарларидан иш қидириб сарсон бўлади. У қаерда бўлмасин ўз устида тинмай ишлар, университетда ўқишни орзу қиларди. 1895 йилда бу орзуси ушаладию, аммо узокқа чўзилмайди. Бир йил ўқигач, отаси вафотидан сўнг университетни ташлашга мажбур бўлади.

У иш қидириб Алясканинг олтин конларига боради. Бироқ у ерда ҳам унинг орзулари сароб бўлиб чиқади. Олтин конидан баттар қашшоқлашиб, бор-йўғидан ажралиб қайтади. Бундай муҳтожликлар Жек дунёқарашининг ўсишига катта таъсир кўрсатади. У пул топиш учун кечаю кундуз тинимсиз меҳнат қилади. Аммо косаси ҳеч оқармайди. Ва кўзи билан кўрган воқеаларни ёзишга киришади. Бу жиҳатдан унинг «Мартен Иден» «Шимол ҳикоялари» романидаги воқеалар ҳақиқатга жуда яқиндир.

Жек Лондон ижодий фаолияти давомида бир юз элликдан ортиқ ҳикоя ёзиб, ҳаётнинг турли-туман кўринишларини қаламга олади.

Ҳаёт хилма-хил сўқмоқлардан иборат. Адиб бу сўқмоқларнинг барчасидан юриб, ҳаёт машаққатларини обдон тортиб кўради. Жек Лондон яратган 150 ҳикоя, ҳаётнинг юз элликта сўқмоғидир. Бу асарларнинг мавзуси турлича. «Оқ сукунат», «Қирқ миль нарида», «Оталар худоси», «Совук болалари» ҳикояларида яратилган турфа қиёфалар, ўз елкаларида ҳаётнинг қайсидир юкини кўтариб юради.

Адиб қайси мавзуда қалам тебратмасин, инсонийлик, яхшилик, эзгуликни улуғлайди. Кўпгина қаҳрамонлари муҳтожликда яшаса ҳам ҳаётдан қандайдир гўзалликни, зим-зиё тун қўйнидан ёруғлик қидиради. Муаллифнинг ҳаёти ҳам қаҳрамонларига ўхшаб кетади.

Англияга қилган саёҳатлари давомида Лондон ишчиларининг оғир ҳаётига дуч келади. «Бу ердаги ҳаёт мен уйлаган ҳаётдан ҳам баттар экан», деган хулосага келади. «Тубанлик кишилари» (1903) тўплами мана шу саёҳат таассуротлари таъсирида битилган. Адибнинг «Темир тоvon» (1907), «Мартен Иден» романлари ҳам санъаткорона дунёга келган.

Жек Лондон ҳикоя устаси сифатида жаҳон адабиётида муносиб ўрин эгаллаган.

Инсон қудратини намоиш этадиган-бу унинг иродасидир. Ирода инсонни ҳаётнинг машаққатли сўқмоқларидан олиб ўтади. Ирода инсонни

тушкунликка тушишдан сақлайди. Ирода ҳар қандай мудҳиш, қайғули воқеалар олдида ҳам инсонни бардошли бўлишига ундайди. Жек Лондон ҳикояларида мана шундай турли хил ирода эгалари қаламга олинади.

Адибнинг «Ҳаётга муҳаббат» асари ғоят қизиқарли саргузаштларга бой. Асар қаҳрамони Канада водийларида адашиб қолиб, ёлғизликда ҳаёт кечиради. Аста-секин унинг озиқ-овқати тугайди. Бироқ очликка ва барча машаққатларга чидайди. Бу жиҳатдан, асар Даниэль Дефонинг «Рабинзон Крузо» асари воқеасига ҳам ўхшаб кетади. Кема ҳалокатга учрагандан сўнг Робинзон денгиз қирғоғига чиқиб, ўрмонда ёлғиз яшайди. У турли хил ҳайвонларни қўлга ўргатиб, танҳо яшай бошлайди. Ўлиб қолмаслик учун курашади. Эчки соғиб сутини ичади, деҳқончилик қилади.

«Ҳаётга муҳаббат» асарининг қаҳрамони эса фақат олдинга қараб ҳаракат қилади. Балиқ овлаб кун кўради. Суянчиғи бўлган милтиғи ва пичоғини ҳам йўқотиб қўяди. Бўрилар галасига дуч келади. Юравериб оёғи қабариб кетади. Шунда у титилиб кетган адёлни йиртиб оёғига боғлаб, олдинга қараб юраверади. Ниҳоят, касал бўри билан олишиб, унинг кекирдагидан бўғиб, тишлаб ўлдиради. Йўловчи барча қийинчиликларни енгади. Энг оғир дамларда ҳам ҳаётдан умидини узмайди.

Кунлардан бир куни кит овловчи «Бедфорд» кемаси матрослари қирғоқда одамга ўхшаш махлуқ денгиз томон келаётганини кўриб қолиб, уни ўз кемаларига оладилар.

Жек Лондон ўз қаҳрамони қиёфаси орқали жаҳон адабиёти хазинасини яна бир мустаҳдам ирода эгаси соҳиби билан бойитди.

ИЗОҲ: Жек Лондоннинг “Ҳаётга муҳаббат” ҳикояси таҳилига бағишланган иккинчи машғулоти ноанъанавий дарс сифатида ташкил қилиш мумкин. Бунда **“Баҳс-мунозара”** технологиясидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун ўқувчилар ҳикояни тўлиқ ўқиб келишлари зарур. Чунки бирор асарни тўлиқ ўрганиб, бўлингандан кейин баҳс дарс ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ўқувчи асар билан яхши ва тўлиқ танишмаган бўлса, берилган муаммони тўғри тушуна олмайди ва саволларга жавоб беришга ожизлик қиладилар. Ўз фикрига ишонмаган ўқувчи баҳсга ҳам аралашиб, фаоллик кўрсата олмайди. Дарс жараёнида бу технологиядан фойдаланиш учун гуруҳ икки ажратилса, натижа яхшироқ бўлади. Чунки ҳар бир гуруҳ ўз фикрни ҳимоя қилишга ҳаракат қилади.

Баҳс-мунозара учун қўйилган муаммоли саволлар тахминан қуйидагича бўлади:

1. Яшаш ва ўлим ҳақидаги фикрларингизни ҳаётий мулоҳазаларингиз билан изоҳланг.

2. Канада водийларида адашиб қолиб, ёлғизликда ҳаёт кечирган икки ҳамроҳнинг яшашга бўлган муносабатлари қандай эди. Нега сафарга чиқан йўловчиларнинг йўллари айри бўлди, бунга сабаб нима?

3. Муаллифнинг “...кўрқув яшаш учун кураш билан чамбарчарс боғлиқдир” деган хулосасини қандай изоҳлайсиз? Сиз кўрқувни қандай

ҳис қиласиз?

4. "...Ҳаёт шунақа, ҳаёт бевафо ва бебақо. Лекин ҳаёт алам чектиради, ўлимда эса қийналиш йўқ. Ўлмоқ ухламоқдир. Бўлмаса нима учун у ўлишни истамайди?" Бу саволга сиз қандай жавоб берасиз?

(Саволлар сони вазиятга қараб орттириб борилади. Ўқувчиларнинг фикрлари тингланади. Якуний хулоса ўқитувчи томонидан билдирилади).

Мавзунини мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Жек Лондон ҳаёти ҳақида нималарни биласиз?
2. Ижтимоий-сиёсий воқеалар унинг ҳаётига қандай таъсир кўрсатди?
3. Унинг қандай асарларини биласиз?
4. Жек Лондоннинг ҳикоя устаси сифатидаги маҳоратини қандай баҳолайсиз?

5. Унинг "Ҳаётга муҳаббат" ҳикоясини диққат билан ўқинг. Асарга таяниб унинг шахси ҳақида мулоҳаза юритинг.

6. Бир-бирига қарама-қарши бўлган ҳаёт ва ўлим тушунчаси ҳикояда қандай тасвирланган?

7. Ҳикоя нима учун "Ҳаётга муҳаббат" деб номлангани ҳақида ўйлаб кўринг. Сиз уни қандай номлаган бўлардингиз?

II топшириқ: "Ҳаётга муҳаббат" ҳикоясидан олган таассуротларингиз асосида **"Инсон иродаси – енгилмас куч"** мавзуида уй иншоси ёзинг.

59-мавзу: Эрнест Хемингуэйнинг "Чол ва денгиз" асари (2 соат)

Режа:

1. Эрнест Хемингуэй ҳаёти ва ижоди.
2. "Чол ва денгиз" қиссаси таҳлили.

Таянч тушунчалар: Чикаго, журналист, «Уч ҳикоя ва ўнта шеър», «Бешинчи колонна», «Бизнинг замонамиз», «Қуёш чиқиши».

Эрнест Хемингуэй Чикаго якинида, врач оиласида 1899 йилда дунёга келади. 1917 йилда «Канзас Рейли Стар» газетасида ишлайди ва шу кундан бошлаб ўзини журналистман деб ҳисоблайди. У ерда 7 ой ишлаб, кейин Европага, урушга жўнаб кетади. Фронтида санитар бўлиб ишлайди. 1918 йил 8 июнда қаттиқ яраланади, 12 маротаба операция қилинади. Яхши даволанган Хемингуэй аскарликдан чиқади. 1919 йили Америкага қайтиб келгач, яна журналистлик билан шуғуллана бошлайди. 1921 йил мухбир сифатида Парижга жўнаб кетади. У америкаликлар ҳаёти ҳақида, чикаголиклар, Париждаги америкаликлар ҳақида тинмай ёзади.

Уруш оловини ёқувчиларга қарши нафрат Хемингуэйда ўша уруш пайтларида янада зўрайди. Кўпгина америкаликлар ўз ижодини журналистикадан бошлаган. Хемингуэй учун ҳам журналистика адабиёт мактаби бўлди. У биринчи «Уч ҳикоя ва ўнта шеър» (1922) китобини 300 нусхада аввал Диженада, кейин (1924) Парижда нашр қилади. Биринчи ижодий фаолиятида жамиятга ишонмай қўйган одамлар ҳақида ҳикоя

қилади.

30-йиллар охирида Хемингуэй драматургия билан шуғуллана бошлайди. «Бешинчи колонна» пьесаси драматургнинг улкан ижодий муваффақиятлари намунасидир.

Адибнинг «Чол ва денгиз» асари юксак бадиий маҳоратидан дарак беради. Бу асар юзлаб бадиий образларни тасвирлаган романлардан фарқ қилади. Бармоқ билан санарли образлар орқали дам фалсафий маъно ва мазмунни бериши мумкинлиги исбот этилди. Бу асари учун муаллиф 1952 йилда халқаро Нобель мукофотига сазовор бўлади. Хемингуэй Парижга мухбир сифатида бориб келгандан сўнг, журналистика билан шуғулланишдан кўра бадиийликни афзал билиб, роман ва ҳикоялар ўқишга кўп вақтини сарфлайди.

Ўз даврининг атоқли назариячиси Гертуруд Стейн атрофидаги маърифатпарвар ўз бағрига Эрнест Хемингуэй каби истеъдодларни ҳам олиб, уларни янгича адабиёт яратиш йўлида илҳомлантириб турарди. Стейн ҳам назария илми, ҳам бадиий ижод билан машғул бўлгани ҳолда Хемингуэй каби истеъдодларга яқиндан ёрдам берар, ҳар бир асарларини эринмасдан ўқиб, қимматли маслаҳатларини берар эди.

Эрнест Хемингуэй илк ижодини шеърлар битиш билан бошлаган. Бироқ кейинчалик у бутунлай прозага берилиб кетган. Биринчи ҳикояси «Бизнинг замонамиз» (1924) деб номланиб, адибга ўзига хос руҳий кўтаринкилик бағишлайди. Биринчи ижод намунасидан қувониб кетиб, адиб каттароқ жанрга қўл уради.

Кўп ўтмай «Қуёш чиқиши» (1926) номли биринчи романи эълон қилинади. Бу роман «Фиеста» деган номга ҳам эгадир.

Эрнест Хемингуэйни узоқ-узоқларга танитган иккинчи романи «Алвидо, қурол» (1929) асари бўлди. Шундай муҳим мавзуга бағишланган асарларни америкалик ўқувчилар сабрсизлик билан кутарди ва шунга ташна эди.

Бу даврда фақатгина Америка адабиётидагина эмас, жаҳон адабиётида роман жанрида ижод қилиш биров сусайган эди. Тадқиқотчилар бунинг сабабини биринчи Жаҳон уруши билан боғлайдилар. Ҳаттоки, ҳазиллашиб, «хаёлпараст ёзувчилар жанг сирларини ўрганаман деб урушга кетиб қолган эди», дейишади.

Эрнест Хемингуэй билан замондош бўлган адиблар 20-йилларда санокли эди, холос. Жон Дос-Пасоснинг «Уч солаёт» (1921), Э. М Ремарканинг «Тўхтовсиз ғарбий фронтда» (1929), Р. Олдингтоннинг «Қаҳрамоннинг ўлими» (1929) романлари яратилади. Хемингуэйнинг «Алвидо, қурол» романини ўқувчилар илиқ кутиб олишади ва тезгина у Америка адиби сифатида танилади.

«Алвидо, қурол» (1929) романи билан бир даврда яратилган кўплаб Америка ёшларининг урушда кўрсатган қаҳрамонлиги, уларнинг жангда кўрсатган қаҳрамонликлари, тирик қолганларнинг ўз юртига шон-шараф

рамзи сифатида қайтиб келиши воқеаси тасвирланган эди.

Эрнест Хемингуэй романида эса, урушнинг моҳияти нимада, кимга керак бу мудҳиш уруш, нега Америка фарзандлари бу урушга бориши керак экан, деган муаммо кўтарилади. Миллионлаб ўғлонларнинг беҳуда ўлиб кетишига ким айбдор? Нима учун урушаямиз?, деган ғоя илгари сурилади. Шунинг учун ҳам бу роман Америка жамоатчилигида катта шов-шувга сабаб бўлди. Бир гуруҳ яловбардор танқидчилар адибга тош отишдан ҳам қайтмайди. Аммо ўқувчи шундай руҳдаги романни кутиб тургандек, адибни гулларга ўрайди.

Эрнест Хемингуэй жаҳонгашта адиб. Европанинг бир неча мамлакатларида, Италия ва Африкада бўлиб, инсон деган номнинг буюклигини кўнглига тугади. Бироқ хор-зор бўлган, сарсон-саргардон кезган, инсон шаънини ерга урганларни ўз кўзи билан кўради.

Адиб ўзининг «Африканинг кўм-кўк тўқайзорлари» (1935), «Ярим тундаги ўлим» (1932), «Килиманжаро» (1936), «Ғолиб ҳеч нарсага эришмайди» (1933), «Амал қилиш ёки қилмаслик» (1937), «Бешинчи колонна» (1938) асарларида ва умуман унинг бутун ижоди давомида ўзига хос услубини, бадиий тасвир ранго-ранглигини кўрамиз. Адиб фақат Америка халқининг эмас, ер куррасидаги ўзга халқларни уйлантириб юрган муаммоларни ечиб беради, ҳаётдаги иллатларни дадиллик билан очиб ташлайди. Планетамизнинг турли бурчакларида инсоннинг осуда ҳаётига, тақдирига таҳдид солаётган, ўзининг ғаразлик мақсадларида ёки бойлик тўплаш учун бегуноҳ одамларга ўзининг жирканч панжасини чўзаётганларнинг устидан ўз ҳукмини ўқийди.

Адиб иккита даҳшатли урушнинг гувоҳи бўлади. Биринчи ва иккинчи Жаҳон уруши. «Одамлар ва уруш» (1942), «Дарё орқали ўшал қишлоққа» (1950), «Хавфли ёз» (1960) ва бошқа асарларида турли тоифадаги инсонлар образини яратади. Эрнест Хемингуэйни инсоншунос адиб деб ҳам айтишимиз мумкин. У инсон қалбини тушунади, яқиндан билади, инсон юрагининг нозик нуқталарини топиб уни тасвирлай олади.

«Франсиско Каломберанинг қисқа бахти» (1936), «Америкалик жангчи» (1937), «Урушдаги одамлар» (1942) ва бошқа асарлари Хемингуэй ижоди кўлами ниҳоятда кенглигидан далолат беради.

Адиб 1936 йилдаёқ «Чол ва денгиз» қиссасини ёзишга киришган. Бу асарнинг энг муҳим жиҳати шундаки, бош қаҳрамон Сантяго ёлғиз қолганда ҳам, қийинчиликларга дуч келса ҳам, мудҳиш воқеа билан тўқнаш келса ҳам ўзининг келажакка бўлган умидини узмайди, руҳан тушкунликка тушмайди.

«Чол ва денгиз» қиссаси шунчаки Куба тасвири, табиати на Куба ажойиботларидан иборат сюжет бўлиб қолмасдан, балки минглаб кубаликларнинг эзгулик йўлидаги курашлари, орзу-уйлари ифодасидир.

Асар қаҳрамони Сантяго балиқ овига чиққанига анча кунлар бўлса ҳам, лекин иши юришмайди. Унингча, елканига “кўп ямоқ тушган”

қайиққа қандай қилиб ҳам балиқ илинсин. Сантьяго кекса бўлса ҳам, лекин ўзи тетик. Шунинг учун ёзувчи бу одам “таслим бўлмайди”, деб уқтиради.

Чол тўрига катта балиқ тушганда чексиз севинади. “Балиқ,-деб қичқиради у секингина,- ўлсам ўламанки, сендан ажралмайман”. Чол бутун куч-ғайратини ишга солиб, балиқ билан олишади ва енгади. Унинг “Одамзодни янчиб ташлаш мумкин, лекин бўйсундириш мукин эмас деган сўзлари инсон қудратига ёзувчининг чексиз ишончини кўрсатади”.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Эрнест Хемингуэй ҳаёт йўли ҳақида нималарни билиб олдингиз?
2. Журналистлик соҳаси адиб ижодининг ривожланишига қандай таъсир кўрсатди?

3. Эрнест Хемингуэй қандай мавзуларда қалам тебратди?

4. Нега Эрнест Хемингуэйнинг инсоншунос адиб деб атаймиз?

5. Биринчи ва иккинчи Жаҳон урушига гувоҳ бўлган адиб мазкур мавзуни қайси асарларида акс эттирди?

6. «Чол ва денгиз» қиссасининг Нобель мукофотиغا сазовор бўлишининг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

II топшириқ: Қиссани эътибор бериб ўқинг. Унда Сантьяго мисолида инсон иродасига қандай баҳо берилганлигини англашга ҳаракат қилинг, мулоҳазаларингизни дафтарингизга тушинг.

60-мавзу: Чингиз Айтматовнинг “Жамила” қиссаси (2 соат)

Режа:

1. Чингиз Айтматовнинг ҳаёти ва ижоди.

2. Адиб асарларида табиат ва инсон тақдири масаласи.

3. “Жамила” қиссаси таҳлили.

Таянч тушунчалар: Қирғизистон, Талас водийси, Шакар қишлоғи, рус-тузем мактаби, зоотехник, «Жамила», «Биринчи муаллим», «Сомон йўли», «Она ер», «Алвидо», Гулсари», «Юзма-юз», «Қизил дуррали сарвиқоматим», «Бўтакуз», «Оқ кема», «Эрта қайтган турналар», «Соҳил бўйлаб чопётган олапар».

Чингиз Айтматов Қирғизистоннинг Талас водийсидаги Шакар қишлоғида таваллуд топган. Отаси Тўракул Айтматов Авлиёотадаги рус-тузем мактабини битирган зиёли киши, кейинчалик шахсга сиғиниш қурбони бўлади. Онаси Найма Айтматова ўқимишли аёл бўлган. Чингиз дастлаб рус, сўнгра қирғиз мактабида ўқийди. Авлиёотадаги зооветеринария техникумини, Қирғизистон қишлоқ хўжалик институтини тугатади. 3 йил зоотехник бўлиб ишлайди. Москвада ёзувчилар уюшмаси қошидаги олий адабиётчилар курсини (1956-1958) битади. «Литературный Киргизистан» журнали бош муҳаррири, «Правда» газетасининг муҳбири, кинематографчилар уюшмаси раиси, Қирғизистон Ёзувчилар уюшмаси раҳбари ва жуда кўпгина жойларда ишлаган.

Илк бадий ижод намунаси «Жамила» (1959) қиссаси жуда кўп тилларга таржима килинган. Бу қиссани «Муҳаббат ҳақида ёзилган жаҳондаги энг ажойиб қисса», деб юксак баҳо берган эди Луи Арагон. Адиб қирғиз ва рус тилларида ижод қилади. «Биринчи муаллим» (1962), «Сомон йўли», «Она ер» (1963), «Алвидо, Гулсари» (1966), «Юзма-юз», «Қизил дуррали сарвиқоматим», «Бўтакуз», «Оқ кема», «Эрта қайтган турналар», «Соҳил бўйлаб чопаетган олапар» каби қиссаларининг, «Асрга татиғулик кун» (1980), «Қиёмат» романларининг муаллифидир. Бу асарларининг деярли барчаси ўзбек тилига таржима қилинган. Ўзбек китобхонлари уларни севиб ўқишади.

Чингиз Айтматов илк ижод намуналари бўлмиш «Газетчи Дзюйдо» (1952) асаридан тортиб «Ҳошим» (1952), «Оқ ёмғир» (1954) ҳикояларигача эндигина бадий ижод майдонига кириб келган бўлишига қарамасдан, бу ҳикоялар қайсидир бир жиҳати билан ўқувчи қалбини ўзига тортарди.

Ёзувчи ҳар бир асарининг воқеасини ҳаётдан олади. Воқеаларга сайқал бериб, гўзаллаштириб яна ҳаётга қайтаради. Ҳаётдаги инсонлар қиёфасини чизиб, яна инсон руҳиятини безаш учун беради.

«Ҳошим» ҳикоясининг қаҳрамонини олиб қарайлик. Икки фарзандидан ажралган чол мункайиб, руҳан тушкунликка тушиб, ҳаётдан бешиб қолмайди. Ашим кучли ирода эгаси. У ҳар қандай айрилиққа, ҳар қандай қайғуга бардош беради. Ўғли урушдан қайтиб келмайди, бетоб қизини ҳар қанча даволашга уринмасин, малҳам тополмайди. Бу оғир жудоликларга қарамасдан у ҳаётдан, яшашдан умидини узмайди, ўзини меҳнат билан овутади. У одамлардан ҳам ажраб қолмайди. Ҳамма вақт одамлар орасида бўлади. Одам тафтини одам олади, деган нақл асар асосида ётади.

Чингиз Айтматов ўз асарларида меҳнатни улуғлайди. Айни чоғда меҳнаткаш инсон образини жуда гўзал тарзда намоён этади. «Оқ ёмғир» ҳикоясининг бош қаҳрамонлари Саодат ва Қосимжон ўз меҳнати туфайли бахтига, иқболига эришади. Яхши ният билан бўз ерларни ўзлаштириб, бойиб, катта даромад орттиришни эмас, элу халққа озгина бўлса-да фойдаси тегар деган ниятда тинимсиз меҳнат қиладилар, фидойиликлар кўрсатишади.

Муаллифнинг «Оқ кема» қиссаси етти бобдан иборат бўлиб, Сартош водийси ва унга тутшиб кетган ўрмон манзараларига боғланади. Асар қаҳрамони Ўрозкул салбий образ қиёфасида берилган. Ўрозкул Болажонов хотини Бекейни хўрлаб, ҳақорат қилади. Хоҳлаганча унга азоб беради. Хотинини уриб-сўкиш, жеркиб ҳақоратлаган Ўрозкул учун одатий бир холга айланиб қолган. Ёзувчи тили билан айтганда, Ўрозкул «Ярамас, паст одам».

Асарда Мўмин бува ва етим қолган набира, Кулибек образлари билан боғлиқ воқеалар ниҳоятда ҳаётий чиқган. Бечора Мўмин бува ўғлидан ёдгор қолган иккита неварасини парваришлаб, улғайтиришдек эзгу ният билан

юради. Бувага мана шу иккита неварадан бўлак азизроқ нарса қолмаган бу дунёда. Буванинг қалби ниҳоятда кенг, айни чоғда жуда тоза. Шундай бўлса-да, Ўрозкул қайнатаси Мўмин бувига ҳам азоб беради, уни руҳан қийнайди. Инсонийлик, қалб, одамгарчилик нима эканлигини тушунмаган Ўрозкул бувага руҳан далда бериш ўрнига эзғилайди, баттар ҳасратини оширади.

«Оқ кема» қиссасини қамраб олган энг гўзал тасвир шохдор Буғу ҳикоясидир. Шохдор она Буғу воқеалар силсиласидан ажралиб қолмаган. Аксинча, бу афсонавий ҳикоятлар, эртаксимон ривоятлар ҳаётий ҳақиқатларга кўрк бағишлайди.

Бола қачонлардир бобосига яхши хизматлари учун ўрмон раҳбарияти томонидан мукофотга берилган дурбин билан Қоровултоғ чўққиларини синчиклаб кузатади. Шохдор она Буғу ҳикояси бола қалбини бутун борлиғи билан қамраб олган. Ота-онасидан жуда эрта ажраган бола ҳамон ишонч билан, сўнгсиз ҳаёллар билан яшайди.

Асарда бола образи ниҳоятда катта маҳорат самараси сифатида яратилган. У ширин орзулар дарёсида яшайди. Иссиққўлга матрос бўлиш учун кетган отасини, аллақайларгадир, эҳтимол болани ташлаб Иссиққўл тарафларгадир ғойиб бўлган онасини соғиниб яшайди. Кунлар ўтиб улар болани қидириб келишишига ишонади.

Чингиз Айтматов ўз асарларида табиат манзараларини эринмасдан, астойдил безаб беради. Табиат билан инсон асло бир-бирига қарама-қарши қўйилмайди. Инсон мисоли кўшиқ бўлса, табиат эса оҳанрабо куй каби унга жўр бўлади. Зероки, инсон табиат бағрида ўсиб, улғаймайдими, табиат қўйнида яшамайдими? Асардаги Сангтош, Қоровултоғ, Иссиққўл, Энасой, ўрмон манзаралари аслида табиатнинг рамзий кўриниши, бу кўриниш инсон образи билан уйғунлашиб, гўзаллашиб кетган. Бола образи шохдор она Буғу қолдирган авлоднинг давомчиси, бу авлод яна давом этаверади. Авлоднинг давомчиси бўлган бола ёруғликка интилади, ўқиш ниятида Мўмин бобо ёрдами билан мактаб кучоғига отланади. Чунки, бугунги кун миллат давомчилари ўқиши, эндиликда дунёни билиши, Ўрозкул каби тубан, пасткаш, жаҳолатпарастлардан устун бўлиши керак

Шохдор она Буғу эса ҳамон тирик, узоклардан, Иссиққўл тарафларда авлодларга нигоҳ ташлаб, минглаб бола каби осуда ва беғубор қалб эгаларига, миллатнинг давомчиларига умид кўзини тикиб турибди.

Чингиз Айтматов характер яратиш устаси. У инсон қалбининг нозиклиги, меҳр-муҳаббатга ташналиги ва барча гўзалликларини чуқур ҳис эта олади ва уни ҳеч ўчмас ёруғлик рамзи сифатида ифодалайди. Бу ҳикоятдан унинг “Жамила” қиссаси аҳамиятли. 1958 йилда ёзилган бу қисса 1959 йили рус ва француз тилларида китоб ҳолида эълон қилинган, икки йил ичида узоқ ва яқин хориждаги ўттизга яқин тилга ўтирилди.

Қиссада Жамила ва Дониёрнинг беғубор, покиза муҳаббатлари асосида инсон эрки ва ҳукуки, асрий одатларга фаол муносабат

кўрсатилади. Севги олий туйғу, қудратли куч. Бироқ ниятига етиш учун ёхуд уни ҳимоя қилиш учун баъзан шу севгининг ўзидан кам бўлмаган даражада ирода кучи ва қудрати ҳам керак бўлади. Бу севги Дониёр ва Жамилани қуршаган муҳитдаги ўзгалар томонидан тушунилмайдиган ёки тушунишни истамайдиган, намоён бўлиши жиҳатидан қаҳрамонларни вояга етказган ахлоқий ва маънавий меъёрларга зид бўлса-чи?

Жамила ва Дониёр муҳаббати ана шундай синовга дуч келади. Улар ортиқча оҳ-воҳларсиз, тўполон-жанжалларсиз, урф-одатларни топтамай, унга ҳурматларини сақлаган ҳолда, энг асосийси, муҳаббатларини оёқ ости бўлишига йўл қўймай, бошларини тик кўтарганча ўзларининг эркин туйғулари оламига кетадилар.

Умуман олганда, адиб қаҳрамонлари турлича характердаги кишилардир. Уларнинг ҳар бирига ўзига хос феъл-атвор, хислат-фазилатларини танлаб бера олган. Асарининг ҳаётий чиқиши кўп жиҳатдан образларнинг характерига боғлиқ. Ҳаётда турли характердаги кишилар яшаганидек бадиий асарлар ҳам ранго-ранг характерлар билан тирик.

Мавзун мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

I топшириқ: Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Чингиз Айтматовнинг қайси асари илк бор уни жаҳонга машҳур қилди?
2. Адиб қайси асарлари учун қандай совринларга муносиб топилди?
3. "Оқ кема" қиссасида ёзувчи қандай афсона ва ривоятлардан фойдаланди?
4. Чингиз Айтматов давлат ва жамоат ишларида қандай вазифаларни бажарди?
5. Чингиз Айтматовнинг ўзи айтганлари асосида адиб табиатидаги устувор инсоний сифатлар ҳақида фикр айтишга уриниб кўринг.
6. Чингиз Айтматов асарларининг жаҳон миқёсда шуҳратини белгилаган сабабларни аниқлашга ҳаракат қилинг.
7. Сиз адиб шахси кўмагида ўзингиздаги бирор сифатни кашф этишга ёки табиатингизда бирор фазилатни шакллантиришга уриниб кўринг.

II топшириқ: Адиб асарлари ва қаҳрамонлари шахсан сизни қандай маънавий-эстетик хислатлар билан бойитгани ҳақида мустақил мушоҳада юритиб кўринг. Мулоҳазаларингиз асосида **"Чингиз Айтматов асарларидан олган таассуротларим"** мавзуида уй иншо ёзинг.

МУСТАҚИЛ ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИ

Мустақил иш ўқитувчи томонидан талабаларга аввал бериб қўйилган мавзулар асосида ташкил этилади. Мустақил иш учун қуйидаги топшириқларни бажариш тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича мавзуларни ўзлаштириш.
- тарқатма материаллар бўйича мавзуларни ўзлаштириш.
- махсус адабиётлар бўйича мустақил мавзуларни ўзлаштириш.

- талабанинг ўқув-илмий тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ малакасини шакллантириш.

МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ:

1. Бадиий адабиётлардан диалогли матнлар ёзинг. Мазкур матндаги адабий тил меъёрларидан чекинилган далилларни топинг. Мазкур чекинишларнинг қайси шевага мансублигини аниқланг ва уни реферат шаклида ёзинг.

2. Бадиий асарлардан диалогик матнлар топинг, улардаги адабий тил талаффуз меъёрларидан чекиниш ҳолатларини қайд этинг ва сабабларини изоҳланг.

3. Эркин Воҳидовнинг ғазалларини ўқинг, улардаги антоним сўзларни аниқланг ва мазкур антонимларнинг ғазаллардаги ўрнини белгиланг. Шу асосда маъруза тайёрланг.

4. Тарихий бадиий асарлардан муайян матн парчаларини ёзинг. Унда ўзак ва қўшимчаларнинг қўшилиш ҳолатига эътибор беринг ва шу асосда реферат тайёрланг.

5. “Авесто”нинг қисмларини танлаб ўрганиш, асардаги тангри Хўрмуздга оид сифатларни аниқлаб реферат тайёрланг.

6. Чўлпон шеъриятдан ёд олинг. Шоир шеърияти қўлланилган само жисмлари қай мақсадда қўлланилганлигига эътибор беринг ва уларни таҳлиллар орқали тушунтиришга ҳаракат қилинг. Уни маъруза шаклида амалга оширинг.

7. Бадиий асарлардан диалогик матнлар топинг, улардаги адабий тил талаффуз меъёрларидан чекиниш ҳолатларини қайд этинг ва сабабларини изоҳланг.

8. “Бадиий адабиёт инсон камолотида асосий восита” эканлигини ўзингиз ўқиган бадиий асар мисолида изоҳлашга ҳаракат қилинг. Уни ёзма иш шаклида амалга оширинг.

9. Алишер Навоий рубоийларида ахлоқий масалалар талқини (Шоир рубоийларидан ёд олиш).

10. Бадиий асарларда касбга оид сўзлар ва илмий атамалардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганинг, шу асосида маъруза тайёрланг.

ДАСТУРНИНГ ИНФОРМАЦИОН-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИ:

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий услублари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, замонавий педагогик технологиялар, жумладан, овозли ёзувдан, видео кўрсатувлардан, ҳужжатли фильмлардан, мультимедия намоишлари

кабилардан, Адабиёт музейи экспозициясидан фойдаланилади.

НАЗОРАТ ТЕСТЛАРИ

1. Адабий тил қондаси қайси жавобда мукамал ифодаланган?

- А. Адабий тил шеваларга асосланган тилдир.
- Б. Адабий тил сўзлашув тилининг ёзма шаклидир.
- В. Адабий тил ишланган, қоидалашган, меъёрлашган тилдир.
- Д. Адабий тил шаҳар шеваларининг грамматик жиҳатдан бир меъёрга келтирилган шаклидир.

2. Адабий тил қайси шаклларда намоён бўлади?

- А. Оғзаки шаклда.
- Б. Ёзма шаклда.
- С. Ёзма расмий шаклда.
- Д. А ва Б.

3. Қайси қатордаги сўзларда иккита бир хил унли ёзилади?

- А. Та...ссурот, шу...р, ба...брў.
- Б. Та...ссууб, мудофа..., на...нки.
- С. Тасар...уф, таб...ий, ито...т.
- Д. Манфа...т, мутол...а, та...ллуқ.

4. Берилган гап қайси нутқ услубига хос? Яшаш жойи бўлмаганлар ётоқхона билан таъминланади.

- А. Расмий-иш услуби.
- Б. Публицистик услуб.
- С. Сўзлашув услуби.
- Д. Бадиий услуб.

5. Қайси жавобда оддий сўзлашув услубига хос сўзлар берилган?

- А. Аттанг, шалвирама, тузук.
- Б. Янгиттан, қайтадан, зотан.
- С. Афсус, инсон, шоти.
- Д. Кўрибди, опти, тақдирланди.

6. Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар»и қайси вазнда ёзилган?

- А. Эркин вазн.
- Б. Аруз вазни.
- С. Сарбаст.
- Д. Бармоқ вазни.

7. Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида қандай масалалар баён қилинган?

- А. Илоҳиёт, фалсафий масалалар.
- Б. Ижтимоий-сиёсий, қаҳрамонлик ва подшоҳлик масалалари.
- С. Одил подшоҳ, шахс ва омма манфаатлари каби масалалар.
- Д. Объектив борлиқ ва шахс, дин ва тасаввуф каби масалалар.

8. «Чун хар неки йўқ...», «Чун ҳақ ва талаб йўлига кирмоқ жоиз», «Қўлингда самар ҳадис ва афсона эмиш» матлаъли рубоийлар қайси мутафаккир шоирнинг қаламига мансуб?

- А. Аҳмад Яссавий.
- Б. Нажмиддин Кубро.
- С. Умар Хайём.
- Д. Сулаймон Боқирғоний.

9. Қўп маъноли сўзлар гуруҳини белгиланг.

- А. Бел, шийпон, анор.
- Б. Кўз, ўткир, шамол.
- С. Ой, даво, бош.
- Д. Ёқа, этак, илдиз.

10. Қайси гапда «бир» сўзи маънони кучайтирувчи сўз бўлиб келган?

- А. Бир ҳафта иш авжига чиқди.
- Б. Тавба, бир ундоқ дейсиз, бир мундоқ.
- С. Ҳаммамиз қўшилдик, бир Аҳрор ўзини четга олди.
- Д. Қорнига бир тепувди ҳам от олдинга сапчиди.

11. Қайси жавобда публицистик услубга хос сўзлар берилган?

- А. Закунчи, ҳорманг, зебо.
- Б. Олифта, таҳлил, далил.
- С. Дилбар, даркор, ўргилай.
- Д. Башарият, тимсоли, олқишлади.

12. Халқ оғзаки ижодининг қайси жанрида қуй муҳим аҳамият касб этади?

- А. Мақол.
- Б. Лоф.
- С. Ертак.
- Д. Достон.

13. Ўрхун-Энасой ёдгорликларида қайси тарихий шахслар фаолияти кўрсатилган?

- А. Хисрав, Доро, Жамшид.
- Б. Култегин, Билка-Хоқон, Тўньюқуқ.
- С. Яъқуб, Юсуф, Зулайхо.
- Д. Алп Эр Тўнга, Билка-хоқон, Раносбат.

13. Эпик ривоят - тарихий афсоналар асосида юксак бадиий асарлар яратган ёзувчи-шоир ким?

- А. Миртемир.
- Б. Пиримкул Қодиров.
- С. Ўткир Хошимов.
- Д. Миркарим Осим.

14. Дехқонлар меҳнатининг аҳамияти ҳақида Навоий қайси асарида алоҳида фикр юритган?

- А. «Мажолис ун-нафоис»
- В. «Махбуб ул-қулуб»
- С. «Лисон ут-тайр»
- Д. «Мезон ул-авзон»

15. Навоийгача «Хамса» битган сиймолар гуруҳини белгиланг.

- А. Низомий, Ф. Аттор, Лутфий.
- В. Жомий, Хисрав Деҳлавий, Низомий.
- С. Деҳлавий, Рудакий, Саъдий.
- Д. Фирдавсий, Низомий, Жомий.

16. Эркин Воҳидовнинг халқ озодлик ҳаракатини тасвирловчи достонини топинг.

- А. «Нидо».
- В. «Рухлар исёни».
- С. «Палаткада ёзилган достон».
- Д. «Буюк ҳаёт тонги».

17. Қандай сўзлар синоним бўла олади?

- А. Фақат мустақил сўзлар.
- Б. Ёрдамчи сўзлар.
- С. Мустақил ва ёрдамчи сўзлар .
- Д. Аффикслар.

18. Юз, бет, афт, башара, чехра, жамол, дийдор, ораз, узор, рухсор синонимларидан қайси бири бош сўз ҳисобланади?

- А. Узор.
- Б. Юз.
- С. Башара.
- Д. Жамол.

19. "Сахий " сўзи билан антоним бўладиган сўзни топинг.

- А. Бахил.
- Б. Қўли очик.
- С. Қўзи оч.
- Д. Камбағал.

20. “Лайли ва Мажнун” қандай типдаги достон?

- А. Ишқий-фожиавий достон.
- В. Ишқий-саргузашт достон.
- С. Панд-насиҳат руҳидаги достон.
- Д. Адабий достон.

21. Манбаларда Мажнуннинг ҳақиқий исми қандай берилган?

- А. Қайс ибн Мулаввак ёки Қайс ибн Муод.
- Б. Мандий ибн Муод.
- С. Ал-Бухтурий ибн ал Жаид.
- Д. Барча жавоб тўғри.

22. “Лайли ва Мажнун”нинг нечанчи бобида “Ул тун маҳобати таърифи” берилган?

- А. 9-боб.
- В. 10-боб.
- С. 11-боб.
- Д. 12-боб.

23. “Лайли ва Мажнун” достони арузнинг қайси баҳрида ёзилган?

- А. Ҳазажи мусаддаси ахзаби мақбузи махруф.
- В. Ҳазажи мусаддаси мақсур.
- С. Рамали мусаддаси махзур.
- Д. Рамали мусаддаси мақсур.

24. “Лайли ва Мажнун” достони неча бобдан иборат?

- А. 38
- В. 40
- С. 35
- Д. 15

25. “Ҳайрат ул - аброр” достонинг қайси ҳикоятида хайр -эҳсон ҳақида фикр юритилади?

- А. “Ҳотами той”
- В. “ Чўпон ота”
- С. “Золи зар”
- Д. “Икки вафоли ёр”

26. Қуйидаги атамалардан қайси бири “Ҳайрат ул - аброр” нинг тузилиши учун энг характерлидир.

- А. Маколат
- В. Қисм
- С. Боб
- Д. Фасл

27. “Ҳайрат ул - аброр” достони қандай вазнда ёзилган?

- А. Аруз
- В. Бармоқ
- С. Сарбаст
- Д. Саъж

28 “Ҳайрат ул-аброр”асарида айтилишича «Адабнинг энг яхши » сифати - ...

- А. Ҳаё
- В. Тавозеъ
- С. Қаноат
- Д. Адолат

29. Нодира ҳаётлик чоғидаёқ унга бағишлаб яратилган асар ва унинг муаллифи топинг.

- А. Увайсий, “Фалсафаи сиёҳон”
- В. Нодир (Узлат); “Ҳафт гулшан”
- С. Огаҳий, “Гулшани давлат”,
- Д. Увайсий, “Воқеоти Муҳаммад Алихон”.

30. Муқимийнинг “қариб қуйилмаган, ҳажга бориб келса ҳам ахлоқи бузуқлигича қолаверган бой” қилмиши танқид қилинган асарининг номи?

- А. “Дар шиқояти Лахтин”
- В) “Воқеаи кўр Ашурбой”
- С. “Кўса
- Д. “Тўйи Иноқбачча”

31. Муқимий “Саёҳатнома”лари нечта?

- А. 2 та
- В. 1та
- С. 3 та
- Д. 4та

32. Шарқ ёзма адабиётида илк бор Искандар образи қайси ижодкор асарида учрайди?

- А. Фирдавсий
- В. Фаробий
- С. Платон
- Д. Деҳлавий

33. Лотин ёзувга асосланган ўзбек алифбоси бўйича имло қоидалари қачон қабул қилинган бўлиб, неча боб, неча параграфдан иборат?

- А. 1992 йил, 26 боб, 128 параграф
- Б. 1996 йил, 7 боб, 72 параграф
- С. 1995 йил, 7 боб, 82 параграф
- Д. 1956 йил, 5 боб, 72 параграф

34. Нутқнинг неча хил кўриниши бор?

- А. 2 хил
- В. 5 хил

С. 3 хил

Д. Тўғри жавоб йўқ.

35. Қадимги туркий адабий тилида яратилган асар қайси қаторда берилган.

А. "Фироқнома"

В. "Хамса"

С. "Муҳаббатнома"

Д. "Қутадғу билиг"

36. "Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари" қачон қабул қилинди?

А. 1995 йилнинг 21 декабрида

В. 1993 йил 2 сентябрда

С. 1995 йил 24 августда

Д. Барча жавоблар тўғри

37. Ҳадисларни тўплаб, уларнинг ҳақиқийларини аниқлаш билан шуғулланган олимлар дейилади?

А. Фикҳ

В. Муҳаддис

С. Муаррих

Д. Ровий

38. "Ал-Жомий ас-саҳиҳ" асари кимнинг қаламига мансуб?

А. Имом Термий,

В. Абу Жаъфар ал-Уқайлий

С. Имом ал-Бухорий

Д. Муслим ибн Ҳажжож

39. Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асари нечта сулола тарихини ўз ичига олади?

А. 4 та

В. 1 та

С. 2 та

Д. 13 та

40. «Шайх ул-машойих», «султон ул-орифин» унвонларини олган адиб номини аниқланг.

А. Юсуф Хос Ҳожиб

В. Аҳмад Югнакий

С. Аҳмад Яссавий

Д. Имом Бухорий

41. «Ал усул ал-ашара» кимнинг қаламига мансуб?

А. Алишер Навоий

В. Нажмиддин Кубро

С. Фирдавсий

Д. Имом Термизий

42. Жалолоiddин Румий қаламига мансуб асарлар қайси қаторда тўғри берилган?

- А. “Девони Кабир, “Мактубот”, “Девони луғотит турк”
- В. “Шоҳнома”, “Мактубот”, “Маънавий маснавий”
- С. “Девони Кабир”, “Мактубот”, “Фихи мо фихий” (“Ичиндаги ичиндадир”), “Маснавий маънавий”
- Д. “Фихи мо фихий” (“Ичиндаги ичиндадир”) , “Маснавий маънавий”, «Ал усул ал-ашара»

43. Ҳақиқатдан ҳам, у булоқнинг кўзини эслатаркан. Ушбу гапда маъно кўчишининг қайси тури қўлланган?

- А. Синекдоха
- В. Метафора
- С. Маъно кўчмаган
- Д. Вазифадошлик

44. Эшитган қулоқ нима дейди? Гапда маъно кўчишининг қайси шакли қўлланган?

- А. Метонимия
- В. Метафора
- С. Маънодошлик
- Д. Синекдоха

45. Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатларига кўра турлари тўғри кўрсатилган қаторни аниқланг.

- А. Омонимлар, иборалар
- В. Фразеология, лексикология
- С. Маънодош, шаклдош, зид маъноли
- Д. Барча жавоблар тўғри

46. Касал, бемор, хаста, бетоб қандай сўзлар ҳисобланади?

- А. Маънодош
- В. Шаклдош
- С. Зид маъноли
- Д. Кўп маъноли

47. Бир-бирига зид , қарама- қарши маънони билдирувчи сўзлар.....

- А. Кўп маъноли
- В. Бир маъноли
- С. Зид маъноли
- Д. Иборалар

48. Нутқ услублари тўғри берилган қаторни аниқланг.

- А. Илмий, сўзлашув, китобий
- В. Бадиий, оммавий, лирик
- С. Назм, наср, драма.
- Д. Илмий, сўзлашув, публицистик, бадиий, расмий услуб.

49. «Ҳаётга муҳаббат» асарининг муаллифини аниқланг.

- А. Генрих Гейне
- Б. Эрнест Хемингуэй
- С. Чингиз Айтматов
- Д. Жек Лондон

50. Эрнест Хемингуэй Нобель мукофотига сазовор бўлган асарининг номи қайси қаторда берилган?

- А. «Африканинг кўм-кўк тўқайзорлари»
- В. «Қуёш чиқиши»
- С. «Чол ва денгиз»
- Д. «Килиманжаро»

51. «Оқ сукунат», «Қирқ миль нарида», «Оталар худоси», «Совуқ болалари» каби асарларининг муаллифини аниқланг.

- А. Расул Гамзатов
- В. Генрих Гейне
- С. Эрнест Хемингуэй
- Д. Жек Лондон

52. Нодиранинг ушбу ғазалида қайси шеърӣ санъат қўлланган

Юзи гулу қадӣ шамшод, кўзлари нарғиз
Баҳору ёсуманимни тушумда кўрсам эди.

- А. Муболага
- Б. Истиора
- С. Таносуб
- Д. Ташбеҳ

53. Ўрхун-Энасой обидаларининг асосий мавзуси нимадан иборат?

- А. Ватанпарварлик ва қаҳрамонлик.
- Б. Ишқ - муҳаббат
- С. Юрт тинчлиги ва ободлиги
- Д. Мустиқиллик ва юрт озодлиги

54. Машғулотлар тугади ва ҳамма ўз уйига тарқади. Ушбу гап боғланган қўшма гапнинг қайси турига мансуб?

- А. Бириктирув муносабатли боғланган қўшма гап
- В. Айирув муносабатли боғланган қўшма гап
- С. Зидлов муносабатли боғланган қўшма гап
- Д. Инкор муносабатли боғланган қўшма гап

55. Кимки ёмонлар суҳбатидан қочса, яхшилар суҳбатига эришади. Ушбу гап эргаш гапли қўшма гапнинг қайси тури ҳисобланади?

- А. Эга эргаш гапли қўшма гап
- В. Аниқловчи эргаш гапли қўшма гап
- С. Равиш эргаш гапли қўшма гап
- Д. Мақсад эргаш гапли қўшма гап

56. “Баҳор қайтмайди”, “Қалбингга кулоқ сол”, “Дунёнинг ишлари”, “Икки карра икки-беш”, қиссаларининг муаллифни аниқланг.

- А. Одил Ёкубов
- В. Пиримқул Қодиров
- С. Эркин Воҳидов
- Д. Ўткир Ҳошимов

57. Генрих Гейне шеърлари кимлар томонидан ўзбек тилига таржима қилинди?

- А. Шукрулло, Пўлат Мўмин, Ўткир Ҳошимов
- В. Хайриддин Салоҳ, Абдулла Орипов, Зулфия
- С. Миртемир, Шукрулло, Хайриддин Салоҳ, Абдулла Шер
- Д. Ҳамид Олимжон, Рауф Парфи, Омон Мухтор

58. Таркибда ҳам эргашган қўшма гап, ҳам боғланган қўшма гап ёки боғловчисиз қўшма гап иштирок этган гаплар қандай номланади?

- А. Қисмлари уюшган мураккаб қўшма гаплар.
- В. Бир неча бош гапли мураккаб қўшма гаплар.
- С. Аралаш мураккаб қўшма гаплар
- Д. Бир неча эргаш гапли қўшма гап.

59. “Онажон”, “Чашма”, “Рухим”, “Ўзбекистон”, “Юртим шамоли”, “Йиллар армони”, “Ишонч кўприклари” тўпламларининг муаллифини аниқланг.

- А. Орипов А.
- В. Зуннунова С.
- С. Воҳидов Э.
- Д. Ҳошимов Ў.

60. “Фауст” трагедиясини ким ўзбек тилига таржима қилган?

- А. А. Орипов
- В. Ғ. Ғулом
- С. Э. Воҳидов
- Д. Ў. Ҳошимов

61. Эрнест Хемингуэй асарларининг қаторини топинг?

- А. “Алвидо, қурол”, “Ҳаёт ёки мамот”, “Чол ва денгиз”,
“Тушдан кейин ўлим”
- В. “Қизил ва қора”, “Чол ва денгиз”
- С. “Америка фожиаси”, “Алвидо, қурол”
- Д. “Мартин Иден”, “Алвидо, қурол”, “Америка фожиаси

62. “Мартин Иден” романини ким ёзган?

- А. Марк Твен
- В. Теодор Драйзер
- С. Жек Лондон
- Д. Эрнест Хемингуэй

ЖН ВА ОН ТОПШИРИҚЛАРИ БЎЙИЧА САВОЛНОМАЛАР

1 - ЖН ОҒЗАКИ СЎРОВ ВАРИАНТЛАРИ

1. Бадиий адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.
2. Энг қадимги ёзма ёдгорликлар деганда нимани тушунасиз?
3. Қадимги миф ва афсоналар ҳақида нималарни биласиз?
4. Қадимги қўшиқлар ва лирик шеърлар ҳақида гапириб беринг.
5. Достон ва унинг турлари ҳақида нималарни биласиз?
6. "Авесто" қандай китоб, у ҳақда нималарни биласиз?
7. Ўрхун-Энасой ёдгорликлари, уларнинг ўрганилиши тарихи ва бадиий аҳамияти ҳақида сўзланг.
8. Туркий адабиётда дидактик достоннинг илк намунаси қайси асар саналади?
9. Тарихий афсоналарда қандай мифологик образлар иштирок этади?
10. Нутқий фаолият деганда нимани тушунасиз?
11. Энг қадимий нутқ қандай шаклда намоён бўлган? Унинг хусусиятларини сўзлаб беринг.
12. Адабий сўзлашув нутқи қаерларда намоён бўлади?
13. Кундалик сўзлаш қайси хусусиятлари билан ажралиб туради?
14. Ёзма нутқ қандай меъёрларга асосланади?
15. Диалогик нутқ мазмунан қандай кўринишларда бўлиши мумкин?
16. Қисқартма сўзлар имлоси ҳақида нималарни биласиз?
17. Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари ҳақида гапириб беринг.
18. Тиниш белгиларининг ўзига хос хусусияти ҳақида гапириб беринг.
19. Жуфт сўзларининг ёзилиши тушунтириб беринг.
20. Ўзбек имлосининг назарий ва асосий тамойиллари нималардан иборат?

2 - ЖН ОҒЗАКИ СЎРОВ ВАРИАНТЛАРИ

1. Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида нималарни биласиз?
2. Ҳадис нима?
3. Шоҳнома қандай асар?
4. Ҳикмат нима?
5. Аҳмад Яссавий ва унинг «Девони хикмат» асари ҳақида нималарни биласиз?
6. Аҳмад Яссавий ҳикматларининг манбалари ҳақида сўзланг.
7. Аҳмад Яссавий ҳикматларидан намуналар ёд айтиб, шарҳланг.
8. Нажмиддин Кубронинг адабий мероси ҳақида сўзланг.
9. Нажмиддин Кубро рубоийларида қандай мавзулар қаламга олинади?
10. Жалолиддин Румий - рубоийнавис.
11. Сўз маъносининг кўчиши ҳақида нималарни биласиз?

12. Маъно кўчишининг қандай турлари бор?
13. Метафора нима, мисоллар билан тушунтиринг.
14. Метонимия метафорадан қайси жиҳатлари билан фарқланади?
15. Синекдохага хос хусусиятлар ҳақида сўзлаб беринг.
16. Вазифадошлик нима?
17. Сўзларнинг маънодошлиги деганда нимани тушунаси?
18. Сўзларнинг шаклдошлиги ҳақида гапириб беринг.
19. Зид маъноли сўзларнинг ўзига хос хусусияти ҳақида сўзланг.
20. Сўзнинг ҳиссий-таъсирий жиҳатдан кўринишлари ҳақида нималарни биласиз?
21. Атама нима ?
22. Илмий атамалар ҳақида нималарни биласиз?
23. Нутқ жараёнида маъно кўчишининг турларидан қай мақсадда фойдаланиш мумкин?
24. Сўзларнинг услубий бўёғи деганда нимани тушунаси?
25. Фразеологик birlikларда маънодошлик ҳодисаси содир бўладими?

3 - ЖН ОҒЗАКИ СЎРОВ ВАРИАНТЛАРИ

1. Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолитини ўрганишда қандай манбаларга таянилади? Улар ҳақида сўзланг.
2. Ёш Алишернинг маънавий камолотида кимларнинг таъсири сезилиб турарди?
3. Мавлоно Лутфийнинг ёш шоирга берган юксак баҳосини сўзлаб беринг.
4. Алишер Навоий вазир ва жамоат арбоби сифатида қандай ишларни амалга оширди?
5. Алишер Навоийнинг вазирлик лавозимидан истеъфо беришининг сабаби нимада?
6. Алишер Навоий «Хамса»сининг яратилиши тарихи ҳақида сўзланг.
7. “Хамса” ижод этиш учун «Панж ганж»нинг қандай хусусиятлари бу адабий жанрга хос бўлган меъёр сифатида белгиланди?
8. Шарқ халқлари адабиёти тарихида Шайх Низомийга издошлик қилиш анъанаси қандай йўналишларда давом этди?
9. Алишер Навоий «Хамса»си ва унинг яратилиши тарихига доир нималарни биласиз?
10. “Хайрат ул-аброр”дан келтирилган мақолат ва хикоятларнинг мазмун-моҳияти, ғояси нималардан иборат?
11. Лайли ва Мажнуннинг дардчил, ишқий - саргузашти мавзуининг тарихий асоси ва тадрижий тақомили хусусида нималарни биласиз?

12. Лайли ва Мажнуннинг пок севгиси ҳақидаги мушоҳадаларингизни баён этинг. Мажнуннинг Каъба зиёрати лавҳасини шарҳлашга ҳаракат қилинг.

13. “Саддий Искандарий”нинг номланишида қандай мажозий маъно мужассам? Уни бошқа дostonлар номлари билан изоҳлашга ҳаракат қилинг.

14. Искандарнинг адолатли шох эканлиги дostonдаги қайси лавҳаларда ўз ифодасини топган? Улуғ жаҳонгир васиятининг моҳияти нималардан иборат?

15. Гапга хос асосий хусусиятлар нималардан иборат

16. Киритма гаплар ҳақида фикрингиз баён қилинг.

17. Диалогик матн нима?

18. Диалогик матнда гап қурилиш қандай бўлади?

19. Гапларнинг маъно ва муносабатига кўра турлари ҳақида сўзланг.

20. Матн нима?

21. Матнни қисқартириш йўллари тушунтириб беринг.

22. Феъл кесим қайси сўз туркумига оид сўзлар билан ифодаланади?

23. От кесимга хос хусусиятлар ҳақида сўзланг.

4 - ЖН ОҒЗАКИ СЎРОВ ВАРИАНТЛАРИ

1. Нодира лирик меросида қандай мавзулар қаламга олинади?

2. Нодиранинг илм ва ижод аҳлига ҳомийлиги тўғрисида нималарни биласиз?

3. Муқимий ҳаёти ҳақида сўзланг.

4. Муқимий ижодий мероси ҳақида нималарни биласиз?

5. Ҳамид Олимжоннинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзланг.

6. Ҳамид Олимжон ижодида бахт ва шодлик мавзуси қандай тараннум қилинган?

7. Зулфия ижодида хотин-қизлар мавзуси қандай ўрин тутади?

8. Зулфия қандай мавзуларда қалам тебратди?

9. С. Зуннунованин “Рух билан суҳбат” дostonида қандай ғоя илгари сурилади?

10. Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзланг.

11. Эркин Воҳидовнинг қандай шеърий тўпламлари бор?

12. Эркин Воҳидовнинг “Рухлар исёни” дostonида озодлик мавзуси ҳақида сўзланг.

13. “Рухлар исёни” дostonидаги “Жаҳолат тўғрисидаги” ривоятда қандай ғоя илгари сурилган?

14. Гапларнинг тузилишига кўра турлари ҳақида гапиринг.

15. Қўшма гапнинг қандай турлари бор?

16. Боғланган қўшма гап ҳақида нималарни биласиз?

17. Боғланган қўшма гапларда содда гаплар ўзаро қандай боғланади?

18. Зидлов боғловчили боғланган кўшма гапнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?

19. Бириктирув боғловчили боғланган кўшма гаплар қандай воситалар билан боғланади?

20. Айирув боғловчилари орқали боғланган кўшма гап тузинг ва изоҳланг.

5 - ЖН ОҒЗАКИ СЎРОВ ВАРИАНТЛАРИ

1. Эргашган кўшма гаплар ҳақида маълумот беринг.
2. Эргаш гап бош гапга қандай воситалар билан боғланади?
3. Қандай гаплар кўчирма гапли кўшма гаплар саналади?
4. Эргаш гапли кўшма гапнинг қандай турлари бор?
5. Боғловчисиз кўшма гаплар ҳақида нималарни биласиз?
6. Боғловчисиз кўшма гапларда қандай тиниш белгиларининг ишлатилади?

7. Кўчирма гапли кўшма гапларда тиниш белгиларининг ишлатилиши изоҳлаб беринг.

8. Мураккаб кўшма гапларнинг турлари ҳақида маълумот беринг.

9. Бир неча эргаш гапли кўшма гапларга хос хусусиятларни тушунтириб беринг.

10. Қисмлари уюшган мураккаб кўшма гапларни изоҳланг.

11. Қандай гаплар аралаш мураккаб кўшма гаплар саналади?

12. Нутқ услублари ҳақида маълумот беринг.

13. Сўзлашув услубига хос бўлган хусусиятлар нималардан иборат?

14. Публицистик услубдан қайси ўринларда фойдаланилади?

15. Илмий услубнинг ўзига хос хусусиятларини сананг.

16. Расмий услубнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

17. Бадиий услубга хос бўлган хусусиятларни изоҳланг. Бу услубдан кўпроқ қаерларда фойдаланилади?

18. Ўткир Ҳошимовнинг “Баҳор қайтмайди” қиссаси нега шундай номланган?

19. Абдулла Ориповнинг “Биринчи муҳаббатим” шеърида лирик қаҳрамонининг қалб кечинмалари қандай тасвирланган?

20. Фузулий лирик меросининг мавзулар олами ҳақида сўзлаб беринг.

21. Генрих Гейненинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаолияти ҳақида нималарни биласиз?

22. Жек Лондон ҳаёти ва адабий мероси ҳақида сўзланг.

23. Жек Лондон “Ҳаётга муҳаббат” ҳикоясида яшаш ва ўлим ғояларининг бадиий талқини ҳақида сўзланг.

24. Эрнест Хемингуэйнинг “Чол ва денгиз” асарида инсон қудратига ёзувчининг чексиз ишончи қайси сиймо мисолида берилади?

25. Чингиз Айтматов асарларида инсон табиатидаги устувор сифатлар ҳақида фикр айтишга уриниб кўринг.

О Н ТОПШИРИҚЛАРИ БЎЙИЧА ЁЗМА ИШ СЎРОВ ВАРИАНТЛАРИ

1-вариант

1. Тил ва тафаккурнинг ўзаро алоқадорлиги.
2. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши.

2-вариант

1. Нутқий фаолият кўринишлари ҳақида маълумот.
2. Вазифадошлик ҳодисаси ҳақида маълумот.

3-вариант

1. Қадимги туркий тил.
2. Адабиёт - сўз санъати.

4-вариант

1. Тил ва нутқ муносабати.
2. Метафора ҳодисаси ва унинг кўринишлари.

5-вариант

1. Эски ўзбек адабий тили.
2. Синекдоха йўли билан маъно кўчиши.

6-вариант

1. Ҳозирги ўзбек адабий тили.
2. Касбга оид сўзлар ҳақида маълумот.

7-вариант

1. Бадиий адабиёт - инсон фаолиятининг маҳсули.
2. Сўзларнинг ҳиссий таъсирий жиҳатдан турлари.

8-вариант

1. “Авесто” Ўрта Осиё халқларининг муштарак ёдгорлиги.
2. Илмий атамаларнинг қўлланиши.

9-вариант

1. “Авесто”нинг тарихий-маърифий ва адабий қиммати.
2. Аҳмад Яссавий ҳаёти ва ижоди.

10-вариант

1. “Девони ҳикмат”даги ҳикматлар таҳлили.
2. Метонимия ҳодисасининг ўзига хос хусусиятлари.

11-вариант

1. Гапларнинг тузилишига кўра турлари.
2. Матн нима?

12-вариант

1. Тавсифий матн.
2. “Хамса” чилик анъанаси.

13-вариант

1. Диалогик матннинг тузилиши.
2. “Ҳайрат ул-аброр” – муқаддимавий дoston.

14-вариант

1. Диалогик матнда лисоний воситаларининг қўлланиши.

2. «Лайли ва Мажнун» - ишқий, фожевий дoston.

15-вариант

1. Гаплар доирасида синонимия ҳодисаси.

2. “Садди Искандарий”- “Хамса”нинг хотимавий достони.

16-вариант

1. Матнни кенгайтиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

2. Нодири ҳаёти ва ижоди.

17-вариант

1. Матнни қисқартириш йўллари.

2. Навоий “Хамса”си XV асрдаги халқимиз маънавий тараққиётининг кўзгуси .

18-вариант

1. Нодири лирикасида мавзулар олами.

2. Қўшма гап ва унинг турлари ҳақида маълумот.

19-вариант

1. Муқимий лирикаси.

2. Боғланган қўшма гапларнинг ўзига хос хусусиятлари.

20-вариант

1. Ҳамид Олимжон - ўзбек адабиётининг йирик вакили.

2. Боғланган қўшма гапларнинг турлари.

21-вариант

1. С. Зуннонова – ҳассос шоира.

2. Эргашган қўшма гаплар ҳақида маълумот.

22- вариант

1. Эркин Воҳидов – дostonнавис.

2. Боғловчисиз қўшма гап ҳақида маълумот.

23-вариант

1. «Рухлар исёни» - фалсафий, фожей ва қаҳрамонлик дostonи.

2. Эргашган қўшма гапларда бош ва эргаш гапларни боғловчи воситалар.

24-вариант

1. Боғловчисиз қўшма гапнинг турлари.

2. Ўткир Ҳошимов ”Баҳор қайтмайди” қиссасида вафо ва садоқат масаласи.

25-вариант

1. Боғловчисиз қўшма гапларда тиниш белгиларининг ишлатилиши.

2. Фузулий лирик меросида мавзулар олами.

26-вариант

1. Кўчирма гап ва муаллиф гапи ҳақида умумий маълумот.

2. Генрих Гейненинг ижтимоий - сиёсий ҳаётдаги фаолияти.

27-вариант

1. Кўчирма гапли қўшма гапларда тиниш белгиларининг ишлатилиши.

2. Абдулла Ориповнинг “Биринчи муҳаббатим” шеъри таҳлили.

28-вариант

1. Мураккаб қўшма гап ҳақида маълумот.
2. Эрнест Хемингуэйнинг “Чол ва денгиз” қиссасида инсон иродасининг бадиий талқини.

29-вариант

1. Мураккаб қўшма гапларнинг турлари.
2. Жек Лондоннинг “Ҳаётга муҳаббат” ҳикоясида ҳаёт ва ўлим муаммосининг бадиий талқини.

30-вариант

1. Сўзлашув, публицистик ва илмий услубларининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Чингиз Айтматов асарларида табиат ва инсон тақдири масаласи.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ.....	3
ФАННИ ЎҚИТИШНИНГ ТАҚВИМИЙ РЕЖАСИ.....	4
<i>1-мавзу: Тил ва тафаккур, уларнинг ўзаро муносабатлари. Тил ва нутқ. Нуткий фаолият кўринишлари.....</i>	<i>6</i>
<i>2-мавзу: Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари.....</i>	<i>8</i>
<i>3-мавзу: Давлат тили тўғрисидаги қонун ва ундан келиб чиқадиган вазифалар.....</i>	<i>10</i>
<i>4-мавзу: Тўғри ёзиш-саводхонлик асоси. Ўзбек имлосининг назарий асос ва тамойиллари.....</i>	<i>11</i>
<i>5-мавзу: Сўз ўзагига қўшимча қўшганда юз берадиган товуш ўзгаришлари асосида тўғри ёзиш.....</i>	<i>13</i>
<i>6-мавзу: Қўшма ва жуфт сўзлар имлоси.....</i>	<i>15</i>
<i>7- мавзу: Бош ҳарфлар ва қисқартма сўзлар имлоси.....</i>	<i>17</i>
<i>8- мавзу: Тиниш белгилари имлоси.....</i>	<i>18</i>
<i>9-мавзу: Нутқда сўзни тўғри танлаш мезонлари.....</i>	<i>23</i>
<i>10-мавзу: Адабиёт – маънавиятни юксалтириш воситаси. Бадий адабиёт инсон камолотида асосий восита эканлиги.....</i>	<i>24</i>
<i>11-12-мавзу: Халқ оғзаки ижоди - бебаҳо бойлик. Рустамхон достони. Достон ва унинг турлари, достончилик тарихи ҳақида маълумот.....</i>	<i>26</i>
<i>13- мавзу: Қадимий адабий ёдгорликлар – маънавият дурдоналари. “Авесто” – қомусий моҳиятга эга муқаддас китоб.....</i>	<i>28</i>
<i>14-мавзу: Ўрхун–Энасой обидаларининг адабий-бадий қиммати.....</i>	<i>30</i>
<i>15-16- мавзу: Илдизни билиш ўзликни англашдир. Имом Исмоил ал-Бухорий. Иншо: Ҳадис илмий сабоқлари.....</i>	<i>32</i>
<i>17-мавзу: Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари.....</i>	<i>35</i>
<i>18-мавзу: Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар.....</i>	<i>37</i>
<i>19-мавзу: Нажмиддин Кубро. Рубойлар.....</i>	<i>40</i>
<i>20-мавзу: Жалолиддин Румий. Рубойлар.....</i>	<i>43</i>
<i>21-мавзу: Сўз маъносининг кўчиши ва нутқда бундан ўринли фойдаланиш.....</i>	<i>47</i>
<i>22-мавзу: Сўзларнинг маънодошлиги, шаклдошлиги ва зид маънолиги ва буларнинг сўз қўллаш имкониятларига муносабатлари.....</i>	<i>49</i>
<i>23-мавзу: Сўзнинг ҳиссий-таъсирий жихатдан нутқдаги ўрни. Касбга оид сўзлар ва илмий атамалардан нутқда ўринли фойдаланиш.....</i>	<i>52</i>
<i>24-мавзу: Ифода аниқлиги – фикр равшанлиги. Гап – матн сифатида.....</i>	<i>53</i>
<i>25-мавзу: Киритма гаплар. Феъл кесим ва от кесим.....</i>	<i>55</i>
<i>26-мавзу: Диалогик матнда лисоний воситалар ва гап қурилиши.....</i>	<i>57</i>
<i>27-мавзу: Гапнинг шаклий-мазмуний тузилиши ва унинг турларида синонимия кўлам.....</i>	<i>58</i>

28-29-мавзу: Матнни кенгайтириш. Матнни қисқартириш имкониятлари.....	60
30-мавзу: Алишер Навоий “Хамса”си. “Ҳайрат ул-аброр”достони.....	62
31-мавзу: “Лайли ва Мажнун” достони.....	67
32-мавзу: “Сабъаи сайёр” достони.....	70
33-34 мавзу: “Саъдий Искандарий” достони. Иншо: “Ҳайрат ул - аброр” ҳикматлари”	73
35-мавзу: Нодира лирикаси.....	76
36-мавзу: Муқимий ғазаллари.....	78
37-мавзу: Ҳамид Олимжон ва Зулфия.....	81
38-мавзу: С. Зуннуова. “Рух билан суҳбат” асари.....	85
39 - 40- мавзу: Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижоди. “Рухлар исёни” достонидаги “Жаҳолат тўғрисида ривоят” таҳлили.....	87
41-мавзу: Боғланган қўшма гаплар.....	91
42-43- мавзу: Эргашган қўшма гаплар, уларнинг таркиби. Эргаш гапни бош гапга боғловчи воситалар.....	93
44-мавзу: Эргаш гапли қўшма гап турлари.....	95
45-мавзу: Боғловчисиз қўшма гап.....	98
46-мавзу: Кўчирма гапли қўшма гаплар.....	99
47-мавзу: Мураккаб қўшма гаплар.....	101
48-мавзу: Нутқ услублари. Сўзлашув, публицистик ва илмий услублар.....	103
49-мавзу: Бадиий ва расмий услуб.....	104
50-мавзу: Ўткир Ҳошимовнинг “Баҳор қайтмайди” қиссаси.....	105
51- Мавзу: Абдулла Орипов. “Шоир лирик қаҳрамонининг қалб кечинмалари (Биринчи муҳаббатим)”	107
52-53-мавзу: Тоҳир Малик. “Алвидо, болалик” қиссаси. Иншо: “Алвидо, болалик” қиссасидан олган таассуротларим”	110
54-мавзу: Муҳаммад Юсуф. Шеърлар.....	112
55-мавзу: Муҳаммад Фузулий ғазаллари.....	114
56-мавзу: Генрих Гейне шеърлари.....	116
57- 58 -мавзу: Жек Лондон. “Ҳаётга муҳаббат” ҳикояси.....	119
59-мавзу: Эрнест Хемингуэйнинг “Чол ва денгиз” асари.....	121
60-мавзу: Чингиз Айтматовнинг “Ҷамила” қиссаси.....	124
Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.....	128
Назорат тестлари.....	129
Жн ва он топшириқлари бўйича саволномалар.....	139
1 - жн оғзаки сўров вариантлари.....	139
2 - жн оғзаки сўров вариантлари.....	139
3 - жн оғзаки сўров вариантлари.....	140
4 - жн оғзаки сўров вариантлари.....	141
5 - жн оғзаки сўров вариантлари.....	142
О н топшириқлари бўйича ёзма иш сўров вариантлари.....	143

М. Ражабова

ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ

(Касб-хунар коллежлари учун усулий қўлланма)

МУҲАРРИР:	<i>И. СУБҲОНИЙ</i>
ТЕХНИК МУҲАРРИР:	<i>Н. ТЎРАЕВ</i>
МУСАҲҲИҲ:	<i>Ҳ. ТУРДИЕВ</i>
САҲИФАЛОВЧИ:	<i>А. ЗОИРОВ</i>

***“Бухоро” нашриёти: Бухоро шаҳри,
И. Мўминов кўчаси, 27.***

Бичими: 60x84 ¹/₁₆. «Virtec Times Uz» гарнитурасида
офсет босма усулида босилди. 9,25 шарт. б.т.
9 ҳисоб-нашр.т. Адади 503 нусха. 38-сон буюртма.
Баҳоси келишилган нархда.

«STANDART-POLIGRAF»

хусусий ишлаб чиқариш корхонасида чоп этилди:
Бухоро шаҳри, Навоий шохкўчаси, 6-уй.
Тел:223-47-08. E-mail: standartpol@list.ru